

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**АБДАЛОВА ЗУЛХУМОР ТОИРОВНА
ТОЖИЕВА ЗУЛХУМОР НАЗАРОВНА**

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

Ўқув қўлланма

Тошкент- 2013

Муаллифлар: Абдалова З.Т., Тожиева З.Н.

Тақризчилар:

География фанлари доктори, профессор Т.Жумаев

Иқтисод фанлари номзоди, доцент Х.Асилов

Маъсул мухаррир: география фанлари номзоди, доцент Ш.А.Азимов

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти Ўқув-методика бўлими томонидан нашрга тавсия этилган.

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

Ўқув қўлланма

Мазкур ўқув қўлланмада иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий асослари, дунё иқтисодий географияси ва ундаги ўзгаришлар, Ўзбекистонининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ҳозирги ҳолати, табиий шароити ва ресурслари, аҳолиси ва демографик вазияти, транспорт ва инфраструктураси, ташқи иқтисодий алоқалари ва иқтисодий районларига ҳар томонлама баҳо берилган.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт ва география факультетлари бакалавр, магистр ва аспирантларига, шунингдек, минтақавий иқтисодиёт ва ижтимоий-иқтисодий география кафедралари ўқитувчилари ҳамда минтақавий иқтисодиёт билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва тадқиқ этиш билан шуғулланадиган қатор мутахассис ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

В учебном пособие изложены основы теории и практики экономической и социальной географии, дана оценка основным изменениям, происходящим в экономической географии мира, характеризуются важнейшие понятия, методы и актуальные направления экономической и социальной географии, рассматриваются природно-климатические условия, население и демографическая ситуация, транспорт и инфраструктура, внешнеэкономические связи и экономические районы Республики Узбекистан.

Учебное пособие рассчитано для бакалавров, магистров, преподавателей и специалистов, изучающих актуальные проблеммы социальной и экономической географии, а также региональной экономики.

In the manual the fundamentals of theory and practice of economic and social geography are presented, main changes in the world economical geography are evaluated, significant concepts; methods and current direction of economic and social geography are characterized as well. Moreover, natural and climatic conditions, population and demography, transport and infrastructure, external economic relations and economic areas of the Republic of Uzbekistan are considered. The manual is designed for bachelors, masters, teachers and specialists who study current issues of social and economic geography and regional economics.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	5
1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	6
1.1. “Иқтисодий география” фанининг объекти, предмети ва вазифалари.....	6
1.2. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омиллари ва тамойиллари...	15
2-БОБ. ДУНЁ ГЕОГРАФИЯСИГА УМУМИЙ ТАЪРИФ.....	23
2.1. Ҳозирги замон дунё сиёсий ва иқтисодий картаси.....	23
2.2. Дунё аҳолиси географияси.....	33
2.3. Дунё хўжалиги географияси.....	63
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА УНИНГ РЕСУРС САЛОҲИЯТИ.....	101
3.1. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимидағи ўрни.....	101
3.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистоннинг табиий ресурс салоҳияти, улардан оқилона фойдаланиш.....	104
3.3. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳамда бандлиги муаммолари.....	112
4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ.....	128
4.1. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистон саноат географияси.....	128
4.2. Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришларида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги географияси.....	145
4.3. Ўзбекистон транспорти, инфраструктура, ташқи иқтисодий алоқалар географияси.....	166
4.4. Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлари ва йирик табиий- иқтисодий минтақалари.....	186
ГЛОССАРИЙ (ТАЯН СЎЗЛАР).....	213
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	219

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ.....	5
ГЛАВА 1. ЦЕЛЬ И ЗАДАЧИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ.....	6
1.1. Объект, предмет и задачи экономической географии.....	6
1.2. Факторы, принципы размещения и развития производительных сил в условиях реформирования экономики.....	15
ГЛАВА 2. ГЕОГРАФИЯ МИРА.....	23
2.1. Современная политическая и экономическая карта мира.....	23
2.2. География населения мира.....	33
2.3. География хозяйства мира.....	63
ГЛАВА 3. РЕСУРСНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	101
3.1. Место Узбекистана в мировом сообществе.....	101
3.2. Рациональное использование природным потенциалом Республики Узбекистан в условиях модернизации экономики.....	104
3.3. Население и трудовые ресурсы Узбекистана, и их занятость в условиях структурного преобразования экономики.....	112
ГЛАВА 4. ОТРАСЛЕВАЯ СТРУКТУРА И ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЙОНИРОВАНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	128
4.1. География промышленности Узбекистана в условиях модернизации.....	128
4.2. География сельского хозяйство Узбекистана в условиях структурного преобразования экономики.....	145
4.3. География транспорта, инфраструктуры и внешнеэкономической деятельности Узбекистана.....	166
4.4. Экономико- географические и крупные природно-экономические регионы.....	186
ГЛОССАРИЙ (ОПОРНЫЕ ТЕРМИНЫ).....	213
СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ.....	219

CONTENT

INTRODUCTION.....	5
CHAPTER 1. PURPOSE AND OBJECTIVES OF ECONOMIC GEOGRAPHY.....	6
1.1. Object, subject and roles of economic geography.....	6
1.2. Factors principles of location and development of the productive forces in terms of reforming the economy.....	15
CHAPTER 2. World Geography.....	23
2.1. The current political and economic map of the world.....	23
2.2. The geography of the world.....	33
2.3. The geography of the world economy.....	63
CHAPTER 3. RESOURCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	101
3.1. Uzbekistan in the world community.....	101
3.2. Rational use of natural potential of Uzbekistan in the modernization of the economy.....	104
3.3. Population and employment in Uzbekistan, and their employment in a structural conversion of economy.....	112
CHAPTER 4. ECONOMIC STRUCTURE AND ZONING OF UZBEKISTAN.....	128
4.1. Geography of Industry in Uzbekistan.....	128
4.2. Geography of Uzbekistan's agriculture in the structural transformation of the economy.....	145
4.3. Geography of Transport, Infrastructure and Foreign Economic Activity of Uzbekistan.....	166
4.4. Economic geography and major nature-economic regions.....	186
GLOSSARY.....	213
REFERENCES.....	219

СҮЗ БОШИ

XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошида дунёда қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Бу эса жаҳон иқтисодиётига, аҳоли географиясига, минтақалар ривожланишига жуда катта таъсир этди. Ер шари картасида қўплаб мустақилликка эришган давлатлар пайдо бўлди, интернационаллашув, глобаллашув, интеграциялашув жараёнлари кучайди.

Сиёсий вазият, дунё хўжалиги ва унинг таркиби, ихтисослашувининг сифат ва миқдори қўрсаткичлари ўзгариб борди. Жаҳон мамлакатлари интеграцияси кучайиб, янгидан-янги сиёсий ва иқтисодий иттифоқлар, бирлашмалар, блоклар вужудга келди. Кўпгина давлатлар иқтисодиётида янгиланиш, модернизациялашув амалга оширила бошланди.

Тавсия этилаётган ушбу ўкув қўлланмада иқтисодий ва ижтимоий географиянинг, жаҳоннинг ҳамда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географиясининг кўпгина долзарб муаммолари, масалалари ўз аксини топган. Китобда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ислоҳотлар, табиий шароити ва ресурслари, демографик вазияти, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт алоқалари ва ташқи иқтисодий фаолияти, маъмурий – ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар, иқтисодий районлаштириш ва унинг замонавий муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда 200 га яқин манбалардан, яъни турли адабиётлар, статистик тўпламлар, Давлат дастурлари ва қатор хужжатлардан фойдаланилди. Ўқув қўлланма бешта қисмдан иборат: Сўз боши, иқтисодий географиянинг назарий асослари; дунё географиясига умумий таъриф; Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақалари ресурс салоҳиятини баҳолаш; Ўзбекистон Республикаси хўжалик тармоқлари ва иқтисодий районлаштириш. Китобда айрим масалалар муаллифлар назаридан четда қолган бўлиши мумкин. Шу боисдан, ўқув қўлланмани келажакда янада яхшилаш мақсадида билдирган таклиф ва маслаҳатларингизни кутамиз.

Муаллифлар

1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. “Иқтисодий география” фанининг объекти, предмети мазмуни, мақсади ва вазифалари

Режа:

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг вужудга келиш
2. Фанинг тадқиқот объекти ва предмети
3. Фанинг тадқиқот методлари
4. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг фанлари тизимидағи роли

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг вужудга келиши

География фанининг ривожланиши қадимги Антик даврида мамлакатлар ўртасида худудий (географик) меҳнат тақсимоти, яъни ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий шароити ва ресурслари, иқтисодий географик ўрни, халқларнинг урф-одатлари ва анъанлари асосида маълум бир товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашиши ва улар ўртасида товар айирбошлиш жараёнининг шаклланиши даврига бориб тақалади.

Мамлакатлар ўртасида худудий меҳнат тақсимотининг шаклланиши география фанлари тизимида дастлаб иқтисодий-географик тадқиқотларни вужудга келишига олиб келади. Қадимги юонон олими Страбон ўзининг ўн етти томлик «География» деб номланган асарида, аҳолининг ҳудудий жойлашуви, мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги товар ишлаб чиқариш ва савдо сотиқ алоқаларини ёритади.

Ўрта асрларда, жаҳон мамлакатларида натурал хўжалик хукм сурган даврда, антик даврда олиб борилган иқтисодий географик изланишлар бир оз сустлашади. Маълумки, Буюк Географик кашфиётлар халқаро савдо ва илк капиталистик муносабатларнинг ривожланишига олиб келади. Бу даврда ҳудудий меҳнат тақсимотининг чукурлашиши ва жаҳон хўжалигининг шаклланиши, ўз навбатида, иқтисодий география фанининг ривожланишини талаб этади. Мамлакатлар ва уларнинг ҳудудий бирликлари ҳақидаги

иктисодий географик тавсиф ғарбий европалик олимларнинг асарларида ўша даврларда жуда чуқур талқин этилган. Айниқса, илк географик билимларнинг назарий жиҳатлари, мамлакатнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган иқтисодий-географик ўрин, ернинг устки тузилиши, аҳолининг таркиби, шаҳарлар, сиёсий тузум масалаларига қаратилган.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг кириб келиши ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишига олиб келади. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва уни жойлаштириш мамлакат ҳудудлари тўғрисида маълум билимларни ва маълумотларни тўплашни талаб этади. Бинобарин, ишлаб чиқариш корхоналарини самарали ва оқилона жойлаштиришда ҳудуднинг хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилганлик даражасини, унинг табиий, демографик, моддий шарт-шароитларини ва имкониятларини ўрганиш эҳтиёжи иқтисодий география фанини география фанидан ажралиб чиқишига ва алоҳида мустакил фан сифатида ривожланишига олиб келди. Агар “Табиий география” фани географик қобиқда кечаётган табиий жараёнларни ва ҳодисаларни ўрганса, “Иқтисодий география” фани эса ишлаб чиқаришни, хусусан, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини тадқиқ этади.

«Иқтисодий география» атамасини фанга дастлаб рус олими М.В. Ломоносов томонидан 1760 йилларда киритилади ва кейинчалик бутун дунёда эътироф этилади. Олимнинг асосий ғоясида эътибор, иқтисодиётни ривожланишида мамлакатни иқтисодий географик нуқтаи-назардан тадқиқ қилиш ғоят муҳим ва зарурлигига қаратилади, шунингдек ҳудудларнинг хўжалигини ўргангандаги даврийлик жиҳатдан ўрганиш ва табиий ресурсларни ўзлаштириш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Ғарбий Европа мамлакатларида ХVIII асрнинг ярмида иқтисодий география фанининг илмий мактаблари Германия, Франция, Буюк Британияда шаклланади ва ривожланади. Бу бежиз эмас албатта, чунки бу мамлакатларда фан-техника соҳасининг тараққий этиши, саноат инқилобининг рўй бериш ва дастлаб бозор иқтисодиёти муносабатларини

шаклланиши ишлаб чиқаришни ва бунинг натижасида, мамлакат ҳудудлари тўғрисидаги иқтисодий билимларни ривожланишига олиб келади.

Ўша даврларда иқтисодий география фанига немис олим А.Гумбольд, К.Риттер. И.Тюнен, К.И. Арсеньев жуда катта ҳисса қўшишган. Иқтисодий география фанини собиқ Иттифок даврида ривожланишига олдинги асрнинг XX йилларида амалга оширилган бутун мамлакатни электрлаштиришга қаратилган дастурни амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган. Бу режага мувофиқ, иқтисодиётни қўтариш нуқтаи-назаридан, ҳудудлардаги маҳаллий ёқилғи ресурслари асосида йирик электростанцияларни қуриш ва уларнинг негизида металлургия, машинасозлик, химия саноати тармоқларини шакллантиришга қаратилган эди. Бу режанинг асосий мақсади, мамлакат ҳудудларида катта аҳамиятга эга бўлган оғир саноат тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш бўлиб, бунинг натижасида, йирик транспорт магистрал йўлларини ташкил этиш ҳам эътиборга олинган.

Мазкур режани амалга ошириш ўз навбатида, мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ва шароитларини, иқтисодий географик ўрнини, аҳоли ва меҳнат ресурсларни, ҳудудий ихтисослашиш ва бошқа имконият ва шароитларни мажмуали ўрганишни талаб этади. Оқибатда, эса иқтисодий географик тадқиқотларни олиб бориш заруриятини юзага келтиради. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий илмий йўналишларида, мамлакат иқтисодиётини жадал суръатларда ривожлантириш ва саноатлаштириш мақсадида иқтисодий районлаштириш ва янги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларни ташкил этишнинг назарий масалаларини яратишига катта эътибор қаратилади. Ушбу режа асосида, Ўзбекистон Республикасидаги илк йирик гидроэлектростанцияларининг каскади Чирчик-Бозсу гидроэлектроэнергия каскади қурилади ва Тошкент вилоятида электроэнергетика, металлургия ва химия машинасозлик корхоналари ташкил топади. Шу даврда иқтисодий география фанининг ривожланишига Г.М.Кржижановский, И.Г.Александров, Ю.Г.Саушкин ва Н.Н.Баранскийлар

ва қатор олимлар катта ҳисса қўшади ва ўзларининг илмий мактабларини яратишади.

Иқтисодий география фанини Ўзбекистонда ривожланиши XX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади, 1906 йилларда Туркистон география жамияти ташкил топади, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий қисмлари бўлган сиёсий ва аҳоли география фанларининг тармоқлари ривожланади. Халқ хўжалигини саноатлаштириш, минерал хом–ашё, ер-сув ресурсларини ўзлаштириш, транспорт магистралларини қуриш, шаҳар аҳоли пунктларини яратилиши мамлакатнинг ҳудудий хусусиятларини ва имкониятларини ривожлантиришни талаб этади ва иқтисодий география фанини Ўзбекистонда кенг қамровли ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистонда иқтисодий география фанини ривожланишида М.Беҳбудий, В.М.Четыркин, Г.М.Черданцев, К.И.Лапкин, Н.Г.Цапенко, Н.В. Смирнов, З.М.Акрамов, М.К.Қораҳонов ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлган.

2. Фаннинг тадқиқот обьекти ва предмети

Маълумки, ҳар қандай фаннинг тадқиқот обьекти ва предмети бўлади. Объект бу кенг ва серқирра маънодаги воқъеа ва ҳодиса бўлиб, бу обьектни кўпгина фанлар ўрганиши мумкин. Объектдан фарқли ўлароқ, предмет эса шу обьектнинг бир томонини ёки маълум бир қирраси ўрганади. Масалан, аҳолини, айни пайтда иқтисодчилар, демографлар, географлар, социологлар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам ўрганади. Бироқ, ҳар бир соҳа вакили бир-биридан фарқли ўлароқ, шу обьектнинг бир томонини ўрганишади. Агар иқтисодчилар, аҳолини ишлаб чиқарувчи кучи ва истеъмолчи нуқтаи назардан ўрганишса, демограф ёки аҳолишунослар аҳолини такрор барпо этиш, табиий кўпайиши, миграцион кўпайиши, туғилиш, ўлим, никоҳ ва бошқа жараёнларни, географлар эса аҳолининг ҳудудий жойлашиш қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади.

Иқтисодий география фани табиий ва ижтимоий фанлар ўртасида шаклланган фан бўлиб, жамият ривожланишида рўй берадиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, бу фанинг обьекти ва предметини ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатиб келади. Иқтисодий география фанинг илк пайдо бўлган давридан бошлаб, фанинг обьекти ишлаб чиқариш кучлари бўлган бўлса, унинг предмети эса ишлаб чиқариш кучларининг шаклланиши, жойлашиши ва ривожланишининг ҳудудий жиҳатларини ташкил этган.

Жамият ривожланиши жараёнида иқтисодий географиянинг ўрганиш обьекти ва предметида ҳам ўзгаришлар намоён бўлади. Иқтисодий география фанинг назарий асослари, жамиятда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида мунтазам ривожланиб ва такомиллашиб боради. Географик тадқиқотлар фақатгина иқтисодий йуналишда ривожланиб қолмай, балким, унинг ижтимоийлашуви, яъни ижтимоий тизимларни аҳоли, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалар, аҳоли манзилгоҳлари ва ҳокозаларнинг ҳудудий жойлашиши ва ривожланиш доирасида ҳам олиб борилади.

Ҳозирги даврда иқтисодий ва ижтимоий география фанинг асосий обьекти, ҳудудий ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар бўлиб, уларнинг ҳудудий жойлашиши, шаклланиши, ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари фанинг предметини ташкил этади.

3. Фанинг тадқиқот методлари

Фанинг обьекти ва предметини тўғри билиш, уларни келиб чиқишини, ривожланишини илмий асосда таҳлил этишда ва обьектив равишда баҳо беришда, маълум иқтисодий географик методларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Иқтисодий ва ижтимоий география фанинг асосий тадқиқот методларига қўйидагилар киради:

Тарихий метод;

Таққослаш метод;
Картографик метод;
Статистика ва математика методи;
Таркибий- тизимли метод;
Моделлаштириш методи
Экстраполяция методи;
Социал сўров методи;
Информация ва бошқа методлар бўлиб бу методларнинг айримлари устида тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодий географик тадқиқотларни олиб борища тарихий метод алоҳида ўринга эга бўлиб, хўжалик ривожланишининг давр (вақт) ва жой бирлиги жиҳатидан ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, ҳудудий иқтисодий-ижтимоий тизимларни шаклланишида ва ривожланишида тарихий жараёнларнинг ва воқеаларнинг ҳал этувчи таъсирини ўрганиш жуда муҳимдир. Масалан, мамлакат ишлаб чиқариш қучларининг шаклланиши ва ривожланишини тарихий босқичлар асосида тадқиқ этиш ва ҳар бир босқичга хос бўлган жараёнларни, омилларни ва ҳодисаларни ўрганиш зарурдир.

Тизимли-таркибий метод иқтисодий география фанида бир мунча мураккаб, бироқ жуда самарали ҳисобланади. Бу метод ўрганилаётган воқеъ ва ҳодисани ўзидан каттароқ бўлган обьект доирасида ўрганишни тақоза этади. Масалан, республикамизнинг бирор вилоятини иқтисодий географик тавсифини олиб борища, шу вилоятнинг майдони, аҳолиси, хўжалиги ва бошқа жиҳатларини ўргангандаги, бу кўрсаткичларни республиканинг яхлит тизимидағи салмоғи ва вилоятнинг республикадаги ўрни ва роли аниқланади. Демак, вилоят ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида эмас, балки турли хил ҳудудий таркиб бирлиги тарзида қўрилиши лозим.

Таққослаш методи ҳам иқтисодий географияда жуда сермаҳсул ва унумли методлардан ҳисобланиб, иккита таққосланашётган обьектлар учун умумий ва ўзига хос томонларни, обьектнинг катта-кичиклиги, унинг афзалликларини, имкониятларини ва омилларини очиб беради.

Экстраполяция методи келажакка баҳо бериш бўлиб, унинг асосий мазмуни ўтмишдаги жараёнларни келажакка қўчириш ёки истиқболни аниқлаш орқали ўрганилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили 3% га яқин ўсиб борадиган бўлса, 2015 йилда республика аҳолисининг сони 30,9 млн кишини ташкил этиши мумкин, деган фикрга келамиз, яъни олдинги ўсиш суръатларини орқали келажакдаги аҳоли сонини аниқлаймиз. Бироқ, экстраполяция методи ҳар доим ҳам тўғри бўлмайди, чунки бу методда иқтисодий, сиёсий, табиий омиллар ва сабаблар эътиборга олинмайди.

4. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг фанлари тизимидағи роли

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркиби мураккаб ва мажмуали фанлар йўналишидан иборат бўлиб, бу тизимни шартли равишда қўйидаги поғоналарга қўйиб чиқамиз.

Биринчи пағонадаги фанларга географиянинг назарий ва фундаментал тадқиқотларни ўрганувчи фанлар: иқтисодий ва ижтимоий география тарихи, иқтисодий, ижтимоий географиянинг назарияси, умумий табиий география, умумий ер билими, ландшафтшунослик ва бошқа фанлар ташкил этади. Чунки, ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий география фанидаги тадқиқотларнинг асосини ёки унинг устқортмасини географиянинг назарий масалалари ташкил этади.

Иккинчи пағонадаги фанлар қаторига географиянинг негизини ташкил этувчи фанлар, табиий–география ва иқтисодий–ижтимоий география фанлари, картография ва ўлкашунослик фанлари киради. Картография фани табиатда ва жамиятда содир бўлаётган воқеъа ва ҳодисаларни карталар ёрдамида акс этириш ва тадқиқ этишни ўз ичига олса, ўлкашунослик фани эса, бу табиий ва иқтисодий география фанларининг мажмуали ёндашувлари асосида ҳар хил ҳудудларни, мамлакатларни ва минтақаларни умумий географик жиҳатдан тавсифлайди.

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг учинчи фанлар поғонасини тармоқ фанларидан иборат бўлган ёки маҳсус фанлар тизимига кирувчи

фанлар ташкил қиласы. Буларга, ахоли географияси, саноат географияси, қишлоқ хұжалиги географияси, хизмат күрсатиши географияси, туризм география, транспорт географияси ва ҳақозалар киради.

Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг түртінчи поғонадаги фанлар жумласига, бошқа фанлар чегарасыда шаклланган фанлар, яғни сиёсий география, ҳарбий география, тијорат географияси, маданият географиясини келтириш мүмкін.

Иқтисодий ва ижтимоий географияның тармоқ фанлари алоҳида салмоққа эга бўлиб, бу фанлар бўйича жуда катта илмий йўналишлар олиб борилган. Ахоли географияси фани иқтисодий ва ижтимоий география фанининг алоҳида бўғини ҳисобланиб, ахолининг таркибини, жойлашишини ва ҳудудий жиҳатдан ташкил этилиш қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади. Шунингдек, ахоли географияси фани шаҳарлар, қишлоқ жойлари географияси билан, миграция, меҳнат ресурслари ва бошқа йўналишларда иш олиб боради.

Мавзу бўйича саволлар:

1. География фанининг ривожланиши қайси даврга тўғри келади?
2. Географик меҳнат тақсимоти деганда нимани тушунасиз?
3. География фанидан иқтисодий география мустақил фан сифатида ривожланиш сабабларини нима?
4. Иқтисодий география фанининг ўрганиш обьекти ва предмети нима?
5. Фанининг қандай тадқиқот методларини биласиз?
6. Иқтисодий география фани тизимидағи қандай фанлар шаклланган ва уларни ўрганиш предмети нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. 2 изд, перераб. и доп.- М.:Кнорус, 2011.
2. Экономическая и социальная география. Учебное пособие. -М.:Владос, 2011.
3. Максаковский В. П. Географическая карта мира. Ч. Т. Общая характеристика мира.- Ярославль, 1993.
4. Организация Объединенных Наций. Основные факты.- М., 2000.
5. Симагин Ю. А. Экономическая и социальная география мира: Учеб. пособие.-М., 2001.
6. Социально-экономическая география зарубежного мира.-М., 1998.

1.2. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омиллари ва тамойиллари

Режа:

1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари
2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари
3. Ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш омиллари

1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ва унинг ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишида табиий ва ижтимоий – иқтисодий шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга. Табиат бевосита ва билвосита жамият ривожланишига таъсир кўрсатади, айниқса, унинг хўжалик юритиш ва аҳолининг турмуш тарзида турлича ҳудудий тафовутларда намоён бўлади. Табиатнинг асосий унсурларини табиий шароит ва табиий ресурслар ташкил этади. Бу тушунчаларнинг мазмуни устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Табиий ресурс – бу табиатнинг шундай элементики, ишлаб чиқариш воситаларини ва истъемол маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Бунга, ёқилғи энергетика, металл ва нометалл, ер, сув, ўсимлик, ҳайвон ва ҳокоза ресурслар киради. Ҳудудларнинг табиий-ресурс салоҳиётини аниқлашда, минтақаларнинг хўжалик жиҳатдан ривожланишида, унинг ихтисослашувида ва географик меҳнат тақсимоти ўрнида табиий ресурсларнинг иқтисодий географик жиҳатдан, унинг сифати ва миқдорини баҳолаш, аниқлаш, иқтисодий географик тадқиқотларда алоҳида ўринга эга.

Табиий ресурсларни иқтисодий географик жиҳатдан баҳолаш қўйидаги томонларини ўз ичига олади:

1. Табиий ресурсларни миқдор жиҳатдан баҳолаш. Бунда табиий ресурсларнинг ҳавзадаги ҳажми, геологик заҳираси ва ҳавзанинг ўзлаштириш муддати аниқланади. Масалан, нефть миллион тоннада, ёғоч эса қуб метрда ўлчанади.

2. Технологик баҳолаш. Бунда табиий ресурсларнинг сифати, табиий ресурснинг фойдалилиги, таркиби ва ҳавзанинг ўзлаштирилиши қулайлиги даражаси баҳоланади. Табиий ресурсларни технологик баҳолаш натижасида, “ўзлаштириш яроқли”, “ўзлаштирилиш яроқлилиги чекланган” ва “яроқсиз” ҳавзаларга гурухланади. Технологик баҳолаш баъзи пайтда балларда баҳоланади, масалан, ўрмон ресурслари 1-5 баллар ўртасида бонитировка қилинади.

3. Иқтисодий баҳолаш. Табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳоланиши деганда, у ёки бу табиий ресурснинг бозор иқтисоди шароитида жаҳон ва ички бозорлардаги нарх-наводан келиб чиқкан ҳолда, унинг қийматини аниқлаш тушунилади.

Табиий шароит–бу табиатнинг шундай элементики, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди, бироқ бу элементнинг иштирокисиз ишлаб чиқариш вужудга келмайди. Бунга, куёш энергияси, намлик, атмосфера ҳавоси, иқлим шароити, рельеф ва хокозалар киради. Табиий шароитнинг таъсири иқтисоднинг очиқ табиатда фаолият кўрсатадиган тармоқларга бевосита таъсир кўрсатади, масалан қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, уларнинг самарадорлиги ва ихтисослиги эса бевосита тупроқ унумдорлигига, иқлимга, сув билан таъминлашига боғлиқ бўлади. Шунингдек, табиий ресурс ҳавзаларини ўзлаштиришда ресурснинг заҳираси ва унинг сифатидан ташқари, ҳавзанинг ўзлаштирилиш қулайлиги ва унинг ер қаърида жойлашиш қатламлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу шароитлар ҳавзанинг ўзлаштирилиш методига, ҳажмига ва қийматига таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишда ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларга меҳнат ресурслари ва моддий- техника базаси киради.

Ишлаб чиқариш кучларининг асосий унсурини инсон ташкил этади, чунки ҳар қандай моддий бойлик ишлаб чиқариш жараёни инсоннинг таъсирисиз фаолият юрита олмайди, маълум бир қўникмага, тажрибага, ихтиносликга, малакага, меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳоли меҳнат ресурсини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш воситалари-бу ишлаб чиқаришнинг асосий моддий базасини ташкил этадиган ва ишлаб чиқаришда бевосита қўлланиладиган предметларга айтилади. Ишлаб чиқариш воситалари - меҳнат предмети ва иш қуролларидан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнига маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб қилинадиган хом ашё ресурслари, яъни, руда, ёқилғи, минераллар ва хоказо, меҳнат предметини ташкил этади. Табиатга ва меҳнат предметига иш қуроллари орқали таъсир кўрсатилади ва маълум товар ишлаб чиқаришга эришилади. Меҳнат қуролларини энг оддий иш қуролларидан бошлаб замонавий техника ускуналари ва воситалари ташкил этади. Демак, ишлаб чиқариш воситаларига, ер, ўрмон, сув, хом ашё, меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш бинолари, транспорт воситалар ва бошқалар киради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш алоҳида қонуниятлар асосида рўй беради. Бу қонуниятлар ишлаб чиқариш кучлари ва ҳудуд ўртасида вужудга келган муносабатлар натижасида юзага келади. Ҳозирги даврда иқтисодиётни ривожланиш ҳолати, ўз навбатида, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш самарадорлигини оширилишида, яъни, биринчидан, табиий ресурс салоҳиётидан самарали фойдаланиш натижасида (максимал даражада фойда олиш, маҳсулот таннархини камайтириш) бўлса, иккинчидан эса, аҳолининг яшаш муҳитида экологик вазиятни яхшилаш билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга, табиий ресурлардан мажмуали фойдаланиш ҳамда хом ашё ва ёқилғи ресурслардан фойдаланганда чиқиндисиз технологияларни қўллаш алоҳида аҳамиятга эга.

2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятларига қўйидагилар киради:

- 1.Ишлаб чиқаришни оқилона ва самарали жойлаштириш;
- 2.Иқтисодий районларда ва вилоятларда хўжаликларни мажмуали ривожлантириш;
- 3.Минтақаларро ва минтақалар ўртасида худудий меҳнат тақсимотини чукурлаштириш;
- 4.Минтақаларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасидаги номутаносибликни бартараф этиш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари билан бир қаторда, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг маълум босқичларида ишлаб чиқаришни худудий тақсимланиш тамойиллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойилларини хўжаликни юритиш методлари сифатида ҳам қўриш мумкин.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қўйидаги тамойилларга асосланади:

А) Ишлаб чиқаришни хом ашё, ёқилғи, энергия манбалари ва истеъмол районларига жойлаштириш. Бу тамойилнинг амалга ошиши нооқилона жиҳатдан узоқ масофаларга юк ташиш харажатларининг қисқаришига ва бартараф этилишига, ишлаб чиқариш жараёни бўйича меҳнат харажатларини пасайишига ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига олиб келади.

Б) Биринчи навбатда, энг самарали бўлган табиий ресурсларни ўзлаштириш ва мажмуали фойдаланиш тамойили бозор иқтисодиёти даврда жуда муҳимдир. Масалан, Қашқадарё вилоятида жойлашган бой нефть ва газ заҳираларини қазиб олиш асосида ёки Тошкент вилоятидаги ранги металл конлари асосида худудий ишлаб чиқариш мажмуаларини (кластерларни) ташкил этиш ва ривожлантириш шулар жумласидандир.

В) Экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза этиш ва табиатдан оқилона фойдаланишда самарали тадбирларни қўллаш. Бунда, инсоннинг яшаш муҳитини яхшилаш мақсадида фан ва техника тараққиётининг илфор ютуқларини қўллаш, миңтақаларда табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш, экологик ва ресурс муаммоларини ҳал этиш шунингдек, табиатга ва табиий ресурслардан фойдаланишга бўлган муносабатларда иқтисодий маъсулиятни шакллантириш назарда тутилади.

Г) Халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан кенг фойдаланиш, узок ва яқин хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш. Чунки, ҳар бир мамлакатни ишлаб чиқариш кучларини жойлаштирилиши ҳалқаро меҳнат тақсимоти доираси амалга оширилади. Хорижий мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ишлаб чиқариш кучларининг оқилона ва самарали ривожланишини ва ўз ресурслардан кенг фойдаланишни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш кучларини оқилона, самарали жойлаштиришнинг асосий мазмуни ва моҳияти маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатларни максимал даражада камайтиришга, маълум худудларда хомашёни қазиб олишдан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаргунча бўлган барча ишлаб чиқариш жараёнларини жойлаштиришда ўз аксини топади. Бунда албатта, ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларини эътиборга олиш алоҳида ахамиятга эга.

3. Ишлаб чиқаришни худудий жойлаштириш омиллари

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари деганда, маълум бир гуруҳ хўжалик обьектларига, тармоқقا ёки мамлакат хўжалиги таркибини худудий ташкил этилишига, иқтисодий районларга, шунингдек худудий-ишлаб чиқариш мажмуаларнинг (кластерларни) оқилона ва самарали жойлашишига таъсир этувчи мажмуали шарт-шароитлар тушунилади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларига қуйидагилар киради:

А) хом ашё омили. Бир хил саноат тармоқларини жойлаштириш бевосита хом ашё манбалари билан боғлиқ. Бу саноат гурухларига нефть, күмир, газ, темир руда ва рангли металл рудаларини қазиб олиш, ўрмон саноати тармоқлари киради. Шунингдек, хом-ашё базалари яқинида қайта ишлаш тармоқларининг корхоналари ҳам жойлашади, масалан, қора металлургиянинг бирламчи қайта ишлаш жараёни билан боғлиқ ёки минерал ўғитларни ишлаб чиқарувчи корхоналар. Бундай тармоқларда, 1 тонна ишлаб чиқарадиган маҳсулот учун ўртача 2-3 тонна хом ашё ва материаллар сарфланади.

Б) Ёқилғи-энергетика омили. Бу омил кўпгина тармоқларни жойлашишида муҳим роль ўйнайди, айниқса, темир қотишмаларини, алюминий, магний, мис, қўрғошин, никел, синтетик аммиак ва тола, каучук маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришда жуда катта миқдорда ёқилғи ва энергия сарф қилинади. Масалан, 1 тонна алюминий, натрий, магний ишлаб чиқарилганда, ўртача 14-18 минг кВт/с, 1 тонна никел ишлаб чиқарилганда – 40 минг кВт/ соат электроэнергия сарфланади.

В) Сув омили. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот бирлигига сарф бўладиган сув миқдори сув талаб тармоқларни белгиловчи асосий мезон бўлиб хизмат қиласи. Сув сарфи юқори бўлган иқтисодиётнинг соҳасига саноат киради, хўжаликда сарфланган сувнинг 40% айнан шу соҳага тўғри келади. Айниқса, химия саноатининг целлюлоза-қоғоз, гидролиз, синтетик тола, текстил саноатининг ип-газлама ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналари, шунингдек, рангли ва қора металлургия корхоналарини жойлашишида сув омили етакчи роль ўйнайди.

Г) Демографик омил. Ишлаб чиқариш қучларини оқилона ва самарали жойлашувида бу омил катта аҳамиятга эга. Бинобарин, алоҳида тармоқларни ва корхоналарнинг жойлашувида ва ишлаб чиқариш суръатларини ўсишида худудларнинг демографик вазияти эътиборга олинмоғи зарур ва муҳимдир. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот бирлигига сарф бўладиган ишчи кучининг сони тармоқни меҳнат талаблилик мезонини аниқлаб беради

Ҳозирги даврда республикада аҳолининг ҳудудий жойланишувида кескин тафовутлар юзага келган, аҳолининг зичлиги бўйича Фарғона водийси вилоятлари, Навоий, Сирдарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилмоқда. Аҳоли зич жойлашган республиканинг ҳудудларида меҳнатни кўп талаб этадиган тўқимачилик корхоналарини жойлаштирилса, юқори малакали меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳудудларда эса машинасозликни радиотехника, электротехника, приборсозлик корхоналарини жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Д) Транспорт омили. Мамлакатнинг иқтисодий районлари ва марказлар билан алоқаларни ўрнатишда, табиий ресурс ҳавзаларини ўзлаштирилишида, мамлакатни иқтисодий -географик ўрнини яхшилашда, шунингдек мамлакат хўжалигинини ҳудудий жиҳатдан такомиллаштиришда транспорт омилининг аҳамияти жуда беқиёсdir. Ҳар бир тармоқнинг ҳудудий жойлашувида транспорт омилини, айниқса, корхонанинг оптималь жойлашувида ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархида транспорт ҳаражатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Е) Истеъмол омил. Бу омил ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сақланиш муддати қисқа бўладиган (тез бузиладиган) ёки транспорт ҳаражатлари юқори бўладиган тармоқларни жойлашишда муҳим бўлиб, қўпинча, нон ва нон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришида ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини жойлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Ж) Фан-техника тараққиёти омили. Ҳозирги даврда мамлакат хўжалигини ҳудудий ташкил этишининг такомиллашуви ва меҳнат унумдорлигини оширилишида фан-техника тараққиётининг натижаларини робот техникасини, эгилувчан автоматлашган ишлаб чиқаришни, ротор ва ротор-линияларни кўлланилишида жуда муҳимдир. ФИТнинг йўналишлари айниқса, меҳнат ресурслари камёб ва чекланган ҳудудларда, шунингдек чекка ва етиб бориши мураккаб бўлган ҳудудларда кўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

3) Экологик омил. Ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда атроф мұхитга салбай таъсирни пасайишида, табиий ресурслардан унумли ва самарали фойдаланишда ва минтақаларни мажмуали ривожланишида бу омилнинг рольи катта.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Табиий ресурс ва табиий шароит, деб нимага айтилади?
2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда меҳнат ресурсларини ва моддий техника базанинг аҳамияти қандай?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни кучларини ташкил этилишининг қонуниятларини моҳиятини очиб беринг?
4. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини ташкил этиш тамойиллари нимадан иборат?
5. Ишлаб чиқариш кучларини худудий жойлаштиришнинг асосий омилларини очиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. 2 изд, перераб.и доп.- М.:Кнорус, 2011.
2. Экономическая и социальная география. Учебное пособие.-М.:Владос, 2011.
3. Максаковский В. П. Географическая карта мира. Ч. Т. Общая характеристика мира.- Ярославль, 1993.
4. Организация Объединенных Наций. Основные факты.-М., 2000.
5. Симагин Ю. А. Экономическая и социальная география мира: Учеб. пособие.-М., 2001.
6. Социально-экономическая география зарубежного мира.-М., 1998.

2-БОБ. ДУНЁ ГЕОГРАФИЯСИГА УМУМИЙ ТАЪРИФ

2.1. Ҳозирги замон дунё сиёсий ва иқтисодий картаси

Режа:

1. Дунё сиёсий картасидаги XX аср ўрталари ва XXI аср бошларидаги ўзгаришлар
2. Дунё мамлакатларининг гурухланиши ва тавсифланиши
3. Дунё мамлакатларининг давлат тузуми ва тузилиши

1. Дунё сиёсий картасидаги XX аср ўрталари ва XXI аср бошларидаги ўзгаришлар

Дунё сиёсий картаси жуда мурракаб ва динамик ўзгарувчан жараён бўлиб, турли тузумдаги давлатларни ва ҳудудудий бирликларни ўз ичига олади. Дунёнинг сиёсий картаси миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб туради. Дунёнинг сиёсий картасидаги миқдор жиҳатидан ўзгаришига дунё мамлакатлари сони кўпайиши ёки камайиши билан боғлик бўлса, сифат жиҳатдан ўзгаришига эса, давлатларни мустақилликка эришиши, давлатларнинг сиёсий тузумининг ўзгариши билан боғлик.

Дунёнинг сиёсий картасидаги энг йирик миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришлар, XX асрнинг иккинчи ярмига ва XXI асрнинг бошларига тўғри келади. Бу ўзгаришлар биринчидан, бу даврда дунёда давлатларнинг ва маъмурӣ тузилмаларнинг нисбатан ўсиши, хар хил манбаларга қараганда, дунё мамлакатларнинг сони ҳозирги пайтда, 230, 243 ёки 257 та, деб кўрсатилган. Иккинчидан, бу даврда мустақил давлатларнинг сони кескин ортиб кетди, агар 1947 йилда 76 та мустақил давлатлар бўлган бўлса, 2007 йилда эса бу давлатларнинг сони 194 тага етди. Учинчидан эса, охирги ўн йилликлар ичига кўпгина мамлакатлар ўзларининг сиёсий қарашларини ўзgartиришди. Бундай вазият, халқаро иқтисодий муносабатларда ва сиёсий картада ўз аксини кўрсатди.

Шунингдек, бу даврдаги энг аҳамиятли сиёсий воқеаларга мустамлакачилик тузумининг емирилиши бўлиб, бу даврда Осиё

минтақасида 27 та давлат сиёсий мустақилликга эришишди, булар жумласига Хиндистон, Покистон, Индонезия. Вьетнам, Мъенма, Ирек ва бошқалар киради. Ҳозирги пайтда Осиё сиёсий картасида бирорта ҳам мустамлака давлати йўқ. 60–йилларнинг бошларида Лотин Америкасида 13 та, Океанияда эса 12 та янги мустақил давлатлари пайдо бўлади, Европада эса Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Мальта сиёсий мустақилликка эришиди.

Африкада мустамлака тизимини емирилиши, XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб, 90 йилларнинг ўрталаригача давом этган ва бу давлатларнинг сони 49 тага етади, истисно тариқасида Африкада бир нечта майдони бўйича жуда кичик оролчаларда мустамлака тузуми ханузгача сақланмоқда. Дунёнинг сиёсий картасида XX асрнинг 90 йилларигача иккита бир-бирига қарама-қарши бўлган социализм ва капитализм тизимлари шаклланади ва булар ўртасида мафкуравий “совук уруш” муносабатлари юзага келади.

Ўтган асрнинг 80 йилларнинг охири 90 йилларинг бошида дунёнинг сиёсий картасида жуда катта сифат ўзгаришлари рўй беради. Биринчидан, дунёнинг майдони бўйича энг катта бўлган федератив давлати бўлган СССР барбод бўлади ва уларнинг ўрнида МДХ (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги) пайдо бўлди, Болтиқбўйи давлатлари Латвия, Литва ва Эстония бу ҳамдўстликка кирмайдилар, иккинчидан эса немис давлатлари ҳисобланган Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократив Республикалари бирлашиб Германия Республикасини ташкил этди. Учинчидан, Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатларида режали социализм тузумидан бозор иқтисодиёти тузумига ўтиш жараёни бошланади. Бу давлатлар қаторига Польша, Венгрия, Болгария, Руминия ва хок. киради. Тўртинчидан, Европанинг иккита федератив тузилишга эга бўлган давлатларининг ажралиши рўй беради. Югославия Социалистик Федератив Республикаси ўрнида, Югославия Республикаси Иттифоқи, Хорватия, Словения, Босния ва Герцеговина, Македония ва Чехославакия Республикаси ўрнида эса, Чехия ва Словакия Республикалари вужудга келади.

2.Дунё мамлакатларининг гурухланиши ва тавсифланиши

Хар бир дунё мамлакатини ўрганганда, уни табиий, хўжалик, маданий ва сиёсий жиҳатлари географик объект нуқтаи-назаридан қаралади. Дунё мамлакатларни гурухланиши ва тавсифланиши турли мезонлар асосида олиб борилади. Агар мамлакатларнинг гурухланиши микдор кўрсаткичлари асосида ўтказилса, уларнинг тавсифланиши эса, сифат кўрсаткичлари асосида олиб борилади.

Мамлакатлар ҳудудининг майдони, аҳоли сони, географик ўрин хусусиятлари бўйича гурухланади. Дунё давлатлари сони бўйича энг катта гигант-давлатлар, ўрта, кичик ва жуда кичик (митти давлатлар) давлатларга бўлинади. Бундан дунёning энг катта майдони бўйича гигант давлатларга қўйидаги ўнта мамлакат киради (1-жадвал.) Майдони бўйича энг йирик давлатлар дунёning қуруқлик қисмини 55% ташкил этади.

1-жадвал

Дунёдаги майдони бўйича энг йирик давлатлар

Давлатлар	Майдони, млн км.кв	Майдони бўйича дунёдаги салмоғи, % да
Россия	17,1	12,7
Канада	10,0	7,4
Хитой	9,6	7,2
АҚШ	9,6	7,2
Бразилия	8,5	7,2
Австралия	7,7	5,7
Ҳиндистон	3,3	2,5
Аргентина	2,8	2,1
Қозоғистон	2,7	2,0
Судан	2,5	1,9

Шунингдек дунёning майдони бўйича энг кичик, митти-давлатлари мавжуд бўлиб, улар Фарбий Европада жойлашган, Андорра, Лихтеншайн, Сан-Марино, Монако, Ватикан давлатлари (булардан энг кичик давлат Ватикан - 0,44 км.кв), Кариб денгизи оролларида Гренада, Барбадос, Антигуа давлатлари ва бошқалар киради. Дунё аҳолиси сони бўйича ҳам дунё мамлакатлари гурухланади ва гурухланиш ҳар доим ўзгариб туради. Аҳоли

сони бўйича энг йирик мамлакатларда дунё аҳолисининг 3/5 фоиз истиқомат қилмоқда. Аҳоли сони бўйича Осиё мамлакатлари етакчи бўлса, иккинчи ўринда Америка, учинчи ўринда эса Евроосиё материги туради.

Мамлакатларни иқтисодий географик ўрни бўйича гурухлайдиган бўлсак, денгиз йўлига эга бўлган ва денгиз йўлига чиқиш имконияти берк бўлган мамлакатларга ажратиш мумкин (2-жадвал). Давлатларнинг тавсифланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича олиб борилади. Мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасини жаҳоннинг энг нуфузли ҳалқаро ташкилотлари БМТ (Бирлашган Миллатлар ташкилоти), Жаҳон банки ва Ҳалқаро Валюта фонди белгилаб беради. Ҳозирги даврда дунёда учта гурухга хос мамлакатлар мавжуд: 1) Иқтисодий ривожланган мамлакатлар; 2) Ривожланаётган мамлакатлар; 3) Бозор иқтисодиётига ўтиш даври мамлакатлари.

2-жадвал

Денгиз йўлига чиқиш имконияти берк бўлган мамлакатлар

Минтақалар	Мамлакатлар
МДҲ	Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон
Фарбий Европа	Австрия, Андорра, Ватикан, Венгрия, Лихтенштейн, Люксембург, Македония, Сан –Марино, Словакия, Чехия, Швейцария
Хорижий Осий	Афғонистон, Бутан, Лаос, Мӯғилистон, Непал
Африка	Ботсвана, Буркина Фасо, Бурунди, Замбия, Зимбабве, Лесото, Малави, Мали, Нигер, Руанда, Свазиленд, Уганда, Марказий Африка Республикаси, Чад, Эфиопия
Лотин Америка	Боливия, Парагвай

Иқтисодий ривожланган мамлакатларга дунёning 40 давлати тўғри келиб, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича бошқа ривожланаётган давлатлардан фарқ этади. Бу давлатларни 26 таси Европада, 7 таси Осиёда, 4 таси Австралия ва Океанияда ва 1 таси Африкада жойлашган. Ушбу давлатларининг иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусияти, юқори даражадаги бозор иқтисодиёти муносабатлари

шаклланганлигига, фан-техника салоҳиётини аҳамиятида, аҳоли турмуш даражаси ва сифати қўрсаткичларида намоён бўлади. Жаҳон саноати ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва хизматларни аксарияти қисми шу давлатларга тўғри келади. Шу билан бирга, бу гуруҳ давлатларининг ичида ҳам маълум тафовутлар мавжуд бўлиб, бу давлатларни бир нечта гурухчаларга бўлиб ўрганамиз.

Иқтисодий ривожланган давлатлар ичида АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канаданинг аҳамияти катта бўлиб, бу “еттилик давлатлари” нинг етакчилиги дунё сиёсатида ва иқтисодида муҳим роль ўйнайди. Жаҳонда ишлаб чиқарилган ялпи жаҳон маҳсулотининг (ЖЯМ) ва саноат маҳсулотини $\frac{1}{2}$ қисми, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини $\frac{1}{4}$ қисми шу давлатлар салмоғига тўғри келади. Ғарбий Европанинг Австрия, Белгия, Дания, Голландия, Норвегия, Швейцария ва Швеция давлатлари ҳам иккинчи гурухчани ташкил этади, бу давлатлар учун ҳам юқори даражадаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишга ва халқаро географик меҳнат тақсимотида тор ихтисослашишга эга. Бу давлатлар жаҳон сиёсатида ҳам аҳамиятли мавқега эга бўлиб, Вена ва Женева шаҳарларида Бирлашган Миллатлар ташкилотининг бир нечта бўлимлари жойлашган.

Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка Республикаси (ЖАР), Исроил давлатлари учинчи гурухча мамлакатларини ташкил этади. Бу давлатлар собиқ Буюк Британиянинг мустамлакалари бўлиб, кўчманчи капитализм бу давлатлар учун хос. Охирги йилларда иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига Жанубий Африка Республикаси, Сингапур, Сянган (Гонконг) ва Тайван давлатлари қўшилди.

Ривожланаётган давлатлар гуруҳига дунёning 150 мамлакати кириб, қуруқликнинг $\frac{1}{2}$ қисми ва дунё аҳолисининг $4/5$ қисм шу давлатлар тўғри келади. Бу давлатлар, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океанияда жойлашган. Иқтисодий жиҳатдан паст ривожланиши, аграр-хом ашё тармоқларига ихтисосланишуви ва жаҳон бозорига қарамлиги бу давлатларга учун хос. Бу давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида

жиддий тафовутлар мавжуд, шунинг учун ҳам уларни хар-хил турларга ажратиб ўрганилади.

Ривожланаётган мамлакатлар ичида **Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Мексика давлатлари** муҳим роль ўйнайди. Табиий ресурс заҳиралари, аҳоли ва иқтисодий салоҳиёт кўрсаткичлари бўйича мазкур давлатлар жаҳонда етакчи ўринга эга. Охирги йилларда жаҳонда ишлаб чиқарилган ялпи жаҳон маҳсулоти (**ЯЖМ**) қиймати бўйча Хитой 2 ўринни ва Ҳиндистон эса 4 ўринни эгалламоқда, ҳатто ривожланган мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди. Шунингдек, бу тўртта давлатда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми, қолган ривожланаётган мамлакатлардан бир неча баробар юқори.

Ривожланган мамлакатлар ичида сиёсий жиҳатдан мустақил ва ижтимоий иқтисодий ривожланишда юқори ютуқларга эришаётган Лотин Америкасидаги **Аргентина, Венесуэла, Уругвай ва Чили** давлатларини иккинчи турдаги мамлакатларга киритамиз.

XX асрнинг 80-90 йилларида, жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ривожланиш бўйича кескин сакраш содир этган “йўлбарс” ёки “аждар” деб номланган **янги индустрисал давлатлар** вужудга келади. Жанубий Корея, Сингапур, Сянгану (Гонконг) ва Тайван давлатлари ҳозирги пайтдаги халқаро нуфузли ташкилотларнинг маълумотлари бўйича, ривожланган давлатлар қаторига киргизилган Малайзия, Таиланд, Индонезия ва Филлипинн ҳам янги индустрисал давлатлари, деб тан олинган.

Ривожланаётган давлатлар қаторида нефть **экспорт қилувчи** Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирлиги (БАМ), Қатор, Бахрейн, Ливия ва Бруней алоҳида гуруҳни ташкил этишади. Бу давлатлар бошқа давлатларга нисбатан анча иқтисоди бой, валюта тушумининг асосий қисми нефть экспорти ҳисобига тўғри келади.

Ривожланаётган мамлакатларининг аксарият қисмини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суст бўлган **қолоқ мамлакатлар** гуруҳи ташкил этади. Буларнинг умумий сони 50 тадан ортиқ бўлиб, Осиё, Африка ва Лотин

Америкасида жойлашган давлатлар киради. Масалан, Шри Ланка, Гану, Гвинея, Зимбабъве, Боливия, Гайану, Гандурас ва бошқалар киради. Бу мамлакатлар учун, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг пастлиги, иқтисодида қишлоқ хўжалигининг устуворлиги ва аҳолининг саводсизлиги хусусиятлари хос.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври мамлакатларига режали иқтисодга асослан собиқ социалистик мамлакатлар, яъни илгари СССР таркибида кирувчи 15 та республика ва Марказий ва Шарқий Европада жойлашган 12 та республика ва Монголия киради. Бу давлатларда XX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб, маъмурий-буйруқбозликка ва режали иқтисодга асосланган хўжаликдан бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш, демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари амалга ошмоқда.

3. Дунё мамлакатлари давлат тузуми ва тузилиши

Дунёнинг сиёсий картасида давлатларни сиёсий режими, давлат тузуми ва тузилиши бўйича ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Сиёсий режим давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва йўлларининг мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради.

Давлатларнинг **сиёсий режими** бўйича давлатларни иккита тоифага бўлиш мумкин демократик ва ғайридемократик давлатлар. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, XX асрнинг 70 йиларида демократик давлатлар тоифасига дунёнинг 1/3 давлати кирган бўлса, XXI асрнинг 80-йилларида 88 та (дунёнинг 2,8 млрд аҳоли шу давлатларга яшайди) эркин демократик давлатлар ва 55 та (дунёнинг 1,3 млрд аҳолиси истиқомат қиласди) давлат қисман эркин, деб тан олинган. Бу давлатларда, шахснинг иқтисодий соҳадаги эркинлиги, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари эркинлиги, қонун устуворлиги, ижтимоий бирлашмаларнинг кўплиги белгилари хосдир.

Жаҳон мамлакатларининг ғайридемократик тузумга асосланган давлатларинг сони 50 та бўлиб, демократик эркинликлар, сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятини чекланганлиги, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатлари аниқ тақсимланмаганлиги, инсоннинг конституцион ҳуқуqlари ва эркинликлари поймол бўлаётганлиги бу давлатлар учун хос.

Давлатларни бошқаруви тузуми икки хил республика ва монархия шаклида бўлади. Давлатларни республика шаклида бошқарилиши Антик даврида вужудга келган бўлиб, Янги ва энг янги тарихий босқичларда бу бошқарув шакли жуда кенг тарқалган. Шуни қайд этиш зарурки, мустамлакачилик тузумидан озод бўлган ва сиёсий мустақилликга эришган аксарият давлатлар, республика бошқарувига ўтишган, минг йиллаб монархия бошқарувига эга бўлган Миср, Ирон, Тунис, Ливия давлатлари ҳам республика бошқаруви шаклини қабул қилишган. Ҳозирги даврда, дунёнинг 4/5 мустақил давлатларида республика бошқаруви тузуми хос.

Республика бошқаруvida асосий қонун чиқарувчи орган, халқ томонидан сайланган парламент, ижро этувчи орган эса-ҳукumat ҳисобланади. Республикалар Президентлик ва парламентар республикаларга бўлинади. Президентлик республикасига АҚШ, Қозоғистон, Ўзбекистонни киритиш мумкин. Парламент республикаларига Австрия, Италия, Германия мисол бўлиши мумкин. Монархия бошқаруви Энг қадимги даврда вужудга келган бўлиб, Ўрта асрларда ва Янги даврда ривожланади. Давлатни монарх (император, амир, қирол, шоҳ ва хок.) бошқаради ва бошқарув авлоддан-авлодга ўтиб туради. Ҳозирги даврда 30 та монархия давлати мавжуд (З-жадвал). Монархия уч хил бўлади, конституцион, мутлоқ ва теократик. Ҳозирги даврдаги монархия тузумидаги давлатларнинг кўпчилигини конституцион монархия тузуми ташкил этади, монархнинг ваколати чекланган бўлади, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар давлат бошқарувини олиб боради. Конституцион монархия давлатларига мисол қилиб, Буюк Британия, Япония, Норвегия, Испанияни келтириш мумкин.

Мутлоқ монархияда чексиз ваколатга эга бўлган монарх бошқаради. Бу давлатларга Оман, БАА, Қатар мисол бўлади. Теократик монархияда давлатни диний бошқарув олиб боради. Саудия Арабистони, Ватикан, Бруней шу давлатлар қаторига киради.

3-жадвал

Монархия бошқарув шаклидаги давлатлар

Давлатлар	Бошқарув шакли	Давлатлар	Бошқарув шакли
Гарбий Европа			
Андорра	Князлик	Лихтенштейн	Князлик
Белгия	Қироллик	Люксенбург	Буюк Герцоглик
Ватикан	Теократик монархия	Монако	Князлик
Буюк Британия	Қироллик	Голландия	Қироллик
Дания	Қироллик	Норвегия	Қироллик
Испания	Қироллик	Швеция	Қироллик
Хорижий Осиё			
Бахрейн	Амирлик	Омон	Султонлик
Бруней	Султонлик	Бирлашган Араб Амирлиги	Амирлик
Бруней	Қироллик	Саудия Арабистони	Қироллик
Бутан	Қироллик	Тайланд	Қироллик
Иордания	Қироллик	Тайланд	Қироллик
Камбоджа	Қироллик	Япония	Қироллик
Қатар	Амирлик	Непал	Қироллик
Кувейт	Амирлик	Малазия	Султонлик
Африка, Океания			
Лесото	Қироллик	Тонга	Қироллик
Мараккаш	Қироллик		
Свазиленд	Қироллик		

Давлат тузилиши шакли унинг маъмурий-худудий ташкил этилишидир. Давлат тузилиши бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Унитар давлатлар.
2. Федератив давлатлар.
3. Конфедератив давлатлар.

Унитар давлат-бу оддий, яхлит давлат бўлиб, давлат, област, округ, район, туман, деб турлича номланадиган маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. Бундай давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент

бўлади. Бундай давлатларга, Буюк Британия, Франция, Италия, Швеция, Польша ва бошқалар мисол бўлади.

4-жадвал

Дунёнинг федератив тузилишига эга бўлган давлатлари

Минтақалар	Давлатлар
МДХ	Россия Федерацияси
Хорижий Европа	Австрия Республикаси, Бельгия Қироллиги, Босния, Герцеговина, Германия Федератив Республикаси, Швейцария Конфедерацияси
Хорижий Осий	Ҳиндистон Республикаси, Малайзия, Мянма Иттифоқи, Бирлашган Араб Амирлиги, Покистон Ислом Республикаси
Шимолий Америка	Канада, Америка Қўшма штатлари
Лотин Америкаси	Аргентина Республикаси, Бразилия Федератив Республикаси, Боливия республикаси, Венесуэла, Мексика Қўшма штатлари, Сент-Китс ва Невис федерациялари
Австралия ва Океания	Австралия Иттифоқи, Микронезия Федератив штатлари

Федератив давлат мураккаб, иттифоқдош давлат бўлиб, бир қанча маъмурий-худудий бўлинмалардан ташкил топади (штатлар, ўлкалар, республикалар), федератив тузилишдаги давлатларни АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Мексика ва хок. ташкил этади (4-жадвал). Конфедерация ўз суверентети ва мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, у ёки бу мақсадга эришиш учун бирлашган давлатлар иттифоқи. Конфедерацияда ягона худуд, ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлади. Ҳозирги даврда Швейцарияда конфедерация мақоми сақланиб қолган.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Жаҳон мамлакатларининг гурухланиши ва тавсифланиши қайси тамойиллар асосида аниқланади?
2. Дунё мамлакатларини майдони, аҳолисининг сони бўйича гурухларга ажратинг?
3. Ривожланган мамлакатларни асосий хусусиятларини аниқланг?
4. Қайси хусусиятлар ривожланаётган мамлакатларни битта гурухга ажратади?
5. “Давлат тузуми” ва “давлат тузилиши” тушунчаларини очиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алисов Н. В., Хорев Б. С. Экономическая и социальная география мира (общий обзор).-М., 2001.
2. Атлас мира. -М., 1996.
3. Бутов В. И. Экономическая и социальная география зарубежного мира и России.-М., 1998.
4. География мирового хозяйства.-М., 1997.
5. Гладкий Ю.И., Соколов О.В., Файбусовин Э.Л. Экономическая и социальная география.-М., 1999.
6. Гуткин Л.С. Человечество на рубеже веков.-М., 2003.
7. Кокина В., Кокин В. Н. Природные ресурсы мировой экономики.-М., 2001.

2.2. Дунё аҳолиси географияси

Режа:

1. Дунё аҳолисининг сони ва динамикаси
2. Аҳолининг тақрор барпо этилиши ва унинг типлари
3. Дунё аҳолисининг этно-демографик таркиби
4. Аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва миграцияси.

1. Дунё аҳолисининг сони ва динамикаси

Аҳоли деганда—маълум ҳудудда яшайдиган кишилар гурухи тушунилади. Аҳолининг мутлоқ сони—бирон-бир ҳудуд ёки аҳоли гурухидаги кишиларнинг маълум вақтдаги миқдорий ифодасидир.

Демографияда аҳоли сони, энг умумий асосий кўрсаткич бўлиб, аниқ бир даврдаги аҳоли миқдорини англатади. Статистик манбаларда аҳоли сони маълум бир санага (1-январь, 1-июль ёки 31 декабрь) келтирилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 1991 йил 1 январда 20708,2 мингни, 2000 йил 1 январда эса – 24487,7 мингни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни бутун йил учун қабул қилиб бўлмайди, чунки йил давомида, яъни 1 январдан 31 декабрга қадар аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига мунтазам ўзгариб туради. Ҳар бир ҳудуд аҳоли сонини ўргангандга, юқорида қайд этилгандек, уни доимий (шу ҳудудда доимий рўйхатга олинган) ва реал (текширилаётган даврда шу ҳудудда маълум муддат яшаётган) аҳолига ажратилади.

Демографик тадқиқотлар олиб боришда назарий аҳоли сони ҳамда мавжуд, реал аҳоли сонидан фойдаланилади. Назарий аҳоли сони ўзгармас – стабил аҳоли сонидир. Стабил аҳоли сони лотинча “stabilis” сўзидан олинган бўлиб, доимий, ўзгармас деган маънони билдиради. Аҳолининг асосий категорияси мавжуд (наличные) аҳолидир. Демографик коэффициентларни ҳисоблагандаги мавжуд (наличные) аҳоли сонидан фойдаланилади. Шунингдек, мавжуд аҳоли сони аҳоли рўйхатлари орасидаги давр учун аҳоли мутлоқ сонини ўрганишда ҳам қўлланилади.

5-жадвал

Ер шарида аҳоли сонининг ўсиш суръати, %

Минтақалар	Йиллар		Прогноз
	1955-1984	1985-1999	
Дунё бўйича	1,9	1,6	1,2
Европа	0,7	0,3	0,1
Осиё	2,1	1,6	1,0
Африка	2,6	3,1	2,5
Шимолий Америка	1,3	0,8	0,6
Лотин Америкаси	2,0	2,0	1,4
Россия	1,3	0,8	0,6

Манба: [Population Reference Bureau. 2011 World Population Data Sheet.](#)

Аҳолининг мутлоқ сони мунтазам ўзгариб боради. Аҳоли рўйхатлари ёрдамида аҳоли мутлоқ сонини ўзгаришини аниқ ифодалаш мумкин. Аҳоли мутлоқ сонидаги ўзгаришлар аҳоли сони мунтазам кўпайиб борса ижобий, агар аҳоли сони камайса салбий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли мутлоқ сони 1897-1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари оралиғида мунтазам кўпайиб борган.

Аҳоли сони асосан табиий ва механик кўпайиш орқали ортиб боради. Табиий кўпайишда демографик жараёнлардан туғилиш ва ўлим жараёнлари муҳим ўрин тутади. Туғлиш ва ўлим жараёнлари натижасида, аҳоли такрор барпо бўлади, авлодлар туғилади. Аҳоли такрор барпо бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: Табиий-биологик; Ижтимоий-иктисодий; Ижтимоий-маданий; Психологик; Демографик. Ер курраси аҳолиси 2012

йилда 7 миллиарддан ошди. БМТ маълумотларига қараганда, дунё аҳолиси 2015 йилгача ҳар йили 80-85 миллион кишидан кўпайиб боради.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, ер шари аҳолиси асримиз бошидан то ҳозирги даврга қадар 3,5 марта кўпайган. Аҳолининг тез суръат билан кўпайиши XX асрга тўғри келди ва бу асосан ривожланаётган давлатлар ҳисобига бўлмоқда. Агар 1950–1990 йилларда аҳоли бутун ер шарида йилига ўртacha 1,8 % кўпайган бўлса, ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич 0,9 % ни ва ривожланаётган давлатларда эса 2,1 % ни ташкил қиласди. 2000 йил аввал ер шарида 200 миллион киши яшаган ва унинг аксарияти Осиёда жойлашган. Ҳозирга келиб ер юзида аҳоли қуидагича тарқалган:

- Европа (РФнинг Европа қисми билан биргаликда).....740 млн.
- Осиё (Россия Федерациясининг Осиё қисми билан биргаликда)4216 млн.
- Африка1051 млн.
- Америка942 млн.
- Австралия ва Океания37 млн.

БМТ прогнозига кўра дунё аҳолиси 2000 й. - 6 030 млн, в 2005 й. - 6 550, 2011 й. - 7058 млн, 2125 й. - 8082 млн кишига етади.

XX асрнинг иккинчи ярмида дунёning ҳамма минтақасида аҳолининг ўртacha йиллик ўсиш суръати пасайди, Хорижий Европада, бу айниқса сезиларли бўлди. Фақатгина Африкада бундай ҳодиса рўй бермади. Мазкур қора минтақада ҳамон “демографик портлаш” кузатилмоқда. 2000-2025 йилларда ҳам Африкада бу ҳолат сақланиб қолади (5-жадвал). Охирги 30 – 40 йил ичida аҳолиси тез кўпайиб бориши хос бўлган, ривожланаётган давлатлардаги демографик вазият қатор мутахассисларни “дунёда аҳоли ортиқчалиги пайдо бўлади”–деган ташвишга ҳам олиб келди. Ривожланаётган давлатларда аҳоли кўпайишининг асосий сабаби ўлимнинг кескин камайиши, туғилиш даражасининг юқорилиги ҳамда ўртacha умр кўриш муддатининг ошганлигидир.

Аҳолиси энг кўп ва энг кам бўлган давлатлар (2011 й.)

Аҳолиси энг кўп давлатлар	Аҳолиси, минг киши	Аҳолиси энг кам давлатлар	Аҳолиси, минг киши
Хитой	1345,9	Науру	0,01
Хиндистон	1241,3	Палау	0,02
АҚШ	311,7	Сан-Марино	0,03
Индонезия	238,2	Монако	0,04
Бразилия	196,7	Гренада	0,1
Покистон	176,9	Сейшел ороллари	0,1
Нигерия	162,3	Антигуа-Барбадос	0,1
Бангладеш	150,7	Майот	0,2
Россия	142,8	Сан-Томе-Принсиби	0,2
Япония	128,1	Белиз	0,3

Манба: [Population Reference Bureau. 2011 World Population Data Sheet.](#)

Ҳозирги пайтда дунё аҳолисининг деярли 60 % Ҳорижий Осиёда, 15 % га яқини – Африкада, 13 % - Америкада, 11 % Ҳорижий Европада, 0,5 % - Австралия ва Океанияда, ҳамда 6 % - МДҲ таркибига кирган давлатларда истиқомат қилишади. Аҳоли сонининг тез ошиб бориши Африка ва Лотин Америкаси давлатларида кузатилиб, уларда аҳоли йилига 2,5 – 3 % дан кўпайиб бормоқда.

2. Аҳолининг такрор барпо этилиши ва унинг типлари

Аҳолининг такрор барпо бўлиши, жамият давомийлигини таъминловчи асосий жараён бўлиб, туғилиш ва ўлим жараёнлари натижасида, инсон авлодининг мунтазам янгиланиб туришидир ёки бир авлод вакилларининг ўрнига иккинчи бир авлод вакилларининг келиши, авлод алмашинишидир.

Авлодлар алмашиниши давомида (аҳолининг такрор барпо бўлиши) унинг сони, ёш ва жинсий таркиби ўзгаради. Авлодлар алмашинуви, аҳоли табиий ўсиши ҳажмини аниқлаш, ҳар бир авлод ўртача умр кўриши, туғилиш ва ўлим жараёнлари йифиндиси аҳолининг табиий ҳаракати ёки такрор барпо бўлиши дейилади. Аҳолининг такрор барпо этилиши бевосита ва билвосита

аҳолининг туғилишига, ўлимига ва табиий ўсишига боғлик. Жамиятда авлодлар алмашинади, аҳоли такрор барпо бўлади. Натижада аҳоли сони ўсади. Аҳолининг такрор барпо бўлиши ҳар бир ҳудуд табиий, ижтимоий-иктисодий муҳити таъсирида рўй беради ва тараққий этади. Шу боисдан аҳоли такрор барпо бўлиш кўрсаткичлари турли мамлакатларда турли вақтларда бир-биридан фарқланди. Бу фарқларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда аҳоли такрор барпо бўлишини ифодаловчи маҳсус кўрсаткичлардан фойдаланилди. Биологик ҳодиса ҳисобланмиш туғилиш ва ўлим асосий аҳоли такрор барпо бўлишидаги кўрсаткич эканлигини айтиб ўтгандик. Бу кўрсаткич миқдорий жиҳатдан 1000 кишига ҳисобланади ва промилледа ифодаланади.

Аҳоли такрор барпо бўлишига қўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Булар қуйидагилар:

1. Табиий-биологик;
2. Ижтимоий-иктисодий;
3. Ижтимоий-маданий;
4. Психологик;
5. Демографик.

Табиий-биологик омил аҳол такрор барпо бўлишида муҳим омиллардан бири. Ер юзи аҳолиси турли табиий шароитда яшайди, туғилади ва ўлади. Инсоннинг туғилиши ва ўлиши каби билогик ҳодиса экан у табиий шароит билан узвий боғлиқликдадир.

Жамият давомийлигини таъминловчи инсон ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-маданий ва психологоик омиллар таъсирида шаклланади ва ривожланади.

Аҳоли табиий ўсиши унинг жинсий, ёш таркиби, никоҳ ва ажралиш жараёнлари ҳам муҳим ҳисобланади. Буларнинг барчаси демографик омиллар сирасига киради. Маълумки, туғилиш қанчалик кўп бўлса, аҳоли сони ўсиб боради, аҳоли таркибида болалар ва ёшлар миқдори ошади ёки аксинча туғилиш камайса, жинсий таркибдаги бузулишлар рўй берса аҳоли

ёш таркибida қариялар сони ва салмоғи ўсади ва ҳоказо. Юқоридаги омиллар аҳоли такрор барпо бўлишига бир хил таъсир этмайди.

Жумладан, ижтимоий-иқтисодий омил аҳоли табиий ҳаракатида муҳим роль ўйнайди. Аҳолининг яшаш шароити, соғлиқни сақлашнинг аҳволи, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, аҳолининг маданий ва маълумотлилик даржаси ва бошқалар аҳоли табиий ҳаракати даражасини белгилаб беради. Ушбу омилларнинг туғилиш ва ўлимга таъсири қарама-қарши ҳам бўлиши мумкин. Аҳолининг яшаш шароити, моддий аҳволи яхшиланиши, тиббий хизмат каби соҳаларнинг ривожланиши, ўлим кўрсаткичини пасайтиради, аҳоли ўртacha умр кўриш даражасини узайтиради. Натижада, аҳоли таркибida қариялар салмоғи кўпаяди ва ўз-ўзидан ўлим кўрсаткича оша бошлайди.

Аҳолининг такрор барпо этилиш жараённда туғилиш алоҳида ўринга эга бўлиб, унга табиий-биологик, демографик, ижтимоий-иқтисодий, маданий, таълим даражаси омиллари таъсир кўрсатади. Масалан, аҳолининг балоғат ёшига тез етиши ва репродуктивлилигига (туғиш имкониятининг узоқлиги) мамлакатларнинг иқлим хусусиятлари табиий-биологик омил сифатида қаралса, демографик омилларга эса, аҳолининг жинс, ёш бўйича таркиби қаралади. Аҳолининг фаровонлиги, маданий ва таълим даражаси ҳам мамлакат аҳолисининг туғилиш кўрсаткичларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Аҳолининг табиий ўсиши туғилганлардан ўлганларнинг айирмасига teng ёки аҳолининг ҳар 1000 та киши ўртасидаги туғилганлар ва ўлганлар ўртасидаги фарқдир. Инсоният жамияти тарихида аҳоли такрор барпо бўлишида маълум ўзгаришлар содир бўлган ва бўлмоқда, оқибатда, ҳозирги даврда дунё аҳолисининг такро барпо этишининг қуидаги типлари пайдо бўлди:

1) Архетип, 2) анъанавий тип, 3) замонавий тип.

Архетипга хос аҳолининг табиий ўсиши инсониятни демографик ривожланишида узоқ давом этган даври бўлиб, аҳолининг юқори даражадаги туғилиши юқори даражадаги ўлими кўрсаткичлари билан кузатилади.

Бундай, табиий ўсиш ҳозирги даврда Африканинг кўпгина қолоқ мамлакатларига хос. Турли ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг такрор барпо бўлишининг турли кўринишлари мавжуд. Жумладан, ривожланаётган ёки иқтисодий ночор давлатлардаги аҳоли ўртасида эрта оила қуриш, кўп фарзандлилик, аёллар аҳволини яхши ҳимояланмаганлиги, маълумотлилик даражасининг пастлиги, соғлиқни сақлаш тизимининг етарли йўлга қўйилмаганлиги туғилишнинг жуда юқори бўлишига, ўлим даражасининг, айниқса, болалар ва аёллар ўлимининг қўплигига сабаб бўлади. Аҳолининг турмуш даражаси баланд, маданий савияси юқори бўлган аксарият, ривожланган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлишида туғилиш даражасининг пастлигини кўрамиз. Ўртacha умр қўриш кўрсаткичи энг баландни ташкил этади.

Англиялик иқтисодчи Сэмюэл Ленг “агар ҳамма етарли, қулай, яхши шароитда яшаганда эди, ҳозир дунё одамсиз қолган бўлур эди” дейди. Бундан аҳолининг моддий аҳволи, маънавий турмуш даражаси юксалиб борар экан, ўз навбатида инсон психологик нуқтаи-назардан кўп фарзанд кўришни истамайди, деган фикр туғилади.

Б.Ц. Урланис “Моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларнинг фарзандлари кам сонлидир” деб иқтисодий омилнинг демографик омилга кўрсатаётган таъсирини ифодалаб беради. Шунингдек, у моддий омил билан маънавий омилнинг авлодлар алмашинувига ҳамиша бир хил йўналишда таъсир этмаслигини ҳам айтиб ўтади. Аҳоли такрор барпо бўлиши, ушбу омиллар тасирида бир-биридан фарқ қилувчи типлари вужудга келади.

Биринчи тип-бу грухга кирувчи давлатларда яшовчи аҳоли ўртасида туғилиш ва ўлимнинг юқори даражаси ва бунга мос равища, аҳолининг кам миқдорда кўпайиши хос бўлиб, ҳозирда ушбу типга кирадиган давлатлар ер шарида жуда кам миқдорда учрайди.

Иккинчи тип - давлатларига туғилиш миқдори юқори, ўлим кўрсаткичи тиббиётдаги эришилган ютуқлар эвазига кескин камайиб боради. Аҳоли ёш таркиби прогрессив, кекса ва қариялар салмоғи кам сонли, болалар, ёшлар

кўпчиликни ташкил этган ҳолда, аҳоли такрор барпо бўлиши ижобий баҳоланади, “демографик портлаш” кузатилади. Аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган ушбу типига Африканинг барча давлатлари, Хорижий Осиё, Жанубий Американинг қатор давлатлари, Австралия ва Океания, Ўрта Осиё давлатларини киритиш мумкин.

Учинчи тип-бу типдаги давлатларда аҳоли ўлимининг кам миқдори ушланиб турган ҳолда, туғилиш даражаси қисқариб боради. Аҳоли сони ҳаддан ташқари кўпайиб ёки камайиб кетмайди. Аҳолининг маълум бир миқдорда ўсиши кузатилади. Ушбу типдаги давлатлар аҳоли такрор барпо бўлишининг оддий типига кирувчи давлатлар, деб аталади.

Тўртинчи тип- давлатлари аҳолиси ўз-ўзини қайта тикламайди. Ўлиб кетаётганлар мутлоқ миқдори ҳаётга янги келаётганлар миқдоридан ортиқ бўлади. Мазкур гурух давлатларида “депопуляция” рўй беради, қисқарган аҳоли такрор барпо бўлишига олиб келади. Буларга Европа, Болтиқбўйи давлатлари, Шимолий Америкадаги маълум бир давлатларни, Япония, Грузия, Арманистон, Россияни киритиш мумкин.

Хозирда ер шари аҳолиси туғилиш умумий коэффициенти хар минг кишига 20 промиллега, аҳоли ўлими 8 промиллега, табиий кўпайиш 12 промиллега (2012 й) тенг бўлмоқда. XVIII аср охирларига қадар ер юзининг барча минтақаларида туғилиш кўрсаткичи юқори бўлган, XX асрга келиб, аксарият, ривожланган давлатларда индустрлаштириш, урбанизация жараёнларининг жадаллашуви, аёлларнинг ишлаб чиқаришда фаоллигининг авж олиши, фан-таълим соҳасидаги ривожланишлар, маданиятнинг тараққий этиши, никоҳ қуриш ёшининг кўтарилиши натижасида, туғилиш бир мунча пасайди. XIX аср охирида Европа давлатларида туғилиш юқори, ўлим паст бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлиши интенсив ҳолатда бўлган бўлса, XX асрда ҳудди шу аҳвол Лотин Америкаси давлатларида кузатилган. Европада бу вақтда туғилишнинг пасайиши аҳамиятли тус олган ва ҳозиргача бу жараён давом этмоқда.

Туғилиш даражасидаги ўзгаришларни энг аниқ ифодаловчи демографик күрсаткичлардан бири туғилишнинг йиғинди коэффициенти бўлиб, у маълум авлодга тегишли ҳар бир аёлнинг фарзанд кўриш даврида (ўртacha 15-49 ёш) туққан болаларнинг ўртacha сонини билдиради. Агар мазкур коэффициент қайси бир ҳудудда 4,15дан юқори бўлса, шу ҳудудда аҳоли сони тез суръат билан кўпайиб боради, аҳоли таркибида болалар (0-14 ёш) салмоғи юқори бўлиб, қариялар (65 ёш ва ундан катталар) салмоғи паст бўлади. Агар туғилишнинг йиғинди коэффициенти 2,15дан кичик бўлса аҳоли жуда секин ўсиб боради, аҳоли таркибида болаларга нисбатан қариялар салмоғи юқори бўлиб, аҳолининг демографик “қариш” жараёни рўй беради. Бу кўрсаткич 2,15дан 4,15 гача бўлса туғилиш даражаси нормал ҳисобланиб, аҳоли ўртacha меъёрда кўпайиб боради.

Туғилишнинг йиғинди коэффициенти дунё бўйича, 2,5 га тенг (2012 й). Демак, аҳоли такрор барпо бўлишда давом этмоқда. Ривожланган мамлакатларда бу рақам 1,7 га, ривожланаётган давлатларда 3,0 та, ўртacha даражадаги ривожланаётган давлатларда эса 2,6 га тенг (2012 й). Африкада туғилишнинг ушбу коэффициенти энг юқори кўрсаткичга эга, яъни 4,7, Америкада 2,2, АҚШда 2,0, Осиёда 2,2 ва Европада 1,6 ни ташкил этади. Дунё бўйича Ангола, Камерун, Брунда, Малави давлатлари (5,7-6,5) аҳолиси ўта юқори туғилиш даражасига эга. Европа аҳолиси демографик инқирозга юз тутган, биронта давлат аҳолисида туғилишнинг йиғинди коэффициенти 2,0 дан ошмайди. Бунда албатта мамлакатлар аҳолисининг ёш, жинсий, миллий таркиби, ҳудудий жойлашуви, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ўта юқори даражада банлиги каби хусусиятлари алоҳида ўрин тутади.

Европа давлатлари аҳолиси жинсий таркибида аёлларнинг 45-50 фоизи халқ хўжалигига банд. Осиё, Африка давлатларида эса бу рақам жуда кичик. Африкада аёлларнинг атиги 5 фоизи ишлаб чиқаришда қатнашади. Манбаларда кўрсатилишича, аграр давлатлар қишлоқ жойларида туғилиш даражаси 30-40 промилледан ҳам баланд. Қишлоқ аҳолисининг ҳисобига

шаҳар аҳолиси ўсиб боради. Натижада, урбанизция жараёни туғилишга астасекинлик билан ўз таъсирини ўтказади. Туғилишга ижобий таъсир этувчи омиллардан бири никоҳ қуриш ёши ҳисобланди. Эрта никоҳ қуриш, ажралишнинг камайиши, туғилиш даражасини кўтарадиган қулай демографик вазият ҳисобланади. Қатор Осиё давлатларида, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ёшлар эрта никоҳга киради, Ғарбий Европада эса аксинча.

7-жадвал

**Аҳолининг такрор барпо бўлиши кўрсаткичлари
(ҳар1000 аҳолига нисбатан, 2012 йил)**

Минтақалар	Туғилиш	ўлим	Табиий кўпайиш	Механик кўпайиш
Бутун дунё	20	8	1,2	-
Африка	36	11	2,5	-1
Америка	16	7	10	0
Осиё	18	7	1,1	0
Австралия ва Океания	18	7	1,1	4
Европа	11	11	0,0	2
Россия	13	14	-0,1	2
Ўзбекистон	23	5	1,8	-2

Манба: [Population Reference Bureau. 2012. World Population Data Sheet.](#)

1970 – 2005 йиллар давомида туғилишнинг энг тез камайиши Шимолий Америкага тўғри келади (шу давр ичida 1,6 марта камайган). Унинг асосий сабаблардан бири шаҳар аҳолисининг ўсишидир. Масалан, АҚШ ва Канадада шаҳар аҳолисининг 1950 – 1999 йилларда 64 % дан 75 – 79 % гача ўсган. Баъзи жойларда давлат томонидан олиб борилаётган туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёsat ҳам туғилишнинг камайишига олиб келади. Буни Хорижий Осиёнинг энг аҳолиси қўп давлатлари – Хитой ва Ҳиндистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Хитойда оиласидаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан бошлаб аҳоли ўртасида туғилишни камайтириш учун қатор тадбирлар қўллана бошлади. Натижада, Хитойда туғилиш кескин камайди.

БМТ маълумотларига қараганда, 1970 – 1974 йил ҳар бир аёл ўзининг фарзанд кўриш даврида ўртача 4,8 фарзанд кўрган бўлса, 1986 – 1990 йилларда 2,1 ва 1,4 тадан фарзанд кўришган. Хитой давлати конституциясида эр-хотин фарзанд кўриши режалаштириши зарурлиги қайд этилган. Фарзандлар туғилишини режалаштириш бўйича махсус комитет ташкил этилган, оилада фарзандлар туғилиши учун ҳукуматдан расмий рухсат олиниши зарур. Кеч никоҳга кириш белгиланган, институтда ўқиш давомида турмуш қуришга рухсат берилмайди. Оилани режалаштириш шиори “Бир оиласа-битта бола” сиёсати ҳозирда ўз натижасини бермоқда. Аммо, бир вақтлардаги демографик портлаш ҳисобига туғилганларнинг бугунги кунда ўрта ва нафақа ёшига етиб келаётганлиги, Хитой демографик сиёсатида яна бир катта муаммони келтириб чиқармоқда. Оқибатда, аҳоли ўртасида қариялар ва нафакўрлар сони кескин ортиши, туғилаётган оиладаги битта бола олтида одамни боқиши кутилмоқда.

Ҳиндистонда ҳам туғилиш давлат томонидан назорат қилинади. Оилада болалар сонини чеклаш миллий давлат дастури 1951 йили қабул қилинган. Бу масала юзасидан бир қанча ташкилотлар махсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига оилани режалаштириш ассоциацияси, Ҳиндистон Қизил ярим ой жамияти каби ташкилотлари киради. Оилани режалаштириш миллий давлат дастури Ҳиндистонда “Биз иккитамиз-бизга иккита” шиори остида иш олиб боради. Бу дастурга биноан никоҳга кириш ёши кўтарилиган. Натижада, туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиш даражалари бирмунча пасайди. Масалан, 1970 – йиллардан буён ҳар бир аёл ўз умри давомида кўрган фарзандлари сони 5,4 дан 1,7 гача камайди. Аммо шунга қарамасдан, дунёда туғилаётган ҳар 5 та чақалоқнинг 1 таси Ҳиндистонга тўғри келади. Ҳиндистонда туғилишнинг камайишига аҳоли саводлилик даражасининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. Масалан, 1971 йили Ҳиндистон аҳолисининг 29,4 % саводли бўлган бўлса, ҳозирги даврда 40 % дан юқори аҳоли саводлидир.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши нафақат, туғилишга балки ўлим жараёнига ҳам боғлиқ. Ўлим авлодлар алмашинуидаги асосий жараён ҳисобланилди. Аҳоли ўлими турли сабаблар натижасида рўй беради. Аҳолининг табиий ўсиши ҳамда камайишида муҳим демографик жараён бўлиб иштирок этади. Ўлимнинг рўй беришида асосан эндоген ва экзоген омилларни сабаб қилиб кўрсатилди.

Эндоген омиллар-организмнинг ички ривожланиши, унинг шаклланиши ва қариши, инсоннинг яшаш фаолияти, қобилиятининг пасайишига сабаб бўладиган омиллардир. Одатда, эндоген омиллар туфайли кекса ёшдаги аҳоли қўпроқ ўлим топади. Буни одатда меъёрий ҳодиса, деб баҳолашади. Бироқ аҳолининг ёш қатламида ҳам эндоген сабаблар туфайли ўлим ҳодисаси рўй беради. Буларга давоси йўқ ирсий касалликлар, ножўя воқеа-ҳодисалар киради.

Экзоген омиллар-одамларда ташки таъсир билан боғлиқ пайдо бўладиган ўлимлар бўлиб, бу омиллар таъсири оқибатида, аҳолининг турли ёшдаги кишилари турли вақтда турли жойда вафот этадилар. Ушбу омилларга ички юқумли касалликлар, касб касалликлари, оғир меҳнат ва меҳнат шароитлари оқибатида, юзага келган касалликлар, баҳтсиз ҳодисалар, заҳарланиш, наркомания, алкоголизм ва ҳоказолар киради. Ҳозирги замон саноати, урбанизация, техника тараққиёти, автоматлаштириш, халқ хўжалигини химиялаштириш натижасида, атроф-муҳитнинг, атмосфера ҳавосининг бузилиши, оқар сувларнинг ифлосланиши, ўлим ҳодисасининг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўлим ҳодисасининг катта ёки кичик кўрсаткични ташкил этиши бир ёшгача бўлган болалар ўлими билан бевосита боғлиқ. Ҳар 1000 та туғилган чақалоққа тўғри келадиган гўдаклар ўлими дунё бўйича 56 тани ташкил этади. Шундан, Африкада бу рақам 89 та, Европада 9 та, Океанияда 26 та, Осиёда 53 тага тенг.

Африка давлатларида дунё бўйича умумий ўлим кўрсаткичи ўта баланд. Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган аҳоли ўлими 15-20 %, баъзи жойларда 25 % га ҳам етади (Нигерда- 24 %). Ўлим даражаси баланд бўлган иккинчи

минтақа Европа ҳисобланади. Ижтимоий-иктисодий ривожланиши, тараққиётига күра бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу иккала географик худуд ўлим ҳодисаси кўплиги билан бир-бирига ўхшайди. Европанинг деярли барча қисмларида ўлим туғилишга нисбатан юқори. Ўлимнинг умумий кўрсаткичи ва мамлакат иктисодий ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Жумладан, Европа иктисодий жиҳатдан бақувват бўлишига қарамасдан, аҳоли ўртасида ўлим кўплиги билан ажralиб туради. Буни ижтимоий-иктисодий шарт-шароит билан эмас, балки аҳоли ёш таркибидаги вазият билан баҳолаш мақсадга мувофиқ. Европа аҳолисининг умумий ўлим кўрсаткичидаги болалар ва ўрта ёшдагилар ўртасида ўлим кам учрайди, кекса ёшдагиларда, эркакларда, аксинча, жуда баланд. Бундан ташқари, Европа аҳолиси таркибидаги экзоген омиллар туфайли содир бўладиган ўлим ҳодисаси кўп учрайди. Туғилиш даражасининг пастлиги, ўлимнинг туғилишдан кўплиги аҳолининг табиий камайишини келтириб чиқарди. Бугунги Европа демографик вазиятида айнан шундай ҳолат, туфайли қисқарган аҳоли такрор барпо бўлиши содир бўлмоқда, яъни аҳоли табиий равишда камаймоқда.

Статистик маълумотлар таҳлилидан, аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи дунёда эркакларда 68 ёш, аёлларда 72 ёшга тенглиги, яъни энг баланд аҳоли ўртача умр кўриши ривожланган давлатларга тўғри келади (эркаклар- 80, аёллар- 86 ёш). Ўртача умр кўриш ёши 80 ва ундан баланд бўлгани, аксарият, аёлларда кузатилмоқда. Аёллар ўртасида 80 ва ундан катта умр кўриш ёшига эга бўлган давлатларга Япония (86 йил), Гонконг (86), Финляндия (85), Швеция (84), Норвегия (83), Греция (82), Италия (84), Франция (85), Канада (83 йил) киради. Айнан мана шу санаб ўтилган давлатларда дунё миқёсида энг кичик гўдаклар ўлими кузатилади. Кейинги 10 – 15 йил ичида дунёning деярли ҳамма қисмида туғилишнинг камайиб бориши, ўртача умр кўриш ёшининг ортишига сабаб бўлди.

Узок умр кўриш ёшига эришиш ҳар бир мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишига боғлиқ бўлиши билан бирга соғлиқни-сақлаш, аҳоли соғлом

ҳаёт тарзини ташкил этишдаги эришган ютуқлари билан белгиланади. Жумладан, Япония (аҳолиси ўртача умр кўриш ёши 83 йил, аёлларда 86 йил); Швеция ва Швейцарияда (ўртача кўрсаткич 80-82 ёш); Нидерландия, Норвегия, Франция, Австралия (82 ёш); США, Канада, Австрия, Буюк Британия, Германия, Испания, Финляндия (80—82 ёш); Ўртача умр кўриш ёши ўртача бўлган давлатлар (60—79 ёш) — Хитой, Руминия, Россия, Польша, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия, кўпгина МДХ давлатлари; Ўртача умр кўриш ёши паст бўлган давлатлар (55 ёшдан паст) Африки, жанубий, жанубий –шарқий Осиё давлатлари киради:

БМТ томонидан 1992 йили Рио-де-Жанейрода ўтказилган халқаро конференцияда демографик муаммони ҳал этиш ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланиш дастурининг асосий қисми бўлиши кераклиги таъкидланган. Ҳар бир давлат ички имкониятидан келиб чиқиб, ўсиб бораётган аҳолисини боқиши, ҳаёти учун зарур шарт-шароит яратишда ўзининг демографик сиёсатини, мақсади ва вазифаларини белгилаб олиши зарур. Аҳоли кўпайишида нафақа, унинг табиий ҳаракати, балки механик ҳаракати, яъни миграцияси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Миграция - сўзи лотинча “*migratio*” сўзидан олинган бўлиб, кўчиб юриш, яъни бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга чегаралардан ўтиб аҳолининг алмашинишини билдиради. Аҳолининг турли мақсадларда, янги ерларни ўзлаштириш, даромад топиш, ўқиш, яшаш ҳамда сиёсий нуқтаи-назардан яшаш жойини доимий ёки вақтинча ўзгартиришига, унинг механик ҳаракати дейилади. Аҳоли миграцияси икки шаклда ички миграция ва ташқи миграция шаклида рўй беради. Агар аҳоли мамлакат ичida ҳудудлар бўйлаб (шаҳар-қишлоқ, қишлоқ-шаҳар, туман-вилоят ва ҳоказо) кўчишни амалга оширса бундай миграция ички миграция дейилади. Аксинча, аҳоли ўзи яшаб турган мамлакатдан бошқа мамлакатларга, қитъаларга кўчиб борса бундай миграцияни ташқи ёки халқаро миграция-деб атаймиз. Миграциянинг ҳар қандай турида иштирок этган кишилар мигрантлар дейилади. Ташқи миграция иккига бўлинади: эмиграция ва иммиграция.

Эмиграция-кишиларнинг доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши. Эмиграцияда қатнашган аҳоли эмигрантлар деб аталади.

Иммиграция-кишиларнинг узок муддатга доимий ёки вақтинча яшashi учун бирон бир мамлакатга бошқа давлатлардан кўчиб келиши. Иммиграцияда қатнашган аҳоли “иммигрантлар” дейилади.

Реэмиграция- кишиларнинг узок муддатга доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиб, муайян муддатдан сўнг яна қайтиб кўчиб келишидир. Реэмиграцияда қатнашган кишилар “реэмигрантлар” дейилди. Шунингдек, аҳоли миграцияси ўз моҳиятига кўра уч турга, яъни доимий, вақтинча (мавсумий) ва тебранма (маятниксимон) миграцияга бўлинади. Сабабларига караб ихтиёрий ҳамда мажбурий миграция турлари ҳам мавжуд. Доимий миграция- аҳолининг узок муддатга (бир йилдан ошиқ) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир. Мавсумий миграция- аҳолининг маълум бир вақтга (мавсумга) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир. Тебранма миграция- аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга ҳар куни ёки ҳар хафтада бориб қайтиши.

2010 йил жаҳон банки маълумотлари бўйича, дунё аҳолисининг 3,2 фоизи ёки 215,8 млн киши эммигрант сифатида ўз яшаш жойини ўзгартирган. Эмигрантлар таркибида университет битирувчиларининг улуши 20,3 фоиз ва врачларнинг улуши 4,2 фоиз бўлган. Иммигрантларнинг таркибида аёлларнинг улуши 48,4 фоиз бўлиб, 16,3 млн эммигрантлар ёки жами эммигрантларнинг 7,6 фоизи қочоқлар бўлган. Иммигрантларни қабул қилаётган мамлакатлар АҚШ, Россия, Германия, Саудия Арабистони, Канада, Буюк Британия, Испания, Франция, Австралия¹ ҳисобланмоқда. Бундан кўриниб турибдики, дунё аҳолисининг ҳар 33 таси миграцияда иштирок этишмоқда. Бу эса юқорида номлари келтирилган мамлакатларда иммигрантларга бўлган талаб борлигидан далолат беради. 1990 йилдан 2000

¹Хўжаев Н. “Миялар кўчиши”нинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари // Демографическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. Материалы республиканской научно-практической конференции, посвященной 20-летнему юбилею независимого развития республики.-Т., 2011. Б.271.

йилгача бўлган даврда ҳар 3/2 мигрант Шимолий Америкага тўғри келган. 1980 йилгача кам ривожланган давлатларда халқаро мигрантлар умумий сонининг ҳар 5/3 таси ўта ривожланган мамлакатларда жойлашган. Шу боисдан бўлса керак, “мигрантларнинг энг катта миқдори Европада-64 млн., Осиёда-53 млн., Шимолий Америкада-45 млн жойлашган. Деярли барча мигрантларнинг ярми аёллардир. 2000-2005 йиллар давомида ўта ривожланган минтақалар ҳар йили 2,6 млн мигрантларни ёки шу вақт оралиғида жами 13,1 млн мигрантларни қабул қилди”².

Тарихда давлатлар миқёсида йирик миграцион ҳаракатлар рўй берганлиги ҳаммага маълум. Жумладан Е.Л. Шувалов VII-X асрларда оммавий кўчишларни Арабистон ярим оролида яшовчи араб қабилаларининг Шимолий Африка, Пиреней ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларини босиб олганлиги ва бу ерларда ислом дини ҳамда араб ёзувини кенг тадбиқ қилиб тарқатганлигини кўрсатиб ўтади. Шунинингдек бу араб қабилалари мазкур ҳудудда Миср ва Марокаш каби қатор замонавий араб қабилаларининг ташкил топишида қатнашдилар.

Аҳоли миграциясига катта таъсир кўрсатадиган давр дунёда буюк географик кашфиётлар даври ҳисобланади (XV аср охири- XVII аср ўртаси). Бу давр одамларнинг алмашилишида унчалик аҳамиятли бўлмасада, кейинчалик оммавий аҳоли қўчишига замин бўлиб ҳизмат қилди. XIX асрда Африка минтақасидан Америкага кўплаб қора танли негрлар кўчириб келтирилди. XV-XVIII асрда аввал Испания ва Португалиядан, кейинчалик Англия ва Франциядан Америкага одамлар кўчиб боришади. Ўша вақтларда Америка арzon ишчи кучига эҳтиёжи баландлиги туфайли, бу қитъага Африкадан 50 миллион негр қул сифатида олиб кетилган. Бу қулларнинг атиги 12-14 миллиони Америкага етиб боришган бўлса, қолганлари эса йўлда ҳалок бўлишган. Европадан Америкага XIX аср ўрталарида аҳолининг кўчиб бориши янада кучайди ва бу XX аср ўрталаригача давом этди. Иккинчи

²Глущенко Г.И. Миграция и развитие: Мировые тенденции// Вопросы статистики. Научно-информационный журнал.-М., 2/2008.С.66.

жаҳон урушигача кўчиб борганларнинг аксарияти, АҚШ га тўғри келади. Ушбу аҳоли харакатларининг бош сабаби иқтисодий омил ҳисобланади.

Сеҳрли диёр бўлмиш Америкага аҳолининг кўчиб бориши Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам тўхтагани йўқ. Ҳатто, собиқ Иттифоқ республикалари алоҳида давлат бўлиб, мустақилликка эришганларидан сўнг бу жараён яна бир каррага жонланиб, тезлашди. 1993 йили АҚШ президентининг собиқ Иттифоқ ҳудудидаги зиёлилар ва мутахассисларнинг АҚШ га кўчиб келишига мумкин қадар қулайликлар яратиш тўғрисидаги қарори бу давлатга мигрантлар оқимининг янада кўпайишига туртки бўлди, десак хато бўлмайди. Ва бу жараённи олимлар фанда “оқиллар кетиши” деб номлашган. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши кўплаб математик, компьютер дастурчилари, химик, физик, биолог сингари олимлар ва мутахассисларнинг Америкага кетишига, ўз навбатида, МДҲ давлатларидаги интеллектуал салоҳиятнинг пасайишига олиб келди. Европадан, Африкадан, собиқ Иттифоқ давлатларидан Америкага кўчиб келган аҳоли сони шу худуд аҳолиси билан аралашиб мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётига катта ҳисса кўшмоқдалар.

Қитъа ва материклар ўртасидаги миграция жараёни нафақат Европа ва Америка балки Европа ва Африка, Европа ва Австралия, Хитой ва Корея давлатлари ўртасида ҳам бўлиб ўтган. Европадан Африкага одамларнинг механик ҳаракати Американики сингари XIX аср ўрталарига тўғри келади. Манбаларда кўрсатилишича, 1960 йили Африкада тоза европаликлар 6 миллион кишига етган. Европаликлар Африканинг жанубий, шарқий ҳамда шимолий ҳудудларига кўчиб боришган. Аввало буларнинг кўчиб борган жойлари Африканинг энг бой қимматбаҳо ресурслари мавжуд бўлган ерларидир. Кейинчалик кўпгина Африка давлатлари алоҳида бўлиб мустақилликка эришганидан сўнг кўчиб келган баъзи кишилар ватанига қайтиб кетишли.

Россия МДҲ ичида энг йирик, қудратли давлат ҳисобланади, аммо демографик вазиятни яхшилаш давлат аҳамиятидаги муаммолардан бири.

1990 йиллардан бери табиий кўпайиши манфийга тушган. Аҳолиси Ўрта Осиё ва бошқа МДХ давлатларидан кўчиб бораётганлар сони билан ўсмоқда ва ишчи кучига бўлган эҳтиёжини тўлдирмоқда.

3. Дунё аҳолисининг этно-демографик таркиби

Аҳоли таркиби деганда аҳолининг маълум ижтимоий – иқтисодий ва демографик белгилар асосида тақсимланиши тушунилади.

Аҳоли таркиби асосан қўйидаги белгилар асосида тақсимланади:

1. Биологик хусусиятга эга бўлган белгилар: (аскриптив) жинси, ёши, ирқи, этник гуруҳи
2. Социал хусусиятга эга бўлган белгилар: никоҳ статуси (никоҳда туриши) саводлилиги ва маълумотлилик даражаси), келиб чиқиши, тили, фуқаролиги, профессиональ тайёргарлиги
3. Иқтисодий хусусиятга эга бўлган белгилар: қасби, бандлиги, бандлик соҳаси, даромад манбаи
4. Миграцион хусусиятга эга бўлган белгилар: туғилган жойи, мазкур аҳоли масканида неча йилдан бери яшаб келиши ва х.к.
5. Демографик (витальный) белгилар: туғилиш ва ўлим, никоҳ ва ажралиш, никоҳга кириш ёши, ҳомиладорликлар сони, фарзандлар сони, ўлим сони ва х.к.
6. Оилавий таркиби бўйича белгилар: оила ёки уй хўжалиги, оила турлари ва х.к.

Аҳолининг ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар (демографик таркиби) биринчи навбатда жамиятнинг демографик ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Демографик ҳолат эса аҳолининг ёши ва жинсий таркиби, никоҳга кириши ва никоҳнинг бекор этилиши (ажралиш), туғилиш, ўлим ва миграция каби жараёнларда ифодаланади.

Аҳоли ёш таркиби уч асосий омил таъсирида шаклланади;

- 1) янги туғилганлардаги жинсий нисбат;
- 2) ўлимдаги жинсий фарқ

3) аҳоли миграциясидаги жинсий фарқ

Демографияда ва статистикада бирламчи, иккиламчи ва учламчи жинсий нисбатлар мавжуд.

Бирламчи нисбат – ҳомиладорликдаги қиз ва ўғил болалар нисбати. Илмий манбаларда қайд этилишича 100 та қиз бола ҳомилага 125-130 та ўғил бола ҳомилалар туғилар экан.

Иккиламчи нисбат – тирик туғилган ўғил ва қиз болалар нисбати. Тадқиқотлар кўрсатишича ҳар 1000 та чақалоқдан 488 таси қиз ва 512 таси ўғил болалар тўғри келади (ёки 100 та қиз болага 105 – 106 та ўғил бола, Хитойда ўғил болалар кўп туғиляпти – 100 та қиз болага 1980 йил 107,4 ўғил бўлса, 1993 йил 100 та қиз болага нисбатан 114,1 ўғил бола туғилган – бу муаммо)

Учламчи нисбат – репродуктив ёшдаги эркаклар ва аёллар нисбати – демографик ривожланишда энг аҳамиятли нисбат

Ёш – инсон туғилганидан ҳаётининг маълум нуқтасигача бўлган давр. Биологик ва календарь ёшлар мавжуд. Ҳозирги даврда аҳолининг ёш структураси бўйича қўйидаги классификацияси берилган. Аҳолининг ёш таркиби ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнларни ўрганиш мақсадида аҳолининг ёш гуруҳларга бўлинишидир. Аҳоли ёш гуруҳлари ва демографик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Аҳоли таркибида ёшлар (0 – 9, 10 – 19, 20 – 29 ёшида) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш каби демографик жараёнларга ижобий таъсир этади. Айни пайтда туғилиш юқори бўлган ҳолларда ҳудудларда болалар, ёшлар салмоғи юқори бўлади. Туғилиш даражаси паст бўлган ҳолларда эса аҳоли таркибида қариялар (60 ёш ва ундан юқори) салмоғи юқори ва ўлим ҳоллари кўпроқ содир бўлади. Демографик нуқтаи назардан ёндашганда, аҳолининг бугунги ёш таркиби кечаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси ва келажакдаги демографик ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Аҳоли ёш таркибини ўрганганда, аҳолининг алоҳида ҳар бир ёшларга (0,1,2,3,4,5...100 ва ундан юқори) беш йиллик ёш гуруҳларига (10 – 14, 15 –

19...) ва учта йирик – йирик гурухларига (0 – 14, 15 – 60, 60 ва ундан юқори) ажратилади. Аҳоли ёш таркиби демографияда асосий ўрганиш обьекти сифатида ўз келиб чиқиш ва ривожланишига эга. Ушбу ривожланишни қуидаги йўналишларга ажратиш мумкин: а) алоҳида ёш гурухлари ва уларни нисбатларини статистик таҳлили; б) аҳоли ёш таркибининг шаклланиш қонуниятлари ва уларнинг демографик ривожланишнинг омили сифатидаги ўрни; в) аҳоли ёш таркиби ва ижтимоий-иктисодий жараёнларни ўзаро боғлиқлиги.

8-жадвал

Ёш классификацияси*

Календарь ёш	Инсон ҳаёти даврлари
1 – 7 кунлик	Янги туғилган чақалоқ
7 кун – бир ёш	Чақалоқ
1 – 3 ёш	Эрта болалик
4 – 7 ёш	Биринчи болалик
8 – 12 (ўғил болалар)	Иккинчи болалик
8 – 11 (қиз болалар)	
13 -16 (ўғил болалар)	Ўсмирлар
12 – 15 (қиз болалар)	
17 – 21	Йигитлар
16 – 20	Қизлар
22 – 35 (эркаклар)	I – етуклиқ даври
21 – 35 (аёллар)	
36 – 60 (эркаклар)	II – етуклиқ даври
35 – 55 (аёллар)	
61 – 74 (эркаклар)	Кекса одамлар
56 – 74 (аёллар)	
75 – 90 ёш	Қари одамлар
90 дан юқори ёшдагилар	Узоқ яшовчилар

*Народонаселение: Энциклопедический словарь. М., 1994 с. 461

Аҳоли сонининг ўсиб боришида унинг ёш таркиби асосий омил ҳисобланади. XX асрнинг ўрталарида иқтисодий ривожланган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлиши туғилиш даражасининг нисбатан пастлиги ва аҳоли умумий таркибида болалар салмоғининг камлиги билан характерланади. Ривожланаётган давлатларда эса ана шу даврда нисбатан юқори туғилиш ва аҳоли таркибида болалар салмоғининг юқорилиги

характерли эди. Туғилиш юқори ва уни назорат этиш даражаси паст бўлган шароитда аҳолининг ёш таркиби, аҳоли сони ўсиб боришига бевосита таъсир этади.

Ёш аккумуляцияси – баъзи ёш гурухларидаги аҳоли сонини ўзидан олдинги ёш гуруҳидаги аҳоли сонидан ошиб кетиши. Бу ҳол қўп ҳолларда аҳоли ўзини ёшини яхлитлаб айтиши сабабли содир бўлади. Кўпроқ 60 ёшдан кейин кексалар ёшларини кўпайтириб айтадилар. Натижада баъзи ёшдаги аҳоли сони ўзидан олдинги ёшдан ошиб кетади. Масалан, 1897 й. аҳоли рўйхатларининг таҳлилидан 70 ёш эркаклар, 75 ёш аёллар сони 69 ёш ва 74 ёшдаги аҳоли сонидан ошиб кетган.

Аҳолининг ёш таркиби аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичи билан чамбарчас боғланган. Инсоннинг иқтисодий, биологик ва календар ёшлари мавжуд бўлиб, улар ўз илмий таърифлари ва хусусиятларига эгадир. Демографик нуқтаи-назардан инсон умри турли даврларга бўлинади (гўдаклик, болалиқ, ёшлиқ, етуклиқ, меҳнатга қобилиятлилик даври ва қариялик). Умуман, дунё миқёсида аҳоли ёш таркиби бўйича учта демографик гурухларга ажратилади. Буларга 0-14 ёш (болалар), 15-64 ёш (меҳнат ёшидаги аҳоли), 65 ёш ва ундан юқорилар (қариялар) киритилади

Швед демограф олими Г.Сундберг аҳолининг ёш таркибига қараб уч турга бўлди:

1. Прогрессив.
2. Стационар.
3. Регрессив.

Прогрессив- ёш таркибida аҳоли умумий миқдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори бўлган ҳудудларда кузатилиб уларнинг аҳолиси мунтазам кўпайиб боради. Бу ёш таркибига Африка ва Осиё давлатларини киритса бўлади. Дунё бўйича 15 ёшдан кичиклар жами аҳолининг 26 фоизини ташкил қиласа, Африкада 41 фоизни, Осиёда 25 фоиз, Европада 16 фоизга teng (2012 й.). Бизнинг

республикамиз аҳолиси ёш таркибида айнан шу ёшдагилар дунё кўрсаткичидан баланд 29 фоиз.

Стационар- ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида қариялар салмоғи ёшлар билан тенгдир. Стационар ёш таркибида аҳоли сони бир хил миқдорда туради. Аҳолининг тез камайиши ёки камайиши кузатилмайди.

Регрессив- ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда эса аҳоли сони аста-секин камайиб боради ва “депопуляция” ҳолати юз беради. Аҳоли “қариб” бориши кузатилади. Дунё аҳолисининг атиги 8 фоизи (2012 йил) 64 ёшдан катталарга тўғри келади. АҚШ, Канада, Европа, Океания давлатларининг аксариятида 64 ёшдан катта ёшдагилар салмоғи дунё аҳолисининг айнан шу ёш таркиби бўйича умумий кўрсаткичидан устунлиги кузатилади.

Аҳоли ёш таркибини иккита асосий типга ажратиш мумкин.

Биринчи типда (туғилиш ва ўлим юқори бўлиб, ўртача умр кўриш даври қисқа бўлган ривожланаётган давлатлар) болалар, ўсмирлар миқдори устун, қариялар ҳиссаси унча катта эмас. Иккинчи тип Шимолий Америка, Европа, Япония, Австралия мамлакатларига хос (туғилиш кам, ўлим паст кўрсаткичга эга, узоқ умр кўрувчилар кўп сонли) болалар ва ўсмирлар сони қисқариб, қариялар улуши ошиб боради. Дунё аҳолисининг ёш таркибида таркибида болалар улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва кекса аҳоли салмоғи кўпаяётган минтақаларга Америка, Европа ва Австралия ҳамда Океания давлатлари киради. Бинобарин, 1970-2012 йилларда 0-14 ёшдаги болалар улуши 36,6 дан 26,0 фоизга тушди, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли салмоғи эса 57,9 дан 66,0 фоизга кўтарилди, 65 ёш ва ундан катталар салмоғи барча минтақаларда сезиларли даражада ортиб бормоқда, дунё бўйича бу кўрсаткич ҳозирда 8 фоизга teng (9-жадвал).

Аҳоли жинсий таркибига кўра ҳам фарқланади, XX асрнинг 90 йилларида эркаклар сони аёллар сонидан кўп бўлди. Бу айниқса, 0-14 ёшгача бўлган ўсмирларда яққол кузатилди. Ушбу ёшдагиларда, ҳар мингта аёлга 1041 эркак тўғри келди. 40-45 ёшдагиларда деярли teng, 60 ёшдагиларда

аёллар сони эркакларга нисбатан кўп. Дунёда давлатлар аҳолиси жинсий таркиби бўйича қўйидагича бўлинади: эркак ва аёллар сони тенг давлатлар (Кўпгина Лотин Америкаси давлатлари, Африка); аёллар сони эркакларга нисбатан кўп бўлган давлатлар (Европа давлатлари, АҚШ, Канада); эркаклар сони кўп бўлган давлатлар (Осиё—Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Сингапур, Бангладеш ва бошқалар).

9-жадвал

Дунё аҳолисининг ёш таркиби. 1970-2012 йилларда, фоиз ҳисобида

Минтақалар	1970 йил			1985 йил			2012 йил		
	0-14	15-64	65 ва ундан юқори	0-14	15-64	65 ва ундан юқори	0-14	15-64	65 ва ундан юқори
Дунё бўйича	36.6	57.9	5.5	33.7	60.6	5.7	26	66	8
Европа	24.9	63.7	11.4	20.9	66.7	12.4	16	68	16
Осиё	38.9	57.0	4.1	35.0	60.6	4.4	25	68	7
Африка	44.1	53.0	2.9	45.4	51.5	3.1	41	56	3
Америка	36.4	57.2	6.4	31.6	61.2	7.2	25	66	9
Океания	32.2	60.5	7.3	28.6	63.3	8.1	24	65	11
Ўзбекистон	45.0	49.2	5.8	40.8	52.8	6.4	29	67	4

Манба: Population Reference Bureau. 2012 World Population Data Sheet.

Ер шари аҳолисининг жинсий таркиби деярли тенг. Масалан, собиқ СССР, хорижий Европа давлатларида истиқомат этувчи аҳолининг жинсий таркибида аёллар сони устунлиги сезилади. БМТ маълумотларга қараганда, бу худуд давлатларида ҳар 1000 та аёлга 1009 та эркак тўғри келган. Лекин дунёдаги барча мамлакатларда ҳам аёллар ва эркаклар мутаносиблиги бир хил эмас. Жанубий мамлакатлар ҳисобланмиш Осиё ва Африка давлатларида эркаклар салмоғи аёлларга нисбатан бир мунча кўп. Масалан, Осиё қитъасидаги аҳоли таркибида эркаклар аёлларга қараганда анча ортиқдир.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 1985 йилда Осиёда эркаклар аёлларга нисбатан 58 млн кўп эди. Бундай ҳол Океанияда ҳам кузатилади. Эркакларнинг салмоғи юқори бўлган ривожланаётган давлатлар ва Осиё қитъасида аёллар ўртасида ўлим кўп кузатилади. Айниқса, Осиёдаги давлатларда эркаклар салмоғи аёлларга нисбатан анча юқори бўлиб, ҳар 1000

та аёлга 1041 нафар эркак тўғри келади. Эрқаклар ва аёллар ўртасидаги географик фарқлар, асосан, аҳолининг ёш-таркиби билан боғланган. Болалар ва аёллар салмоғи қанчалик кўп бўлса, жинслар нисбатининг ўртача кўрсаткичи меъёр ҳолатга яқинлашади, баъзи ҳуддларда бунга аҳолининг механик ҳаракати ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Дунё аҳолисининг барқарор ривожланишида нафақат унинг ёш-жинс таркиби, балки аҳолининг миллий таркиби ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, меҳнат малакасидаги, хўжалик юритиш шакллари ва аҳоли манзилгоҳларининг жойлашувидағи муҳим ҳудудий тафовутлар миллатларнинг моддий ва маънавий маданияти билан чамбарчас боғлиқ.

Жумладан, кишиларнинг умумийлик -“этнос”, ижтимоий ривожланишининг объектив қонунлари асосида шаклланган ва ҳудуд, тил, маънавий ҳамда маданий хусусиятлари, ўз-ўзини англаш каби қатор умумий барқарор белгиларга эга бўлган социал организмдир.

Қабила этник тараққиётнинг бошланғич босқичи бўлиб, ибтидоий жамоа тузумида таркиб топган. Элат маълум тарихий шароитларда этноснинг сони ва жойлашганлигига, унинг бир бутунлигини белгилаб берувчи белгиларга боғлиқ ҳолда таркиб топади ва ривожланади.

Миллат-жамият тараққиётининг муайян босқичидаги этник бирликнинг олий шаклидир. Миллатнинг миллат бўлиб шаклланиши иккита: консолидация ва ассимиляция жараёнларини босиб ўтади. Бу жараёнлар бир-бiri билан чамбарчас боғланган.

Консолидация- ўзаро қариндош- қондош бўлган этник бирликларнинг бирлашиб ундида йирик ва ривожлнган этник бирликларнинг ҳосил бўлишидир. Масалан, славян қабиласидан рус, украин, белорус халқлари шаклланди ва улар ўсиб миллатга айланди. Консолидация оқибатида ўзбек халқи ўзбек миллатига, грузин халқи грузин миллатига айланди.

Ассимиляция- бир этник гуруғни бошқа бир этник гурух ютиб бошқа бир этник гурух ютиб юбориши ёки уни тўла ўзлаштириб битта этник гурухга айланишидир

Миллатнинг миллат бўлиб шаклланиши иккита: консолидация ва ассимиляция жараёнларини босиб ўтади. Бу жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Дунё аҳолиси этник жиҳатдан бир неча халқлардан, этнослардан ташкил топган. Дунёда 3-4 минг халқ, этнослар мавжуд. Кўпгина халқлар кам сонли. Сони 1 млндан кўп бўлган халқлар ер юзида 310 тани ташкил этади., бу жами жаҳон аҳолисининг 96 фоизига teng. 100 млндан кўп бўлган халқлар атига 7 та: хитойлар(1 млрдан кўп), АҚШ америкаликлари, бенгаллар, русслар, бразилияликлар, японлар ва ҳиндлар. Бундан ташқари ер юзи аҳолиси тил классификацияси бўйича ҳам гурухларга ажралади. Булардан энг каттаси, ҳинdevропа тил оиласи, унда 150 та халқ умумий сони 2,5 млрд киши, 1 млрдан ортиқ аҳоли хитой-тибет тил оиласида гаплашади.

Дунё бўйича сони энг кўп халқлар хитойлар, японлар, руслар, америкаликлар, ҳиндлардир. Собиқ Иттифоқ даврида ва ҳозир МДХ да ўзбек миллати сони бўйича руслар ва украинлардан кейин учинчи ўринда туради. Миллатларни, халқларни бир-биридан ажратиш уларни гурухларга бўлишда тил бирлиги бўйича классификациялаш қабул қилинган.

Ер юзида олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра 2 мингдан 3 мингача бўлган ҳар-хил халқлар энг майдасидан йирик миллатгача бўлганлари учрайди.

Манбалардан шу нарса аниқки, ер шаридаги жами тилларнинг сони 2000 дан ортиқ. Аммо, лингвистлар 5000 дан кўп, деб ҳисоблашади. Одатда халқларнинг сони билан тилларнинг сони мос келиши керак. Лингвистлар учун энг кам сонли кишилар гаплашадиган тил ҳам, диалект ҳам ҳисобга олинади. Шу боисдан тилнинг аниқ бир сони маълум эмас.

Географик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, дунё миқёсида йирик тил оилалари қуйидагича гурухларга ажратилган ҳолда ўрганилади.

1. Ҳинд-Европа оиласи-Европанинг катта ҳудуди, Шимолий ва Жанубий Америка, Шимолий Ҳиндистон ва Эрон.
2. Кавказ оиласи-Кавказорти республикалари.

3. Урал оиласи-фин ва угорлар қатор Европа давлатлари, МДҲ нинг Европа қисми ва Сибир.
4. Олтой оиласи (турк гуруҳи, мўғул ва тургус-манчжурлар)- Шарқий Европа, Сибир, Олд Осиё, Ўрта ва Марказий Осиё.
5. Хитой-Тибет оиласи-Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё.
6. Малайзия-Танзания оиласи-Тинч ва Ҳинд океани ороллари.
7. Дравидлар оиласи-Жанубий Ҳиндиштон.
8. Мон-Кхемерлар оиласи-Ҳиндиштой.
9. Семито-Хамит оиласи-Жануби-Шарқий Осиё, Шимолий Африка.
10. Банту оиласи-Жанубий Африка.

Мазкур тил оиласига кирмай қолган йирик тиллардан япон ва корейс тили ҳисобланади. Турли халқларнинг бир тил оиласига мансублиги уларнинг бирортасида миллий ўхшашик ёки бошқа белгилар бор деган хulosага келиш нотўғридир.

Барча халқлар этник жараёнларнинг умунийлигига қараб географик нуқтаи-назардан гурухлаштирилган. Ҳудудий ўзаро яқин бўлган халқлар хўжаликнинг турли шаклларини юритишда доимо алоқада бўлади ва баъзи маданий, диний урф-одатлрида ўхшашик ҳам учрайди.

Ҳар бир халқ ўзининг этник ҳудудига эга. Бироқ кўпгина халқларда бу этник ҳудуд давлат чегаралари билан мос келмайди. Масалан, ўзбек халқи тўлалигича Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қиласи, десак хато бўлади. Қирғизистоннинг жанубий вилотларида, Қозогистоннинг Чимкент ва Жамбул, Туркманистоннинг Чоржуй, Тошовуз вилоятларида ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмida бир неча миллион ўзбеклар яшайди.

Бир миллатга мансуб давлатлар жуда кам кузатилади. Арабистон ярим ороли ва Фарбий Европадаги бир неча давлатлар, Япония, Корея, Бангладеш давлатлари бир миллатли давлатлар саналади.

Собиқ Иттифоқ, АҚШ, Хитой, Эрон каби давлатларда эса юзлаб халқлар яшайди. Аҳоли миграцияси натижасида, юқорида тилга олинган бир

миллатли давлатларда ҳам маълум бир миқдорда бошқа миллат вакиллари мавжуд.

Аҳолининг миллий таркиби динамикасини республикамиз мисолида олиб қаралса, мамлакатимизда кўплаб миллат вакиллари турли йилларда турли миқдорни ташкил этиб келмоқда. Бир вақтлар, яъни собиқ Иттифоқ даврида рус миллатига мансуб кишилар ўзбеклардан кейин иккинчи ўринни эгаллашган бўлса, охирги йилларда улар сони тобора камаймоқда. Миллатларнинг турли ҳудудларда маълум бир даврдан буён яшаб келиши Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятида муҳим ўрин эгаллайди. Қолаверса, барча миллатларнинг урф-одати, диний-маърифий расм-русларига алоҳида хурмат билан қаралади. Улар ўз тилига эга.

Инсоният тарихан келиб чиқиши, ташқи кўриниши, баъзи морфологик ва физиологик белгиларига кўра ирқларга ажратилади.

Этник умумийлик ёки бирлик ижтимоий характерга эга, ирқий гурухлаш бу биологик асосда амалга оширилади. Шу боисдан этник бирлик, тил оиласлари билан ирқлар чегараси мос келмайди.

Олимларнинг фикрича палеолит даврида иккита: ғарбий ва шарқий ирқ пайдо бўлган. Кейинчалик бу ирқлар ер шари бўйлаб тарқалиб, аралашиб, янги замонавий ирқлар пайдо бўлди.

Ирқ-бу кишиларнинг тарихий таркиб топган йирик ҳудудий гурухларидир. Ирқлар келиб чиқишига кўра бир бўлиб, фақат баъзи бир ташқи физиологик белгиларига- сочининг шакли ва ранги, танасининг ранги, кўзларининг шакли, юз суюкларининг ўлчамлари ва айrim хусусиятлари, бурун, лаб тузилишига кўра фарқ қиласи.

Бу ирқлар наслдан-наслга ўтади. Ирқий белгилар одам зоти пайдо бўлганидан кейин яшаш шароитидаги тафовутлар таъсирида вужудга келган. Одамларнинг анатомик ва физиологик ҳамда руҳий хусусиятларида ирқий фарқлар йўқ. Ирқий тафовутлар жамият тараққиётига таъсир этмайди³.

³ Гуломов П. Жўғрофия атмалари ва тушунчалари изоҳли лугати, -Т., “Ўзбекистон”, 1994, 52-бет.

Ер шари ахолиси учта асосий ирққа бўлинади. Булар европеид, монголид ва негр-австралоид ирқлари. Йирик ирқлар ўз навбатида майда ирқларга ҳам ажralади.

Европеоид ирқи-Европа, Шимолий Америка, Олд Осиё, Шимолий Америка ва Канада, Австралиянинг бир қисми, Янги Зеландияда кенг тарқалган.

Монголоид ирқи-Марказий, Шимолий ва Шарқий Осиё худудларига тўғри келади.

Неграоид ирқи-Африкада жойлашган.

Европеид ирқининг иккита тармоғи ажратиб кўрсатилади: Шимолий тармоғи Шимолий Европани эгаллайди. Жанубий тармоғи Европанинг жануби, Шимолий Африка, Олд Осиё ва Шимолий Ҳиндистондир. Булар ўртасидаги фарқ одамларнинг бўйи, кўзи, сочи ва терисининг рангидан. Шимолий тармоғидагиларнинг бўйи баланд, ранги тиник, қирра бурун бўлса, жанубидагилар ўрта бўй, тўқ ранг ва тўғри сочи, қорача яъни, буғдой мағиз териси билан ажralади.

Монголоид ирқи ҳам европеоид ирқи сингари икки тармоққа бўлинади: шимолий ва шарқий. Шимолий монголоидларга мўғиллар, тунгус-манчжур халқлари кирса, шарқий монголоидга корейслар, шимолий хитойлар киради.

Негроид ирқи асосан Африкада кенг тарқалганлиги аён бироқ, маълум бир жиҳатдан улар АҚШ ва Кариб ҳавзасида ҳам учрайди. Бу ирқлар ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас.

Жануби-шарқий Осий, Австралия ва Океанияда негроид ирқига ўхшаш одамлар яшайди. Аммо улар баъзи белгиларига кўра негроидлардан кескин фарқ қиласди. Шу боисдан, олимлар буларни тўртинчи- австралоид ирқи деб аташмоқда. Дунё ахолисининг 70 фоизини асосан уч ирқ вакиллари ташкил қиласди (европеидлар-43.6, монголоидлар-19.1, негроидлар 6.6 фоиз) қолган 30 фоизи аралаш ва бошқа оралиқ ирқларга тўғри келади⁴.

⁴ Брук С.И. Население мира: Этнодемографический спровочник. - М., 1981, с.113.

Динлар географиясининг асосий кўрсаткичлари

Динлар	Эътиқод қилувчила рнинг сони (млн.к)	Минтақалар ва давлатлар
Христианлик Шу жумладан	1259 дан ортиқ	Франция, Испания, Португалия, Италия, Австрия, Белгия, Ирландия, Полша, Литва, Украина, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Хорватия, АҚШ, Канада, Лотин Америкаси мамлакатлари, Филиппин, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Кипр, Корея, Япония, Хитой
Католиклик	800	Шимолий Европа мамлакатлари, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Швейцария, Латвия, Эстония, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, ЖАР, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Корея, Япония, Хитой
Протестантлик	350	Шимолий Европа мамлакатлари, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Швейцария, Латвия, Эстония, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, ЖАР, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Корея, Япония, Хитой
Православлик	100	Россия, Украина, Белорус, Молдова, Грузия, Болгария, Руминия, Сербия ва Черногория Федерацияси, Греция, Кипр
Ислом Шу жумладан	1000 дан ортиқ	Албания, Босния ва Герсоговина, Македония, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Жануби-Ғарбий Осиё мамлакатлари (Эрон, Озарбайжондан ташқари), Шимолий, Ғарбий ва Шарқий Африка мамлакатлари, Покистон, Афғонистон, Бангладеш, Малайзия, Индонезия, Ҳиндистон, Хитой, Филиппин
Суннийлик	900 дан ортиқ	Шиалик
Шиалик	100 га яқин	Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Яман
Буддизм ва ламаизм	400 дан ортиқ	Хитой, Мӯғилистон, Япония, Мьянма, Таиланд, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Шри-Ланка, Корея, Россия
Индуизм	520	Ҳиндистон, Непал, Шри-Ланка
Конфуциалик	180	Хитой
Синтоизм	70	Япония
Махаллий ањанавий динлар		Ғарбий, Марказий, Шарқий, Жанубий Африка мамлакатлари, Жанубий Америка, Океания, Индонезия

Манба: Копылов В.А. География населения. Учебное пособие.- М., 1999.

Жаҳон бўйича халқлар ўртасида ўнлаб динлар тарқалган бўлиб, улар хусусиятларига кўра примитив, миллий ва дунёвий динлар гуруҳларига бўлинади. Дастробки шаклланиш босқичида келаётган примитив динлар уруғ ва қабилачилик ҳолатида яшаб келаётган кичик этник халқлари орасида тарқалган. Миллий динлар жаҳоннинг баъзи мамлакатларида асосан битта давлат доирасидаги маҳаллий дин ҳолатида яшаб келмоқда. Уларга Ҳиндистондаги индуизм, Хитойдаги конфуционизм, Япониядаги синтоизм,

Исроилдаги иудизм ва бошқлар киради. Дунёвий динларга жаҳонда энг кенг тарқалган ва унинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутивчи Будда, христиан ва ислом динлари киради. Бу динлар орасида Будда дини энг қадимий дин ҳисобланади.

Тропик Африка негрлари, Жанубий Америка ҳиндулари, айрим Жанубий-Шарқий Осиё ва Океаниянинг кичик этник халқлари орасида примитив дин кўринишлари тарқалган. Улар орасида фетишизм(бирон табиат жисмларининг алоҳида қисмларига эътиқод қилиш) Тропик Африкада, тотемизм (бирон ҳайвонга эътиқод қилиш) Австралия аборигенлари, Америка ҳиндулари ва Ҳиндистонда, шомонлик(ўлганлар руҳининг қайта тирилиши ва танланган кишиларнинг улар билан мулоқот қила олишига ишониш) шимол халқлари орасида кенг тарқалган. Бундан ташқари, анимизм, аждодлар руҳи маданияти каби примитив динлар ҳам бор.

Махаллий динлардан индуизм (6 асрда пайдо бўлган) Ҳиндистонда юзага келган. Бунда улар қайта тирилишга, инсонлар орасида табақаланишнинг мавжуд эканлигига ишонишган. Муқаддас китоби-“Ведалар” ҳисобланиб, “Махабхарат” ва “Рамаяна” асарларида ҳам бу дин вакиллари қарашлари акс этади. Сикхизм (16 асрда вужудга келган) Шимолий Ҳиндистонда индуизм динининг бир йўналиши сифатида пайдо бўлган. Улар табақаланишга қарши бўлиб, биринчи устоз-Намак таълимотларини қадрлашадилар. Конфуцизм, иудаизм, синтоизм каби кўринишлари мавжуд.

Дунёвий динлар орасида буддизм дини эътиқод қилувчилар сонига кўра энг кам салмоқни ташкил этади. Бу дин Шимолий Ҳиндистонда эрамиздан аввалги 5-6 асрларда пайдо бўлган. Унинг махаяна ва ханаяна оқимлари мавжуд. Христиан дини эрамизнинг 1 асрида Исроилда пайдо бўлган бўлиб, энг кўп эътиқод қилувчиларга эга. Бунга Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсати ва Буюк географик кашфиётлар сабаб бўлган. Унинг католик, протестант ва проваслав мазҳаблари мавжуд. Ислом дини эрамизнинг 7 асрида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган. Ушбу динга

эътиқод қилувчилар сони тез ўсиб бормоқда. Чунки, мусулмон давлатлари дунёда туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар қаторига киради. Унинг сунний ва шия мазҳаблари бор.

4. Аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва миграцияси

Аҳоли ер юзида нотекис жойлашган бўлиб, аҳоли зичлиги ўртача 1 км.кв жойга 51 кишидан тўғри келади (2012 йил). Ушбу кўрсаткич Европада — 116 киши; Осиёда — 132 кишидан кўп; Америкда — 22 киши; Африкада — 35 киши; Австралия и Океанияда — 4 кишига тенг. Ер юзининг 10 фоиз қуруқлик қисмида 82 фоиз аҳоли яшайди. Катта қисми океан, денгиз йирик дарё бўйларида, темир ва автомобил йўллари атрофида тарқалган.

Аҳоли зич жойлашган ареаллар дунёда алоҳида ажралиб туради. Буларга биринчи ўринда Осиё ареали: шарқий, жанубий шарқий ва жанубий. Мазкур минтақадаги Бангладеш — 1046 кўп киши; Корея Республикаси — 492 киши; Мальдив Республикаси — 1091 кишидан кўп; Япония ва Шри-Ланка — 340 кишидан ортиқ ҳар бирида; Ҳиндистон, Филиппин ва Вьетнам — 300 кишидан кўп (2011 й). Европада энг аҳолиси зич бўлган давлатлар жойлашаган.

Аҳолининг нотекис жойлашишини ўзаро боғлиқ бўлган табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий омиллар белгилайди. Ушбу омиллар ичida ижтимоий-иқтисодий омил алоҳида аҳамият касб этмоқда деб айтишимиз мумкин. Бироқ, табиий омилларнинг роли ҳамма даврларда ҳам бирламчи ҳисобланган. Жумладан, худуди иқтисодий нуқтаи-назардан кам ўзлаштирилган аксарият давлатларда аҳоли ўртача зичлик кўрсаткичи паст бўлиб, бу давлатлар хўжалиги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳамда кўп меҳнат талабга асосланганлиги билан ажралиб туради. Мисол тариқасида, Осиё мамлакатларини келтириш мумкин. Айнан шу давлатлар аҳолиси инсон учун табиат инъом этган энг қулай жойларни танлашгандир. Бундан ташқари, табиат бойликларидан саноат усулида фойдаланиш натижасида, йирик-йирик индустролашган шаҳарларнинг вужудга келиши, транспорт

тизимининг мураккаблашуви аҳоли ўртacha зичлик кўрсаткичининг тобора йириклишувига олиб келди. Бунга, Ғарбий Европа, АҚШ, Осиёнинг йирик ривожланган Сингапур, Гонконг давлатларини мисол келтириш мумкин.

Ҳиндистонда аҳоли асосан Ганга ва Брахмапутра дарёлари ёқасида ҳамда океанга туташ денгиз бўйларида зич жойлашган. Хитой ва Ҳиндистон нафақат, Осиёда балки, дунё миқёсида ҳам аҳолисининг умумий сони бўйича етакчи давлатлардир. Германия, Франция, Англия каби буюк давлатларнинг қулай иқтисодий географик ўринга эга эканлиги аҳолисининг жойлашувида ҳам акс этган. Бу учала давлатда аҳолининг ўртacha зичлиги 1 км.кв. жойга 200 кишидан ортади. Шимолий Американинг шарқи, Кариб ҳавзасининг Атлантика океани қирғоқларида жойлашган давлатлари аҳолиси худди Ғарбий Европанини сингари зич жойлашган. Айнан шу мамлакатлар ўта саноатлашган, ижтимоий-иқтисодий инфраструктураси яхши йўлга кўйилганлиги билан машхур.

Дунёдаги барча аҳолиси зич давлатлар океан ва денгиз бўйларида қулай транспорт ва иқлим мавжуд бўлган жойларда ўrnashgандир. Аммо, Россиянинг шимоли, Америка ва Африканинг ғарбий қисмлари, Шимолий Американинг шимолидаги океанга чегарадош давлатлардаги совуқ океан оқимлари, нотекис рельеф шакллари аҳолининг зич жойлашувига имкон бермайди. Бироқ дунёнинг ушбу ҳудудларида табиий бойликлар жуда кўплигига қарамасдан, аҳоли яшаши учун нокулай. Шу жиҳатдан бўлса керак, бу ерлар деярли кам ўзлаштирилган. Ер юзасида аҳоли зичлиги кўрсаткичи 1 кишига ҳам етмайдиган ҳудудлар ер юзасининг teng ярмини эгаллайди. Мазкур жойларга Канаданинг шимолий районлари, Гренландия, Африканинг чўллари, Россиянинг тайга ва тундралари, баланд-баланд тоғликлар киради. Шунингдек, дунё майдонининг 1/4 қисмида аҳолининг зичлиги 10 кишигача бўлиб, бундай ҳудудлар кам ўзлаштирилган ҳисобланилади. Масалан, Қозогистон, Россия, Канада, Австралия, Монголия давлатлари аҳолисининг зичлиги 1 дан 10 кишигача бўлган оралиққа тўғри

келади. Бундай мамлакатлар ёки худудлар ер шари қуруқлигининг каттакатта майдонларини эгаллаганлиги билан тавсифидир.

11-жадвал

Ер шари минтақалари аҳоли зичлиги динамикаси

Минтақалар	Аҳоли зичлиги, 1 км.кв. га киши		
	1978 йил	1999 йил	2012 йил
Дунё бўйича	31	44.6	51
Европа	97	98.6	116
Осиё	89	113.3	132
Африка	15	25.4	35
Америка	14	20.3	22
Австралия ва Океания	2.6	3.5	4

Манба: Все страны мира // Население и общество. 1999. Population Reference Bureau. 2012 World Population Data Sheet.

Аҳоли жойлашуви, унинг зичлиги ҳар бир минтақа шарт-шароити, иқлими, рельефи, географик жойлашган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда демографик вазиятига мос ва хос тарзда шаклланади, тараққий этади. Шу боисдан, ҳам аҳоли сони ва унинг зичлиги асосан демографик вазияти ижобий, аҳоли сони тез кўпайиб бораётган давлатларда тезлик билан ўсмоқда.

Ер шаридаги ҳар бир алоҳида ҳудуд аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари тарихий, табиий шарт-шароит ва этнографик жиҳатдан келиб чиқиб, хилмажил ўзига хос кўринишларга эга. Шу боисдан ҳам бундай кўринишидаги аҳоли манзилгоҳлари иккита – шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларига бўлинади. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиб, улар ўртасида аниқ чегара ўтказиб бўлмайди. Аммо, шунга қарамасдан, шаҳар ва қишлоқни бир-биридан ажратувчи маҳсус мезонлар ҳам борки, бу мезонлар турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Жумладан, дунё миқёсидаги шаҳарларни аҳолийлигига кўра мақом беришда аниқ чегараланган бир хил миқдордаги ценз мавжуд эмас. Ҳар бир давлатдаги шаҳарлар бажарадиган функцияси ва аҳоли манзилгоҳларининг рольидан келиб чиқсан ҳолда аҳоли сонига қараб ажратилади. Масалан,

Дания ва Исландияда аҳолиси 200 киши ва ундан кўп бўлган аҳоли манзилгоҳлари шаҳар, деб аталади. Бундан ташқари, Японияда – 30 мингдан ошиқ, Нидерландияда 20 минг аҳолиси, Туркияда – 10 минг, Ҳиндистон ва Покистонда – 5 минг, Мексикада – 2,5 минг, Россияда – 12 минг, Ўзбекистонда эса 7 минг аҳолиси бор манзилгоҳлар шаҳар ҳисобланади. Аммо, дунёда шундай аҳоли манзилгоҳлари борки, улар фақат маъмурий марказ бўлганлиги боис шаҳар, деб номланади. Чунончи, айрим мамлакатлардаги барча аҳоли манзилгоҳларининг маъмурий марказлари, пойтахтлари шаҳарлар сирасига киритилади. Масалан, Жазоир, Эквадор шулар жумласидандир. Шунингдек, Россия шаҳарларидаги аҳолининг атиги 15 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида банд бўлиши мумкин. Ҳиндистонда эса меҳнатга лаёқатли эркакларнинг 4/3 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган аҳоли манзилгоҳларида яшаса, бундай манзилгоҳлар шаҳарлар сифатида қабул қилинади. Бу мезон ҳам барча давлатларда бир хил эмас. Собиқ Иттифоқ давридаги шаҳарлар унда яшовчилар сони ва аҳолининг бандлигига кўра шаҳар мақомига эга бўлмаган. Мамлакатлар, минтақалар аҳолисининг худудий таркибида шаҳар аҳолисининг ва шаҳарларнинг ўсиб бориши – урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келди.

Урбанизация – (лотинча urbanus – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади⁵. Дунёда шаҳар аҳолисининг сони тўхтовсиз ўсишида давом этмоқда. Жумладан, 1900 йилда шаҳар аҳолиси жами аҳолининг 3 фоизини, 1860 йилда – 6,4 фоизни, 1990 йилда – 19,6 фоиз, 1990 йилда 43 фоиз, 2005 йилда эса 48 фоиз, 2012 йилда 51 фоизини ташкил қилган. Бундан аҳолининг шаҳарларда концентрациялашуви яъни, мужассамлашуви тезлашганини кузатамиз.

⁵ Гуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лугати. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994, 112 бет

БМТ берган статистик маълумотларда ҳозирда дунё аҳолисининг тенг ярми 51 фоизи (2012 йил) шаҳарларда яшайди ва бу кўрсаткич 2030 йилда 60 фоизни, яъни 3 миллиарддан 5 миллиардгачани ташкил этади. 2000-2030 йиллар орасида ер шари шаҳар аҳолиси сони йилига 1,8 фоиздан ортиб боради, бу глобал ўсишдан икки марта қўп дегани. Шунингдек, бугунги кунда дунёning 20 та шахрида 10 миллион киши яшамоқда (15 таси ривожлангаётган давлатларда) бу жаҳон аҳолисининг 4 фоизига тенг. 2015 йилда шундай лига шаҳарлар 22 тага этади ва уларда 5 фоиз дунё аҳолиси яшайди.⁶ Давлатлар ўртасида шаҳар аҳолиси устун бўлган минтақаларга ривожланган давлатларни киритиш мумкин. Масалан, Европа аҳолисининг 71 фоизи шаҳарларга тўғри келади, Осиёда бу кўрсаткич 44 фоиз (2012 йил), Япония (86 фоиз), Корея республикаси (82 фоиз), Сингапур (100 фоиз), Малайзия (64 фоиз), Эрон (70 фоиз), Кувайт (98 фоиз) ва қатор Ғарбий Осиё мамлакатлари аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолиси устун.

Европа давлатлари деярли ҳаммасида шаҳар аҳолиси жами аҳолининг 50 фоиздан кўпини ташкил қиласди. Фақатгина, Албания, Босния ва Герцеговина аҳолисининг 46-50 фоизи шаҳар аҳолиси ҳисобланади. Иқтисодий жихатдан ривожланган Европа давлатларидан Исландия (93 фоиз), Дания (85 фоиз), Швеция (84 фоиз), Англия (80 фоиз), Германияни (73 фоиз, 2012 йил) тўлалигича урбанистик тавсифга эга дейиш мумкин. Аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши ўз навбатида йирик–катта шаҳарларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Йирик шаҳарлар майда ва ўрта шаҳарлар ҳисобига тобора гигант шаҳарларга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш маданий-маиший, коммунал – хўжалик алоқалари ўзаро туташган ҳолда вужудга келаётган шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг янги тури фанда *агломерация*, деб номланади.

Агломерация – аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли

⁶ Народонаселение мира 2004 в году. стр 29-30

зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади⁷.

Агломерация сўзи француз адабиётларида учрайди, инглизлар буни *конурбация*, америкаликлар *метрополислар*, ҳам деб аташади. Дунёда биринчи агломерациялар XIX асрнинг иккинчи ярмида йирик шаҳарлар (Лондон, Париж, Нью-Йорк) ёки унга яқин жойлашган унча катта бўлмаган шаҳарлар атрофида шаклланган. Дунёда энг йирик агломерациялар 20 дан ортиқ бўлиб, уларнинг кўпи АҚШда (Чикаго, Нью-Йорк, Лос-Анжельес), Хиндистонда (Дехли, Бомбей, Калькутта), Японияда (Токио, Осако-Киото, Кобе), Бразилияда (Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро) жойлашган. Покистон

12-жадвал

Дунёning йирик мегаполислари (прогноз 2025 й.)

Шаҳар-мегаполислар	Мамлакатлар	Аҳоли сони, млн киши
1 . Мехико-сити	Мексика	36,7
2. Токио Иокогама	Япония	29,7
3. Катта Бомбей	Хиндистон	27,0
4. Калькутта	Хиндистон	26,4
5. Жакарта	Индонезия	23,6
6. Даекка	Бангладеш	23,6
7. Токио	Япония	20,7
8. Караби	Покистон	20,7
9. Мадрас	Хиндистон	20,6
10. Бангкок	Тайланд	19,8

Манба: Population Reference Bureau. 2012 World Population Data Sheet.

(Караби), Буюк Британия (Лондон), Эрон (Техрон), Аргентина (Буэнос-Аэрос), Филиппин (Манила), Хитой (Шанхай), Франция (Париж), Бангладеш (Дакка), Россия (Москва) каби давлатларда агломерациялар сони атига биттадан холос. Америка давлати учун аҳолининг урбанизациялашган худудларда тўпланиши хос, масалан, АҚШда шаҳар ерларига 14 млн га, транспорт коммуникацион ерлари 10,8 млн.га, қишлоқ аҳоли пунктлари, фермерлар 3,2 млн.га ерни эгаллашади. Канада, АҚШ ва Мексикада аҳоли

⁷ Гуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лугати. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994, 7-бет.

йирик агломерацияларда тўпланади. Канаданинг ўзида 22 та агломерацияда 12 млн киши яшайди.

Шаҳар агломерациялари ўз чегарасидан ташқарига чиқишига сабаб бўладиган жараён *субурбанизация*, -деб аталади. Вақт ўтиши билан шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий туташиб, қўшилиб кетиши урбанизациялашган ҳудудлар дейилади. Урбанизациялашган ҳудудлар 3-5 та агломерацияларнинг бирлашмасидан таркиб топади.

Шаҳар агломерацияларининг ўзаро қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган шаҳар аҳоли пунктлари урбанизациялашган зоналар ёки *мегаполислар*, деб юритилади. Ҳозирда дунё бўйича Шимолий-шарқий Атланик (АҚШ) 40 та агломерацияни, Ички кўл атрофи (АҚШ, Канада) 35 та, Жанубий – Ғарбий, Тинч океан (АҚШ, Мексика) 15 та, Токайдо (Япония) 20 та Англия (Буюк Британия) 30 та, Рейн (Германия, Нидерландия, Бельгия, Франция) 30 тадан агломерацияни ўзига қамраб олган йирик мегаполислардир. Дунё олимларининг прогнозига кўра, келгусида, мегаполислар ўзаро бирлашиб ягона Ойкуменополисларни ташкил этади. Унда ер шарининг энг кўп аҳолиси яшайди.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Аҳоли сони динамикасининг нисбий кўрсаткичларига (турлари, аниқлаш, хисоблаш методлари) нималар киради?
2. Аҳоли таркибининг асосий белгилари қандай?
3. Аҳоли миграцияси нима?
4. Агломерация, мегаполис, субурбанизация, рурурбанизациянинг кўринишларини келтиринг?
5. Прогрессив ёш таркиби, регрессив ёш таркибидан қандай фарқланади?
6. Дунёдаги аҳоли зич жойлашган ареалларни аниқланг?
7. Аҳоли такрор барпо бўлиши нима ва унинг турлари?
8. Демографик ўтиш босқичларини ажратинг?
9. Аҳолининг қариши ва демографик сиёsat маъзмун-моҳиятини баҳоланг?
10. Аҳоли ёш таркиби классификацияси қандай ажратилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бутов В. И. Экономическая и социальная география зарубежного мира и Российской Федерации. Учебное пособие.-Москва, 2003.
2. Бўриева М.Р. Демография асослари Тошкент. 2001
3. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси ва Демография асослари.-Тошкент., 2011.

4. Глущенко Г.И. Миграция и развитие: Мировые тенденции// Вопросы статистики. Научно-информационный журнал.-М., 2/2008.
5. Демографический – энциклопедический словарь.- М., 1985
6. Демографический ежегодник Узбекистана 2002. Ташкент. 2003
7. Копылов В.А. География населения.-М., 1999.
8. Медков В.М. Демография. М., 2004
9. Населения и общества (РАН 1998 – 2011 гг).
10. Населения мира.-М., 1998.
11. Хўжаев Н. “Миялар кўчиши”нинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари // Демографическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. Материалы республиканской научно-практической конференции, посвященной 20-летнему юбилею независимого развития республики.-Т., 2011.
12. Хорев Б.С. Мировой демографический рост и перспективы человечества и география в школе – 1995 № 5.
13. Population Reference Bureau. 2011- 2012. World Population Data Sheet.

2.3. Дунё хўжалиги географияси

Режа:

1. Дунё хўжалигига умумий таъриф.
2. Дунё саноати.
3. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари ривожланиши ва жойланиши.
4. Дунё транспорти.

1. Дунё хўжалигига умумий таъриф

Жаҳон хўжалиги кўп асрлардан бери мавжуд бўлсада, 19-аср охири 20-аср бошларида тўлиқ шаклланди. Бунга кўпгина омиллар таъсирида эришилди, яъни йирик машина ишлаб чиқаришининг ривожланиши, транспортнинг самарали турлари пайдо бўлиши, фан-техника ютуқлари ва бошқалар.

Жаҳон хўжалиги-бу дунё мамлакатлари миллий хўжалигининг тарихан, ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғланган мураккаб тўпламидир. Бутун жаҳон иқтисодий муносабатлар асосини жаҳон бозори ташкил этади. Ушбу бозор транспорт ривожланиши муносабати билан яна ҳам кенгайди, сабаби, у денгизларни бирлаштиришга имкон берди.

XX асрнинг 50-90- йилларида жаҳон хўжалигига муҳим роль ўйнайдиган давлатлар пайдо бўлди. Бу давлатларга Шарқий, Жанубий ва

Жанубий-Шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Австралия, Канада ва бошқалар кирди. Бугунги кунда кўпгина хориж ва Россия олимларининг илмий тадқиқотларида дунё давлатларини иқтисодий жиҳатдан ривожланишига кўра қуидагича классификациялашга ҳаракат қилишмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларидаги иқтисодий география дарслигига жаҳон мамлакатлари 8 та гурухга ажратилган

1. “Катта еттилик давлатлари” (АҚШ, Япония, Канада, Буюк Британия, ГФР, Франция, Италия);
2. “Еттиликка” кирмайдиган Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари (Швеция, Бельгия, Дания, Нидерландия, Норвегия, Австрия, Люксембург, Швейцария ва бош.);
3. Капитализмга ўтган давлатлар (Австралия, ЖАР, Истроил, Янги Зеландия);
4. МДХ ва Ғарбий Европа давлатлари;
5. Юқори ЯИМ кўрсаткичига эга бўлган, Форс кўрфазидаги нефть қазиб олувчи давлатлар;
6. “Янги индустрιал мамлакатлар” Осиё, Африка, Латин Америкаси, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Мексика, Аргентина, Венесуэла, Туркия, Малайзия, Сингапур, Корея Республикаси;
7. “Осиёнинг тўрт аждархоси” Сингапур, Корея Республикаси, Тайван, Гонконг;
8. Иқтисодий қолоқ давлатлар (Лотин Америкасининг кўпгина давлатлари, Осиё ва Африка қатор давлатлари), БМТ бунга дунёнинг 40 та давлатини киритади, яъни булардан Бангладеш, Нигер, Непал. Эфиопия, Афғонистан, Чад, Сомали, Океания давлатлари.

Товар ишлаб чиқаришининг ўсиши, жаҳон бозорида давлатлар ўртасида хом ашё ва маҳсулот бозорининг рақобатини келтириб чиқарди. Ҳалқаро меҳнат тақсимотнинг вақти келди. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланишида ҳалқаро географик меҳнат тақсимотининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Географик меҳнат тақсимоти бу ижтимоий меҳнат меҳнат

тақсимотининг ҳудудий шаклидир. Географик меҳнат тақсимоти миқёсига кўра районларо ва ҳалқаро меҳнат тақсимотига бўлинади. Ҳалқаро географик меҳнат тақсимоти жаҳон хўжалигинг харакатлантирувчи қучи ва негизидир. Дунё мамлакатлари миллий хўжаликларининг жаҳон хўжаликларини бирлаштириш асосида ҳалқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) ётади.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ)—айрим мамлакатларнинг табиий шароит ва ресурслари, аҳолининг меҳнат малакаларининг қўникмалари асосида айрим маҳсулотлари ёки уларнинг турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва бошқа мамлакатлар билан айрбошлашувидир. ХМТ мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши даражаси ижтимоий-сиёсий тизимининг характеридан қатъий назар товарлар хизмат ва билимларнинг ҳалқаро айрбошланиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, илмий савдо солиқ соҳаларида бошқа ҳамкорларининг объектив асосидир. ХМТ мамлакатлар ичидаги ва улар ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг қонуний натижаси ижтимоий меҳнат тақсимотининг мантиқий давомидир. ХМТ харакатлантирувчи куч ва уни рағбатлантирувчи омил. Мамлакатларнинг унда иштирок этишидан кўзланган мақсади, манфаатлари, вазифалари иқтисодий фойда олишга қаратилгандир. ХМТ да ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётнинг тутган ўрни қуидагиларга боғлиқ бўлади.

- А) Иқтисодий географик ҳолати.
- Б) Агроклимий шароитлари
- В) Табиий ресурслари фойдали қазилмалар билан таъминланган даражаси
- Г) Ҳалқнинг, миллатнинг меҳнат анъаналари маълум ишлаб чиқариш турлари хизматлари қўникмаларига эгалиги.
- Д) Мамлакатни иқтисодий тарихий ривожлаши хусусиятлари
- Е) Ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси

Ж) Мехнат ресурслари сифат таркиби касбий ва интелектуал даражаси янги касб ҳунарларнинг ўзлаштириш имкониятлари каби бир қатор иқтисодий ижтимоий кўрсаткичлар.

ХМТнинг мамлакатлар учун манфаатли томонлари.

1. Халқаро айирбошлишнинг қулай шароитларида экспорт қилинаётган товарлар ва хизматлар байналминал ва миллий қийматлари ўртасидаги ижтимоий фарқига эришиш

2. Арzon импорт товарлар ва хизматлар эвазига миллий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлардан воз кечиши.

Иқтисодий интеграция икки ва ундан ортиқ миллий хўжаликларининг ягона механизмини яратиш мақсадидаги яқинлашуви ва уйғунлашувидир. Иқтисодий интеграция жараёни ривожланиш даражасига кўра қўйидаги бешта гурухга ажратилади:

- 1.Эркин савдо минтақаси;
- 2.Божхона иттифоқи;
- 3.Умумий бозор;
- 4.Валютавий иқтисодий иттифоқ;
- 5.Сиёсий;

Дунёдаги энг йирик интеграцион иттифоқ нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ҳисобланади. У 1960 йилда ташкил топган бўлиб, асосий нефть қазиб оловчи давлатлар қизиқишиларини химоя қиласи. Унинг таркибига 13 та давлат киради, булар Саудия Арабистони, Кувайт, БАА, Қатар, Эрон, Ироқ, Индонезия; Африкада — Ливия, Жазоир, Нигерия, Габон; Лотин Америкасида — Венесуэла, Эквадор.

АҚШ, Канада, Мексика иқтисодий иттифоқи ҳудудлари эркин савдо зонаси (НАФТА) айланди. Минтақалар доирасидаги иттифоққа Лотин Америкаси ассоциацияси интеграцияси (ЛАИИ), Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС), Африка бирлиги ташкилоти (ОАЕ) ва бошқалар киради.

Жаҳон хўжалиги ва унинг тармоқлари ривожланиши ва жойланишига қўйидаги омиллар таъсир этади.

- ✓ Иқтисодий географик ўрин, ҳудуд омили, табиий шароит, табиий ресурслар, биринчи ўринда минерал ресурслар;
- ✓ Ҳудуднинг ўзлаштирилганлик ва ўрганилганлик даражаси; транспорт омили;
- ✓ Демографик омил(аҳоли сони, меҳнат ресурслари ва унинг сифат даражаси, урбанизация);
- ✓ Илм талаб омили; экологик омил;

2000 йилларда дунё иқтисодиётида 2 240 миллион киши банд бўлган, бу 1900 йилга нисбатан 4 мартаға кўпdir. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар хўжалигида 382 миллион, ривожланаётган давлатларда 1,7 миллиард киши меҳнат қилишади. Иқтисодиёт тармоқларда бандлар сонига кўра Хитой биринчи ўринда туради, иккинчи ўринда Ҳиндистон, сўнгра АҚШ, Индонезия ва Бразилия.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Халқаро меҳнат тақимоти нима ва унинг турлари?
2. Дунё давлатлари иқтисодий ривожланишига кўра нечта гурухга ажратилади?
3. Халқаро меҳнат тақсимотининг манфаатли томонлари нималарни ўз ичига олади?
4. Халқаро меҳнат тақсимоти вужудга келишидаги муҳим омиллар?
5. Жаҳон хўжалигида ҳудуднинг ўзлаштирилганлик ва ўрганилганлик даражаси; транспорт омилининг роли қандай?
6. Демографик омил (аҳоли сони, меҳнат ресурслари ва унинг сифат даражаси, урбанизация) хўжалик тармоқлари ривожланишида ва жойланишида қандай аҳамиятга эга

2. Дунё саноати

Жаҳон халқ хўжалигида саноат тармоғи етакчи аҳамият касб этади. Чунки, у иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари шаклланишига, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, транспортнинг барча турларига, замонавий телекоммуникация тизимларига тўғридан-тўғри ва кучли таъсир этади. Дунё саноат тармоғида бугунги кунда 350 миллиондан ортиқ киши хизмат қиласи, бу жаҳон қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаётганларга нисбатан 3 баробарга кам дегани. Моддий ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланган саноат тармоғи иккига бўлинади: қазиб оловчи ва қайта ишловчи. Мазкур тармоқлардан қазиб оловчи (қора ва рангли металлар, қўмир, торф, табиий газ, нефть, сланец ва б.) бирламчи аҳамиятга эга, қайта ишловчи тармоқлар эса

иккиламчи тармоқлар бўлиб, ҳар иккаласининг ҳам ҳозирда умумий дунё иқтисодиётида улушининг камайиб бориши хосдир. Фақат, иккиламчи, яъни қайта ишловчи тармоқларнинг қазиб олувчи тармоқларга нисбатан жаҳон иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасида камайиш бироз секинроқ кечмоқда. Жаҳон саноат ривожланишида етакчи тармоқлар ёқилғи-энергетика, машинасозлик, химия, озиқ-овқат, енгил, ёғочни қайта ишлаш, металлургиядир.

1951-1980 йилларда дунё саноат тармоғининг ўртача ўсиш суръати ривожланган давлатларда 4,2 фоизни, 1981-1998 йилларда 2,3 фоизни, ривожланаётган давлатларда эса, мос равишда, 6,1 ва 5,4 фоизни ташкил этган. 1900-2000 йилларда жаҳон саноат ишлаб чиқариши 26 марта га ортди. Бу, Ғарбий Европанинг ривожланган давлатларида 22 марта га, ривожланаётган давлатларда эса 62 марта га тенг бўлди. Айни шу даврда, саноат ишлаб чиқариши ҳажми АҚШда -23, Канадада – 90, Хитойда – 106, Бразилияда - 125 марта га кўпайди. Аммо шунга қарамасдан, жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 56 фоиздан кўпи ғарбнинг ривожланган давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Дунё иқтисодиётининг асосини ёқилғи-энергетика комплекси (ЁЭК) ва унинг учта бўғини, яъни, а). Ёқилги энергетика ресурсларини қазиб олиш, б). Ресурсларни қазиб олинган жойидан истеъмол жойига етказиш, в). Электр ва ёқилғи энергияларини ишлаб чиқаришни ташкил этади. Истеъмолда бирламчи энергоресурсларга нефть, газ, кўмир, ядро ва қайта тикланадиган энергия турлари киради. Бирламчи энергоресурслар истеъмоли ва ишлаб чиқаришида нефтьнинг ҳиссаси 42 фоиз, табиий газники 25 фоиз, кўмир 28 фоиз, атом электростанциясиники 2,3 фоиз, гидроэлектростанциясиники 3,3 фоизга тенг. Жумладан, кўмир саноати дунёning 70 дан ортиқ давлатларида турли даражада ривожланган. Йиллик кўмир қазиб олиш 5 млрд тоннадан ортади, шундан қазиб олишнинг ярми бешта давлатларга тўғри келади: Хитой (қазиб олиш ҳажмига кўра биринчи ўринда), АҚШ, Россия, Германия ва Австралия. Булардан ташқари, кўмир қазиб олувчи йирик ўнлик

давлатларга Ҳиндистон, Польша, ЖАР, Украина ва Қозоғистон ҳам киради. Кўмирнинг асосий қисми қазиб олинаётган давлатларнинг ўзида истеъмол қилинади. Атиги, 10 фоизгина дунё экспортига чиқарилади. Четга чиқарилаётган кўмир Австралия, АҚШ, ЖАР, Ҳиндистон ва Хитойдан Фарбий Европа, Япония ва Корея Республикасига жўнатилади.

Жаҳонда тошкўмир ва қўнғир кўмирни қазиб олиш ва истеъмол қилиш ҳажми бирмунча камайиб бормоқда. Бу уларнинг геологик заҳираси билан умуман боғлиқ эмас. Чунки, аксарият тарқалган минерал ёқилғи турларида қаттиқ турдаги ёқилғининг геологик заҳираси 90 фоизни ташкил этади. Ҳозирги даврда қазиб олиш даражасидан келиб чиқса, унинг заҳираси бир неча юз йилларга бемалол этади. нефть ва газники 10 фоиздан ҳам кам, уларнинг заҳираси 10 йилга, яхши фойдаланилса 100-150 йилга этади холос. Аҳоли ва хўжаликнинг бирламчи ёқилғи турларига бўлган талаби ҳали етарлича қондирилмаяпти. Шу боисдан, ҳам табиий муҳитга катта зарар етказилишга қарамасдан, жуда кўп миқдорда қазиб олинаётган бир пайтда нефтьнинг нархи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Нефть саноати дунёning 80 дан ортиқ давлатларида кенг ривожланган. Йилига 3,7 млрд тонна ва ундан кўп нефть қазиб олинмоқда. Саудия Арабистони (1 ўринда) дунёда қазиб олинаётган нефтьнинг 15 фоизини бермоқда. Умуман олганда Форс кўрфазидаги бешта давлатга ер юзида қазиб олинаётган нефтьнинг (Саудия Арабистон, Қувайт, Бирлашган Араб Амирилиги, Ироқ, Эрон) 25 фоизи, ОПЕКга аъзо давлатларга эса 40 фоизи тўғри келади. Саноат жиҳатдан ривожланган давлатлар АҚШ билан биргаликда барча ер шаридаги нефтьнинг 25 фоизини қазиб олишмоқда. Дунёдаги қазиб олинаётган нефтьнинг 10 фоизи МДҲга кирувчи мамлакатларга тегишли. Охирги йилларда ривожланган давлатларда нефть қазиб олиш ҳажми камайган. Бу асосан АҚШ ва Буюк Британияда нефть қазиб олиш қисқариши билан боғлиқ, ваҳоланки, АҚШ дунёда нефтьнинг катта заҳираларига эга мамлакат ҳисобланади. Аммо шунга қарамасдан, жаҳонда барча истеъмол қилинаётган нефтьнинг 52 фоизини импорт қиласди.

Асосий нефть импорт қилувчи мамлакатларга Япония, АҚШ, Ғарбий Европа ва Корея Республикаси киради. Экспорт қилувчи давлатлар эса ОПЕК аъзолари, Россия, Хитой ҳисобланади.

Жаҳонда 2,4 млрд м³ табиий газ қазиб олинади. Асосий газ қазиб оловчи давлатларга Россия, АҚШ, Канада, Нидерландия, Буюк Британия, Жазоир, Ироқ киради. Жами бўлиб дунёда 60 дан ортиқ давлатларда газ қазиб олинади. Табиий газнинг тарқалишига кўра ҳамда келгусидаги заҳираси бўйича Россия етакчи ҳисобланади. Россия катта газ заҳирасига эга бўлишига қарамай, қазиб олинаётган газнинг 40 фоизга яқинини четга чиқаради. Ваҳоланки, бу кўрсаткич, Канадада-47 фоиз, Нидерландияда - 49, Жазоирда - 62, Норвегияда-87 фоизга тенг.

Ёқилғи-энергетика комплексининг муҳим бўғини атом энергиясидир. Бугунги кунда кўпгина давлатлар ядро ёқилғи ресурсларига эга. Булардан уран рудасининг йирик конлари ЖАР, Австралия, АҚШ, Россия, Канада, Нигер, Намибия, Францияда жойлашган. Уран рудалари Габон, Швеция, Аргентина, Бразилия, Колумбия, Парагвай, Эквадор, Испания ва бошқа қатор давлатларда ҳам қазиб олинмоқда. Бундан ташқари дунёning 20 дан ортиқ мамлакатида уран рудаси қазиб олинади.

XX асрга келиб энергия ресурслари кўмир, нефть ва табиий газ билан биргалиқда ноанъанавий энергия манбаларидан, ядро ва сув ресурсларидан кенг фойдаланиш йўлга кўйилди. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш муаммоси муҳим ўрин тутади. Ноанъанавий энергия манбаларига денгиз ва океан тўлқинларидан олинадиган энергия, шамол энергияси, ернинг геотермал энергияси, бу ҳозирда дунёning 90 та мамлакатида мавжуд, учинчиси қуёш энергияси. Жумладан, қуёшдан ерга тушаётган 0,01 фоиз энергия, энергия ресурсларига бўлган барча эҳтиёжни таъминлаган бўларди.

Электроэнергетика олишга асосланган қувватли электростанциялар тезлик билан ўсмоқда. Асосий электроэнергияни (60 фоиз) нефть, газ, кўмир, ёнувчи сланецга таянадиган иссиқлик электростанциялари (ИЭС) беради.

Гидроэлектростанциялар 20 фоиз, атом электростанциялари 17 фоиз, ноанъанавий электр энергия манбалари 3 фоиз электр энергияни беришади. Германия, Польша, ЖАР, Украина, Беларуссия, Дания, Греция, Нидерландия, Италияда асосий электроэнергия ИЭСлардан олинади. Бошқа давлатлар энергобалансида АЭСларнинг ҳам ҳиссаси бор. Масалан, Францияда барча электроэнергиянинг 75 фоизи, Белгия ва Японияда эса ярми АЭСга тўғри келади. Дунёда йиллик электроэнергия ишлаб чиқариш 12 трлн квт/соатдан ошиб кетди. Асосий йирик электроэнергия ишлаб чиқариш АҚШ (25 фоиз), Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция, Буюк Британия, Канада, Италия, Бразилия, Норвегия, Ҳиндистонда йўлга қўйилган.

Ўтган асрнинг 60-80 йилларида атом энергетикаси тезлик билан ривожланди. 80-йилларнинг охирида дунёда 335 та атом реакторлари 300 млн квт қувват билан ишлар эди. 1999 йилда дунёning 28 та давлатида 351 гВт қувватига эга 434 та АЭСнинг энергоблокида энергия ишлаб чиқарилган. АҚШ (қуввати 85 млн кВтга яқин), Франция (50 млн кВт), Япония (бу ерда 43 атом реакторлари умумий қуввати 35 млн кВт билан иш олиб боради), Германия, Россия, Швеция, Испания, Украина, Қозогистон, Арманистон, Бразилия, Чили, Аргентина, Перу, Уругвай, Куба, Бельгия, Финляндия, Нидерландия, Буюк Британия, Болгария, ЖАР, Ҳиндистон, Покистон, Литва, Словения ва бошқа қатор давлатларда атом электр станциялари ишлаб турибди. АЭСларга қизиқиши Лотин Америкаси, жанубий, жанубий-шарқий Осиё давлатларида ҳамон юқори. Аксарият, Европа давлатларида эса аксинча, ҳатто 1998 йил 1 июлда Швецияда «Барсебэк» АЭСи ўз иш фаолиятини тўхтатган. Кўпгина мамлакатларда гидроэнергетика тармоғи ривожланиб бормоқда. Бундай давлатларга Европадаги Австрия (ишлаб чиқарилаётган барча электроэнергиянинг 2/3 қисмини беради), Португалия (40%), Люксембург (58%), Швейцария (70%), Норвегия (99%) киради.

Лотин Америкаси мамлакатлари энергетика хўжалигида ГЭСлар асосий роль ўйнайди. Масалан, Бразилияда ишлаб чиқарилаётган барча электроэнергиянинг 80 фоизини, Суринамда 75 фоиз, Колумбияда 70 фоиз,

Перу, Чили, Боливияда 50-55 фоизини ГЭСлар беради. Юқорида таъкидланганидек, кўпгина давлатларда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Хитой, Франция, Канада, АҚШ, Россияда тўлқин энергиясидан фойдаланиш ривожланган бўлса, шамолдан энергия олиш АҚШ, Бельгия, Нидерландия, Россия, Японияда кенг йўлга қўйилган. Геотермал энергия ишлаб чиқариш манбалари АҚШ, Мексика, Исландия, Италия, Япония, Венгрия, Россия, Филиппин, Янги Зеландия, Марказий Америкада йўлга қўйилган. Энергия ресурслари ва улардан фойдаланишда бирламчи энергия манбалари нефть, кўмир, газ, ядро ёқилғиси, ноанъанавий энергия манбаларига талаб ошиб бораверади. Жаҳон иқтисодиёти институти олимларининг прогнозига кўра 1995-2015 йилларда бирламчи энергия манбалари истемоли 1,7 марта ортиши мумкин. Аксинча, истеъмолда нефтьнинг ҳиссаси камайиб, газники ўсиши, қўмирники эса ҳозирги миқдорда сақланиб қолиниши кутилмоқда.

Металлургия-машинасозлик саноати- Металлургия саноат тармоғи ҳамиша иккита, яъни қора ва рангли металлургияга ажратилган (мактаб дарсликларида батафсил маълумот берилган). Қора металлургия тармоғига кирувчи темир рудаси 50 га яқин мамлакатларда қазиб олинади. Дунёнинг етакчи металлургия марказлари Ғарбий Европа, АҚШ, Россия ва Япония ҳисобланади. Япония металлургияси тўлиқ импорт темир рудасига таянади. Қора металлургия охирги йилларда ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига кенгайиб, ўсиб бормоқда. Бразилия ва Ҳиндистон пўлат қувиш бўйича Европа мамлакатларини қувиб ўтди.

Рангли металлургияда рангли металлар иккига оғир ва енгилга ажратилади. Оғир рангли металлар кўп миқдорда ёқилғи, хом ашё ва сувни талаб этса, енгил рангли металларга жуда кўп электр-энергияси зарур. Масалан, 1 т алюминий олиш учун 16-18 минг кВт соат электро-энергия сарфланади. Шу боисдан, алюминий ишлаб чиқариш корхоналари арzon электроэнергия манбаларига яқин жойлаштириллади. АҚШ, Япония, Россия, Канада, Германия, Норвегия, Франция, Италия асосий алюминий ишлаб

чиқарувчи давлатлардир. Кўп миқдорда мис қазиб олувчи ва ишлаб чиқарувчи мамлакатларга Чили, Перу, Замбия, Конго (Киншаса), Россия, АҚШ, Хитой, Қозоғистон киради.

Жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғи машинасозлик ҳисобланади. Унга барча саноат маҳсулотининг 1/3 тўғри келади. Машинасозликнинг асосий тармоқлари транспорт машинасозлиги (автомобилсозлик, авиасозлик, темирйўл машинасозлиги, кемасозлик), қишлоқ хўжалиги, энергетика, станоксозлик, приборсозликдир. Машинасозлик давлатларнинг илмий-техника тараққиётини белгилайди, шу боисдан ҳам бу тармоқ унда банд бўлганлар ва маҳсулот нархи бўйича жаҳон саноатида биринчи ўринни эгаллайди. Дунёда машинасозлик асосан тўртта регионда: Ғарбий Европа, АҚШ, Япония ва Шарқий Европада ривожланган. Йилига жаҳонда 50 млн дона автомобил ишлаб чиқарилади, унинг катта қисми енгил автомобиллардир. Охирги йилларда АҚШ ва Япония автомобилсозлик бўйича ўзининг етакчи мавқенини сақлаб келмоқда, яъни йилига 22 млн дона автомобил ишлаб чиқаради. Германия ва Франция дунё бозорига 8,5 млн дона автомобил етказиб беради. Ҳозирда Лотин Америкаси давлатлари йилига 2,5 млн дона автомобил ишлаб чиқариш билан ушбу давлатларга етиб олишга ҳаракат қилишмоқда. «Форд», «Дженерал моторс», «Крайслер» (АҚШ), «Ниссан», «Хонда», «Тойота» (Япония); «Фольксваген», «Даймлер-Бенц» (Германия); «Фиат» (Италия); «Рено» и «Пежо-Ситроэн» (Франция) каби автомобил концернлари ва фирмалари дунёга машҳур. Дунё кемасозлигига Япония (жаҳон ишлаб чиқаришининг 52 фоизи), АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Украина, Норвегия, Германия, Буюк Британия етакчи ҳисобланади.

Жаҳон индустрящининг янги тармоғи электрон саноати ҳисобланади. Электрон саноати кўпгина мамлакатларда машинасозлик саноатидан кейин етакчи ўринга чиқиб олди. Буларга Осиёдаги Сингапур, Корея Республикаси мисол бўлади. Электрон саноати машинасозликнинг энг янги кўп билим-илм талаб саноат тармоғи бўлиб, илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас

боғлиқ, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Аҳоли ва хўжаликнинг аниқ ҳисоблаш машиналарига, компьютерларга, алоқа аппаратураларига, майший электрон техника буюмларига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги кунда АҚШ мураккаб электрон машинасозлик саноати ўта тараққий этган мамлакат ҳисобланади. Минтақа дунёда компьютер сони бўйича биринчи ўринда туради, масалан, ҳар 100 та бизнесменга 50 та персонал компьютер тўғри келади.

Япония жаҳонда электрон машинасозлик ривожланиш даражасига кўра иккинчи ўринда туради. Электрон машинасозлик саноатининг 1000 га яқин корхоналари Япониядан ташқарида ҳам жуда кенг фаолият олиб боради. 500 га яқини Осиёда, 150 га яқини АҚШда, 100 таси Европада ва ҳакозо. Япониянинг ўзида юқори технологияли ишлаб чиқаришлар, яъни интеграл схемалар, компьютернинг янги авлодларини ишлаб чиқариш қолган холос. Гарбий Европа электрон машинасозлик саноати ривожланиши учун етарли илмий, молиявий, техник ва бошқа имкониятларга эга бўлган минтақалардан биридир. Бу ерда телекоммуникацион аппаратуралар, ҳисоблаш техникиси, турли электрон приборлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ўтган асрнинг 80-йилларида Финляндия ва Швецияда қувватли мобил алоқа воситалари ишлаб чиқариш корхоналари барпо бўлди. Асосан электрон машинасозлик саноати Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Нидерландияда ривожланган бўлиб, уларга жами минтақа электрон саноати маҳсулотининг 90 фоизи тўғри келади.

Япония ва Америка жанубий-шарқий Осиё мамлакатларининг қулай географик, иқтисодий ва демографик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда XX асрнинг 80 – йилларида ўзларининг қўпгина электрон машинасозлик саноат корхоналарини, филиалларини мазкур минтақада жойлаштира бошлади. Бу эса ушбу худудларда нафақат саноат тармоғи ривожланишига, балки миллий кадрлар етишиб чиқишига, экспортдан юқори даромад олишга имкон берди.

Химия саноати- электроэнергетика ва машинасозлик билан бирга иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Химия саноатининг хом ашё базаси хилма-хил бўлиб, энг аввало табиий хом ашёлардан фойдаланилади. Буларга, туз, олtingугурт, нефть, газ, кўмир, ёғоч ҳамда қатор ишлаб чиқариш чиқиндилари киради. Химия саноати тоғ химия (минерал хом ашё қазиб олиш), асосий химия (минерал ўғитлар, кислота, сода ишлаб чиқариш), органик синтез химияси (полимер материал маҳсулотлари учун зарур ярим фабрикат материаллар), полимер материаллар (шиналар, полиэтилен плёнкалари) ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Химия саноати корхоналари ҳам худди машинасозлик корхоналаридаги жойлаштириш қонуниятига амал қиласи ва машинасозлик тармоғи сингари таркибиға кўра ўта мураккаб саноат тармоғидир. Жумладан, тоғ химия хом ашё, асосий химия истемолчи ва хом ашё, органик синтез химия кўп сув, хом ашё, энергия манбаларига яқин жойлаштирилади. Химия саноати ривожланишига кўра дунё мамлакатлари қуидаги учта гуруҳга ажратилади.

1) химия саноати юқори даражада ривожланган мамлакатлар; АҚШ, Канада, Япония, Фарбий Европа давлатлари, Россия, Украина, Австралия, Хитой, Корея, Сингапур.

2) химия ишлаб чиқариши ривожланаётган давлатлар Ҳиндистон, ЖАР, Жазоир, Марокко, Ливия, Миср, Покистан, Мексика, Эрон, Туркия, Нигерия, Қозоғистон, Туркменистан, Озарбайжон, Филиппин, Шарқий Европа ва бошқа регионлар;

3)Химия саноати паст даражада ривожланган давлатлар (тропик Африка, Океания, қатор Марказий Америка давлатлари, Непал, Бутан ва бошқалар). Шунингдек, дунёда химия индустриясининг йирик районлари ва марказлари ҳам мавжуд, буларга АҚШдаги Техас, Питсбург, Россиядаги Волгабўйи, Украинадаги Донбасс, Германиядаги Рур ва бошқалар киради.

Фарбий Европа химия саноатида бандлар сони АҚШдан 2 марта, Япониядан 4 марта кўп. Европада АҚШ ва Японияга нисбатан сезиларли даражада кўп синтетик бўёқлар, юувучи воситалар, бошқа тармоқлар учун

зарур бўлган маҳсус химикатлар, пластмасса, синтетик каучук, химиявий толалар ишлаб чиқарилади. Худди шундай Шимолий Америка ҳам дунё химия саноати ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ерда химия саноати тараққиёти учун етарли шарт–шароит мавжуд. Масалан, минтақанинг тоғхимия хом ашёсига (ош ва тош тузи, фосфорит, нефть, газ, олтингугурт) бойлиги, йирик энергия манбаларига эгалиги, АҚШ ва Канадада тармоқни жойлаштириш учун сувнинг етарлилиги, инновацион технология яратиш ва жиҳозлар билан таъминлаш учун бақувват илмий-техника салоҳиятининг борлиги, машинасозлик саноати салоҳияти ва унинг ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлаш қобилияти каби хусусиятлари.

Япония химия саноати ривожланишига кўра АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Жуда кам миқдорда минерал-хом ашё ва ёқилғи ресурсларига таянган ҳолда, тўлиқ нефть, газ, тоғ химия хом ашёсини импорт қилсада, мамлакатда жуда бақувват химия саноати таркиб топган. Осиёда яратилаётган химия саноати маҳсулотининг 62 фоизи Японияга тўғри келади. Аммо охирги йилларда Хитой ва бошқа индустрисал давлатларда химия саноатининг ривожланиши унинг ҳиссасини камайтирувчи. Бироқ, Осиё дунёда ҳамон асосий химия маҳсулотларини импорт қилувчи регион сифатида қолмоқда. Химия саноати жаҳон иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлишига қарамай, асосий табиий муҳитни ифлослантирувчи, инсон соғлигига катта хавф туғдирувчи ишлаб чиқариш тармоғи бўлиб қолади.

Енгил саноат- Саноатнинг яна бир тармоғи бу енгил саноатдир. Енгил саноат тармоғи аҳолини турли предметлар, буюмлар билан таъминловчи хилма-хил тармоқларни ўзига бирлаштиради. Енгил саноат тармоғи қишлоқ хўжалиги, химия саноати ва машинасозлик билан чамбарчас боғлиқлиқда ривожланади. Мазкур тармоқлар енгил саноатни хом ашё, табиий ва сунъий толалар, тери маҳсулотлари, бўёқлар, машина ва жиҳозлар билан таъминлайди.

Енгил саноатнинг энг муҳим тармоғи тўқимачиликдир. Тўқимачилик саноати унда ишловчилар сони бўйича ва ишлаб чиқариш ҳажмига кўра

етакчи тармоқлардан бири бўлиб, унда сунъий, химиявий толалар ишлаб чиқариш бугунги кунда етакчи ўринга чиқиб олди. Айниқса, дунё бўйича АҚШ, Ҳиндистон, Япония давлатлари энг кўп химиявий толалар ишлаб чиқаради. Булардан кейинги ўринларда Осиё йўлбарслари, Корея Республикаси ва Тайван туради. Ип газлама маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса асосан ривожланаётган мамлакатларда йўлга қўйилган бўлиб, сўзсиз бунда Ҳиндистон етакчи, сўнгра АҚШ ва Хитой туради.

Ипак газлама ишлаб чиқариш анъанавий Осиё мамлакатларига тегишли бўлса, жун газлама ишлаб чиқариш АҚШ, Буюк Британия, Италия давлатларида яхши ривожланган. Жун газламани четга энг қўп айнан шу давлатлар экспорт қиласи. Лён толаси ва ундан газламани Россия, Белоруссия, Франция ва Польшада ишлаб чиқарилади. Турли гиламлар АҚШ ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилади. Аммо қўл меҳнатида яратилган гилам маҳсулотлари жаҳон бозорида энг қиммат маҳсулот ҳисобланади. Дунё бозорига қўл меҳнатида яратилган гилам маҳсулотларини Эрон, Афғонистон ва Туркия давлатлари етказиб беради.

Охирги йилларда ривожланган давлатларнинг жаҳон тўқимачилик саноатига қўшаётган ҳиссаси сезиларли даражада камайди. Аксинча, ривожланаётган давлатларда, айниқса, арzon ишчи кучига таянилаётган жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида эса унинг улуши ортиб бормоқда. Тўқимачилик билан бараварига тикувчилик саноати ҳам шарққа томон силжиб тараққий этмоқда. Дунё бозорида Хитой ва Ҳиндистоннинг тайёр тикилган кийимлари бугунги кунда Европа, Америка маҳсулотлари билан рақоботлашмоқда. Чарм ва оёқ-кийим саноати ривожланган давлатларда, АҚШ ва Италияда яхши ривожланган бўлиб, ушбу давлатлар йилига ҳар бири 600 млн жуфт оёқ кийим ишлаб чиқаради. Дунёда арzon ва сифатли оёқ кийим ишлаб чиқарувчи Хитой ва Тайван жаҳон бозорида экспорт бўйича биринчи ўринга чиқиб олди.

Табиий маҳсулотлар ичида мўйна энг қимматбаҳо ҳисобланади. Россия, АҚШ, Хитой ва Германия жаҳон мўйна бозорини тўлиқ эгаллашган. Греция

турли мамлакатлардан келтирилган мўйна парчаларини қайта ишлаш билан дунёда донг таратган бўлса, қолган кўпгина давлатлар сунъий арzon мўйнадан кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Енгил саноатнинг яна бир муҳим тармоғи ювелир маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қимматбаҳо тошларга ва металларга ишлов беришдир. Бу тармоқ АҚШда, Истроил, Ҳиндистон ва Фарбий Европа давлатларида яхши ривожланган.

Ўрмон саноати саноатнинг энг қадимги тармоқларидан бири бўлиб, унинг корхоналари асосан ёғоч, ўрмон яқинида, денгиз, дарё бўйларида, темир йўллар атрофида жойлаштирилади. Ёғоч тайёрлаш шимолий ярим шарда жойлашган Канада, Россия, АҚШ, Швеция ва Финляндия яхши йўлга қўйилган. Аҳоли жон бошига ёғоч тайёрлаш, ёғоч маҳсулотларини четга экспорт қилиш, қофоз ишлаб чиқариш бўйича Канада дунёда биринчи ўринда туради. Охирги йилларда жанубий Бразилия, Африка, Жанубий-Шарқий Осиё минтақасидаги ўрмонлардан фойдаланиш жадаллашиб бормокда. Афсуски, бу ердаги қимматбаҳо ёғочлар, дарахтлардан маҳаллий аҳоли фақат ўтин сифатида ишлатишади холос. Сўнгги вактларда денгиз ва океанлар орқали ёғочни Японияга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Мебел ишлаб чиқариш ўрмон саноатининг бошқа тармоқларига нисбатан бирмунча фарқли равишда жойлаштирилган. Анъанавий мебел маҳсулотларини АҚШ ва Фарбий Европа ишлаб чиқаради. Офис мебеллари ишлаб чиқариш ва уни Япония ҳамда Европага экспорт қилиш бўйича Хитой биринчи ўринда туради.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Дунё хўжалигидаги ўзгаришларга баҳо беринг.
2. Жаҳон санотидаги энг йирик тармоқлар қайсилар?
3. Дунё саноатини ташкил этиш формалари
4. Дунёнинг нефть, газ саноати.
5. Дунёнинг машинасозлик комплекси.
6. Дунё саноатида оғир машинасозликнинг ўрни ва аҳамияти.
7. Машинасозликнинг асосий турлари ва асосий тармоқлари ер шарининг қайси минтасида яхши ривожланган?
8. Тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатларга қайсилар киради?
9. АЭС лар ривожланган давлатларни кўрсатинг?
10. Мўйна парчаларини қайта ишлаш бўйича донг таратган давлат?

3. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари ривожланиши ва жойланиши

Қишлоқ хўжалиги-жаҳон хўжалигийнг энг қадимги тармоқларидан бири. Дунёда ишловчилар сони бўйича биринчи ўринда туриши (1,5 миллиардан), аҳоли эҳтиёжини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни хилма-хил хом ашё билан таъминловчи, миллий ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигига сезиларли таъсир кўрсатувчи тармоқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига аҳолининг бандлиги бўйича ривожланган давлатлар ривожланаётан давлатлардан фарқ қиласи. Масалан, Осиё ва Африка давлатларида аҳолининг 3/5 қисми, Жанубий Америка ва Океанияда-1/5, Европа ва Шимолий Америкада 1/10 қисми банд. Дунёдаги иқтисодий фаол аҳолининг деярли ярми меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги жаҳон экспортининг 1/10 га яқини беради.

Қишлоқ хўжалиги асосан дехқончилик ва чорвачиликка бўлинади. Дехқончилик тармоғи озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат аҳамиятга эга бўлиб, ўз навбатида, дончилик (буғдой, шоли, маккажӯҳори, сули, бошоқлилар ва бошқалар), техника (қанд лавлаги ва шакар қамиш, кунгабоқар, ерёнғоқ, пахта толаси, жут ва бош.), сабзавот ва полиз, картошка, кўп йиллик экинларга (боғлар, узумзорлар, мевалар, каучук плантациялари) ажратилади. Чорвачилик-қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, асаларичилик балиқчилик ва балиқ хўжалигидан иборат.

Қишлоқ хўжалиги иккита йўл билан, яъни интенсив ва экстенсив йўл билан ривожлантирилади. Интенсив йўл-фан ва технологиянинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилиқда самарадорликка эришиш орқали ривожлантириш. Интенсив йўл ривожланган мамалакатларда йўлга қўйилган бўлиб, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юқори даражада қайта ишлаш, сақлаш механизациялаш, химиялаш ишлари амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигига илмий-техника тараққиёти ўтган асрнинг иккинчи

ярмидан жуда жонланди. 60-йиллардан ушбу тармоқни химиялаштириш бошланди, яъни минерал ўғитларни қўллаш, ўсимликларни химиявий йўл билан ҳимоялаш, 80-йиллардан ривожланган давлатларда биотехнология, ген инженерияси, компьютерлаш, ҳатто роботлаш ишлари йўлга қўйилди.

Химиялаштириш асосан қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни қўллаш, экинларни химиявий ҳимоялашга қаратилган бўлиб, шу йўл билан экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ер унумдорлигига эришиш мақсад қилиб белгиланди. XX асрнинг иккинчи ярмидан минерал ўғитларни ишлатиш 10 марта кўпайди. Натижада, 1 кг минерал ўғит ишлатиш экинлар ҳосилдорлигининг донли экинларда 8-12 кг, мойли экинларда 4-8 кг, қулупнайдага 30-50 кг ортишига олиб келади. Минерал ўғитларни ишлатиш ривожланаётган давлатларда тезлик билан ўсиб, яъни ҳатто Осиё Европа ва Шимолий Аерикани қувиб ўтиб, дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Осиё қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ишлатиш Хитой ҳисобига (охирги 10 йилда Хитойда 2 марта ортди) ўсди. Шу вақтнинг ўзида собиқ СССР давлатларида бу кўрсаткичда пасайиш рўй беради. Экин экиладиган ерга минерал ўғит солиш бўйича Ғарбий Европа давлатлари ва Япония етакчи ўринни эгаллайди, Жумладан, 1 гектар ерга Нидерландияда-770 кг, Буюк Британияда -350 кг ва Японияда 450 кг ўғит солинади.

Механизациялаш ихтисослашишга, табиий шароити ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг социал-иктисодий ҳолатига чамбарчас боғлиқ. Ҳозирда дунё бўйича тракторлар миқдори ортди, яъни Осиёда (7 марта) айниқса, Ҳиндистонда ва Хитойда кўпайган. Механизациялаш бўйича Европа биринчи, Осиё иккинчи ўринда.

Экстенсив йўл экин майдонлари кенгайтириш, қорамоллар сонини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалигини юритишдир. Ҳозирда дунё ер фондининг 35 фоизи қишлоқ хўжалиги ва турли озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд. Турли мақсадларда ишлатиладиган энг қимматбаҳо ва ҳосилдор ерлар 1,5 млрд га бўлиб, улар сифатига, самарадорлигига кўра материаллар миқёсида нотекис тақсимланган. Дунё

бўйича, ҳар бир кишига 0,3 га экин майдони тўғри келади, шундан Осиёга 31 % (0,15 га) бўлиб, бу энг кичик кўрсаткич. Сабаби, Осиёда 1 га ер 7 кишини боқиши керак. Аҳолиси зич жойлашган Европада 1 га ер 4 кишини боқади, Жанубий Америкада-2,0, Шимолий Америкада-1,5 кишига тўғри келади. Осиёда 4,3 млрд аҳоли яшайди, умумий ер майдонининг 18 фоизи ҳайдаладиган ерлар, шу боисдан ҳам жон бошига ер майдони кичикдир. Европада дехқончиликни ривожлантириш учун табиий шароит энг қулай, ер майдони сезиларли даражада ўзлаштирилган, аммо аҳолиси ўта зич жойлашган, аҳоли жон бошига ер миқдори Осиёга нисбатан кўп.

Африка ва Жанубий Америкада қайта ишланадиган ер майдони жуда кам, ўзини–ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди. Африкада умумий ер майдонининг 6 %, Жанубий Америкада 8 %, ҳайдаладиган ерлар. Бу ҳайдаладиган ерлардан ҳам бир хил фойдаланилмайди. Кўпгина районларда суғориладиган ер майдони кенгайиб бормоқда. Охирги 25 йилда экин экиладиган ер майдони 140 миллион гектарга, яъни 10 фоизга ўсади, аҳоли эса 50 фоизга ортди. Кўпайиб бораётган аҳолини фақат қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланмоқда.

Яйловларни аста секинлик билан ҳайдаладиган ерлар эгаллади. Бундай ерлар ўрмонлар, ҳосилдорлиги паст яйловлар ҳисобига ўртacha йилига 5-10 миллион гектарга ортиб бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда 1 та трактор ўртacha 34 гектар ерни қайта ишлайди, ривожланаётган мамлакатларда, бу кўрсаткич-620 гектар, Ҳиндистонда 3000 гектарга teng. Учинчи дунё давлатларида ҳамон дала ишлари кўлда амалга оширилади. Шу боисдан ҳам бу мамлакатларда 1 гектар ер паст даражада - 0,61 кишини, ўртacha даражада - 2,1 кишини, юқори даражада - 5,05 кишини боқади. 2000 йилда 117 та ривожланаётган давлатлардан 64 тасида ерлар аянчли ҳолатда бўлиб, аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олиш имконига эга эмасди.

Дехқончилик-Қишлоқ хўжалигининг асосини дон ишлаб чиқариш ташкил этади. Ҳар йили дунё бўйича 2,5 миллиард тонна дон маҳсулоти ийғиб олинади, қайта ишланадиган ерларнинг ярмини донли экинлар эгаллайди. Донли экинларнинг учта асосий тури ажратилади: буғдой (дон ялпи маҳсулотининг 28 фоизини), шоли (26 фоиз) ва маккажўхори (25 фоиз). Буғдой дунёning 70 та мамлакатида етиштирилади. Асосий дон етиштирувчи давлатлар АҚШ, Хитой, Украина, Россия, Қозогистон, Канада, Австралия, Хиндистон, Аргентина, Франция ҳисобланади. Буғдой экспорт қилувчи давлатларга АҚШ, Канада, Австралия, Аргентина, Франция киради. Дон ва дон маҳсулотлари таннархига кўра жаҳон қишлоқ хўжалиги товар айланмасида гўшт ва гўшт маҳсулотларидан сўнг иккинчи ўриннни эгаллайди. Дунё дон хўжалиги географиясида ўзгаришлар рўй бермоқда. Осиё ҳозирда жами дон маҳсулотининг teng ярмини бермоқда.

Донли экинлардан иккинчиси-бу маккажўхори экинидир. Маккажўхори Шимолий Америка ҳиндуларининг озиқ-овқати бўлган бўлсада, кейинчалик бутун дунёга нафақат, озиқ-овқат, балки озуқа ва техника экини сифатида тарқалган. Ҳозиргача ҳам Шимолий Америка маккажўхори энг кўп экиладиган минтақалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё маккажўхори ҳосилининг 40 фоизи, жаҳон экспортининг 75 фоизи АҚШга тўғри келади. Аммо шунга қарамасдан, охирги йилларда бу экин тури бўйича, Осиё давлатлари салмоғи бироз ортиб борди ва жаҳон маккажўхори маҳсулотининг $\frac{1}{4}$ бера бошлади. Ер шаридаги йирик маккажўхори етиштирувчи давлатларга АҚШ, Хитой, Бразилия, Мексика, Руминия ва Франция киради. Маккажўхорини асосан Япония, Корея Республикаси, Малайзия ва Ғарбий Европа давлатлари (Испания, Буюк Британия, Бельгия) сотиб олишади.

Асосий шоли етиштирувчи давлатлар Хитой, Бангладеш, Индонезия, Япония, Таиланд, Мьянма, Вьетнам, Филиппин ва Жанубий Кореядир. Шунингдек, АҚШ, Мексика, Бразилия ва Ўрта Осиёнинг баъзи республикаларида ҳам шоли етиштириш йўлга қўйилган. Қанд лавлаги

мўтадил кенгликлар экини бўлиб, уни асосан Франция, Украина, Россия, АҚШ, Польша, Германия, Венгрия, Италия ва Хитой етиширади. Шакарқамиш бундан фарқли равишда тропик кенгликларда, энг аввало Лотин Америкаси-Бразилия, Куба, Мексика, Колумбия ҳамда Осиё давлатлари, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Индонезияда ўстирилади. Ривожланган давлатлардан АҚШ ва Австралияда йирик шакарқамиш плантациялари мавжуд.

Пахта толаси қадимда Ҳиндистон ва Мексикада экин сифатида киритилган. Бу иссиқни, намни севувчи мўтадил иқлим минтақасининг экини тупрокқа, ўғит ва сугоришга алоҳида эътибор талаб қиласди. Дунёда йилига 20 млн тонна пахта толаси етиширилади. Етакчи пахта толаси ишлаб чиқарувчиларга: Хитой (жами дунё маҳсулотининг 25 фоизи) АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Туркия, Миср, Австралия ва Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистон киради. Асосий пахта толаси четга экспорт қилувчи давлатлар биринчи ўринда АҚШ (жаҳон экспортининг 1/4), иккинчи ўринда Ўзбекистон, сўнгра Туркманистон ва Австралия ҳисобланади. Анъанавий узун толали Миср пахтаси қимматлилиги жихатдан алоҳида ажralиб туради. Кўпгина давлатларда ўрта толали пахта етиширилади.

Мойли экинлардан энг муҳими қунгабоқар (Россия, Украина, Болгария, Қозоғистон, Венгрия, Руминия), соя (АҚШ, Хитой, Бразилия, Мексика), ер ёнғоқ (Фарбий Африка, Ҳиндистон) ҳам дунё бўйича қўп миқдорда экиласди. Шунингдек, ер шаридаги чой ишлаб чиқариш (3 млн тонна) Ҳиндистонда, Хитойда, Шри-Ланкада, Кенияда, Индонезияда, Туркиядада, Японияда, Эронда, Бангладеш, Грузия, ва Россияда, кофе эса (ер шари бўйича 3 млн тонна кофе ишлаб чиқарилади) Бразилия, Колумбия, Индонезияда, Мексика, Гватемала, Эфиопия, Уганда, Ҳиндистон ва Коста-Рикада йўлга қўйилган.

Жанубий Америкаликлар экини бўлган картошка мўтадил минтақада етиширилади. Уни озуқа сифатида, спирт ва крахмал олишда кенг фойдаланишади. Бундан ташқари, ҳозирги кунгача картошка камбағал

аҳолининг энг муҳим озиқ-овқати бўлиб хизмат қилиб келмоқда. 90-йилларгача картошка Россия, Польша ва Хитойнинг асосий экини бўлиб келган бўлса, кейинчалик Хитой етиштириш бўйича биринчи ўринга чиқиб олди.

Иссик талаб жанубий америкаликлар экини бўлган тамаки мўътадил иқлим минтақасида кўплаб етиштирилади. Аммо шунга қарамасдан, ер шарининг барча минтақаларида тамаки экиласди. Инсон соғлиғига тамакининг салбий таъсири кенг тарғиб қилинишига қарамай, уни етиштириш сезиларли қисқарганича йўқ. Тамаки санотида ва халқаро савдода Англия ва Американинг йирик компаниялари хукмронлик қилишади. Тамакичилик Осиёда (дунё ҳосилининг 3/5), Шимолий ва Жанубий Америкада, Шарқий ва Фарбий Европада кенг ривожланган. Асосий тамаки экспорт қилувчи давлат АҚШдир.

Табиий каучук олиш XIX асрдан йўлга қўйилган бўлиб, қишлоқ хўжалигининг янги тармоғи ҳисобланади. Дастребки даврларда бу экин Жанубий Америкада экилар эди, кейинчалик контрабандада йўли билан Осиёга келтирилган. Автомобил саноатининг кенг тараққий этиши тропик минтақаларда каучук плантацияларининг Осиё, Африка ва Жанубий Америкада кен ёйилишига сабаб бўлди. Сунъий каучук ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги табиий каучукка нисбатан 3 мартаға кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ортишига олиб келди. Натижада, ҳозирда табиий каучук етиштириш географияси ўзгарди. Дунёдаги жами каучукнинг 9/10 қисми Осиёда, қолгани Африка ва Жанубий Америкада етиштирилади.

Чорвачилик-Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи чорвачилик бўлиб, у жами дунё қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 1/5 ни беради. Асосий чорва маҳсулотларини ривожланган мамлакатлар етказиб беради ва ўз навбатида, импорт қилувчи давлатлар сирасига ҳам айнан улар киради. Чорва молларининг бош сони дунёда - 4 миллиардни ташкил этади. Энг кўпи йирик шохли қорамоллардир. Улар чорва молларининг 1/3 га тўғри келади. Асосий

йирик шохли қорамоллар жойлашган регионларга Ҳиндистон, Бразилия, АҚШ, Хитой, Россия, Аргентина, Украина киради.

Йирик шохли қорамоллар ер шарида ишлаб чиқарилаётган сутнинг 90 фоизини, гўштнинг 1/3 ни беради. Йирик шохли қорамолларнинг энг кўп жойлашган жойи Ҳиндистон бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг иккинчи ярмигача иккинчи ўринни АҚШ эгаллаб келган эди, кейинчалик собиқ СССР давлатлари эгаллади. Чорвачилик ривожланиши ва ихтисослашиши кўп жиҳатдан озуқа базасига боғлиқ. Озуқа базасига энг катта талаб йирик шохли қорамолларда, яъни сутчиликда. Сут чорвачилиги ер шарининг асосан мўътадил минтаقا, ўрмон ва ўрмон дашт районларида, табиий ўтлоқларга бой, ёғингарчилик бир хил бўлиб турадиган, сувли озуқа манбаларида яхши ривожланган. Сут чорвачилиги санот жиҳатдан тараққий этган Шимолий Америка, Шимолий Европа, Янги Зеландия ва бошқа қатор давлатларда (Болтиқбўйи давлатлари, Белоруссия, Россия, Янги Зеландия) нисбатан яхши йўлга қўйилган. Иқтисодий тараққий этган мамлакатларда сут чорвачилиги интенсив равишда ривожлантиришга асосланади. Шу боисдан ҳам сут чорвачилигига юкори ҳосилдорликка эришилмоқда. АҚШ, Дания, Нидерландия, Швецияда сут соғиб олиш 1 та сигирдан 6 минг кг, Японияда - 5 минг кг, Россияда 2,8 минг кг, Аргентинада 2,6, Хитойда 1,6, Монголияда 0,35 ни ташкил этади. Ривожланаётган давлатларда сут чорвачилиги асосан тоғ олди зоналарида яхши йўлга қўйилган. Сигирлардан йилига 500 миллион тонна сут соғиб олинади ёки киши бошига 100 кг дан кам. Киши бошига сут ишлаб чиқариш бўйича Янги Зеландия биринчи ўринда туради (2400 кг), Ирландия (1500 кг), Нидерландия (900), Белоруссия (700), Дания (500), Франция (490), Германия (450) ҳам бу соҳада етакчи давлатлар сирасига киради.

Йирик шохли қорамолларга дунёда етиштирилаётган гўшт маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келади. Мол гўшти етказиб берувчи етакчи давлатлар Австралия, Бразилия, Нидерландия, Канада, АҚШ ва Аргентина хисобланади. Чўчқачилик, кўпгина давлатларда ривожланган, чўчқа бош

сони бўйича Хитой биринчи ўринда туради. Шунингдек, АҚШ, Россия, Польша, Германия, Бразилия, Мексика, Испания, Франция, Украина давлатларида ҳам чўчқачилик яхши ривожланган. Мусулмон давлатларида дин тақиқлаганлиги муносабати билан чўчқа боқилмайди. Чўчқачилик дунё гўшт маҳсулотининг 40 фоизини ва маълум бир микдордаги тери маҳсулотларини беради. Хитой, АҚШ, Бразилия, Мексика, ГФР, Польша, Россия, Украина, Японияда чўчқалар бош сони кўп. Ер шаридаги чўчқа гўштини четга асосан Нидерландия, Польша ва АҚШ экспорт қилади.

Дашт ва чала чўл зоналарида ҳамда тоғ олди регионларда қўйчиликнинг муҳим ареаллари жойлашган. Қўйларнинг дағал жунли, майин жунли, ярим дағал жунли турлари ажратилади. Дунёда 1 миллиард бош қўй сони мавжуд бўлиб, улар Австралия, Янги Зеландия, Хитой, Қозоғистон, Россия, Аргентина, Уругвай, Испания, Греция, Буюк Британия, Монголия, Марокко, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия давлатларида тарқалгандир. Ер юзининг дашт, қуруқ дашт, чала чўл, ва тоғли районларида бу тармоқнинг озуқа базаси яхши ривожланган. Қимматли қоракўл жунини берадиган қоракўл қўйлари дунёning айрим минтақаларида боқилади, холос. Буларга, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тоҷикистон, Украина ва ЖАР киради. Чорвачиликнинг кучсиз ривожланган тармоғи бўлган эчкичилик ривожланаётган Осиё ва Африка мамлакатларида кенг тарқалган. Жаҳонда, эчкилар сони 700 миллиондан ортади, энг кўп эчкилар Хитой ва Ҳиндистонда боқилади. Шунингдек, Эрон, Покистон, Бангладеш каби Осиё мамлакатларида ҳам эчкилар бош сони кўп.

XX асрнинг иккинчи ярмидан паррандачилик дунёда тезлик билан ривожланмоқда, биргина товуқларнинг сони ер юзида 14 миллиард бошга яқин. Дунёда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 20 фоизини паррандачилик тармоғи беради. АҚШ, Буюк Британия, Япония ва бошқа ривожланган давлатларда саноат типидаги йирик корхоналар жўжанинг гўштга мўлжалланган турини, яъни бройлер жўжалари ишлаб чиқаришни йўлга кўйган. Хитойда, АҚШда товуқлар бош сони энг кўп, шунингдек, Бразилия,

Хиндистон, Россия, Мексика ҳам товуқлар сони бўйича етакчи давлатларга киради.

Жаҳон хўжалигига балиқчилик энг қадимги тармоқлардан ҳисобланади. Бу соҳада 13 миллион киши банд. Жаҳон бўйича балиқ ва балиқ маҳсулотлари тутиш 80-90 миллион тоннани ташкил этади. Асосий балиқ маҳсулотларини (55-60 фоиз) Япония, Россия, Хитой, Корея, АҚШ, Чили, Перу, Норвегия, Исландия, Вьетнам, Малайзия, Филиппин беради. 90 фоиз балиқлар ер шарининг континентал шельф зонасидан тутиб олинади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Дунё ер майдони ва унинг тақсимланиши.
2. Жаҳон қишлоқ хўжалигига химиялаштириш нималарни ўз ичига олади?
3. Дехқончиликда дон етишириш етакчи бўлган давлатларга мисол келтиринг?
4. Кўйчиликнинг асосий ареаллари қаерда тарқалган?
5. Дунёда етиширилаётган гўштнинг асосий қисми қайси чорва моллари ҳисобига тўғри келади?
6. Тамаки қайси иқлим минтақасида етиширилади ?
7. Дунё қишлоқ хўжалигининг ривожланиш ва жойлашиш хусусиятлари.
8. Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг шакллари.
9. Дунё зироатчилигининг етакчи тармоқларининг жойлашиши ва ривожланиши.
10. Дунё бозори ва жаҳон хўжалигининг шаклланиши.

4. Дунё транспорти

Транспорт тўғридан-тўғри илмий-техника тараққиёти билан боғланган тармоқdir. Саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бирга ишлаб чиқариш ва уни ҳудудий ташкил қилишнинг асосини транспорт ташкил этади. Иқтисодий географиянинг негизи бўлган ҳудудий меҳнат тақсимоти, маҳсулотни ишлаб чиқарган район билан уни истеъмол қиласидаган жой орасида алоқа транспортсиз амалга ошмайди, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам шаклланмайди. Транспортсиз тизим (система) ва мажмуа (комплекс) ўртасидаги алоқани тасаввур қилиш кийин. Транспорт хўжаликнинг алоҳида тармоғи, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибига кирувчи тўрт элементлардан бири, макроиқтисодиёт тармоғидир. Транспортнинг инфраструктура вазифаси унинг макроиқтисодиёт тармоғи учун хизмат қиласиди,

шароит яратади. Айни вақтда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва худудий ташкил қилишнинг омилдир.

Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришда хом-ашё ва ёқилғи сарфининг камайиши, темир йўлларнинг электрлашуви, турли хил қувур транспорти, юқори қувватли электр узатиш тармоқлари, денгиз транспортини контейнерлаштириш ва ҳоказолар транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги рольини камайтиrmокда. Аммо шунга қарамасдан, транспортнинг маҳсулот қиймати шаклланишида, таннархидан ҳиссаси катта. Транспорт тармоғи ривожланиши ва жойланиши қатор географик, ижтимоий-иктисодий омилларга боғлиқ. Жумладан, табиий географик омиллардан табиий шароит, шамол, ёғин-сочин, булат, туман, рельеф шакллари, тупроқ ва унинг физик хусусиятлари, гидрогеологик шароит транспортнинг барча турига ва транспорт йўлларига кучли таъсир кўрсатади. Масалан, ер шарининг айрим мамлакатларида (Боливия, Перу) 4700 - 4800 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган тоғ минтақаларида темир йўллар одатда дарё, бўйлаб, баъзи жойларда тунеллар орқали ўтади, мураккаб шароитда тор изли йўллар қурилади. Шунингдек, темир ва автомобил йўллар қурилишида кўприклар қуриш ҳам катта аҳамиятга эга. Тоғ дарёларида кўприклар унча узун эмас, текисликда эса улар узундир. Умуман, темир йўлларни қуриш катта вақт ва маблағни талаб қиласди, аммо улар шунга мувоғиқ узоқ муддат хизмат қиласди.

Жаҳон хўжалигига транспорт ўта муҳим роль ўйнайди. Жаҳон транспорт тизими ўз ичига турли йўлларни, транспорт корхоналарини, транспорт воситаларини қамраб олади. Транспорт таркибига қуруқликдаги транспорт (автомобил, темир йўл, от-арава), сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, қувур, электр транспорти киради. Сўнгги йилларда транспорт турлари кўпайиб ва ривожланиб бормоқда, уларнинг жойланиши ҳам ўзгармоқда, Анъанавий темир ва автомобил, сув (дарё, денгиз ва океан), ҳаво транспорти билан бир қаторда қувур транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. У кўпинча нефть-газ саноати мавжуд бўлган худудлардан турли истемол

районларига маҳсулот етказиб беради. Тарақкий этган мамлакатларда эса қувурларда ҳатто қаттиқ жинслар-темир рудаси, кўмир кабилар ҳам юборилади («пульпопровод»). Барча транспорт турлари иккита асосий вазифани бажаради, яъни: юк ва пассажирлар ташиш. Юк ташишда транспорт тизимида ташиладиган маҳсулот ёки хом-ашёнинг транспорттабеллиги, масофаси ва таркиби, қиймати ҳисобга олинади. Энг арzon, одатда денгиз (океан) транспорти ҳисобланади. Ундан кейинги ўринда йирик дарёлардаги транспорт туради, Темир йўл транспорти ҳам бу борада анча арzon ҳисобланади.

Транспортнинг ҳам ҳудудий мажмуалари мавжуд. Бунга транспорт тугунлари мисол бўла олади. Йирик транспорт маркази ва тугунларида ўзига хос обьектлар (таммирлаш заводлари, омборхоналар, бевосита транспорт билан боғлиқ қурилиш материаллари ва бошқа саноат корхоналари) жойлашади. Транспорт йўлларининг умумий узунлиги (денгиз трассасиз)-35 миллион км. Пассажир ташишда автомобил транспорти, жаҳон юкини ташишда денгиз транспорти ҳал қилувчи роль ўйнайди, МДҲ республикалари, Россия, Украина, Қозоғистон, Белоруссияда пассажирларнинг асосий қисми темир йўл транспортида, АҚШ ва Ғарбий Европанинг қатор давлатларида эса автомобилда, Хитойда ички сув транспортида ташилади. Темир йўлларнинг дунёдаги умумий узунлиги 1 миллион кмга teng бўлиб, кўпгина давлатларда унинг узунлиги қисқариб бораётганлиги кузатилади. Натижада, темир йўлда умумий юк ташиш камаймоқда.

Куруқлик транспорти-Автомобил транспорти юк ташиш хҳажмига кўра барча бошқа транспорт турларини қувиб ўтади. Чунки автоморбил транспорти энг муҳим имкониятларга, яъни тезликда етказиб бериши, “эшиқдан эшиккача” юкни олиб бориши, юкнинг яхши сақланиши каби хусусиятларга эгалиги билан ажralиб туради. 500 кмгача бўлган масофага автомобил транспорти темир йўл транспортига нисбатан юкни 3 мартаға тез олиб боради. Автомобил транспортининг ривожланганлиги давлатлар

миқёсида аввало улар учун автомобиль паркларининг мавжудлиги, автомобиль йўлларининг ҳолати ва узунлиги, шунингдек ушбу транспорт турига ва унинг ишига бўлган талаб ҳамда иқтисодий имкониятлар билан белгиланади.

13-жадвал

Дунёда автомобиль йўлларининг узунлиги, автомобиль паркларининг ўлчамига кўра биринчи ўнталикка кирувчи давлатлар

Давлатлар	Автомобил йўлларининг узунлиги, минг км	Қаттиқ қопламали йўлларнинг улуши, % да	Умумий автопаркла р сони, млн дона	Енгил автомобилла ри сони, млн дона
АҚШ	6466	65,1	230	136
Хитой	3584	-	-	-
Ҳиндистон	3320	-	-	-
Бразилия	1752	5,5	28	23
Япония	1204	79,8	75	56
Канада	1042	39,9	20	17
Франция	1027	-	35	30
Россия	933	80,9	31	26
Австралия	813	42,0	-	-
Испания	681	100	23	19
Германия	-	-	47	45
Италия	-	-	38	34
Буюк Британия	-	-	33	30

Манба: www.cia.gov

1900 йилларда дунё бўйича 6 минг автомобиль бор эди. 1950 йилларда уларнинг сони 62,3 миллионтага етди, XXI аср бошида 600 миллионта, шундан 460 миллионтаси енгил, 140 миллионтаси юк машиналари бўлган бўлса, ҳозирда автомобилларнинг ер шаридаги миқдори 800 млндан ортади ва у ер шарининг турли миңтақалари бўйича турлича тақсимланган. “Катта еттилик” мамлакатларига дунёдаги автомобилларнинг 60 фоизи тўғри келади., шундан АҚШга 29 фоизи.

Охирги йилларда автомобиль паркларининг миқдори тезлик билан ўсиб бормоқда, айниқса бу энг аввало Осиёда, яъни Хитой ва Ҳиндистонда. Дунёда автомобиллар сони кўплиги бўйича етакчи бўлган мамлакатларга собиқ СССР давлатларидан фақат 31 млн автомобили билан Россия биринчи ўнталикка киради. Транспорт даражаси ривожланганлигига кўра АҚШ етакчилик қиласи, шунингдек, бу давлат автомобиль магистралларининг

узунлигига кўра, автопаркларининг сонига кўра, темир йўлларининг узунлигига кўра, авиалинияларининг қалинлигига кўра ҳам дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Сув транспорти- Халқаро савдода сув транспорти биринчи ўринда бўлиб, 80 фоиз юк ушбу транспорт орқали ташилади. Денгиз флотининг умумий тоннажи 514 млн тонна. Энг катта денгиз флоти Либерия ва Панамага тегишли. Аммо бу уларнинг шахсий флоти эмас: кўпгина ривожланган давлатлар ўзининг кемаларини либериялик ва панамалик флот эгаларига беришади. Сабаби, бу ерда солиқнинг камлиги, денгизчиларга тўланадиган ойликнинг камлиги, қонун назоратининг сустлиги, сугурта фоизи катталиги ва хавфсизилик нуқтаи-назаридан шундай йўл тутишади. Худди шундай давлатларга яна Греция, Кипр, Филиппин ҳам киради.

14-жадвал

Дунёдаги энг йирик портлар (2008 й.)

Порт номлари	Мамлакатлар	Юк айланмаси, млн тонна
Сингапур	Сингапур	515
Шанхай	Хитой	508
Роттердам	Нидерландия	421
Тяньцзинь	Хитой	365
Нинбо	Хитой	362
Гунчжоу	Хитой	347
Циндао	Хитой	278
Гонконг	Хитой	259
Цинхуандao	Хитой	252
Далянь	Хитой	246

Манба: American Association of port Authorities

Япония, Хитой, АҚШ, Норвегия, Россия, Буюк Британия, Италия, Франция юк тоннажи катта давлатлар ҳисобланади. Дунёда 3 мингта порт мавжуд бўлиб, улар универсал ва маҳсус ихтисослашган портларга бўлинади. Энг йирик портлар Нью-Йорк, Роттердам, Гамбург, Лондон, Осака, Токио, Сингапур, Гонконг, Филадельфия, Шанхай, Ванкувер, Марсель, Генуя, Антверпен портларидир. Аммо шунга қарамасдан, бугунги кунда ер шарида

юк тоннажи, айланмаси бўйича энг йирик портларнинг 8 таси бу Хитой давлатига тегишли портлар ҳисобланади (2-жадвал).

Ички сув транспорти Жанубий Америкада яхши ривожланган (дунё дарё йўлларининг 1/3), АҚШ, Россия, Канада, ГФР, Хитой, Нидерландияда дарё кемачилиги йўлга қўйилган. Энг йирик каналларга Сувайиш, Панама, Кил (ГФР), Буюк (Хитой), Қирғоз бўйи (АҚШ), Беломор-Болтиқбўйи ва Волго-Дон (Россия) киради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан қувур транспорти тезлик билан ривожланди. Бунга сабаб биринчидан, йирик янги нефть ва газ конларининг очилиши, иккинчидан ёқилғи – энегетика ресурслари қазиб олишнинг ва унга бўлган талабнинг ўсиши билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 70-йилларида дунёдаги магистрал нефть қувурларининг узунлиги 258 минг кмга, газ қувурлариники-609 мингни ташкил этган бўлса, XXI асрнинг бошида магистрал нефтьқувурлариники 500 минг км, газ қувурлариники-1,5 млн кмга етди. Қувурларнинг узунлиги бўйича АҚШ биринчи ўринда, ундан кейин Россия туради. Шунингдек, Яқин Шарқ ва шимолий Африка, Фарбий ва Шарқий Европада ҳам қувурлар тармоғи яхши йўлга қўйилган.

Ҳаво транспорти-тезлик билан ривожланмоқда. Агарда 1950 йилларда дунё бўйича 31,2 млн млн киши ҳаво транспортида ташилган бўлса, ўтган асрнинг 90-йилларида эса 2,2 миллиард киши, шундан халқаро линияларда 1,3 миллиард киши ташилди. Бугунги кунда энг тез бузиладиган ва қимматбаҳо юкларни ташишда, аҳолини манзилига тез етказиб беришда ҳаво транспортининг рольи ошиб бормоқда.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ички сув транспорти қайси давлатларда яхши тарақкий этган?
2. Транспортнинг асосий вазифалари.
3. Табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-географик омиллар транспорт тури ва тизимининг жойлашувига таъсирини баҳоланг?
4. Халқаро савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт турини аниqlанг?
5. Ҳаво транспорти ва унинг халқ хўжалиги тараққиётидаги рольи?
6. Дунёдаги йирик халқаро авиакомпанияларнинг географиясини аниqlанг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алисов Н. В., Хореев Б. С. Экономическая и социальная география мира (общий обзор). М., 2001.

2. Атлас мира. М., 1996.
3. Бутов В. И. Экономическая и социальная география зарубежного мира и России. М., 1998.
4. Бутов В. И. Экономическая и социальная география мира и России. Ростов н/Д, 2001.
5. География мирового хозяйства. М., 1997.
6. Гладкий Ю. И., Соколов О. В., Файбусович Э. Л. Экономическая и социальная география. М., 1999.
7. Симагин Ю. А. Экономическая и социальная география мира: Учеб. пособие. М., 2001.
8. Социально-экономическая география зарубежного мира М., 1998.
9. Голубчик М.М., Файбусович Э.Л., Носонов А.М., Макар С.В. Экономическая и социальная география: Основы науки: Учеб.для студ. Высш.учеб.заведений.-М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004.-400с.
10. Максаковский В. П. Географическая карта мира. Ч. Т. Общая характеристика мира. Ярославль, 1993.
11. Максаковский В. П. Общая экономическая и социальная география. Курс лекций. В двух частях. Часть.- Гуманитар. Изд. Цент ВЛАДОС, 2009.-367.

З-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА УНИНГ РЕСУРС САЛОҲИЯТИ

3.1. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимидағи ўрни

Режа:

1. Жаҳон хамжамияти билан хамкорлик
2. Халқаро интеграциялашув

“Ўзбекистоннинг ҳудудий макон хусусиятлари, унинг жўғрофий ўрни бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни танлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар - Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи халқа вазифасини ўтайди. Буларнинг барчаси республиканинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, Ўзбекистонни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг, товарлар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантиради”⁸. Аммо шунга қарамасдан, республиканинг дунё океанига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятининг чекланганлиги иқтисодий географик ўрнида бироз ноқулайлик туғдиради. Мамлакатимиз дунё океанига чиқиши учун ҳар томондан иккита давлат ҳудудини босиб ўтиши лозим. Дунёда бундай давлатлар сони ҳозида 44 та.

Ўзбекистонни 200 га яқин давлат мустақил деб тан олди. 150 га яқин давлатлар билан расмий дипломатик алоқаларини олиб бормоқда. Дунёнинг энг йирик ташкилотлари, компаниялари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бунда албатта Ўзбекистоннинг ресурс салоҳити ва унинг бойлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, халқимизнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари, ўтмиши билан боғлиқ тарихий бойликлар, обидалар жаҳоннинг кўпгина давлатларида қизиқиш уйғотмоқда.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдитд, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари- Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.227-230.

Биргина “Шарқ тароналари”, “Асрлар садоси” каби халқаро маданий анжуманларнинг республикамизда ўтказилиши жаҳон ҳамжамиятида республикамизнинг нафақат табиий ресурслари, балки маданият, санъат соҳасида ҳам танилишига шароит туғдирмоқда.

Мамлакатимиз ер майдони 448,9 минг км. кв., шунинг 3/4 қисмини текисликлар ва платолар, қолган 1/4 қисмини тоғ олди ҳудудлари ва тоғлар эгаллайди. Майдонининг катталигига кўра, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Дания, Арманистон, Австрия давлатларидан олдинда туради. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ичидаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардан биридир. Айниқса, суғорма дәхқончилик ва у билан боғлиқ пахтачилик, ипакчилик ва қоракўлчилик юқори даражада тараққий этганлиги республикани пахта, пилла етиштириш ҳамда қоракўлтери тайёрлаш бўйича жаҳон мамлакатлари ичидаги юқори ўринга олиб чиқди. Колаверса, республиканинг бой табиий ресурслари, иқтисодий-ижтимоий ва демографик салоҳияти дунё ҳамжамиятида алоҳида ўрин эгаллашга, турли халқаро ва ҳудудий интеграцион ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга имкон беради.

3. Халқаро интеграциялашув

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон дунёдаги қатор халқаро ташкилотлар билан интеграцион алоқаларни ўрнатишга, айrim ташкилотларга аъзо бўлиб киришга эришди. Мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ислоҳотлар, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, бир қанча инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига олиб келмоқда. Жумладан, АҚШнинг “Женерал моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Класс”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Корен Эйр”, “ЛЖ”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби йирик компаниялари юқори технологияга асосланган маҳсулотлар чиқаришда ҳамкорлик қилишмоқда.

Шунингдек, халқаро молиявий институтлар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония, қатор араб давлатларининг инвестиция банклари инвестиция лойиҳаларини қўллаб кувватлашда ҳамкор ташкилотларданdir.

Бинобарин, 2010 йилда “Навоий” эркин индустрисал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар асосида дунё бозорида замонавий, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона республикамида фойдаланишга топширилди.

Жаҳон хўжалик тизимда республика ўзининг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт тармоқларида эришаётган ютуқлари билан танилиб бормоқда. Масалан, 1996 йилда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда бунёд этилган "Уз Дэу авто Ко" қўшма корхонаси “Дамас”, “Тико”, “Нексия” ва “Матиз” русумдаги автомобилларни ишлаб чиқариши натижасида, Ўзбекистон дунёда автомобил ишлаб чиқарадиган 28 нчи мамлакатга айланди. Бугунги кунга келиб, бу завод Асака шаҳрида АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобил ишлаб чиқармоқда.

Бундан ташқари, темир йўл соҳасидаги ҳакморлик туфайли Испаниянинг “Талго” компанияси тез юрар поездлари республикамида ҳаракати йўлга қўйилди. Шунингдек, хориждаги қатор компания ва фирмалар билан алоқаларнинг йўлга қўйилиши нафақат, саноат, транспорт, балки қишлоқ хўжалигида, хусусан замонавий мелиорация техникасини ишлаб чиқариш ва таъмирлашни ташкил этиш масалаларида ҳамкорлик қилиш йўллари очилмоқда. Биргина Геманиянинг “Класс” компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ҳам бунга мисол бўлади. Европа иттифоқи давлатлари билан бўлаётган шерикчилик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳамкорлик ва

шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий, сиёсий соҳаларда тобора кенг ривожланмоқда. Булар барчаси, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятида тутган ўрнини янада мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади.

3.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистоннинг табиий ресурс салоҳияти, улардан оқилона фойдаланиш

Режа:

1. Иқтисодий географик ўрни. Табиий шароити, иқлими, рельеф хусусиятлари.
2. Сув ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.
3. Минерал-хом-ашё ресурслари.
4. Ёқилғи-энергетика ресурслари.

1. Иқтисодий географик ўрни. Табиий шароити, иқлими, рельеф хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Евро Осиёning марказида жойлашган. Ҳудуди шимоли-ғарбда Орол денгизи ҳамда Устюрт платосидан, жанубда Афғонистон билан табиий чегара вазифасини бажараётган Амударёгача, шарқий ва жануби-шарқий томонларда Тяншан ҳамда Ҳисор-Олой тоғларигача бўлган ерларни эгаллаган ҳолда, ғарбдан-шарққа 14235 км га, шимолдан –жанубга эса 930 км га майдони чўзилган бўлиб, жами давлат чегараларининг умумий узунлиги 6221 км га teng.

Худуднинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, бу ерда қорли чўққилар ва баланд тоғ музликлари, улкан водийлар ва кенг воҳалар билан бирга бамисоли чексиз чўллар ва платолар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизи чўллардан, 30 фоизи текислик, тоғ ва тоғ олди ерларидан иборат. Тоғлар асосан “республиканинг шарқий, жанубий – шарқий қисмини эгаллаган. Ўзбекистоннинг Тяншон ва Ҳисор-Олой тоғ тизмалари таркибига кирувчи ана шу тоғли ўлкалари Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудидаги тоғликлар билан туташган; Ўзбекистонга кириб

келадиган Угом, Пском, Чотқол, Туркистон, Зарафшон тоғ тизмалари шимоли-ғарб ва жануби-ғарб томон аста-секин пасая боради ва текисларга қўшилиб кетади⁹.

Худуднинг катта қисмида мўътадил иқлим ҳукмрон. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совук ва кам қорли. Бунга сабаб минтақа худудининг Осиё марказида ва океан ва денгизлардан узоқда жойлашганлиги. Шу боисдан, бу ерларда ёзниң ҳарорати июл-август ойларида 25-45 даражага, қишда минус 35-40 даражага этиши кузатилади. Иқлимнинг шароити бу ерда иссиқсевар ўсимликлар: пахта, каноп, кунжут, зигир ҳамда ширин-шакар узум ва мевалар, сабзавот ва полиз экинларини этиштириш учун ниҳоятда қулайдир. Бироқ, республика иқлимининг серқуёшлиги, иссиқлиги туфайли ёғинлар кам тушади, натижада, айрим экинларнинг сувга бўлган эҳтиёжи етарлича қондирилмайди. Ёғинлар асосан баҳор ҳамда қиш ойларида энг кўп тушади. Ёғин миқдори 200-900 мм гача этади. Бу албатта турли географик ҳудудларда бир-биридан кескин фарқ қиласи. Жумладан, тоғли ерларда унинг даражаси ўртacha 900-950 мм бўлса, чўл ва текислик ҳудудларида 200-300 ммни ташкил этади.

2. Сув-ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

Республиканинг табиий ресурс салоҳиятида сув ресурслари алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида, айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоғининг тараққиётида сув етакчи омил вазифасини бажаради. Сув билан мамлакат ҳудудини таъминлашда унинг энг йирик дарёлари Амударё (1437 км) ва Сирдарё (2137 км) муҳим аҳамият касб этади. Бу дарёлардан Амударёнинг сув ҳажми катта. Шунингдек, Норин, Зарафшон, Чирчик, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё, Қорадарё ва Сўх каби жами 50 га яқин дарёлар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан берк ҳавзада жойлашган, қор ва муз сувларидан тўйинади. Иқлимнинг иссиқлиги ва қуруқлиги ушбу

⁹ Солиев А.С ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. - Т., Университет, 2003. Б.71.

дарё сувларининг кўплаб суғоришга ва буғланишга сарфланишига сабаб бўлади. Сув ресурслари таркибига дарёлардан ташқари, кўллар, каналлар, сув омборларидаги сувлар ҳам киради. Чунончи, Ўзбекистондаги кўллар турли катта-кичиклиқда бўлиб, табиий равишда ҳамда дарё, ирригация тизимлари оқаваларидан ҳосил бўлган. Энг йирик кўлларга Орол денгизи, Арнасой, Судочье кўллари мисол бўлади. Орол денгизи охирги 40 йил мобайнида 15-16 метрга пасайиб кетди, қирғоғи чекинди, сув сатҳи қарийиб 5 мартаға камайди.

Табиий кўллардан ташқари, сұнний кўллар, яъни сув омборлари ҳам бўлиб, улар суғориш ишларида кенг фойдаланилади. Энг катта сув омборларига Қайроқкум, Чорвоқ, Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Қуйимозор, Пачкамар, Каркидон, Андижон, Косонсой, Жиззах, Туябўғиз, Ҳисорак киради. Дарёлардаги, сув омборларидаги сувлар каналлар орқали суғоришга етказиб берилади. Бундай каналларнинг умумий узунлиги 160 минг км бўлиб, шундан 22 минг км хўжаликлараро каналлар, қолган қисми ички хўжалик тармоқларига сув етказиб беришга хизмат қиласади. Республикадаги энг катта канал Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналидир. Бундан ташқари, Занг канали, Жанубий Мирзачўл, Аму-Қоракўл, Аму-Бухоро, Аму-Занг, Катта Андижон, Катта Наманган каналлари суғориш ишларида ва электр энергияси олишда кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон ер ресурслари билан яхши таъминланган. Умумий ер заҳирасининг салкам ўн фоизини ҳайдалган ва сугориладиган ерлар ташкил этади. Шуларнинг асосий қисми дехқончилик учун қулай бўлган, аҳоли зич жойлашган водий ва воҳаларга тўғри келади. Сугориладиган ерларда пахта, буғдой, шоли, жўхори, каноп, сабзавот, картошка ва полиз экинлари, лалми ерларда эса буғдой ва арпа этиштирилади. Мамлакатда сугориладиган ерларнинг умумий майдони салкам 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, унинг асосий қисми тупроқ-сув шароити нисбатан қулай бўлган водий ва воҳаларда жойлашган. Фарғона, Зарафшон водийлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари шулар жумласидандир. Сугориладиган ерлар майдони XX асрнинг

60-йилларидан сўнг икки мартадан зиёд кўпайди. Ўсиш асосан Мирзачўл, Қарши чўли, Элликқала массиви ҳисобига таъминланди. Ўзбекистонда боғлар ва токзорлар эгаллаган майдон салкам 0,4 млн. гектарга тенг бўлиб, уларнинг асосий қисми тоғолди минтақаси яхши ривожланган вилоятлардадир. Сўнгги йилларда томорқа хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатда томорқа ва дала-боғерларнинг умумий майдони 0,6 млн. гектарни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасини иқтисодий тараққий этиши, жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига киришида табиий-географик шароитларининг қулайлиги, хилма-хил табиий ҳамда инсон ресурслари билан яхши таъминланганлиги катта имкониятлар яратади. Сув-ер ресурсларига нисбатан Ўзбекистон ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ўта бой. Айниқса, ўсимликларнинг 25 мингдан ортиқ хили мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги Қизил китобга киритилган. Ўсимликларнинг аксариятидан озуқа сифатида фойдаланса, баъзиларидан фармацевтика соҳасида кенг ишлатишади. Ҳайвонот дунёсида 97 га яқин сут эмизувчилар, қушларнинг 410 га яқин тури, судралиб юрувчиларнинг 57 та тури, балиқларнинг 60 га яқин тури, ҳашоратларнинг 15 мингдан ортиқ тури учрайди. Тулки, чиябўри, бўрсиқ, ондатра, нутрия каби қимматбаҳо мўйна берадиган ҳайвонлар, 60 дан ортиқ турдаги овланадиган қушлар, айик, қоплон, барс, қундуз, алқор каби ҳайвонлар республика флорасини бойитиб келмоқда.

3. Минерал, хом-ашё ресурслари

Ўзбекистон хилма-хил турдаги минерал хом-ашё ресурслари, ер ости қазилма бойликларига эга мамлакатdir. Бу ўринда, Республикада айниқса рангли, нодир ва қимматбаҳо метал рудаларининг заҳиралари улкан эканлигини таъкидлаб ўтиш асослидир. “Хозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал –хом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ

кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал хом ашё потенциал 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак^{”10}. Мухим ер ости қазилма бойликларига рух, мис, қўрғошин, олтин, кумуш, вольфрам, уран, табиий газ, нефть, кўмир, аллюминий хом ашёси, мармар, хар-хил тузлар киради. Булардан энг қимматлиси олтин бўлиб, унинг энг йирик конлари Марказий Қизилқум (Мурунтов ва Кўкпатос)да жойлашган. Мурунтов кони руда таркибида олтин юқори даражада бўлган, дунёдаги гигант конлар жумласига киради. Бундан ташқари, Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Арицонтов, Тўрбой, Кўчбулоқ, Зармитон конларидан ҳам олтин қазиб олинади. Ўзбекистонда олтиннинг 30 дан ортиқ конлари топилган ва захираси аниқланган. Олтин захиралари бўйича республика дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 8-ўринда туради.

Кумуш ҳам олтин сингари қимматбаҳо ҳисобланади. Кумуш асосан Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларидағи Космоначи, Високоволтное, Ўқжетпес (Қизилқум) ва Оқтепа конларида кенг тарқалган бўлиб, захираси 50-60 йилга етади. Оқтепа кони кумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли бўлиб, чет эл инвестицияларини ўзига жалб этадиган конлардан бири. Бинобарин, республикада мис, қалайи, қўрғошин, вольфрам, литий, аллюминий хом ашёси, алюнитлар, каолинлар, стронций ва уран каби рангли ва нодир металларнинг йирик конлари ҳам мавжуд. Мис рудасининг йирик конлари–Қалммоққир, Саричек ва Далнее Ангрен-Олмалиқ районида жойлашган. Қалммоққир кони ноёб конлардан бўлиб, у мис-молибден рудаларини қазиб чиқариш бўйича чет элдагилардан анча устун туради. Бу коннинг рудасини Олмалиқ кон металлургия комбинати қайта ишлайди. Дальнее мис конида нафақат мис, балки мис билан биргаликда молибден,

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б.230.

олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва олтингугуртнинг катта заҳиралари мавжуд.

Қўрғошин-рух рудаларининг жуда катта заҳиралари Сурхондарёдаги Хондиза ва Жиззах вилоятидаги Учқулоч конларида тўпланган. Хондизадаги конда қўрғошин ва рух билан бирга мис, кумуш, кадмий, селен, олтин ва индий қазиб олинада. Мамлакатимизда уран, вольфрам, молибден ва бошқа маъданларнинг ҳам йирик конлари очилган. Булардан, Самарқанд вилоятининг Ингичка, Жиззах вилоятидаги Кўйтош вольфрам конлари ўзлаштирилган.

Республика қазилма бойликлари орасида рудали ресурслардан олтин, мис, кумуш ва бошқалар қатори қора металлар яъни, темир, титан, марганец ва хром рудаларининг халқ хўжалигида аҳамияти юқори. Жумладан, темир рудасининг конлари Орол бўйи регионида, Қизилқумда, Жиззах вилояти Фориш туманидаги коннинг саноат аҳамияти катта бўлиб, унинг таркибида 60% атрофида соф темир борлиги қайд қилинган. Бу мамлакат қора металлургия истиқболини белгиламоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг шимолий ва шимолий-шарқий қисмида, Чотқол тоғларида, Зарафшон, Зирабулоқ, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа тоғларда марганецнинг чўкинди конлари мавжуд. Қизилқум Фарғона офиолит белбоғида, Томдитоғ ва Султон-Увайс районларида хром конлари учрайди.

Минерал хом ашё ресурсларида металлардан ташқари нометалл қазилма бойликлари ҳам кўп. Буларга тоғ-руда хом ашёси, тоғ-кимё хом ашёси, қурилиш материаллари, ер ости сувлари киради. Тоғ-руда хом ашёси ўз ичига эритувчан шпат, дала шпати-кварцли хом ашёси, қолиплайдиган хом ашё, волластонит, асбест ва бошқаларни олади. Эритувчан шпат, дала шпати Тошкентолди геология-иқтисодий районида, Навоий вилоятида топилган. Тоғ-кимё хом ашёси ҳисобланган фосфоритлар, табиий туз, сода, агрокимё хом ашёси, сульфат, калий, ош тузи конлари борлиги йирик-йирик заводларнинг ишга тушишига сабаб бўлган. Масалан, Кўнғирот сода заводи, Қашқадарёдаги калий ўғитлар ишлаб чиқариш заводи ва бошқалар.

Тоғ-кимё хом ашёси Бойбичакон, Тубагатан, Оқпат, Лалмикон ва Хўжаикон конларидан қазиб олинади. Хўжаикон, Бойбичакон, Борсакелмас, Тубакат ва Оққалъа тош тузи конларида тахминан 90 миллирад тонна хом ашё бор. Борсакелмас тузларидан кимёвий усулда кальций ва каустик сода ишлаб чиқариш мақсадида Қўнғиротда сода заводи қурилди ва ҳозирда ишлаб турибди. Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон калий тузи конлари 100 йилдан кўпроққа етади. Тубакат калий тузлари кони негизида чет эллик инвесторлар иштироқида калий ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Кимёвий хом ашё ресурслари фосфоритлар (Марказий Қизилқум), ош ва калий тузлари (республиканинг жанубий, марказий ва шимоли-ғарбий ҳудудларининг) заҳиралари эса деярли битмас-туганмасдир.

4. Ёқилғи-энергетика ресурслари.

Ёқилғи-энергетика ресурсларига нефть, газ, қўмир ва электроэнергия киради. Булардан нефть конлари Фарғона водийсида, хусусан, Фарғона вилоятининг Шимолий Сўх, Чунғара, Чимён, Шўрсув, Андижон вилоятининг Жанубий Оламушук, Полвонтош конларидан қазиб олинади. Фарғона водийсида Хўжаобод, Жанубий Оламушук, Шимолий Оламушук, Полвонтош, Хўжа Усмон, Хартум каби янги конлар топилган ва ишга туширилган. Жанубий Ўзбекистон Сурхондарё ва Қашқадарёда янги-янги нефть конлари (Кокайди, Лалмикор Ҳаудак, Учқизил) топилган. Шунингдек, Сурхондарё, Наманган вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам нефть конлари топилган. Муборак, Шўртан, Ўртабулоқ ва Кўқдумалоқ конларида нефть-газ конденсати учрайди. Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақалари нефть ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақадир. Ўзбекистонда газ ва нефть заҳираларини излаб топиш даражаси ҳозир 30-32 фоиздан ошмасада, газнинг аниқланган заҳираси мамлакат эҳтиёжини 35, нефтьники 30 йил мобайнида қоплашга етади.

Ёқилғи-энергетика хом ашёсида нефтьни қазиб олиш ва қайта ишлаш ишларининг жадаллашуви 1995 йилда республика нефть мустақиллигига эришишига олиб келди. Бухоро вилоятида жойлашган Кўқдумалоқ нефть кони негизида, йирик Қоровулбозор нефтьни қайта ишлаш заводининг ишга тушишига сабаб бўлди. Шунингдек, Қоровулбозордан 30 км масофада янги Камалак нефть кони аниқланди. нефть билан бараварига газ конлари ҳам республика табиий хом ашё потенциалида муҳим ўрин тутади. Табиий газга бойлиги жиҳатидан, Ўзбекистон дунёдаги 10 та давлатнинг бири ҳисобланади. Республиkaning Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида табиий газнинг йирик конлари мавжуд. Худудимиз табиий газ заҳираларига жуда бой. Ҳозирги даврда заҳираси жуда катта бўлган газ кони Қашқадарё вилоятидаги Шўртон кони, Бухоронинг Кўқдумалоқ конидан нефть билан бирга газ ажралиб олинади.

Газ билан бирга кўмир ҳам муҳим ўрин тутади. Кўмир ресурси заҳираси 5 миллиард, балансдаги заҳираси 3 миллирад тоннадан кўп, шундан учдан бири тошкўмирдир. Балансдаги заҳирадан йилига 10 миллион тонна қазиб олинган тақдирда, 300 йилга етади. Тошкент вилоятидаги Ангрен, Сурхондарёдаги Шарғун ва Бойсун конлари республиканинг асосий кўмир конлари ҳисобланади. Ангрен кўмири очиқ усулда 150-250 метр чуқурлиқдан қазиб олинади. Унинг негизида, Ангрен ГРЕСи ишлайди. Шунингдек, бу коннинг яроқсиз қатламидан ўнлаб миллион тонна каолин, оҳактошлар, кварц қумлар, тош қотишмалар ва кам учрайдиган бошқа элементлар ҳам қазиб олинмоқда. Биргина каолин хом ашёсидан сопол, оловга чидамли буюмлар, керамик қопламалар, пардозлаш плиткалари, чинни ва фаянс буюмлари, ўта пишиқ ғишт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Шарғун кони 600-800 метр баландликдаги тоғлиқда жойлашган, қазиб олиш мураккаб, аммо кўмири сифатли.

Барча ер ости ва ер усти бойликларимизни асраш, уларни ҳимоя қилиш, тежаб-тергаб фойдаланиш, келажак авлодга етказиб бериш шу ҳудудда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бу борада Ўзбекистон

Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” 2000 йил 15 декабря қабул қилинган (янги таҳрирдаги) Қонунининг аҳамияти катта.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбекистон табиий-иктисодий географик ўрнини баҳоланг.
2. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида қандай ютуқларга эришмоқда?
3. Ўзбекистон иқлими қандай экинларни этишириш учун қулай, қандайлари учун ноқулай?
4. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурсларига нималар киради?
5. Ўзбекистон метал қазилма бойликлардан нималарга бой?
6. Ўзбекистон ер ресурслари билан қандай таъминланган?
7. Мамлакатни сув ресурслари билан қандай таъминланганлиги тўғрисида сўзлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
3. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -48 б.
4. Солиев А.С. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. - Т., Университет, 2003.
5. Иқтисодий география фанидан маъruzалар матни. - Т., 2000.
6. Н. Тўхлиев. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998.
7. Г.Асанов, М.Набиҳонов, И Сафаров. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси.-Т.: Ўқитувчи, 1994.

3.3. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳамда бандлиги муаммолари

Режа:

1. Ўзбекистон аҳоли сони динамикаси ва жойланиши
2. Аҳолининг демографик, ёш-жинсий таркиби таркиби
3. Республика аҳолисининг демографик вазияти
4. Меҳнат ресурслари

1. Ўзбекистон аҳоли сони динамикаси ва жойланиши

Ўзбекистон Республикаси майдони $448,9 \text{ km}^2$ ни ташкил этади. Аҳолиси 29,5 млн киши бўлиб, 1 km^2 га 65,8 киши (2012 й) дан тўғри келади.

Ўзбекистон аҳолиси сони бўйича МДҲ га кирган мамлакатлар орасида Россия ва Украинадан кейин З-ўринда туради. Пойтахти Тошкент шаҳри (1930-йилдан). Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси (1936-йил) ва 12 та вилоят киради.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда аҳоли сони мунтазам кўпайиб келган. Масалан, 1865 йили ўлкада 3320 минг аҳоли истиқомат этган бўлса, 1920 йили аҳоли сони 4470 мингга, 1970 йили - 11800 мингга, 1991 йили - 20708 мингга ва 2005 йили 25707 мингга, 2012 йили 29559,1 кишига етди. Асримиз бошидан то ҳозирги даврга қадар ер шари аҳолиси 3,4 мартаға кўпайган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси 6,6 мартаға ортди. Айниқса, мустақиллик йилларида, яъни 1990-2010 йилларда республика аҳолиси сони 8,2 миллион кишига ёки 1,4 баробарга кўпайди.

15-жадвал

**Ўзбекистонда аҳоли сони динамикаси
(1865-2012 йй., минг киши)***

Йиллар	Жами аҳоли	Жумладан	
		Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси
1865	3320	466	2854
1897	3948	743	3205
1920	4470	807	3663
1926	4621	1012	3609
1939	6347	1470	4877
1959	8119	2729	5390
1970	1800	4322	7478
1979	15391	6350	9041
1989	19880	8119	11761
1991	20708	8366	12342
1995	22562	8732	13830
2000	24582	9235	15347
2005	25707	9381	16326
2010	29123,4	14897,4	14225,9
2012	29559,1	15120,3	14438,8

*Жадвал М.К.Караҳанов. *Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения.* – Ташкент, 1983; “Численность населения Республики Узбекистан”, “Демографический ежегодник Узбекистана – 2003”. – Ташкент, 2004 ва ЎзР Давлат статистика қўмитаси жорий маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистонда аҳоли сони, таркиби ва демографик ҳусусиятларига оид маълумотлар 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб мавжуд бўлиб келмоқда. 19-асрга қадар, Ўзбекистон худудида асосан ўзбеклар ва дини, урф-одатлари

ўзбекларга яқин бўлган тожиклар, қорақалпоклар (Амударёнинг қуи қисмида ва Орол бўйларида), қозоқлар (шимолий-ғарбий чала чўлларда), қирғизлар (тоғлик жойларда-шарқда), туркманлар (жанубий-ғарбий чўлларда) яшаганлар. 20-аср бошларида ўзбеклар учта йирик этник груп: воҳаларда яшаган қадимий ўтрок аҳоли (20-аср бошларида улар рус адабиётида –“сартлар” деб аталган); мўғуллар истилосигача бу ерда яшаган туркий халқлар; мўғуллар даврида ва ундан 16-асрда бу ерга келиб ўрнашган туркий қабилалар .

16-жадвал

**Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг салмоғи
(фоиз ҳисобида) ***

Маъмурий –худудий бирликлар	Шаҳар аҳолиси			Қишлоқ аҳолиси		
	1991 й	2005 й	2012 й	1991 й	2005 й	2012 й
Ўзбекистон Республикаси	40,5	36,5	51,2	59,5	63,5	48,8
Қорақалпогистон Республикаси	48,2	48,7	49,8	51,8	51,3	50,2
Андижон вилояти	2,2	29,8	53,1	67,8	70,2	46,9
Бухоро вилояти	34,5	30,0	38,3	65,5	70,0	61,7
Жиззах вилояти	28,7	29,9	48,0	71,3	70,1	52,0
Қашқадарё вилояти	26,3	24,8	43,4	73,7	75,2	56,6
Навоий вилояти	41,2	39,8	49,2	58,8	60,2	50,8
Наманган вилояти	38,2	37,5	64,3	61,8	62,5	35,7
Самарқанд вилояти	30,8	25,9	36,8	69,2	74,1	63,2
Сурхондарё вилояти	19,3	19,4	36,5	80,7	80,6	63,5
Сирдарё вилояти	34,9	31,4	41,4	65,1	68,6	58,6
Тошкент вилояти	44,2	39,5	49,5	55,8	60,5	50,5
Фарғона вилояти	31,2	28,4	57,4	68,8	71,6	42,6
Хоразм вилояти	27,4	22,6	33,7	72,6	77,4	66,3
Тошкент шаҳри	100	100	100	--	--	--

* Жадвал “Демографический ежегодник Узбекистана – 2003”.- Ташкент, 2004. – Б.31. – статистик тўплам ва ЎзРДавлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

XIX-асрнинг 60-70-йилларида Ўзбекистон худудини Россия подшолиги босиб олди. Шу муносабат билан 19-аср охири 20-аср бошларида Россия аҳолисининг бир қисми, жумладан, дехқонлар кўчириб келтирилди ва Мирзачўлга жойлаштирилди; бу ерда янги қазилган канал бўйлаб муҳожирлар аҳоли масканлари (посёлкалари) ташкил топди. 19-асрда Ўзбекистон худудига Шарқий Туркистондан (Синьцзян) уйғурлар кўчириб

келтирилди ва уларга шарқий қисмда тоғ водийларида яшаш учун жой ажратилди.

1897-йил ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ Ўзбекистон худудида 3,9 млн. киши яшаган; шундан 19 % шаҳар аҳолиси бўлган. Ўша кезларда Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо этилиши, туғилиш ва ўлимнинг юқори даражаси ўртacha умр кўришнинг қисқалиги билан характерланади. Ёш болалар ўлими коэффициенти Европа ва Россиядагига қараганда 65-70% юқори бўлган. Туб аҳолининг миграцияси жуда паст эди. Ушбу ҳолатлар республикада аҳоли сони динамикаси шаклланишига таъсир этди.

1979-1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қўра, ушбу йиллар оралиғида республика аҳолиси 4,5 миллион кишига кўпайиб, ўртacha йиллик ўсиш суръати 2,6% га teng бўлган. 1970-1990 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръати аста-секин пасайиб борди. Агар 1950-1970 йилларда Республика аҳолиси ҳар йили ўртacha 3,5 фоиздан кўпайган бўлса, 1980-1990 йилларда, бу кўрсаткич 2,7 фоизни, 1991-2000 йилларда 1,9 фоизни, 2005-2012 йилларда 1,60 фоизни ташкил қилди.

Республикада шаҳар аҳолиси 1990-йилларга қадар мунтазам ортиб борди, ҳатто республика умумий аҳолисининг ўсиш суръатидан икки марта юқори бўлди. 1991–2012 йилларда Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати сезилари камайди. Бунинг асосий сабаби шаҳарларда туғилишнинг пасайиб кетганлиги ҳамда “*2009 йил 13 мартағи Вазирлар Маҳкамасининг 68 сонли Қарорига биноан 966 та қишлоқларга шаҳарча мақомининг берилганилиги*”¹¹ дир. Бу нафақат, мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишида, балки аҳолининг демографик ривожланишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг демографик тараққиётида қишлоқ аҳолисининг мунтазам равишда ўсиб бориши хусусияти хос бўлиб келган. Қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиши ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда ва бу ҳол сұйний

¹¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини таомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.- Т., 2009. № 68.

равища кўтарилигдан урбанизация жараёнини секинлашишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, республика қишлоқ аҳолиси салмоғи 1989 йилда жами аҳолининг 59,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилда 63,7 фоиз, 2012 йилда 48,8 фоизга тенг бўлди (17-жадвалга қаранг). Қишлоқ жойлар аҳолисида фарзандлар қўп туғилиши, ўлим қўрсаткичлари паст, барқарор никоҳ муносабатлари ва ажралишнинг камлиги аҳоли табиий кўпайишини юкори суръатда бўлишига олиб келган.

17-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳудудий таркиби ва жойланиши,
2012 йил, минг киши**

Маъмурий-ҳудудий бирликлар	Жами аҳоли	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Аҳоли зичлиги, кв. км
Ўзбекистон Республикаси	29 559,1	15 069,6	14 489,5	65,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1 693,6	840,3	853,3	10,1
Андижон вилояти	2 714,2	1 437,3	1 276,9	631,2
Бухоро вилоати	1 707,6	650,5	1 057,1	42,1
Жizzах вилоати	1 186,1	567,2	618,9	55,9
Қашқадарё вилоати	2 777,8	1 203,9	1 573,9	97,1
Навоий вилоати	881,7	430,1	451,6	7,9
Наманган вилоати	2 420,4	1 550,8	869,6	325,3
Самарқанд вилоати	3 327,2	1 217,2	2 110,0	198,0
Сурхондарё вилоати	2 219,6	809,5	1 410,1	110,4
Сирдарё вилоати	739,3	306,2	433,1	176,0
Тошкент вилоати	2 670,7	1 320,2	1 350,5	175,1
Фарғона вилоати	3 281,3	1 879,5	1 401,8	485,5
Хоразм вилоати	1 629,2	546,5	1 082,7	269,0
Тошкент шаҳри	2 310,4	2 310,4	-	6 795,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам 1991-2012 йилларда аҳолининг ўсиш суръати бир мунча камайганлиги кузатилади. Энг аҳолиси зич жойлашган ҳудуд, бу Андижон вилоятидир, кейинги ўринларда Фарғона, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари туради. Аҳолиси сийрак жойлашган ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Сирдарё вилоятлари киради.

2. Аҳолининг демографик, ёш-жинсий таркиби

Аҳолининг демографик ривожланишида унинг миллий, ёш-жинсий таркиби алоҳида ўрин эгаллади. Республикада 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат этишади. Жумладан, республиканинг туб жой аҳолисига ўзбеклар, қозоқлар, тоҷиклар, қирғизлар ва қорақалпоқлар киради. Ўзбеклар барча вилоятларда, обикор ерларда яшашади. Қозоқлар асосан Қозогистон билан бўлган чегара туманларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Навоий, Тошкент, Сирдарё вилоятларининг айrim туманларида истиқомат қиласди. Тоҷиклар эса, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида, қорақалпоқлар азалдан Амударё ва Орол денгизи атрофидаги ҳудудларда яшаб келишади.

Ўзбекистонда маҳаллий миллатларнинг мутлоқ ва нисбий миқдорида ўсиш рўй бермоқда. 1989 йилда ўзбеклар мамлакат умумий аҳолисининг 71,4 фоизини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 81,4 фоизга етди.

Мустақиллик йиллари барча минтақалар аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар улуши мунтазам ортиб борди. Ўзбеклар республиканинг илгаридан мавжуд шаҳарлар ва суръома деҳқончилик қилинадиган ерларида яшаб келсада, ҳудудлар бўйлаб нотекис жойлашганлиги кузатилади. Охирги аҳоли рўйхати маълумотлари, жами ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг 35 фоизи учта Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятида яшаган ҳолда, қолган вилоятларнинг ҳар бирида улар улуши 10 фоизга етмаганлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар хиссаси 90 фоиздан юқори бўлган минтақа 1989 йилда биргина Хоразм вилояти (97,2 %) бўлган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони Андижон (92,1 %), Қашқадарё (91,8 %), Бухоро (90,5 %), Наманган (93,3 %) ҳисобига бештага етди. Айни пайтда, ўзбекларнинг энг кам миқдори Қорақалпоғистон Республикасига (37,5 %) тегишли.

Ўзбеклардан кейин салмоғи ва салоҳиятига кўра иккинчи ўринни маҳаллий миллатлардан *тоҷиклар* эгаллади. Ҳудудий таркибига кўра,

тожикларнинг 66,3 фоизи қишлоқ, қолган қисми шаҳар жойларда яшайди ва минтақалар бўйича турлича тақсимланади. 2010 йилда мамлакатдаги тожик миллатига мансуб кишиларнинг энг катта салмоғи, яъни 18,5 фоизи Самарқанд вилоятига, 18,9 фоизи Сурхондарё вилоятига, 14,7 фоизи Наманган вилоятига, 13,2 фоизи Фарғона вилоятига, 10,0 фоизи Тошкент ва 8,5 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келди. Аксинча, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти аҳолиси миллий таркибида уларнинг улуши жуда кичик бўлиб, ҳар бирида атиги, 1,0 фоизга ҳам етмайди. Ушбу рақамларни охирги аҳоли рўйхати маълумотлари билан солиштирадиган бўлсак, Самарқанд, Бухоро вилоятидан бошқа барча вилоятлар аҳолиси миллий таркибида тожикларнинг ҳиссаси 1-1,5 баробарга ортганлигини кўриш мумкин.

18-жадвал

Ўзбекистон аҳолиси турли миллатларида туғилиш коэффициенти
(ҳар минг кишига нисбатан, промилледа)

Миллатлар	Жами		Шаҳар		Қишлоқ	
	1989 й.	2010 й.	1989 й.	2010 й.	1989 й.	2010 й.
ЖАМИ	33,3	20,3	26,1	17,3	38,2	22,1
Руслар	14,2	6,1	13,8	6,1	20,6	5,9
Украинлар	13,4	4,5	13,5	4,6	11,8	3,6
Белоруслар	10,9	2,1	11,0	2,3	10,6	1,0
Ўзбеклар	37,4	22,6	32,2	20,7	39,7	23,4
Қозоқлар	37,6	20,2	34,8	18,6	39,4	21,3
Озарбайжонлар	20,7	9,5	18,7	9,0	26,8	11,7
Кирғизлар	35,6	17,0	32,4	13,7	36,1	17,5
Тожиклар	30,4	17,4	28,0	15,0	31,5	18,7
Арманлар	14,9	6,1	14,7	6,1	21,6	7,5
Туркманлар	35,7	18,4	28,2	15,5	37,4	19,1
Татарлар	25,2	12,5	27,0	11,1	34,2	28,0
Яҳудийлар	18,4	63,3	18,0	67,2	32,1	1,6
Немислар	18,2	86,8	17,9	124,0	19,6	5,6
Қорақалпоқлар	...	25,4	...	24,3	...	26,8
Корейслар	...	8,5	...	8,9	...	6,7
Бошқалар	...	6,6	...	6,1	...	7,6

ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Республикада яшовчи руслар худди тожиклар сингари аҳоли миллий таркибида алоҳида ўрин тутади. Бироқ, мамлакат аҳолиси миллий таркибида

уларнинг улуси тобора қисқариб бормоқда. Охирги аҳоли рўйхати даврида республика жами аҳолисининг 8,3 фоизини, 2010 йилда 3,3 фоизини ташкил этган мазкур миллатга мансуб кишилар Ўзбекистоннинг барча минтақаларида бир хил жойлашмаган, улар кўпроқ шаҳар жойларда ва вилоят марказларида тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси миллий таркибида маҳаллий миллатлардан қозоқлар сони ва салмоғи жиҳатдан алоҳида ўрин тутади. Таҳлил этилаётган йилларда, бу миллат вакиллари улуси 1,2 мартаға қисқарди. Бинобарин, 1989 йилда республикадаги қозоқларнинг 72,4 фоизи иккита минтақага - Қарақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 77,4 фоизни ташкил этган. Ҳар иккала минтақадаги қозоқлар умумий миқдори тадқиқот даврида 1,1; 1,3 мартаға ошган. Сони жиҳатдан бешинчи ўринда турувчи қорақалпоқ миллатининг 94,1 фоизи номи билан боғлиқ республикада, 3,4 фоизи Навоий вилоятида, қолган қисми эса бошқа вилоятларда истиқомат қиласи.

19-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жинсий таркиби
(1926-2012 йй., фоиз ҳисобида)**

Йиллар	Эркаклар	Аёллар
1926	53,0	47,0
1939	51,7	48,3
1979	49,0	51,0
1989	49,9	50,1
2009	50,0	50,0
2012	50,0	50,0

ЎзРДавлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Ўзбекистон аҳолиси шаклланиши ва жойланишида унинг ёш-жинсий таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Аҳолининг ёш таркибида ҳамиша ёшлар, меҳнат ёшидаги аҳоли кўп сонли эканлиги билан характерланади.

Аҳолининг жинсий таркибида эркаклар ва аёллар миқдори ўзаро мутаносиб, яъни тенг (50-50). Бу тенглик маълум бир ёш гуруҳларигача сақланиб қолинади, сўнгра 50-55 ёшлардан бошлаб жинсий таркибда

аёлларнинг устунлиги кузатилади. Аҳолининг жинсий таркибида кўп йилларда аёлларнинг эркакларга нисбатан улуши ортиқ бўлганлиги кузатилади, аммо охирги йилларда бу номутаносиблик тенглашиб бормоқда.

3. Республика аҳолисининг демографик вазияти

Ўзбекистон худудларида XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида туғилиш юқори даражада бўлган. Оилада фарзандлар туғилиши назорат этилмаган, яъни чекланмаган. Соддороқ қилиб айтганда, ҳар 1000 та аҳоли бир йилда туғилиш 45-55 тага teng бўлган. Ўша даврларда республикада қишлоқ турмуш тарзининг кенг тарқалганлиги (XX аср бошларида Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат этишган)» қизларнинг ниҳоятда эрта турмуш қуриши, болалар (айниқса, бир ёшгача бўлган) ўлимнинг юқорилиги каби омиллар оиласарда фарзандлар туғилишини чекланмаслигига олиб келган.

Мазкур даврларда Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий аҳволнинг оғирлиги сабаб, аҳоли ўлеми, айниқса аёллар ва болалар ўлеми жуда юқори бўлган. Чунки, аҳолининг оғир турмуш шароити, тиббий хизматларнинг етишмаслиги, ўлимнинг кўплиги, аҳоли ўртacha умр кўриш даврининг қисқаришига олиб келган. Ўтмишда Ўзбекистон аҳолисининг ўртacha умр кўриш даври 32 ёш бўлган бўлса, 1989-1990 йилларда бу ёш кўрсаткичи 69,3 йилга, 2010-2011 йилда 72,7 йилга, шундан аёлларда бу давр оралиғида 72,4 йилдан 74,9 йилга, эркакларда эса 66,1 йилдан то 70,6 йилга кўтарилди.

Жумладан, 1960 йилда Республикада ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 39,8 промиллени ташкил этган бўлса, 1990 йили бу кўрсаткич 33,7 ни ташкил этди ёки 6,7 пунктга камайди. 1991—2011 йилларда туғилишнинг умумий коэффициенти республика буйича 34,5 промилледан 21,9 промиллега тушди. Ўзбекистонда туғилиш даражасининг бундай тез суръат билан камайиши урушдан кейинги 40—45 йиллик даврда кузатилган эмас. Республиканинг туғилиш даражаси доим юқори бўлиб келган Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳам кўп болали оиласар салмоғи кескин камайган. Масалан, 1996 йили Қашқадарё вилоятида ҳар

1000 киши ҳисобига туғилган болалар сони 33,1 ни ташкил этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 24,0 промиллени ташкил этди. Бу даврда туғилишнинг умумий коэффициенти Сурхондарё вилоятида 34,4 % дан 21,9 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 25,1 % дан 21,7 % га, Хоразм вилоятида 27,4 % дан 22,3 % га камайди.

20-жадвал

**Ўзбекистон аҳолисининг туғилиши, ўлиши ва табиий кўпайиши
(1920-2011 йиллар) ***

Ҳар 1000 аҳолига нисбатан			
Йиллар	Туғилганлар	Ўлганлар	Аҳолининг табиий ўсиши
1920	44,8	33,8	11,0
1930	38,7	17,1	21,6
1940	33,6	13,2	20,4
1950	30,9	8,8	22,1
1960	39,8	6,0	33,8
1970	33,6	5,5	28,1
1980	33,8	7,4	26,4
1990	33,7	6,1	27,6
1995	30,4	6,5	23,9
2000	21,7	5,6	16,1
2005	20,6	5,3	15,3
2011	21,9	5,1	16,8

* Жадвал илмий манбалардан ва статистик тўпламларда чоп этилган маълумотлар асосида тузилган.

Туғилиш даражасининг камайиб борганилиги оиласда бешинчи ва ундан кейинги (олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва ҳ.к.) туғилаётган болалар салмоғининг қисқариб боришида ҳам кузатилади. Улар 1970 йилда жами туғилган болаларнинг 43,1 фоизини ташкил этган бўлса, 1990 йилда 14,3 фоизини ташкил этди ёки уч мартаға қисқарди. Умуман 1950-1990 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 6 млн 264 минг кишидан 20 млн 322 минг кишига етди.

Ўзбекистонда мустақиллик даврининг биринчи босқичида туғилиш даражасининг 1970 йилларда бошланган камайиш жараёни тезлашди. Туғилиш даражасининг камайиши, юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда руй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Туғилишнинг ийғинди коэффициенти бўйича, 1990 йилларга қадар Ўзбекистон дунёдаги

туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар гуруҳига кирав эди. Бу кўрсаткич 1990-1991 йиллардан бошлаб камая бориб, ҳозирги даврда эса 2,36 ни (2011 й.) ташкил этган (шаҳарда – 2,10, қишлоқда – 2,65). Демак, Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар қаторидан ўрин олган. Бу жараён Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам кузатилади.

Умуман 1991-2011 йиллар давомида Ўзбекистоннинг барча худудларида туғилишнинг кескин камайганлиги кузатилмоқда. Республикада туғилиш даражасидаги шаҳар ва қишлоқ худудларида қадимдан мавжуд бўлиб келган фарқ, кейинги йилларда қишлоқ аҳолисида туғилишнинг тез суръат билан камайиш ҳисобига сезиларли қисқарган. Республика демографик вазиятида аҳоли ўлими муҳим жараёнлардан бири бўлиб, аҳолининг ўлим кўрсаткичи ҳар минг кишига 1990 йилда 6,1 промилле бўлган бўлса, 2011 йилда 5,1 промиллека тенг бўлди. Мамлакат ижтимоий-иктисодий соҳаларидаги энг катта ютуғи бу аҳолининг барча қатламида ўлим даражасининг камайишига эришганлигидир.

4. Меҳнат ресурслари ҳамда бандлиги муаммолари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағищланган маъruzасида “Учинчи устивор йўналиш-аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиши ва касаначилик соҳаларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат”¹², деб белгилаши бежиз эмас. Худди шу маъruzада келтирилишича, республика аҳолиси учун бир йилда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди ва унинг учдан икки қисми

¹² Халқ сўзи газетаси, 2008 йил.- № 28. Б.3.

қишлоқ жойлардадир. Бундан ташқари, янги иш ўринларининг 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи эса касаначилик соҳасига тўғри келади¹³.

Мехнат ресурсларини таҳлили бозор иқтисоди шароитида улардан фойдаланиш суръати, сони ва сифатига бўлган талаб ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам мамлакатда ўсиб бораётган аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли бандлиги ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ислоҳотларнинг муҳим вазифасига, йўналишига айланди.

Аҳолининг меҳнатда фаоллиги ва ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғи меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мезонини белгилайди Ўзбекистонда бу мезон 99,8 % дан зиёддир. Ишлаб чиқариш, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланган меҳнат ресурслари жамиятнинг ижтимоий-демографик ривожланиши билан биргаликда вужудга келади. Аниқроқ қилиб айтганда, аҳолининг табиий, социал, механик ҳаракати натижасида меҳнат ресурслари шаклланади, ривожланади ва тақсимланади.

Меҳнат ресурсларининг манбаи мамлакат аҳолисидир. Аҳолининг фақат меҳнатга яроқли қисмигина меҳнат ресурслари ҳисобланади. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига 16 дан 59 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 дан 54 ёшгача бўлган аёллар киритилади. У мамлакат аҳолисининг тахминан ярмини ташкил этади¹⁴. Республикадаги қулай ижтимоий-демографик вазият меҳнат ресурслари шакланишини юқори суръатда таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу боисдан мамлакат раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аҳолининг барча қатламини ижтимоий ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу борада қатор давлат аҳамиятига эга дастурлар қабул қилинди ва улар самарали хаётга тадбиқ этилмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш ва иқтисодиётни модернизациялаш даврида меҳнат ресурсларига бўлган

¹³ Ўша манба.

¹⁴ Тўхлиев Н. ва бошк. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-Т.: 2006. Б.31.

талаб ва аҳолининг бандлик кўрсаткичлари бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Мустақиллик даврида ишлаб чиқаришда хўжалик юритишнинг турли шакллари пайдо бўлди, айrim тармоқлар фаолиятида ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 1990 йилда аҳолининг 41,5 фоизи нодавлат секторида банд бўлган бўлса, 2010 йилда 79,1 фоиз аҳоли нодавлат, атига 20,9 фоизи давлат секторида ишлашмоқда. Охирги 5 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида 3,8 млнга яқин янги иш ўринлари яратилди, шунинг 74 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга тўғри келади.

Мустақиллик йиллари республикада меҳнатга қобилиятли ёшларнинг маълумотлилик даражаси, малакаси анча ортди. Масалан, 1989 йилда иқтисодиётда банд бўлганлардан атиги 12,7 фоизи олий маълумотли, 21,4 фоизи тугалланмаган олий ва ўрта махсус билимига эга бўлган бўлса, 2010 йилга келиб олий маълумотлилар 3,9 пунктга кўпайган ҳолда, ўрта махсус, ўрта ҳамда тўлиқсиз ўрта маълумотлиларда 1,1 пунктга камайиш ҳодисаси рўй берган. Мавжуд манбалар иқтисодиётда банд бўлган аҳоли маълумотлилик даражасида ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар хиссаси юқорилигини, бироқ унинг улуши борган сари олий ва ўрта махсус маълумотига эга банд аҳолининг миқдори ортиши ҳисобига қисқариб бораётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, тадқиқот даврида аёллар ўртасида олий ва ўрта махсус маълумотига эга банд аҳоли улуши эркакларникига нисбатан юқори бўлган ҳолда тезлик билан ривожланди. Жумладан, 1989 йилда олий маълумотли аёлларнинг жами банд бўлганлардаги улуши эркаклардан 1,2 пунктга кам бўлган бўлса, 2010 йилда 1,1 пунктга катта бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва бу асосда махсус касб-ҳунар коллежлари тизимининг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқаришга келаётган ёшларнинг аксарияти, ўрта махсус билимига эга бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида, биргина 2000-2010 йилнинг ўзида республиканинг барча вилоятлари иқтисодиёт тармоқларида банд

бўлган аҳолининг олий ва ўрта махсус маълумотидагилар улуши 1,2-2,0 мартаға ортди, ўрта ва тўлиқиз ўрта маълумотидагиларда эса шунча миқдорда камайиш рўй берди. Мазкур йиллар орасида иқтисодиётда банд аҳолининг маълумотлилик даражасида олий маълумотлилар улуши Жиззах ва Хоразм вилоятида 2 баробарга, Тошкент шаҳри ва вилоятида 1,1-1,2 марта, қолган вилоятларда эса 1,5 мартаға кўпайган. Ўрта махсус маълумотига эга банд аҳоли салмоғи ва салоҳияти ҳам вилоятлар миқёсида ўртача 1,2-1,8 мартаға ўсган. Бундай банд аҳоли маълумотлилик даражасида сифат жиҳатдан бурилиш нафақат, уларнинг ижтимоий-иктисодий, балки демографик ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Статистик маълумотлар таҳлили, республика аҳолисининг 60,5 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ва бунинг 74,4 фоизи бугунги кунда иқтисодий фаол аҳоли (ИФА) ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолиси муттасил табиий кўпайиб бориши натижасида, меҳнат ресурслари сони ва салмоғи ҳам ўсиб боряпти. Масалан, республикада меҳнат ресурслари сони 1991 йилда 10213,2 минг, 2012 йилда 16123,6 минг кишига етди ёки барча йилларда жами мамлакат аҳолисининг тенг ярми ва ундан кўпини ташкил этди. Умуммамлакат аҳолиси таркибида меҳнат ресурслари салмоғи йилдан-йилга ортиб, аксинча, бу меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда банд бўлганлари ҳиссаси камайиб бориши қузатилади. Чунки, 1991 йилда барча меҳнат ресурсларининг 80,8 фоизи иқтисодиётда банд бўлган бўлса, 2001 йилда 71,3 фоиз, 2012 йилда 72,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий ислоҳотлар даврида аҳолининг тармоқлар бўйича бандлиги динамикаси ва таркибида қатор ўзгаришлар рўй берди. Бундай ривожланиш ҳусусияти барча тармоқлар ва соҳалар учун ҳам қайд этилди, бироқ биргина қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар нисбий миқдори камайди. Аксинча, саноат, қурилиш, транспорт ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлар ҳиссаси ортиб борди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш республика аҳолиси бандлигини юқори даражада таъминлаш имкониятига эга тармоқлар ҳисобланади. Шу боисдан, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг тенг ярми,

яъни 47,6 фоизи шу тармоқларга тегишли. Ҳолбуки, 1989 йилда бу кўрсаткич 60,3 фоизни ташкил этган. Худди шундай қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлиги 1991 йилда 41,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 25,2 фоизга, саноатда эса 14,3 фоиздан 13,2 фоизга тушди. Мулкчилик шакллари бўйича аҳоли бандлиги тақсимотида энг кичик улуш чет эл инвестицияси асосидаги корхоналарда ишлайдиганлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда замонавий илмий-техника ютуқлари ва технологияларни ўзлаштирувчи чуқур билим ва малакага эга, юқори сифатли хизмат кўрсатиш даражасидаги мутахассисларнинг етишиб келаётганлиги аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони ва салоҳияти ортишида бош омиллардандир. Жумладан, 1989-2010 йилларда савдо ва умумий овқатланишда аҳоли бандлиги 2,6 мартаға, соғлиқни сақлаш, спорт ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, уй-жой, коммунал хўжаликда 1,8, таълим, санъат, фан, транспорт ва алоқада бу кўрсаткич мос равиша 1,4 ва 1,1 баробарга кўпайди. Шу боисдан ҳам, айнан хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги 1991 йилда 35,6 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 52,4 фоизга кўтарилди. Булардан жами мамлакат иқтисодиётда банд аҳолининг 13,8 % ини ўзида мужассамлаштирган таълим соҳасида аёллар бандлиги юқори. Бироқ, кўрилаётган тармоқда аёллар бандлиги 1999-2010 йилларда 7,4 мартаға қисқарди. Шунингдек, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳаларида жами аҳолининг 13,0 фоизи банд бўлган ҳолда, уларнинг 52,2 % и аёллардан иборат.

Эркин иқтисодиёт шароитида бозорлар тизимининг тараққий этиши ва у билан чамбарчас хизмат кўрсатиш соҳаларининг авж олганлиги, табиийки бу соҳаларда бандликни оширади. Республика иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган жами аҳолининг атиги, 7,5 фоизини қамраб олган соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот соҳаларида ишловчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, бу соҳаларда аёллар бандлиги юқори бўлиб, яъни 74 фоизни ташкил этади. Мазкур соҳаларда аҳолининг кўп банд

бўлиши минтақалар ижтимоий-демографик вазияти яхшиланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзу бўйича саволлар:

1. 20-асрнинг иккинчи ярмида аҳоли сонидаги ўзгаришларни баҳоланг?
2. Аҳоли ёш таркибида болалар миқдорининг камайиб боришини қандай изоҳлайсиз?
3. Аҳоли миллий таркибида маҳаллий миллатларнинг тутган ўрни қандай?
4. Туғилишнинг қишлоқ аҳолиси ўртасида кескин камайишига қандай омиллар таъсир этмоқда?
5. Ўзбекистон аҳолиси демографик ривожланишида аҳоли ўлимининг аҳамияти?
6. Республика аҳолиси миграция жараёнларида фаоллашувнинг сабаблари нимада?
7. Иқтисодий фаол аҳоли нима?
8. Мехнат ресурслари ва меҳнат ёшидаги аҳолининг фарқини келтиринг?
9. Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп қатлами қайси соҳа ёки тармоқда банд ва нима учун?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
2. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.
3. Ахмедов Э. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -384 б.
4. Солиев А.С., Ахмедов Э.А, ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт.-Тошкент: Университет, 2003.
5. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – 280 б.
6. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
7. www.aza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
8. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. 229 с.

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ

4.1. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистон саноат географияси

Режа:

1. Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларида саноатнинг роли
2. Саноат тармоқлар таркибидаги ўзгаришлар
3. Саноатнинг ҳудудий таркиби ва унинг ривожланиши

1. Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларида саноатнинг роли

Мустақиллик йилларида эришилган иқтисодий кўрсаткичлардаги ўсиш туфайли 2000-2010 йилларда ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 фоиздан, 17,5 фоизга тушди, саноатники 14,2 фоиздан 24,0 фоизга ўсди, хизмат кўрсатиш 37 фоиздан 49 фоизга ўзгарди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми собиқ Иттифоқнинг парчаланишидан кейин бироз камайди, аммо 1996 йилдан бошлаб ўсишда давом этмоқда. Масалан, саноат маҳсулот ҳажми 1990 йилларга нисбатан 2010 йилда 3 мартаға ортди. Шунингдек, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қофоз саноати ушбу даврда 13,4 баробарга, озиқ-овқат саноатида эса 5,7, енгил саноатда 3,8 мартаға ўсиш кузатилди.

Республика саноати пахтачилик, ипакчилик, мевачилик, қоракўлчилик талаблари ва эҳтиёжлари негизида шаклланди, тараққий этди. Саноат тармоғининг ривожланиши ва жойланишига қатор омиллар ва шароитлар таъсир кўрсатади. Булардан иқтисодий географик омиллар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларга меҳнат ресурслари, инфраструктура ва унинг тармоқлари, ишлаб чиқаришнинг моддий-техник баъзаси, фан-техника тараққиёти киради. Табиий географик омиллар ҳам саноат ривожланишида

муҳим ўрин тутади. Айниқса, табиий шароит, табиий ресурслар билан таъминланганлик алоҳида аҳамиятга эга.

21-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари

Иктиносидий индикаторлар	Бирлиги	1990 йил	2000 йил	2010 йил	1990 йилга нисбатан, %	
					2000 йил	2010 йил
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	млн дол	27106	35277	92326	1,3 марта	3,4 марта
ЯИМ саноатнинг улуши	%	17,6	14,2	24,0	X	x
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Млрд сум	11,1	1387	15811	100,6	182,9
ЯИМ да қишлоқ хўжалиги улуши	%	33,4	30,1	17,5	X	x
Курилиш ишлари	Млрд.сўм	4,2	388,4	8245,8	86,9	2,3 марта
Чакана савдо	Млрд.сўм	19,8	1788	21873	99,2	2,8 марта
ЯИМдаги улуши	%	33,8	37,0	49,0	X	x
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	%	0	31,0	52,5	X	x
Асосий капиталда инвестиция	Экв млн долл	833,8	3142,5	9712,7	3,8 марта	11,6 марта
ЯИМга нисбатан %да	%	18,0	22,9	25,0	X	x
Экспорт маҳсулотлар ва хизмат	Млн долл	442,7	3265	13045	7,4 марта	29,5 марта
ЯИМга нисбатан %да	%	3,3	24,0	33,5	X	x
Импорт маҳсулотлар ва хизмат	Млн долл	362,9	2947	8800	8,1 марта	24,2 марта
ЯИМга нисбатан %да	%	2,7	21,4	22,6	X	x
Ташқи савдо сальдоси	Млн долл	79,8	317	4245	X	x

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.14.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида саноат ишлаб чиқаришини ва хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида қабул қилинган. Бу ўринда даставвал Ўзбекистонни жаҳон иктиносидий хамжамиятига қўшилишини тезлатадиган, уни дунёга “танитадиган”, меҳнатни кўп талаб этиб, сув ва хом ашёни нисбатан кам истеъмол қиласадиган, асосан маҳаллий минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсига асосланадиган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди. Чунки, саноат мамлакат иктиносидий салоҳиятини,

ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини белгилаб беради. Барча хўжалик тармоқлари ичida саноат тармоғи етакчи ўринда туради. Унинг ҳозирда 100 дан ортиқ тармоқлари мавжуд. Булардан оғир саноат тармоқлари ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик ва қурилиш материалларини ўз ичига олса, енгил саноат пахта толаси, ип ва шойи газламалар, ипак, каноп толаси, устки ва ички трикотаж, тайёр кийимлар, пойабзal, гиламлар, баққоллик буюмлари, чинни-фаянс идишлари ишлаб чиқаришдан иборатdir.

Мустақиллик йиллари республикада саноатнинг янгидан-янги тармоқлари пайдо бўлди. Жумладан, буларга, автомобилсозлик, нефть-газ химия, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, майший техника, фармацевтика, замонавий озиқ овқат ва текстил саноати ва бошқа тармоқлар киради. Мамлакатимизда йилига қарийиб 50 млрд квт электр энергияси, 60 млрд м3 табиий газ, 2,7 млн. тонна кўмир ва 600 минг тоннадан ортиқ пўлат ишлаб чиқарилади.

2000-2010 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг индустрлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиши натижасида, янги саноат тармоқлари саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини таъминлади ва саноатнинг ЯИМ даги улуши ортишига олиб келди, масалан, ЯИМда саноатнинг улуши 1990-2010 йилларда 17,6 фоиздан 24,0 фоизга кўтарилди. Айнан шу тармоқда аҳолининг бандлиги 1991 йилда 14,3 фоиз, 2010 йилда 13,2 фоизга teng бўлди.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди. Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан 2010 йилда 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат

соҳасида умумий қиймати қарийиб 50 миллирад долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 2008 йил 2 декабрда, Навоий шаҳри аэропорти базасида эркин индустриал – иқтисодий зона “ЭИИЗ” ташкил этилди. Умумий майдони 564 га бўлган Навоий “ЭИИЗ” Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан 100-175 км узоклиқда жойлашган. Навоийнинг географик жойлашган ўрни, яъни Европа билан Осиёning ўртасида бўлганлиги боис ҳам шу жой танланди. Ўзбекистонда эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу ерда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металлар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилди, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Навоий ЭИИЗда саноатнинг машинасозлик, станоксозлик тармоқларини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Минтақада фойдаланилмай ётган катта кремний заҳираси бор бўлиб, қуёш батареялари учун кремний пластиналарини ишлаб чиқарувчи корхона ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун зонага фақат замонавий техник-технологияларни олиб кириш керак. Махаллий хомашёга асосланган замонавий тўқимачилик тармоқларни, озиқ-овқат маҳсулотларни, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилади. Навоий ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиши 30 йил бўлиб, кейинчалик у чўзилиши ҳам мумкин. Бу давр мобайнида, бу ерда алоҳида божхона, валюта ва солиқ режими, кириш, яшаш ва чиқиб кетиш, шунингдек Ўзбекистон фуқаролари ва норезидентларининг иш фаолиятини амалга оширишга руҳсат олишнинг соддалаштирилган тартиби амал қиласди.

4. Саноат тармоқлар таркибидаги ўзгаришлар

Ўтиш даврининг мураккаб қийин шароитида, макроиктисодиётда барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш натижасида, иқтисодиётнинг баъзавий тармоқлари нефть, газ, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, химия ва нефть-химияси саноати жадаллик билан ривожлантирилди. Оқибатда, республика саноатининг тармоқлар таркибида чуқур сифатий силжишлар рўй берди. Саноат тармоқлар таркибидаги ёқилғи-энергетика саноати алоҳида ўрин тутади.

22-жадвал

Ялпи ички маҳсулотда тармоқлар таркиби улуши (фоизда)

Индикаторлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Жами	100	100	100
Саноат	17,6	14,2	24,0
Қишлоқ хўжалиги	33,4	30,1	17,5
Қурилиш	5,8	6,0	6,4
Транспорт ва алоқа	5,2	7,7	12,4
Савдо	4,5	10,8	9,0
Ва бошқалар	22,2	18,7	23,7

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.36.

Ёқилғи-энергетика саноати тармоқларидағи ўзгаришлар турли даражада кечмоқда. 1990-2010 йилларда ёқилғи-энергетика саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 3 мартаға орди. Ушбу тармоқнинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 18,3 фоиздан 24,1 фоизга чиқди, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги таъминланди ва тармоқнинг қайта ишлаш салоҳияти кенгайди. Айниқса, нефть ва газ конденсатини қазиб олиш йиллик ҳажми 1990 йилга нисбатан 2010 йилда 1,4 мартаға, табиий газ ишлаб чиқариш ҳажми 1,6, ёнувчи газ ишлаб чиқариш эса мазкур даврда 15,2 баробарга ўсди. Бу саноат тармоғи газ, нефть, кўмир қазиб чиқариш, нефтьни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришни ўз ичига олади. Шулардан бири электроэнергетикадир.

Электроэнергия тарихи 1923 йилда Тошкент яқинидаги Бўзсув каналида ГЭС қурилиши билан бошланади. Ушбу ГЭСнинг биринчи навбати 1926 йилда фойдаланишга топширилган. 19 та ГЭСдан иборат Чирчиқ-Бўзсув каскади муҳим энергия манбаидир. Ўзбекистон ривожланган электр энергетика тизимиға эга. Республикада умумий қуввати 11220 мВт.га тенг 37 электростанция ишлайди. Шундан 9800 мВт иссиқлик станцияларига, 1420 мВт гидроэлектростанцияларга тўғри келади. Барча электростанциялар салоҳияти бир йилда 56-57 млрд кВт/с. га тенг электроэнергия ишлаб чиқаришга имкон беради. Сув электр станциялари орасида энг каттаси Чорбоғ ГЭС ҳисобланади (қуввати 660 минг кВтдан ортиқ).

Иссиқлик электростанциялари ичida Сирдарё, Янги-Ангрен, Тошкент ва Навоий ГРЭСлари ҳар бирининг қуввати 1000 мВт.дан ошади. Ўрта Осиёда энг йирик – Толимаржон ГРЭСининг қурилиши давом этмоқда, бир неча юз километрлик электр узатувчи линиялар ишга туширилди. Янги Ангрен ГРЭСининг 7-энергия блоки қуриб ишга туширилди. Сирдарё ГРЭСи модернизация қилинди. Тошкент, Сирдарё, Навоий, Тахиатош каби йирик иссиқлик электростанциялари республикадаги асосий электроэнергияни ҳосил қилмоқда. Тошкент ИЭСининг қуввати 1920 минг кВт га яқин, Янги Ангрен ИЭСники 2400 минг кВт (Нуробод шаҳарчаси). Шунингдек, Ангрен шаҳрида Ангрен - 1 ИЭС (600 минг кВт) ҳам ишлаб турибди. Мазкур иссиқлик электр станциялари кўмир, мазут ва газ асосида ишлайди.

Бугунги кунда мамлакатдаги гидроэлектростанцияларининг умумий қуввати 1420 мегаватни, электр тармоқларининг узунлиги 224 минг километрни ташкил этади. Чорвоқ, Хожикент, Фазалкент, Фарҳод ГРЭСлари электроэнергияга бўлган эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилмоқда. Айнан электр энергия ҳосил қилиш ва уни истеъмол қилиш бўйича Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичida Россия, Украина, Қозогистондан кейин тўртинчи ўринда туради.

2008 йилда ишга туширилган узунлиги 165 кмлик Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси-“Ўзбекистон” юқори кучланишли электр узатиш линияси барпо этилди. Сирдарё иссиқлик электр станциясини “Сўғдиёна” кучлантириш станцияси билан боғлайдиган, Гузор-Сурхон юқори кучланишли электр узатиш линиялари ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объектлари лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Хожиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш каби лойиҳалар, Навоий кон-металлурги комбинатининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ниҳоясига етказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир неча кичик станцияни ўз ичига олган “Янги Ангрен-Ўзбекистон” ЛЭП-500 электр узатиш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 кмлик “Оҳангарон-Пунгон” магистраль газ қувури, “Ғузор-Сурхон” юқори вольтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари, асосан якунланди.

Нефтни қазиб олиш ва нефтьни қайта ишлаш саноатининг ташкил этилиши республика энергетика хавфсизлигини таъминлай бошлади. Мазкур ёқилғи саноати тармоғининг асосий корхоналари Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қурилган. Чунки, республикадаги 160 дан ортиқ нефть ва газ конларининг 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган.

Мустақиллик йилларида энергетика мустақиллигига эришишни таъминлаш бўйича дастурга биноан нефть ва газни қайта ишлайдиган тармоқларни ривожлантириш мақсадида энг замонавий технологияларга эга бўлган Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводи Франциянинг “Текнеп” ва Шўртангаз газхимия мажумаси “АББ” каби хориж компаниялари билан ҳамкорликда яратилди. Фарғона нефтьни қайта ишлаш заводи тўлиқ реконструкция қилинди (у Япония фирмалари билан биргаликда 250 млн.

АҚШ доллариға яқин маблағ ҳисобига қайта таъмирланди). Газхимия тармоғининг яратилиши табиий газни түлиқ қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришнинг янги шаклларини, тармоқларини йўлга қўйишга имкон берди. Шунингдек, “Газли” қўшимча компрессор станцияси ишга туширилди, “Кўнғирот” компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуриладиган иншоот барпо этилди. Туркманистандан Ўзбекистон худуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари якунланди.

Газ қазиб олиш ва унинг истъемоли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чунончи, 1991 йилда 41,8 млрд метр куб газ ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 56,4 млрд метр кубга етди. Республика ёқилғи балансида хиссаси 90 фоизга teng бўлган газ хом ашёси мураккаб геологик қатлам, яъни 3500 метр ва ундан чуқурдан қазиб олинади. Аҳолини қулай ёқилғи тури билан таъминлаш мақсадида Андижон вилоятининг Хўжаобод шаҳрида йирик ер ости газ омбори қурилган. Бу иншоотни қуришга 70 млн АҚШ доллари сарфланган.

Республика худудидаги Фарғона, Олтиариқ ва Бухородаги Қоровулбозор нефтьни қайта ишлаш заводлари, Муборак ва Шўртандаги газни қайта ишлаш заводлари хилма-хил нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда ва ҳатто айрим нефть маҳсулотлари четга экспорт ҳам қилинмоқда. Шўртангдаги заводда йилига 125 минг тонна полиэтилен, 140 минг тонна суюлтирилган газ, 130 минг тонна енгил конденсат, 4 миллиард куб метрдан зиёд газ ва 4 минг тонна олтингугурт олинади.

Газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибиға олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хом ашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалар мавжуд. Мазкур лойиҳалардан ташқари Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ

мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлиқ электр станциясинининг бешта энергия блокини йил давомида кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалари стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёқилғи-энергетика мажмуида кўмир саноатининг ўрни ҳам бор. Ангрен қўнғир кўмир кони ва Сурхондарёдаги Шарғун, Бойсун тошкўмир конларининг ёқилғи балансида улуши катта. Уларнинг умумий заҳираси 2 миллиард тонна. Ангрен қўнғир кўмир кони Ўзбекистонда чиқариладиган жами қўмирнинг 95 фоизини беради. Ушбу кондаги кўмир қатламлари орасида жойлашган каолин асосида “Каолин” қўшма корхонаси ҳам ишлаб турибди.

Саноат тармоқлар мажумида металлургия ва машинасозлик алоҳида аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида ушбу тармоқнинг жами саноатдаги улуши 21,4 фоиздан 30,1 фоизга ўсди. Қолаверса, 1990-2010 йилларда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг ўсиш суръати умумий 11,6 баробарга teng бўлди. Бу барча саноат тармоқлари ичида энг катта кўрсаткичdir. Металлургияда рангли металлургия етакчи мавқеъини эгаллайди. Республикада ушбу саноат тармоғи асосан маҳаллий хом ашёга таянган ҳолда ривожланмоқда. Шундай корхоналар қаторида рангли, қимматбаҳо ва нодир металлар ишлаб чиқарувчи Олмалиқ, Зарафшон, Чирчик, Навоий ва бошқа шаҳарлардаги кон-металлургия комбинатлари ажралиб туради.

Тошкент вилоятининг Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноати, Навоий вилояти Мурунтов олтин кони, Жиззах вилояти Маржонбулоқ, Самарқанд вилоятидаги Ингичка конлари ва бошқа конлар мазкур тармоқнинг негизи ҳисобланади. Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб олтин қазиб олина бошланган Мурунтов олтин кони Мурунтов тоғ-кон комбинати марказидир. 1995 йилда Ўзбекистон-АҚШ “Зарафшон-Ньюмонт”, “Амантайтау-Голдфилдс” КК ташкил этилди. Бу корхона рудаларни қайта ишлаш ва

улардан олтинни чиқариб олиш мақсадида тузилган МДХдаги ягона корхона бўлиб, у энг замонавий техника ва технология асосида иш олиб боради. Мурунтов олтинининг сифати ўта юқори, шу боисдан Навоий кон-металлургия комбинатида олинган олтин ём билар Лондонда маҳсус сертификатни қўлга киритган. Шунингдек, Токио товарлар биржасида Мурунтов олтин қуймаларига “олтиннинг оптимал қуймаси” деган мақом ҳам берилган.

Тошкент вилоятининг Олмалиқ кон-металлургия комбинати Оҳангарон-Олмалиқ тоғ кон саноатида жойлашган мис, қўрғошин, рух, полиметалл конлари негизида шаклланган. Чирчиқда ўтга чидамли ва қаттиқ қотишма металлар комбинати, Ингичка вольфрами ва Кўйтош волfram-молибден конлари рудалари ва мис рудаларидан ажратиб олинадиган молибденга таяниб ишлайди ва 100 га яқин маҳсулот ишлаб чиқаради. Булардан, "Олмалиқ ТМК" ОАЖда мис маҳсулоти, цинк, олtingугурт кислотаси, Чирчиқдаги "Чирчиқ metall qurilmalari" ОАЖда менталлконструкциялар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирда “Хонжиза” конида полиметалл рудаларга ишлов бериш йўлга қўйилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг янги объектлари барпо этилди.

Рангли металлургиядан фарқли равишда қора металлургия тармоғи нисбатан кам ривожланган. Сабаби, республикада йирик темир руда конларининг йўқлиги, 1944 йилдан бери фаолият юритиб келаётган ягона Бекобод қора металлургиянинг комбинатининг фақат тўпланган темир-терсакларни қайта ишлаш орқали пўлат ва тайёр прокат ҳамда турли хил майший рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашишига олиб келган.

Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқлари ичida машинасозлик бугунги кунда ўта муҳим тармоқ ҳисобланади. Машинасозлик санотининг 100 дан ортиқ корхоналарида турли хил машина ва механизmlар, асбоб-ускуналар, яъни пахта терувчи машиналар, ерга уруғ қадайдиган, тўқув-йигириув, сугориш машиналари, турли хил станоклар, телевизор, аудио ва видеомагнитофонлар

тайёрланади. Охирги 10 йилда енгил автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 7,1 мартага, автобуслар 2,6 мартага, юк машиналари 12,9 мартага кўпайди.

Машинасозлик саноатида автомобильсозлик алоҳида ўрин тутади. Автомобильсозлик автомобиллар, автомобиль двигателлари, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Дастребаки енгил автомобиль заводи 1996 йилда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бу "Уз Дэу авто Ко" қўшма корхонаси "Дамас", "Тико", "Нексия" ва "Матиз" русумдаги автомобилларни чиқара бошлади. Натижада, Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқардиган 28 нчи мамлакат бўлди. Бугунги кунга келиб, Асака шаҳрида АҚШнинг "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи завод қурилди. Шунингдек, Андижонда яна "GM Ozbekiston" ҚК, "Прицеп" АЖ, "УзКоджи ", "УзТонг Хонг КО", "Уз Донг Янг Ко", "Уз Сам Юнг Ко", "Уз Донг Вонг Ко" қўшма корхоналари мавжуд (аксарияти Жанубий Корея республикаси билан ҳамкорликда яратилган). "Уз Донг Янг Компани" қўшма корхонаси автомобиль ички жиҳозлари ўриндиқ ғилоплари, Фарғонадаги "Евразия Тапо-Диск" қўшма корхонаси автомобиль дисклари тайёрлашга ихтисослашган. Тошкент вилоятининг "Чирчиқшишмаш" заводида культиватор КХУ-4Б, плуг бороналар ишлаб чиқарилади.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат тармоғига қарашли қатор тажриба ва таъмирлаш механика ва бошқа заводлар ҳам фаолият юритади ("Марҳамат - ЭТЗ", "Андижонкабел", Авиа механика заводи ва ҳ.к). Бу корхоналар ичидаги маҳсулот қиймати бўйича "УзДонг Янг Ко" қўшма корхонаси автомобиль ишлаб чиқарувчи заводидан кейинги иккинчи ўринда туради - у тармоқнинг 5,7 фоиз маҳсулотини беради. Шунингдек, Тошкент шаҳрида дунёга машҳур "Даймлер Бенц" (Германия) компанияси, Самарқандда "Исузу" (Япония) компанияси автобуслар ишлаб чиқара бошлади. Наманган шаҳрида енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқардиган завод қурилган. Мутлақо янги технологик платформа негизида "Спарк"

енгил автомобили яратилди. Шу билан бирга катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” (Германия) автомобилларини Самарқандда, энергия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги жаҳонга машҳур холодилнклари ишлаб чиқарилмоқда. Натижада, машинасозлик ва метални қайта ишлаш тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990-2010 йилларда 11,6 мартага ортди.

2011 йилдан АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда йилига 225 минг дона автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхона қурилиб топширилди. 2010 йилда республикада жами бўлиб 220313 дона автомобил ишлаб чиқарилди шундан, 217733 дона енгил автомобиль, 1268 дона автобус, 1312 дона юк машиналари, бундан ташқари 96700 дона телевизорлар, 124000 дона компьютер маҳсулотлари ҳам тайёрланди

Машинасозликнинг автомобилсозликдан ташқари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, радиоэлектроника ва электротехника саноати, асбобсозлик, кимё ва нефть кимё машинасозлиги ва ҳакозо. Масалан, Жиззахда аккумулятор “Узэкрайд” қўшма корхонаси, Андижонкабел, Чирчик метал қурилмалари, “Чирчиқшишмаш”, “Трансфарматор” заводлари машинасозликнинг муҳим корхоналари ҳисобланади. Тошкент шаҳрида жойлашган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Ўзэлектроаппарат”, “Ўзбеккабель” ва “Дойче кабель” қўшма корхоналари, Агрегат заводи, “Зенит электроника” қўшма корхонаси, Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш, “Алгоритм” каби корхоналар ўзларининг салмоқли маҳсулот ҳажмлари билан саноатга ҳисса қўшишмоқда. Республикада ягона бўлган "Самарқандлифтсозлик завод"ида пасажир ва юк лифтлари (йилига 1000 дона), лифт учун эҳтиёт қисмлар (1050000 минг сўм) ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги билан ажralиб туради.

Жумладан, электротехника саноатида “Зенит электроникс” Тошкент радиотехника қўшма корхонасида майший кондиционерлар, DVD-проигривателлари, кир ювиш машинаси, майший совуткичлар ва музлаткичлар, электр чанг ютгичлар, телевизорлар тайёрланади. Шунингдек,

Чкалов номидаги Тошкент давлат авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ДХЖ рангли қуйма металлоконструкцияларни пайвандлаш ойна, пластик ва улардан маҳсулотлар, йигма темир бетон конструкцияси ва деталлар, ўйинчоқлар, самолётлар ишлаб чиқарилади. Тошкент трактор заводида эса автомобиль ташиш учун ярим прицеплар, тракторларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, тракторлар, контейнерлар ташиш учун ярим прицеплар, экскаваторлар, трактор прицеплари тайёрланади. Германиянинг "Класс" компанияси билан ҳамкорликда замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган.

Республикада темир йўл машинасозлиги ҳам яхши ривожланган. Буларга, Тошкент темирийўлмаштаъмир корхонаси, Андижондаги "Узжелдормаш" бирлашмаси қошидаги механика заводлари киради. Булардан Андижондаги "Узжелдормаш" бирлашмаси қошидаги механика заводида янги вагон цистерналари ва эҳтиёт қисмлар чиқариш йўлга кўйилган.

2010 йилда "Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зона худудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

Енгил саноат. Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли бўлиб, унда пахта тозалаш, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиши, тикувчилик, кўн-пойабзal, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон енгил саноат тармоғининг ўсиш суръати 1990-2010 йилларда 3,8 марта ташкил этди. Республикада 1990 йилга нисбатан 2010 йилда пахтадан ип газлама ишлаб чиқариш 2,2 марта ошди. Гилам ва гилам маҳсулотлари 2010 йилда 21 млн м. квни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 13,6 марта кўп ишлаб чиқарилди. Жумладан, ип газлама Тошкент, Фарғона тўқимачилик ва Бухоро ип газлама комбинатларида ишлаб

чиқарилар эди. Ҳозирда бу корхоналарининг айримлари ўз иш фаолиятини тўхтатган. Бухоро шаҳрида “ДЭУ текстиль” тўқимачилик комплекси, Тошкент вилоятида “Хайтек кабел” қўшма корхонаси, “Spen tex Тойтепа текстил” қўшма корхонаси, Олмалиқ шаҳрида гилам фабрикаси, “ДЭУ текстил интернейшл” ҚҚ, “Осиётекс” ва “Хумо”, Бухородаги “Бухоро бриллиант шилк”; “Ўзкарпет” гилам корхонаси, “Рамстар”, “Қоракўлтекс” қўшма корхоналари; Фарғонадаги “Кува текстил”, “Риштон текс”, “Рус-Ўзбектекс” тўқимачилик қўшма корхоналари, “Водий Тошлоқ текстил”, “Алэста - Гласс” "ORSHAH EV TEKSTILI" мчж (пайпок маҳсулотлари) ва Хитой технологияси ёрдамида Хоразмда “Хоразм ипаги” тўқимачилик корхонаси, Буюк Британия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Боғотдаги тиббий пахта (момик) ишлаб чиқарувчи фабрика, Россиянинг Камышин фабрикаси билан ҳамкорликда Хонқада ип калава ва ип газлама ишлаб чиқарувчи корхона, “Гурлантекстил”, Хива гилам комбинати машҳур. Енгил саноат корхоналаридан Андижондаги "Инвестекс" қўшма корхонаси трикотаж буюмлар ва трикотаж мато, Тошкент шаҳридаги “TOSHKAYATEKSTIL ҚҚ” калава, трикотаж полотноси, пахта-чит матоси, “MURUVVAT-TEKS МЧЖ”, “SIRKECHI TASHTEKSTIL ҚҚ”, “TRENDY-LAND ХК”, “KONTEKS-TASHKENT ХК” лари трикотаж маҳсулотлари, калава, трикотаж полотноси ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, Тошкент вилоятида жойлашган “Биллур текст” корхонаси трикотаж маҳсулотлари йилига - 550 минг дона, “Янгийўл пахта тозалаш” заводи пахта толаси- 10800 тн, “Elnur and Ruslan” қўшма корхонаси йилига - 5000 дона тикувчилик маҳсулотларини яратмоқда.

Ип газламадан ташқари ипак газлама ҳам бир вақтлар республиканинг машҳур маҳсулотларидан бири бўлган. Ҳозирда Фарғонадаги пиллакашлик фабрикаларида маҳсулот чиқариш қисқариб кетганлиги муносабати билан, асосий ипак газлама маҳсулотлари Самарқанд вилоятида тайёрланмоқда. Мавжуд пиллакашлик фабрикалари ҳам тўлиқ қувват билан ишлаётгани йўқ.

Тошкентдаги чинни-фаянс буюмлар ишлаб чиқарадиган “Миконд” заводи (Оникс бирлашмаси) енгил саноатнинг етакчи корхонасиdir. Бу заводда бир йилда 10500 дона майший қандиллар, қандил идишлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Енгил саноатда кўнчиликнинг алоҳида ўрни бор. Кўнчилик саноати Тошкент, Самарқанд, Кўқон ва Фарғона вилоятларида ривожланган. Бу корхоналар асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва ишлов беришга таянади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати қўп тармоқларга эга бўлиб географияси кенгdir. Ундаги мавжуд йирик корхоналар республиканинг барча вилоятларида учрайди. 1990-2010 йилларда озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 мартаға ўси. Озиқ-овқат саноати корхоналари орасида Бухородаги Когон ёғ - экстракция заводи, шунингдек, Бухоро ёғ - экстракция заводи, “Евроснар” қўшма корхоналари, "Андижон ёғ-мой" заводи муҳим ҳисобланади. Шунингдек, республикада ун-крупа ва комбикорм “Фалла Алтек” ва “Тошкент дон маҳсулот”, “Навоидонмаҳсулотлари” акционерлик жамиятларида тайёрланади. Озиқ-овқат саноатида Бектемир спирт заводи, ёғ-мой, вино ва шампан ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ҳам роли юқори. Айни вақтда, тармоқда “Хоразм шакар” қўшма корхонаси ва Самарқанд чой фабрикаси, Гулистон ёғ-экстракция заводи алоҳида ўрин эгаллайди. Айнан шакар ишлаб чиқариш республикада 2000 йилда 10169 тонна бўлган бўлса, 2010 йилда 286055 тоннага етди.

Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятларидаги ёғ-мой комбинатлари, Каттакўрғон, Кўқон шаҳарларида ва Учқўрғон туманидаги ёғ-экстракция заводлари республика аҳолисининг ёғ-мой, совун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Биргина, Тошкент ёғ-мой комбинатида қадоқланган ёғ, ўсимлик ёғи, майонез, маргарин маҳсулотлари тайёрланади. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги "Янгийўл ёғ-мой" заводи республикада ёғ, шелуха, комбикорма, совун ишлаб чиқариш бўйича машҳур корхоналардан биридир.

Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида консерва заводлари ишлаб турибди. Бинобарин, тегирмон, гўшт-сут маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар, нон маҳсулотлари, қандолат моллари ва бошқа кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари республиканинг барча вилоят, туманларида тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати учун зарур бўлган барча хом-ашё етарли, десак муболага бўлмайди. Сабаби, республиканинг географик жойлашган ўрни, рельеф тузилиши қурилиш учун керакли тош, оҳак, лой, асбест, кум, гранит, шағал, мармар билан тўлиқ таъминлайди. Аммо шунга қарамасдан, қурилиш материаллари саноати 1990-2010 йилларда атига, 1,3 баробарга ўсишга эришди. Бу саноатда мармар ишлаб чиқариш, Фазалкент, Тошкент, Самарқанд, Олмалиқ, Нукус шаҳарларида йўлга қўйилган бўлиб, улар Ғозғон мармари негизида ишлайди. “Бекободцемент”, “Қизилқумцемент”, “Навоий цемент”, “Кувасойцемент”, “Оҳангаронцемент” ва “Ангрен цемент” корхоналарида цемент ишлаб чиқарилади. Ангрен цемент комбинати 1947 йилдан, Оҳангарон эса 1962 йил, Навоий 1977 йилдан, Бекобод 1913 йилдан бери фаолият юритади. Бу цемент корхоналарида шифер, асбоцемент қувурлар, минерал пахта ва ундан тайёрланган буюмлар, цемент-кум черепицалари ишлаб чиқарилади. Бекобод ва Оҳангарон шифер ишлаб чиқарувчи заводлари, Бўстонлиқ туманидаги энергия қурилиш индустриси корхоналари, “Кувасойшиша” бирлашмаси, Фазалкент шиша-ойна заводлари фаол ишлаб турибди.

Ўзбекистон химия саноатида хилма-хил кимёвий бўёқлар, пластмасса маҳсулотлари, минерал ўғитлар, химиявий толалар ва бош. кўплаб маҳсулотлар тайёрланади. Ўзбекистон ривожланган кимё саноатига эга бўлиб, ушбу тармоқда 1990-2010 йилларда 2,9 мартаға маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Тармоқнинг “Фарғона Азот”, “Навоий Азот”, “Электрокимёсаноат” (Чирчик), “Аммофос” (Олмалиқ), Самарқанд кимё заводи, Қўнғирот сода заводи ва қатор корхоналари мавжуд.

Химия саноатида 2006 йилдан бошлаб Қўнғирод сода заводида кальций

содаси ишлаб чиқарилмоқда. 2010 йилда мазкур заводда 90,4 минг тонна кальций содаси ишлаб чиқарилди. Ушбу завод маҳсулоти ҳозирги кунда хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Завод қурилиши кимёгарлар шаҳарчаси Элободнинг барпо этилишига асос бўлди. Айни вақтда, Жиззахдаги “Жиззахпластмасса” заводида плёнка ва трубалар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, химиянинг асосий корхоналарига “Навоийазот”, “Электрохимсаноат” ҳам киради, улар мамлакатимиз экспортида ҳам фаол қатнашишади. Айниқса, иқтисодиёт учун ниҳоятда зарур бўлган суперфасфот заводи хом ашёси - фосфоритлар ҳам Навоий вилояти худудида ишлаб чиқарилади. Биргина “Навоийазот” акционерлик жамиятида аммиак селитраси, сирка кислотаси, нитрон толаси, цианис натрий, синтетик аммик, суюлтирилган хлор, каустик содаси каби турли-туман маҳсулотлар олинади.

Химия саноти таркибидаги Фарғона азот, Фарғона кимёвий тола заводлари, Кўқон суперфосфат заводи, Фарғона фурен бирикмалари заводи, кимё ва нефть кимёси саноатида Тошкент лок-бўёқ ва “Олпласт” кўшма корхонасининг аҳамияти катта. 2010 йилдан иш бошлаган Дехқонободдаги калий ўғитлар ишлаб чиқариш заводи минтақадаги ягона завод ҳисобланади. Бу завод Қашқадарёдаги Тубакат калий тузлари кони негизида барпо этилди. Мазкур завод калий тузини қайта ишлаш асосида нафақат ўғит, балки бромли темир, магнезит, гипс ва бошқа материалларини олиш имконини беради. Айни вақтда, Самарқанддаги нитрокальцийфосфат ўғитлар чиқарадиган химзавод ҳам химия саноатига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Химия саноатида сунъий толалар ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутади. Жумладан, Чирчиқдаги “Электрокимёсаноат” бирлашмасида капролактам, Фарғона кимёвий толалар заводида ацетат иплар, “Навоийазот” бирлашмасида нитрон, акрил толалари ва ҳакозо. Келгусида республика саноат тармоқларидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр

дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар тайёрланган.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбекистон макроиктисодий тармоқлар таркибида саноатнинг ўрни қандай?
2. Ўзбекистон саноати ишлаб чиқарган маҳсулот тури ва ҳажми тўғрисида сўзлаб беринг?
3. Саноат тармоқлар таркибидаги охирги ўзгаришлар?
4. Ўзбекистон енгил саноатининг иқтисодиётдаги аҳамиятини кўрсатинг?
5. Машинасозлик тармоғининг корхонлари асосан қайси вилоятда яхши ривожланган ва нима учун?
6. Саноат тармоғини ривожлантириш учун қабул қилинган лойиҳалар ва унинг аҳамияти?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислощ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 бет.
2. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
3. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
4. Ахмедов Э. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома.-Т.: Ўзбекистон, 2006.-384 б.
5. Солиев А.С. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. - Т., Университет, 2003. Б.71.
6. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: O`zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – 280 б.
7. Эргашев Б., В. Нелюбов. Узбекистан: основные экономические показатели (Uzbekistan: main economic indicators) // <http://www.cer.uz>. 2000. № 5 стр. 69-74.
8. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
9. www.aza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
10. www.ceep.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий марказий расмий сайти.
11. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. 99c.

4.2. Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришларида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги географияси

Режа:

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ислоҳотлар.
2. Қишлоқ хўжалиги ер фонди.
3. Дехқончилик ва чорвачилик
4. Фермер хўжаликлари географияси

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ислоҳотлар

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимги ва муҳим тармоқларидан биридир. У аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат учун хом-ашё етказиб бериш билан бирга, саноат маҳсулотларининг энг катта истеъмолчиси ҳам хисобланади. Шу боисдан ислоҳотларнинг дастлабки босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш мақсад қилиб белгиланди, тармоқда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга ва хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринлардан бирини эгаллаган ҳолда, унга ялпи ички маҳсулотнинг 1/5 қисмидан кўпроғи тўғри келади. 2000-2010 йилларда ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайди. Айнан шу тармоқда ахолининг бандлиги эса 1991-2010 йилларда 41,9 фоиздан 25,2 фоизга тушди ва ҳозирда 3,1 миллион киши бу тармоқда ишлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг стратегик йўли аниқланиб олинди. Бунда айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш, яъни дон мустақиллигига эришиш, пахта якка хокимлигига барҳам бериш асосий вазифалардан қилиб белгиланди. 1998 йиллардан қишлоқ жойларда бозор муносабатларини жорий этиш, мулкчиликнинг хусусий шаклини жорий этишга эътибор қаратилди. Бу эса мамлакат иқтисодиётини аграр-индустрисал шаклдан тобора, аста-секин индустиал-аграр йўналишга ўтишига замин бўлди. Ерга бўлган муносабатда янгича тамойиллар жорий этилди. Ерни фермер хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан 50 йил муддатга, дехқон хўжаликларига умрбод фойдаланишга бериш тизими жорий этилди. Қишлоқ хўжалигига ўтказилган ва давом этаётган ислоҳотлар маҳсулот этиширишда, маҳсулот ҳажмининг ўсишида, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги ортишида муҳим босқич бўлмоқда. Шу боисдан, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробарга ошди. Пахта, ғалла каби стратегик мұхим қишлоқ хұжалиги әқинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди.

23-жадвал

ЯИМда қишлоқ хұжалиги маҳсулотининг улуши, фоизда

Қишлоқ хұжалиги маҳсулот турлари	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ялпи маҳсулот	33,4	30,1	17,5
Пахта толаси	15,9	3,6	1,9
Донли әқинлар	1,4	3,4	2,0
картошка	0,3	0,8	1,4
сабзавотлар	1,3	2,4	2,3
Полиз әқинлари	0,5	0,3	0,3
мевалар	0,7	0,9	1,1
Узум	0,8	0,8	0,9

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.42.

Собиқ Иттифоқ даврида республика қишлоқ хұжалиги асосан пахтачиликка ихтисослашған, марказий ҳудудлар саноатини хом ашё билан таъминловчи монокультура күренишидаги район әди. Мустақилликка әришгач бу соҳада туб ислоҳотлар олиб борилди, қишлоқ хұжалиги деярли түлиқ нодавлат секторига ўтказилди, фермер ва дәхқон хұжаликлари ташкил этилди, пахта якка хокимлигига барҳам берилди, дон (ғалла) мустақиллигига әришилди. 2009 йилда қабул қилинган “Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиги иили” давлат дастурида қишлоқ жойларда агроиктисодиёт соҳаси билан бир қаторда транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, молия, спорт кабиларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига катта аҳамият берилди. Ҳозирги вақтда республика жами инвестиция ҳажмининг таҳминан 3 фоизи агроиктисодиётга түғри келади. Ваҳоланки, бу күрсаткич саноатда 35-37 %, транспорт ва қурилишда 25 % га teng.

2010 йил якунига кўра, Ўзбекистонда жами 15810,7 млрд сўмлик қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Бу борада Самарқанд ва Тошкент

вилоятлари етакчи – уларнинг ҳар бирига республикамиз жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 13,1 фоизидан тўғри келади. Андижон вилоятининг улуши 10,1 %, Бухороники 9,2 %, Қашқадарёниги 8,4 %, Фарғона вилоятида эса бу кўрсаткич 8,1 %. Энг паст, агроиктисодиёт тизими суст ривожланган Қорақалпогистон Республикасида мазкур кўрсаткич 3,1 %, Навоий вилоятида 4,4 %, Жиззахда 5,2 % ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотлар унинг барча тармоқларида, ер фондидан фойдаланишда, маҳсулот етиштириш каби жараёнларда ўзининг ижобий натижасини берди. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг ижобий ютуқлари иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритишига, тармоқ ва ҳудудий таркибининг такомиллашувига, иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашувига, умуман олганда ҳалқ фаровонлиги ортишига хизмат қиласи.

2. Қишлоқ хўжалиги ер фонди

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишида унда бевосита ишлатиладиган ер ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44896,9 минг га бўлиб, шундан 99 фоизи турли хил корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқаролар фойдаланадиган ерлар бўлса, бу ерларнинг 3714,7 минг гектарини суғориладиган ерлар ташкил қиласи. Қишлоқ хўжалигидаги ерлардан фойдаланишда уларни 8 тоифага ажратилади. Бунинг энг асосийси қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ерлар ҳисобланади. Ушбу тоифадаги ерлар мамлакатимизда 20487,7 минг га бўлиб, у жами ер фондининг 46,1 фоизини ташкил қиласи. Кейинги ўринда захира ерлар (10389,4 минг га) ҳамда ўрмон фонди ерлари туради (4274,3 минг га).


Республикада барча экин экиладиган ерлар икки қисмдан иборат: суғориладиган ҳамда лалми ерлар. Умумий экин экиладиган ер майдони 3708,4 минг га (2010 й.) бўлиб, бу жами қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ерларнинг 18,1 фоизига teng, суғориладиган ерлар эса 3714,7 минг гани ташкил этади. Табиий ҳолда суғориладиган ёки лалми (баҳорикор) ерлар

Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида учрайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган бошқа ерлар орасида яйловлар кескин ажралиб туради. Уларнинг умумий майдони 4052,0 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг 93,1 фоизини ташкил этади. Кўп йиллик дарахт зорлар 3298 минг га, пичанзорлар 107 ва бўз ерлар 82 минг га (1-расм).

1991-2011 йиллар давомида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар миқдори республикада 10903 минг гектарга қисқарди. Бунга бошқа турдаги ерларнинг бирмунча кўпайиши сабаб бўлган. 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра қишлоқ хўжалик ерлари республика умумий ер майдонининг 57,5 фоизига тенг. Қолган 42,5 фоизи ўрмонлар, бутазорлар, ва бошқа ерлардан иборат. Бу кўрсаткич мамлакат миқёсида Қорақалпоғистон Республикаси 34,3 фоиздан, Навоий вилоятидаги 81,0 фоизгача фарқ қиласди. Нисбатан юқори кўрсаткичлар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида (76-77%), Фарғона, Тошкент, Хоразм, Наманган вилоятларида эса нисбатан унинг даражаси паст (45-55%). Барча дехқон хўжаликларидағи экин экиладиган ерларнинг умумий майдонида 46,1 фоизини донли экинлар, 23,9 фоизини сабзавотлар, 11,5 фоизини картошка эгаллаган. Худди шу кўрсаткичлар фермер хўжаликларида қуидагича: жами донли экинлар 45,3; пахта 42,0; сабзавотлар 1,9; картошка 0,5 фоиз ва бошқалар ташкил этади (2010 й).

Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар ичида суғориладиган ерлар катта аҳамиятга эга. Энг сўнгги йилларда, гарчи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони қисқарган бўлсада, бевосита экин экиладиган ерлар бироз кенгайган. Жумладан, улар 2003-2009 йиллар орасида тахминан 18 минг гектарга қўпайган. Суғориладиган ерлар Жиззах, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳисобидан бирмунча кўпайди. Шунингдек, Тошкент, Сирдарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистонда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Айни вақтда, Жиззах вилоятида 2000 йилда суғориладиган экин ерлар 256,6 минг га, 2011 йилда эса 264,5 минг га; шунга мос ҳолда, Қашқадарёда 417,7 ва 424,1 минг га; пойтахт вилоятида-298,9 ва

305,1 минг гани ташкил этди. Аксинча, сугориладиган ер майдонлари Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм каби вилоятларда бироз қисқарди. Сугориладиган экин ерлари жуда кам бўлган Навоий вилоятида ҳам 92,1 минг гадан ва 91,0 минг га тушди. Умуман олганда, сугориладиган экин ерлар майдони катталиги бўйича Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти, Жиззах, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятлари ажралиб туради. Навоий вилоятини ҳисобга олмаганда, қолган минтақаларнинг ҳар бирида бундай ерлар 200 минг гектардан кам эмас.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ер турлари (01.01.2011 й.).

Қишлоқ хўжалик ерлари таркибида яйловлар ҳам катта майдонларни эгаллади. Республика ер фондининг 46,7 фоизин пичанзор ва яйловлар 14,0 % экин ерлар, 7,0 % ўрмонзорлар ташкил қиласди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларида пичанзор ва яйловлар кўп. Энг катта яйловлар Навоий вилояти (42,2 %), Қорақалпоғистон Республикаси (23,0 %), Бухоро (12,4 %) ва Қашқадарё вилоятларида (7,0 %) жойлашган. Яйловлар қишлоқ хўжалигининг, чорвачилик тармоғини хусусан, унда гўшт, жун-гўшт йўналишини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Аммо шунга қарамасдан, яйловлар майдони йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Аксарият вилоятлар ер майдонида бундай ерлар улуши жуда кичик.

Республикамизда 2008-2012 йилларга мўлжалланган сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастури қабул қилинган. Мазкур мақсадли дастурга биноан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жizzах, Навоий, Сирдарё ва бошқа вилоятларда дренаж ва коллекторлар, зовурлар қайта таъмирланмоқда, ерларнинг шўрини ювишга, тармоқда модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумий қишлоқ хўжалиги мақсадида ажратилган ерларнинг $\frac{1}{4}$ қисми биргина Навоий вилоятига тўғри келади; Бухоро, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилоятлари ҳам бу борада етакчи ҳисобланишади. Мазкур ҳудудлар республикадаги жами қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг $\frac{3}{4}$ қисмидан кўпроғини эгаллади.

Республика Президенти таъкидлаганидек, “аввало ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги вақтда юртимиизда жами сугориладиган ерларнинг қарийиб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийиб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига киради. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жizzах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади”¹⁵.

Қишлоқ хўжалигига экин экиладиган ер майдонининг 45,3 фоизи донли экинлар эгаллаган, шундан буғдой 39,5 фоиз ерга экилади. Иккинчи ўринда техника экинлари 38,2 фоиз ерда экилади. Бунинг ҳам асосий қисми пахта экинларига тўғри келади. 2000-2010 йилларда техника экин майдонларида қисқариш рўй берди, аксинча донли экинлар, картошка, полиз экинлари ва сабзавотлар майдонлари кенгайди (3-жадвалга қаранг). Худди шундай қисқариш шоли экин майдонларида ҳам кузатилди, яъни уларнинг майдони 3,5 фоиздан 1,9 фоизга тушди.

¹⁵ И.А. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.-Т.: Ўзбекистон, 2011.Б 26.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик географиясининг шаклланишида ҳудудларнинг ер фонди, унинг таркиби билан бир қаторда агроиклиний ресурслар, яъни намлик (сув), ҳарорат ва тупроқ, меҳнат ресурслари, уларнинг иш малакалари каби омиллар муҳим роль ўйнайди.

24-жадвал

Экин майдонлари тузилиши

Экин майдони	2000 йил		2010 йил	
	Минг га	Жамига нисбатан, % да	Минг га	Жамига нисбатан, % да
Жами экин майдони	3778,3	100	3708,4	100
Шундан, донли экинлар	1614,0	42,7	1679,4	45,3
бошоқлилар	1417,5	37,5	1559,9	42,1
Шундан буғдой	1355,8	35,9	1466,3	39,5
маккажӯхори	49,2	1,3	28,3	0,8
Шоли	131,8	3,5	69,2	1,9
дуккакли	7,3	0,2	17,5	0,5
Техника экинлари	1512,5	40,0	1417,0	38,2
Шундан; пахта	1444,5	38,2	1342,5	36,2
картошка	52,2	1,4	70,7	1,9
сабзавотлар	129,9	3,5	173,0	4,7
Полиз маҳсулотлари	36,9	1,0	47,9	1,3
Озуқа, ем хашак экинлари	429,0	11,4	320,4	8,6

Манба: Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2003. Статистический сборник.-T, 2004. С. 22. Сельское хозяйство Узбекистана. Статистический сборник.-T, 2011. С. 21.

Ўзбекистонда иссиқ кунлар кўп, вегетация даври узоқлиги боис, баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бир йилда 2-3 мартадан ҳосилини олиш имконини беради. Қолаверса, минтақаларнинг тупроқлари ҳам (асосан бўз ёки сур тупроқлар кўп тарқалган) агроиктисодиёт ривожланишига анча қулайлик яратади. Бироқ, қишлоқ хўжалигининг республикадаги муаммоли томони бу сув ресурслари билан таъминланишидир. Мавжуд маълумотларга қараганда, сув ресурсларининг тахминан 10 фоизи республикада шаклланади, холос. Қолган қисми муҳим гидрологик манбалар, яъни Амударё, Сирдарё ва Зарафшон каби трансчегаравий характерга эга бўлган дарёлар ҳисобига

таъминланади. Бу дарёлар асосан қўшни давлатлар – Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудидан бошланади. Шу боис, мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, суғорма дехқончиликда янги технологияларни жорий қилиш, қўшни мамлакатлар билан ўзаро, халқаро меъёр ва қоидалардан келиб чиқсан ҳолда, сув ресурсларини оқилона тақсимлаш республика ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг долзарб муаммосидир.

3. Дехқончилик ва чорвачилик

Республика қишлоқ хўжалиги иккита йирик тармоқ чорвачилик ва дехқончиликдан иборат. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар натижасида, жами қишлоқ хўжалигига чорвачилик маҳсулотининг ҳажми 1990 йилда 36,6 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда дехқон хўжаликларида чорва молларининг бош сони кўпайиши ҳисобига 40,6 фоизга кўтарилди. Шунингдек, гўшт етиштириш ҳажми ҳам сезиларли ўсилини яъни ушбу даврда 789,1 тоннадан 1461,4 минг тоннага (1,9 марта), сут 3034,2 минг тоннадан 6169,0 минг тоннага (2 марта), тухум 1231,8 млн донадан 3061,2 млн донага (2,5 марта) кўпайди. Аксинча, пахта толасининг жами қишлоқ хўжалигидаги ҳиссаси 47,7 фоиздан 11,1 фоизга қисқарди. Қолган барча чорвачилик ва дехқончилик маҳсулот турларида маҳсулдорлик ва ҳосилдорлигига ўсиш рўй берди. Масалан, донли экин майдонлари кенгайиши ва ҳосилдорлигининг ортиши ҳисобига донли экинлар етиштириш ҳажми 1990 йилда 7504,3 минг тоннадан 2010 йилда 2038,2 минг тонннага кўпайди. Шунингдек, полиз ва сабзавот экин маҳсулотлари миқдори, яъни картошка 5 марта, полиз маҳсулотлари 1,2 марта, мевалар 2,6, узум 1,3 марта ошди.

Республика қишлоқ хўжалигига дехқончилик муҳим ва етакчи тармоқлардан саналади. Дехқончиликнинг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улуши 2011 йилда 59,4 фоизни ташкил этди. Дехқончилик асосан, суғорма ва лалмикор дехқончиликка таянилади. Лалмикор дехқончиликда (буғдой, арпа, зиғир, кунжут, нўхат, озуқабоп экинлар, боғдорчилик, узумчилик) етиштирилган маҳсулотлар ҳажмига кўра жуда кам

улушга эга. Асосий дехқончилик маҳсулотлари суғориладиган ерлардан олинади ва унинг ҳосили лалмикор дехқончиликка нисбатан 3-5 марта кўп бўлади. Суғориладиган ерларда етиштириладиган техника, донли экинлар, сабзавот-картошка, полиз, ем-хашак экинлари дехқончилик ялпи маҳсулотининг 98-99 фоизини беради. Жумладан, юқорида таъкидланганидек, ислоҳотлар даврида техника экинларидан пахта экиладиган ер майдонларининг қисқариши, пахта-толасининг, бошқа дехқончилик маҳсулот турларига нисбатан маҳсулот ҳажмининг камайишига олиб келди. Масалан, 1990 йилда республика бўйича ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 47,7 фоизини пахта толаси ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 11,1 фоизга teng бўлди. Аксинча, донли экинлар улуши 4,1 фоиздан 10,8 фоизга кўтарилиди.

25-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулот турларини етиштиришдаги ўзгаришлар

К/х маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	1990 йил		2000 йил		2010 йил	
		жами	Жамига нисбатан, фоизда	жами	Жамига нисбатан, фоизда	жами	Жамига нисбатан, фоизда
Ялпи маҳсулот	Млрд сўм	11,1 ¹⁶	100	1387,2	100	15810,7	100
<i>Шундан:</i>							
Пахта-толаси	Минг тонна	5057,7	47,7	3002,4	11,8	3442,8	11,1
Донли экинлар	Минг тонна	2038,2	4,1	4101,4	11,4	7504,3	10,8
Картошка	Минг тонна	336,4	1,0	731,1	2,6	1694,8	8,6
Сабзавотлар	Минг тонна	2842,5	3,8	2644,7	8,1	6346,5	16,3
Полиз маҳсулотлари	Минг тонна	1000	1,4	451,4	1,0	1182,4	2,1
мевалар	Минг тонна	660,4	2,0	790,9	3,0	1710,3	4,7
Узум	Минг тонна	744,7	2,5	624,2	2,6	987,3	4,5
Гўшт (тирик вазнда)	Минг тонна	789,1	20,1	841,8	23,8	1461,4	24,9
Сут	Минг тонна	3034,2	10,0	3632,5	14,9	6169,0	11,5
Тухум	Млн дона	1231,8	1,1	1254,4	3,0	3061,2	2,7
Жун	Минг тонна	25,8	2,3	15,8	0,1	26,5	0,1

Млрд рубл.

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.46.

Пахтачилик. Пахтачилик дехқончиликнинг етакчи тармоғи бўлиб, унинг асосий маҳсулоти пахта толаси ва пахта мойи ҳисобланади. 1 т пахта хом ашёсидан ўртacha 320-350 кг тола (3500 м.кв газлама), 10 кг момик, 620 кг чигит олинади. 620 кг чигитдан эса 110 кг мой, 225 кг кунжара, 175 кг шулха, 35 кг линт, 30 кг тук чиқади.

Ўзбекистонда 2,5 минг йилдан бери пахта етиштирилиб келаётган бўлишига қарамай, унинг янгидан-янги навлари яратилмокда. Мустақиллик йилларида республика олимлари томонидан 100 дан ортиқ ингича ва ўрта толали “Бухоро-6”, “С-6524”, “Наманган-77”, “Ан-Боёвут-2”, “Бухоро -8”, “Бухоро-102” каби ҳосилдорлиги юқори бўлган пахта навларининг яратилганлиги пахта ҳосилдорлигининг ортишига олиб келди. Бу янги яратилган пахта навлари ўзининг тез пишиши, касалликларга чидамлилиги, пахта толасининг сифатлилиги ва жаҳон бозорида талаб юқорилилиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон дунёда пахта экадиган ўнта давлатнинг бешинчиси, яъни Хитой, Америка Кўшма Штатлари, Ҳиндистон ва Покистондан кейинги ўринда турадиган, энг шимолда пахта етиштирадиган давлатдир. Пахта толасининг ҳосилдорлиги 1990 йилда республикада гектарига 22,6 центнердан бўлган бўлса, 2010 йилда 25,6 центнерга кўтарилди. 2010 йила мамлакат бўйича 1342,5 минг гектар ерга пахта экилиб, 3404,0 минг тонна ялпи ҳосил олинди. Пахта экин майдони Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида нисбатан катта. Аксинча, Наманган, Навоий, Самарқанд вилоятларида унинг даражаси 100 минг гектарга етмайди.

Республиканинг барча вилоятларида ўрта толали, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ингичка толали пахта экилади. Кўп йилларда республика экспортининг асосий маҳсулоти пахта толаси ҳисобланган. Аммо 1990-2010 йилларда пахта толасининг умумий экспортдаги улуши 47,9 фоиздан 11,3 фоизга қисқарди.

Техника экинларидан тамаки асосан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида етиштирилади, ялпи ҳосили 12307 тонна, ҳосилдорлиги 16,2 ц/га.

Шунингдек, қисман Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида ҳам етиширилган. Етиширилган тамаки Ургут тамаки ферментлаш “Ўз БАТ” фабрикасида қайта ишланади. Бу фабрика “Бритиш Америкэн тобакко” компаниясининг Самарқандда Ўзбекистон билан ҳамкорликда қурилган корхонасидир. Ургут тумани Самарқанд сигарета фабрикаларини ҳам тамаки хом ашёси билан таъминлайди.

26-жадвал

Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги (ц/га)

К/х маҳсулот турлари	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Пахта толаси	22,6	21,8	25,6
Донли экинлар	20,2	28,2	44,2
картошка	80,0	129,3	194,9
сабзавотлар	192,0	183,8	252,5
Полиз маҳсулотлари	115,0	132,4	192,6

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.45.

Техника экинларидан лавлаги экини қишлоқ хўжалигининг энг қадимги тармоқларидан биридир. Қанд лавлаги, озуқа манбаи сифатида экиласидиган хашаки лавлаги, сабзавот сифатида ишлатиладиган қизилча лавлаги республиканизнинг деярли барча худудларида экиласиди. Булардан ташқари Ўзбекистоннинг энг муҳим экини бу донли экинлар, хусусан буғдой, арпа, жавдар, сули, шоли, маккажӯҳори, тарик, дуккакли экинлар, нўхат, мош, ловия, ерёнғоқ, мойли дон экинлари-зифир, қунжут, соя, маҳсар, кунгабоқар ва бошқа экинлар республиканинг барча минтақаларда етиширилади.

Буғдой экини қадимги тармоқлардан бири бўлган, аммо у илгарилари асосан лалмикор ерларда экиб келинган. Республиkanинг буғдойга бўлган эҳтиёжи кўп йилларда бошқа давлатлардан келтирилган ғалла ҳисобига қондирилган. Мустақиллик йилларида дон мустақиллигига эришилди, буғдой экин майдонлари кенгайтирилди, сугориладиган ерларга ғалла экила бошланди. 1990-2010 йилларда донли экинлар ҳосилдорлиги гектарига 20,2 центнердан 44,2 центнерга ошди. Бугунги кунда донли экинлар 1679,4 минг

гектар ерга экилмоқда, ёки жами экин экиладиган ерларнинг 45,3 фоизини эгалламоқда, бундан бошоқли дон экинлари 42,1 фоизга тенг. Буғдой экин майдони 39,5 фоизни ташкил этади. Республикада асосан буғдойнинг кузги ва баҳорги тури экилади.

Донли экинларнинг ялпи ҳосилига кўра Қашқадарё, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, ва Сурхондарё вилоятлари олдинги ўринларда туради. Донли экинлардан Республикада 2000 йилда 3532,0 минг тонна буғдой олинган бўлса, 2010 йилда ушбу рақам 6657,3 минг тоннага етди. Буғдойнинг ялпи ҳосилига кўра ҳам юқоридаги вилоятлар етакчилик қилишади.

Донли экинлардан шоли республиканинг Хоразм, Андижон, Сирдарё, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида асосан экилади. Шоли экин майдонлари йилдан-йилга қисқариб боряпти, масалан, республикада 2000 йили 131,8 минг гектар ерга шоли экилган бўлса, 2010 йилда 69,2 минг гектарга тўғри келди. Шунга мутаносиб равишда шоли маҳсулоти ҳам 1,4 мартаға камайиб кетди. 2010 йилда мамлакат бўйича 244,8 минг тонна шоли олинди.

Маккажўхори ўтган асрнинг иккинчи ярмидан дон ва силос бостириш мақадларида экила бошланган. Маккажўхори экини ҳам шоли сингари экин майдонлари кўрилаётган йиллар давомида 1,7 баробарга қисқарди. 2000 йилда 49,2 минг гектарга маккажўхори экилган бўлса, 2010 йилда 28,3 минг гектарга тушди. Маҳсулот ҳажмида эса аксинча, ушбу даврда 130,6 минг тоннадан 230,4 минг тоннага ўсиш кузатилди.

Ўзбекистонда сабзавот, полиз ва картошка маҳсулот турлари кўпайди ва экиладиган ер майдонлари ҳам кенгайди. Экин ҳосилдорлиги жиҳатдан энг юқори бўлган экинлар ҳам айнан мана шу сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари ҳисобланади. Чунки, республикадаги қулай иқлим шароити, сугорма дехқончилик бу экинларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлишига сабаб бўлади, десак муболага бўлмайди. Ушбу экинлар Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида экилади. Фақат улар вилоятларнинг географик жойлашган ўрнидан келиб чиқиб турлича даражада пишиб етилади. Масалан,

энг ширин қовун-тарвуз Мирзачўл минтақасида, эртанги сабзавот ва полиз маҳсулотлари Жанубий вилоятларда ва ҳакозо.

Боғдорчилик ва узумчилик ҳам энг қадимги тармоқлардан бири бўлиб, меваларнинг барча тури, шириндан-шакар узум навлари бутун Ўзбекистон бўйлаб экилган. Узумчилик ҳам боғдорчилик билан бирга ҳудудий ташкил этилади. Жумладан, узумчилик барча вилоятларда мавжуд, аммо Самарқанд вилоятининг Кўшработ ва Нуробод туманларида, Тошкент вилоятининг Паркент туманида нисбатан кенг ёйилган ва яхши йўлга қўйилган. Узум етиштириш бўйича Паркент тумани нафақат вилоятда, балки республикада энг машҳур туманлардандир. Айнан мана шу туманларда узумчиликнинг ривожланганлиги туфайли, Самарқанд (260,0 минг тонна) ва Тошкент вилояти (115,5 минг тонна) республикада энг кўп узум ҳосилини беради. Охирги йилларда жуда катта боғлар ташкил этилди, йўқ бўлиб кетган узумзорлар қайта тиклана бошланди. Шу боисдан, республикада узумнинг ялпи ҳосили 2000-2010 йилларда 624,2 минг тоннадан 987,3 минг тоннага кўтарилди. Вилоятлар миқёсида Андижон, Жиззах, Фарғона, Сирдарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида узум ялпи ҳосили мазкур даврда 2,0-2,4 баробарга кўпайди. Аксинча, биргина Сурхондарё вилоятида 1,1 мартаға қисқарди.

Чорвачилик. Республикада чорвачиликнинг барча тури ривожланган, айниқса қўйчилик, қорамолчилик, паррандачилик, асаларичилик кенг тараққий этган. Чорвачилик тармоғида яратилаётган маҳсулотлар жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 40,6 фоизини (2011 й.) ташкил этади. Қорамолчилик сут-гўшт йўналишида тараққий этган бўлиб, гўшт йўналишидаги қорамолчилик тоғ ва тоғ олди минтақаларида йўлга қўйилган. Қорамолларнинг бош сони Ўзбекистонда 9094,7 минг бош, сигирларники эса 3758,1 минг бошга етган. Ҳар иккаласининг ҳам умумий миқдори ўтган йилларга нисбатан мунтазам кўпайиб келмоқда (6-жадвалга қаранг). Йирик шохли қорамолларнинг энг кўпи Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлганлиги сабабли ҳам, ушбу вилоятлар республикада асосий гўшт етказиб бераётган минтақалар

хисобланади. Масалан, мамлакат бўйича олинаётган гўшт маҳсулотининг (855,0 минг тонна) 13 фоизи Самарқанд вилоятига, 11,8 фоизи Тошкент вилоятига, 11,5 фоизи Қашқадарё вилоятига, 9,3 фоизи Бухоро вилоятига тўғри келади. Қолган вилоятларда унинг улуши 10 фоизга етмайди.

Кўйчилик Тошкент, Жizzах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Сирдарё вилоятларининг адир ва тоғ минтақаларида ривожланган. Кўйчиликда унинг дағал жун ва гўшт-ёғ берувчи ҳисори ҳамда жайдари қўй зотлари, қоракўл қўйларини боқиш ва ундан сифатли тери олиш муҳим ўрин тутади. Ҳисори қўйлари республиканинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида боқилади. Жайдари қўйлар эса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятидан ташқари қолган барча вилоятларда кенг тарқалган. Жайдари қўйларга нисбатан Ҳисори қўйларининг вазни 180-190 кггача, йиллик жун маҳсулдорлиги 1,0-1,2 кг. Жайдари қўйларида бу кўрсаткичлар мос равища 45-50 кг; 2,0-2,5 кгдир.

Ўзбекистон бўйича барча хўжаликларда олинадиган йиллик жун маҳсулоти 26510 тоннани (2011 й) ташкил этади. Жун ишлаб чиқариш ҳажми 2005-2011 йилларда республикада 117,9 фоизга ўсди. Асосий жун етказиб бераётган вилоятларга Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Жizzах киради.

Кўйчиликнинг қоракўлчилик тармоғи қадимдан мавжуд бўлган бўлиб, бу қўйлар асосан, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жizzах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чўл зонасида боқилади. Чунки, улардан олинадиган терининг маҳсулот сифати шу жойнинг иқлими, ҳарорати, суви билан бевосита боғлиқ. Шу боисдан, республикамизнинг иқлими иссиқ, яйловларининг суви шўр, ҳудуди чўлдан иборат бўлган вилоятларида бу тармоқ яхши ривожланган. Қоракўл тери олиш 2000-2010 йилларда 125,1 фоизга ўсан ҳолда, 2010 йилда республика бўйича 934,9 минг дона қоракўл териси тайёрланди. Асосий тери маҳсулотини дехқон хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги корхоналари етказиб беришмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида айрим чорва моллари бош сонидаги
худудий-динамик ўзгаришлар**

Худудлар	Йирик шохли қорамоллар		Сигирлар		Кўй ва эчкилар	
	2000	2010	2000	2010	2000	2010
Қорақалпоғистон Республикаси	382,6	760,1	161,3	254,1	435,8	764,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	441,0	735,0	185,3	307,6	507,3	890,5
Бухоро	428,0	883,9	184,7	365,0	813,9	1563,2
Жиззах	283,0	611,2	128,9	217,9	803,8	1363,8
Навоий	174,4	332,4	89,0	418,5	1056,5	1745,8
Наманган	348,7	520,0	136,8	150,1	479,6	614,2
Самарқанд	794,0	1191,3	353,5	568,8	893,3	1647,6
Сирдарё	171,1	282,8	71,5	113,6	110,7	191,8
Сурхондарё	446,4	689,4	215,1	303,4	975,1	1701,0
Тошкент	387,5	629,8	180,1	285,4	389,2	645,0
Фарғона	464,9	723,6	196,2	307,8	392,1	624,8
Хоразм	450,0	694,3	186,3	280,7	208,9	355,4
Қашқадарё	581,8	1040,9	254,7	418,5	1866,3	3233,5
Жами	5353,4	9094,7	2343,4	3758,1	8932,5	15340,9

Манба: Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2003. Статистический сборник.-Т, 2004. С. 137, 141, 145. Сельское хозяйство Узбекистана. Статистический сборник.-Т, 2011. С. 135, 139, 143.

Эчкилар республиканинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида боқилади ва у асосан гўшт, серқаймоқ ва шифобаҳш сут, жун, тери ҳамда тивит беради. Фарғон водийсида, хусусан Наманган вилоятида майин оқ тивит берадиган ангор эчкилари боқилади. Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида ҳам эчкичилик ривожланган. Мамлакат бўйича қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 15340,9 мингтани ташкил этади. Бундан, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари қўй ва эчкилар сони кўплиги бўйича етакчи ҳисобланади (6-жадвал).

Чўчқачилик йирик шаҳарлар атрофида ва ғаллачилик минтақаларида ташкил этилган бўлган. Аммо ҳозирда чорвачиликнинг бу тармоғи жуда қисқариб кетди. Шунга қарамасдан, республикадаги чўчқаларнинг умумий бош сони 100 минг бошга (2011 й) етди ва 2000-2011 йиллар давомида 64,1 фоизга камайиб кетди. Бироқ, Самарқанд (9,6 минг бош), Тошкент (35,8

минг бош), Бухоро (10,0 минг бош), Навоий (18,6 минг бош) ва Сирдарё (7,3 минг бош) вилоятлари чўчқаларнинг бош сони бўйича олдинги ўринни эгаллайди. Фарғона водийсидан ташқари қолган барча вилоятларда чўчқа боқилади, аммо уларнинг сони айтарли даражада қўп эмас. Қуёнчилик ҳам чўчқачилик сингари тез қўпайиш имкони юқори бўлган тармоқлардан бири. Бу тармоқни ривожлантириш қўпроқ шахсий ва фермер хўжаликларида яхши йўлга қўйилган.

28-жадвал

**Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотлари асосий турларини
етиштириш, минг тонна (2000-2010 йй.)**

Маҳсулот турлари	Барча хўжаликлар		Фермер хўжаликлари		Дехқон хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги корхоналари	
	2000 йил	2010 йил	2000 йил	2010 йил	2000 йил	2010 йил	2000 йил	2010 йил
Гўшт	501,8	855,0	36,8	21,8	6,6	812,3	458,4	20,9
Сут	3632,5	6169,0	176,5	205,0	54,1	5927,8	3401,9	36,2
Тухум, млн дона	1254,4	3061,2	490,6	288,1	12,0	1775,5	751,8	997,6
Жун	15,8	26,5	3,9	1,7	0,2	22,0	11,8	2,8
Қоракўл териси, минг дона	747,6	934,9	499,3	44,1	8,2	632,1	240,1	258,7
Пилла	16,5	25,2	16,2	24,7	0,3	-	-	0,5

Манба: Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2003. Статистический сборник.-Т, 2004. С. 29-30. Сельское хозяйство Узбекистана. Статистический сборник.-Т, 2011. С. 29-30.

Паррандачилик сердаромад тармоқлардан бири бўлиб, кейинги йилларда тезлик билан ривожланиб бормоқда. Республиkaning ҳамма вилоятларида тухум, парҳез гўшт берадиган паррандачилик тармоғининг корхоналари мавжуд. Самарқанд, Тошкент вилоятларида йирик бройлер жўжаларини етиштиришга мўлжалланган корхоналар ишлаб турибди. Республика бўйича паррандалар сони 3958,6 минг бош бўлиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 300 фоизга ошди. Паррандалар бош сони қўпайиши оқибатида, тухумлар сони ҳам 2000-2010 йилнинг ўзида 2,4 мартаға қўпайди (28-жадвалга қаранг). Республикада олинаётган тухумнинг (3061,2 млн дона) энг кўпини Тошкент (871 млн дона), Самарқанд вилоятлари (576,9 млн дона) етказиб бермоқда.

Шунингдек, Андижон, Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳам мамлакатда парранда тухуми сони етказиб бериш бўйича етакчи ҳисобланишади. Бу борада, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бироз орқада.

Пиллачилик бўйича республика дунёга машҳур давлатлардан бири. Пиллачилик тармоғи пахтачилик билан бирга қўшиб олиб борилади. Тут, ипак қурти уруғини тайёрлаш, пилла етиштириш барча вилоятларда бор. Айrim маълумотларга кўра, ипак қурти боқиши 4 – асрда Хитойдан Ўрта Осиёга тарқалган, 1913 йилда 4 минг тоннага яқин пилла етиштирилган бўлса, унинг 90 фоизи Фарғона водийсига тўғри келади. Ҳозирга келиб мамлакатимизда йилига 25,2 минг тонна пилла олинади (7-жадвалга қаранг). Етиштириштирилаётган пилланинг 98 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келмоқда. Республиқдаги 10 га яқин пиллакашлик фабрикаси ўзимизда етиштириладиган пиллани қайта ишлайди. Аммо маълум бир вақт оралиғида пилла етиштириш кескин камайиб кетди, қўпгина тут дарахтлари кесилиб юборилди, ҳозирга келиб (йиллик ўсиш 104,9 %) яна бу тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Балиқчилик Ўзбекистоннинг табиий сув ҳавзаларидан қадимдан мавжуд бўлган. Илгарилари балиқнинг асосий қисмини Орол денгизи, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари етказиб берган. Орол денгизи сув сатҳи камайиши эвазига сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ривожланди. Умуман мамлакатдаги кўл ва дарёларда 62 га яқин балиқ тури яшайди. Булардан, зогора балиқ, дўнгпешона, судак, оқча, тобонбалиқ, илонбош, чўртан, қизилкўз алоҳида аҳамиятга эга. Йирик балиқчилик хўжаликлари Жиззах, Тошкент, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ташкил этилган. Айдаркўл тизимининг кенгайиб бориши балиқчиликнинг ривожланишига имкон берди. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги “Дамачи” ҳовуз балиқчлик хўжалиги ҳам балиқ етказиб беришга хизмат қилмоқда.

Асаларичилик тархи узоқ йилларга бориб тақалсада, охирги йилларда тезлик билан ривожланаётган тармоқлардан биридир. Қолаверса, ушбу

тармоқни республикада ривожлантириш ва йўлга қўйиш учун етарли шартшароит мавжуд. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларининг асали ўзининг хушбўйлиги ва шифобахш эканлиги билан машҳур. Ҳар йили 20 минг тоннадан кўп асал олинади. Асални йилда икки марта, май-июн ва август-сентябр ойларида олишади.

Даррандачилик тармоғи жуда кенг ривожланган бўлмасада, Қуи Амударё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ондатра, нутрия, тулки, норкалар қимматбаҳо мўйна олиш мақсадида боқиласди.

4. Фермер хўжаликлари географияси

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжалигининг бошқа жамоа, ширкат ёки хиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунлик томони фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита биргаликда, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасаррӯф этиш буйича масалаларни мустақил ҳал этишида бўлиб, унинг иқтисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва ўз меҳнати натижаларига мулкий эгалик ташкил этади. Фермер хўжалигида тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йулида меҳнат қилишига таяниш муҳим ўрин тутади. Республикада фермер хўжаликларини ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 01.01.2011 й. маълумотлари бўйича жами 71981 та фермер хўжаликлари қайд этилган. Фермер хўжаликларининг микдорига кўра Самарқанд ва Фарғона вилоятлари етакчилик қилишади. Бу ҳудудларнинг ҳар бирига мамлакатимиздаги жами фермер хўжаликларининг 12,1 -10,7 фоизи тўғри келади. Қашқадарё ва Наманган вилоятлари ҳам ушбу хўжалик сонига кўра олдинги ўринларни эгаллайди. Фермер хўжаликлари сони 1991 йилдан 2007 йилгача муттасил ортиб борган. Масалан, 2000 йилда фермер хўжаликлари сони 43,7 мингтани ташкил этган бўлса, 2007 йилда эса

унинг сони 5 марта яқин кўпайди, яъни 217,1 мингтага етди. Бироқ, кейинги 2007- 2010 йилларда фермер хўжаликлари сони 3 марта камайди (2-расм). Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши туфайли бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 2 бараварга (27 гектардан 56 гектарга) кенгайтирилганлиги сабабдир. Ҳозирда ўртacha бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони қўрилаётган даврда 4 бараварга кўпайган ҳолда, 2010 йилда 80 гектардан ошиб кетди. Бу эса ўртacha бир фермер хўжалиги аъзосига тўғри келадиган ер майдонининг 2007-2010 йилларда 169,2 фоизга ўсишига олиб келди. 2000-2010 йиллар давомида республика фермер хўжаликларига бириктирилган экин майдонлари 6,5 марта кўпайди. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикасида нисбатан катта. Мазкур худудлардаги фермер хўжаликлари ўртacha 10 гектардан кўп ер тегишилди. Айни пайтда Андижон, Хоразм, Сирдарё ҳамда Навоий вилоятларида бу кўрсаткичлар нисбатан паст. Республикада ўртacha ҳар бир фермерга 80 га ер майдони тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда 2010 йил маълумотига кўра, жами фермер хўжаликлари 5826,8 минг гектар ер майдонида иш олиб боришишмоқда. Мазкур фермер хўжаликларининг оптималлаштирилиши натижасида уларда ишлаётган ишчилар миқдори камайди. Бугунги кунда республикада ўртacha ҳар бир фермерга 18,5 нафар ишчи-ходим тўғри келган ҳолда, жами фермер хўжалигига ишлаётганлар 1500га яқин бўлиб, уларнинг сони қўрилаётган йилларда камайиб бормоқда. Масалан, 2008 йилда – 1754,0 минг киши фермер хўжалигига ишлаган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда – 1330,5 минг кишига teng бўлди.

Республика фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми жами қишлоқ хўжалиги ва дехқон хўжаликлариға нисбатан жадал кўпайиб бормоқда. Жумладан, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши 2000-2010 йилларда 35 фоизгача кўтарилди. Айни вақтда ушбу кўрсаткич Сирдарё вилоятида 43,1 %, Қашқадарёда 41,9 %, Қорақалпоғистон Республикасида-40,2 % га тенг бўлган бўлса, аксинча, Навоий, Бухоро ва Наманган вилоятларида унинг даражаси умуммамлакат кўрсаткичидан бироз паст. Мазкур хўжаликларининг қишлоқ хўжалигидаги тармоқлар таркибидағи ўрни кўпроқ дехқончиликда кўринади, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда эса аксинча, дехқон хўжаликлари фаол иштирок этишади. Масалан, 2005 йилда фермер хўжаликлари жами дехқончилик маҳсулотларининг 41,6 фоизини етказиб берган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 60 фоизга тенг бўлди.

Фермер хўжаликлари географиясида жойларнинг рельефи (ер усти тузилиши), ер-сув ресурслари билан таъминланганлиги, агроиклиний ресурслар (намлиқ, ҳарорат, тупроқ), географик ўрни, геоэкологик вазияти, қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби ва ихтисослашувидан келиб чиқсан ҳолда маълум тафовутлар кузатилади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ўтказилган ислоҳотлар нималарда намоён бўлмоқда?
2. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида қишлоқ хўжалигига ялпи ички маҳсулотнинг қанча маҳсулоти яратилади?
3. Асосий қишлоқ хўжалиги экинларига нималар киради?
4. Республика ер фондининг тузилиши?
5. Дехқончиликда қайси экин майдонлари кескин қисқариб кетган?
6. Ингичка толали пахта мамлакатнинг қайси худудида кўплаб етиштирилади?
7. Кўй ва эчкилар сони бўйича қайси вилоят етакчи ва нима учун?
8. Қоракўл кўйлари республиканинг қайси минтақаларида асосан боқилади ва нима учун?
9. Фермерчилик қандай хўжалик ва унинг ривожланиши?
10. Узумчилик ривожланган минтақаларни ажратиб кўрсатинг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 бет.

2. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
3. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
4. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 48 б.
5. Абдуганиев А.А Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ. 2004. Б.67-74.
6. Ахмедов Э. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. – Т.: Ўзбекистон, 2006.-384 б.
7. Солиев А.С., Ахмедов Э.А, ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. – Тошкент: Университет, - 2003й.
8. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т.: “Fan va texnologiya”, 2009. 134-146 б.
9. Солиев А.С. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. – Т., Университет, 2003. Б.71.
10. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев К., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – 280 б.
11. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
12. www.aza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
13. www.ceep.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий марказий расмий сайти.
14. Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2003. Статистический сборник. -Т, 2004.
15. Сельское хозяйство Узбекистана. Статистический сборник.-Т, 2011.

4.3. Ўзбекистон транспорти, инфраструктура, ташқи иқтисодий алоқалар географияси

Режа :

1. Инфраструктура ҳақида тушунча. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инфраструктуранинг рольи ва аҳамияти.
2. Ўзбекистон Республикаси транспорти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктураси.
3. Ташқи иқтисодий алоқалари ва унинг географияси

1. Инфраструктура ҳақида тушунча. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инфраструктуранинг рольи ва аҳамияти.

Инфраструктура-бу ишлаб чиқариш ва инсонларнинг турли фаолиятида шарт-шароит яратиб берувчи иқтисодиёнинг (кўпқамровли) тармоқлар мажмуасидир ва албатта ижтимоий меҳнат тақсимоти маҳсули ҳисобланади. У ишлаб чиқариш таркибиға кирмайдиган мустақил тармоқ булиб, моддий

ва номоддий соҳага хизмат қиласи (ишлаб чиқариш инфраструктураси ва ижтимоий инфраструктура).

1. Ишлаб чиқариш инфраструктураси-транспортнинг барча турлари ва транспорт хўжалиги (темир йул, денгиз ва дарё портлари, нефть ва газ қувурлари), электр узатиш линялари, ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш воситалари ва бошқа иншоатлар киради. Буларсиз албатта ишлаб чиқаришда меъёридаги жараён бўлмайди.

2.Ижтимоий инфраструктура – аҳолига хизмат курсатувчи савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари, соғлиқни сақлаш, йуловчи ташувчи барча транспорт турлари ва алоқа, шаҳар уй-жой хўжалиги ташкилотлари ва номоддий соҳанинг бошқа қисмларини ўз ичига олади.

Инфраструктурани келажакда ривожланиши ишлаб чиқаришда самарадорликни оширади ва жамиятни моддий ва маънавий этиёжларини қондириш ва бошқа ижтимоий вазифаларни ҳал килиш учун шарт – шароит яратади. Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил етишнинг илғор шакли бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш асосида инфраструктура тармоқларини самарали шаклланиши учун шароит вужудга келади. Натижада, маблағларни тежаш, жорий сарф харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун имкон яратилади. Ягона иқтисодий маконга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси, жумладан Ўзбекистон учун ҳалкаро иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва ривожлантиришда инфраструктура элементларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

2. Ўзбекистон Республикаси транспорти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктураси

Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом этишида инфраструктуранинг рольи муҳим. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳудудий тизимларини шаклланишида ишлаб чиқариш инфраструктураси билан таъминланганлигини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш инфраструктураси, авваломбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларини камайтиришнинг муҳим шарти ва омилидир. Ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида “2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” маҳсус дастур қабул қилинди.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойлаштиришда транспортнинг рольи бекиёс. Транспорт ҳар қандай минтақада ишлаб чиқариш инфраструктурасини муҳим звеноси ҳисобланади. Ҳар қандай масштабдаги ҳудудни транспортсиз самарали ва оқилона ривожлантириш мумкин эмас. Саноат ва кишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб беришда транспорт фаол иштирок этади. Иқтисодий туман ва зоналарда ихтисослашув транспорт орқали амалга ошади. Транспортнинг ривожланиши ишлаб чиқариш кучлари ва техник тараққиётиниг умумий ривожланиш даражасига боғлик. Транспорт инфраструктурасида 1990-2010 йилларда автомобиль йўллари (109,8 %) билан бараварига темир йўллардан (122,1 %) умумий фойдаланиш узунлигига ўсиш кузатилди. 2010 йилда транспортнинг республика ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 11,4 фоизни ташкил этди, бу жиҳатдан у саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейинги учинчи муҳим тармоқ саналади.

Ўзбекистон қудратли (темириул, авто,avia, қувур ва дарё) транспорт тизимларига эга. Ҳар йили юк ва йўловчи ташувчи транспортларда жуда кўп микдорда хизмат амалга оширилади. Жумладан, 2010 йилда фақат автомобиль йўларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблаг ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда, 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобиль йўли фойдаланишга топширилди. Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Ўтган йили

“Эйрбас индастри” компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди.

Ўзбекистонда 20-йиллар бошларида темир йул узунлиги 1589 км бўлган бўлса, 1990 йилда темир йул транспорти умумий фойдаланишдаги узунлиги 3462 км, 2010 йилда 4227 кмга етди. Темир йўл юк ташишда асосий ўринни эгаллаб, унинг зиммасига 22,3 млрд тн.км юк обороти тўғри келади. Темир йўллар орқали тошкўмир, ёғоч, ғалла, металл ва металл конструкциялар, қурилиш материаллари, машина ва жиҳозлар каби ҳажми, ўлчови катта бўлган юклар ташилади.

Мустақиллик йилларида йўловчи ташиш локомотивлари парки янгиланди, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонлари, темир йўллар модернизация қилинди ва қайта тикланди. Испаниянинг “Тальго” компанияси билан ҳамкорликда “Тошкент-Самарқанд” темир йўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этилган тезюарар темир йўл магистрали қурилди ва фойдаланишга топширилди. Натижада, Тошкент-Самарқанд ўртасида Испаниядан келтирилган “Талго-250” замонавий тез юарар поездининг йўлга қўйилиши масофани 1,5 мартаға қисқартирди.

29-жадвал

Ўзбекистон Республикаси коммунал хизматлар билан таъминланганлиги, жами ахолига нисбатан, фоизда

Индикаторлар	1990 йил	2010 йил
Сув билан таъминланиш	64,0	82,6
Шундан; қишлоқ жойларда	55,0	75,8
Табиий газ билан таъминланиш	44,6	83,7
Шундан; қишлоқ жойларда	19,3	77,7
Марказий иситиш системаси	29,1	41,0
Канализация	25,5	37,1
1 кишига тўғри келадиган ўртача уй –жой майдони, метр. Кв.	12,1	15,2

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.112.

Ўзбекистон темир йўл транспорт тизимида “Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон” янги йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди. Узунлиги 223 км бўлган мазкур темир йўл денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда тоғ давон йўлларидан ўтказилди. Бу темир йўлнинг қурилиши жанубий минтақаларни ривожлантиришда, уларнинг табиий ресурсларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратишда муҳим шарт-шароитлардан бири бўлди. Амударё устидан кўприк билан орқали тортилган 600 кмлик “Навоий-Учкудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус” темир йўл линиясининг бта янги разъезди ишга туширилди. 1993 йилда Вазирлар Маҳсакамасининг “Темир йўлларни электрлаштириш бўйича бош Дастан” қабул қилинди. Мазкур дастур доирасида Жиззах-Жомбой, Жиззах-Самарқанд-Бухоро линиялари электрлаштирилди. Ҳозирга келиб 700 кмлик йўл электрлаштирилган.

Ишлаб чиқариш инфраструктурасида темир йўл билан бирга ҳаво йўлларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳаво транспорти йўловчиларни, тез бузиладиган, шошилинч, қимматбаҳо маҳсулотларни узоқ масофага бирпасда, сифатли хизмат кўрсатган ҳолда, етказиш икониятларидан биридир. 1993 йилда республика ҳаво транспортини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси тузилди. Бу компания томонидан ҳозирда дунёning 40 дан ортиқ шаҳарларига, турли мамлакатларига авиарейслар амалга оширилмоқда. Авиарейслар замонавий Боинг-757 ва Боинг-767, Аэробус А-310, А-320, RJ-85 каби қатор самолётларда амалга ошириляпти ва географияси йилдан-йилга тобора кенгайиб ривожланиб бормоқда. Айниқса, бунда Навоий аэропорти базасида эркин индустрисал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор-Кореянинг “Кореан Эйр” компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши, Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Европани Осиё билан боғлайдиган Навоий аэропортининг яқинидан ўтган халқаро темир йўл ва автомобил

йўллари Россия, Европа мамлакатларини Хитой билан боғлайди ва ўз навбатида аэропорт муҳитининг яхшиланишига имкон беради. Ҳозирги вақтда Навоий шаҳри аэропортидан дунёнинг йирик Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Дубай, Бангкок, Дехли, Дакка ва Мумбай шаҳарларига рейслар ташкил этилган. Навоийдаги Халқаро логистика маркази нафақат, Жанубий-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш, балки Навоий вилояти ва қўшни худудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхонларини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш имконини беради. 2010 йилда халқаро логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодаль логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробарга кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди.

Республика транспорти хизматида автомобил йўлларининг алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида 80 минг кмдан ошиқ автомобил йўллари курилди, шундан 86 фоизи қаттиқ қопламали йўллардир. 1990 йилда қаттиқ қопламали йўлларининг узунлиги 39213 км бўлган бўлса, 2010 йилда умумий фойдаланиладиган қаттиқ қопламали йўлларнинг узунлиги 41950 кмга етди, бунинг 3960 кми халқаро аҳамиятга эга йўллар ҳисобланади. Шунга мутаносиб равища, автомобил йўлларида юк ташиш обороти ҳам ортди. Масалан, 1990 йилда автомобил йўлларида кмга 5,9 млрд тонна юк ташилган бўлса, 2010 йилда унинг миқдори 3,0 бараварга кўпайди.

Қувур транспорти асосан нефть ва табиий газ маҳсулотини ташишга хизмат қилиб, у МДҲ мамлақатларининг марказий қувур тизимига боғланган. Республика қувур транспорти орқали Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Хитой давлатлари билан боғланади.

Туркманистандан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувуригининг тортилиши Ўзбекистоннинг транзит имкониятининг янада

кенгайишига олиб келди. Ҳозирда қувур транспорти орқали Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон Ўзбекистон табиий гази билан таъминланади. Фарғона водийси ва жанубий ҳудудлар аҳолисини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш мақсадида “Янги Ангрен-Ўзбекистон” ЛЭП-500 электр узатиш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 километрлик “Оҳангарон-Пунгон” магистраль газ қувури, “Ғузор-Сурхон”юқори вольтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида, мамлакатда ягона электр ва газ тармоғи тизимлари ташкил этилди.

30-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ривожланиши
(2011 йил)**

Маъмурий-худудий бирликлар	1 кишига тўғри келадиган уй-жой, кв.м	Хар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари	Ичимлик суви билан таъминланганлик даражси, %да	Табиий газ билан таъминланганлик даражаси, %да
Қорақалпоғистон Республикаси	15,2	138,8	68,6	95,1
Андижон	10,0	146,4	88,8	74,5
Бухоро	14,3	177,0	84,5	98,6
Жizzах	13,6	142,7	75,4	73,1
Қашқадарё	13,2	100,5	82,2	70,5
Навоий	20,5	149,0	79,0	80,1
Наманган	14,1	120,6	76,6	84,3
Самарқанд	14,3	114,8	84,5	84,1
Сурхондарё	13,5	93,6	80,1	60,3
Сирдарё	16,5	209,5	78,0	90,8
Тошкент	14,2	186,5	91,7	82,7
Фарғона	14,4	143,6	85,4	81,1
Хоразм	24,2	131,5	63,3	94,9
Тошкени ш	18,7	131,2	99,8	97,4

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Ишлаб чиқариш инфраструктурасига яна иншоат ва қурилмалар, коммуникация ва тармоқлар, жумладан электр узатиш йуллари, тақсимлаш тармоқлари, сув, газ, нефть ўтказгичлари иссиқлик трассалари, телефон

тармоқлари ва бошқалар киради. Аҳолининг табиий газ билан таъминланиши 1990 йилда 44,6 фоиздан 2010 йилда 83,7 фоизга кўпайди. Шундан қишлоқ жойларда бу кўрсаткич мос равишда 19,3 фоиздан 77,7 фоизга ўзгарди. Республика бўйича аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 1990 йилда 64 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 82,6 фоизга кўтарилиди, қишлоқ жойларда эса бу рақам 55 фоиздан 75,8 фоизга етди (30-жадвал). Булар барчаси мамлакатда Давлат дастури доирасида магистрал газ ва сув қувурларини қуриланлиги билан чамбарчас боғлиқ. Республикада электр ва газ таъминоти, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги коммунал инфраструктура тармоқлари ва объектлари қурилмоқда, модернизация ҳамда реконструкция қилинмоқда.

Ижтимоий инфраструктурага уй-жой коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, маориф, майший хизмат ва бошқалар киради. Бу хизматлар инсонларни маънавий бой ва жисмоний соғлом кишилар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, аҳоли турмуш фаровонлиги саноат ва қишлоқ хўжалиги билан эмас, балки ижтимоий соҳани ривожланганлиги, уй-жой билан таъминланганлиги, хизмат кўрсатишнинг ташкил этилганлиги билан белгиланади. Ижтимоий инфраструктура тармоқларининг ўсиб бориши, минтақа, худуд тараққиётининг муҳим кўрсаткичи, аҳолининг тумуш шароити, кайфияти, савиясидан далолат беради.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий инфраструктуранинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Республика бўйича 52,4 фоиз аҳоли айнан шу соҳада банд. Ижтимоий инфраструктура фаолиятининг самарадорлиги аҳолининг уй-жой билан таъминланиши ва қурилиши билан чамбарchas боғлиқ. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги давлат Даствури доирасида 2009 йилдан қишлоқ жойларда қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар жой массивлари комплекс қурила бошланди. Якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи – назаридан бошқатдан кўриб чиқиб, ажратилган ер участкалари ҳажмини тўрт

сотих ўрнига олти сотих қилиб белгиланди. Натижада, 2010 йилда республикадаги 159 та қишлоқ туманида замонавий 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди ва аҳолига топширилди. Мазкур ишлар самараси, аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиши, уй-жой билан таъминланиш даражасининг ортишига олиб келмоқда. Жумладан, 1990 йилда аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси бир кишига 12,1 метр кв бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 15,2 метр квни ташкил этди. Ўз навбатида, 77,4 фоизга яқин оиласалар алоҳида уйларда ва коттежларда яшашмоқда.

Таълим тизими ижтимоий инфраструктуранинг муҳим бўғинларидан бири бўлиб, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийиб 1 минг 500 та касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникиси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди. Шунингдек, республика бўйича 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига teng спорт инвентарлари ва ускуналари жойларга етказиб берилди. Булар барчаси, ўсиб келаётган ёш авлодни хар томонлама етук, соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ҳамда “Таълим тўғрисида” ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил қилиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус таълимни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умумиллий дастури тўғрисида”ги ва бошقا қарорларининг амалга оширилиши натижасидир. Мазкур қарорларга биноан республикада умумий таълим олиш муддати 1990 йилда 13,7 йилдан 2010 йилда 15,6 йилга узайтирилди. 1-9 синфлардаги ўқувчилар миқдори 1990 йилда 4053,0 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 4676,1 мингтага етди. Битта ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар миқдори ушбу даврда 13 тадан

11 тага ўзгарди. Ўқувчиларни мактаб таълими билан қамраб олиш даражаси мамлакат бўйича 99,3 фоизга тенгдир.

Ўрта умумтаълим мактабларида ўз она тилимиздан ташқари яна 7 та тилда дарс берилади. Масалан, 806 та мактабда рус тили, 394 та мактабда қорақалпоқ тили, 483 мактабда қозоқ тили, 238 та мактабда тожик тили, 61 та мактабда қирғиз, 46 та мактабда туркман тилида дарс берилади. Давлат умумиллий дастури доирасида республикада аксарият мактаблар реконструкция қилинди, янги жиҳозлар билан таъминланди. Янгидан-янги касб-хунар коллежлари барпо этилди. Ҳозирда мамлакат бўйича 1539 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 1623,1 мингта (2010 й) ёшлар таълим олишмоқда.

Умумтаълим дастурига биноан ўрта маҳсус билим ва касб-хунар таълимидан сўнг олий мутахассислик таълими тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади ва у, икки босқичдан, яъни бакалавриат ва магистратура босқичидан иборат ҳолда ташкил этилган. Бугунги кунда республика бўйича 66 та олий ўқув юрти фаолият юритади. Шунингдек, дунёнинг ривожланган давлатлари Олий ўқув юртларининг мамлакатимиздаги филиаллари ҳам (Россия, Италия, Англия, Сингапур) республика ёшларига таълим бермоқда.

Ижтимоий инфраструктурада таълим сингари соғлиқни сақлаш соҳаси муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ушбу соҳада сифат ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу соҳани ислоҳ қилиш натижасида, сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шакллантирилди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000-2011 йилларда 2 баробарга кўпайди ва 3 минг 208 тага етди. Барча вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Амбулатория поликлиникалар сони 1990 йилда 3139 та бўлган бўлса, 2010

йилда 5886 тага кўпайди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар натижасида, аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишнинг умумий даражаси анча пасайди. Бунга, республикада тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифати, фармацевтика соҳасидаги ривожланиш, тиббиёт муассасаларининг марказлари ташкил этилиши ва ривожлантирилишига қаратилаётган эътибор сабаб бўлмоқда, десак муболага бўлмайди. Барча кўрилган ижтимоий инфраструктура тизимидағи аҳолини тоза ичимлик суви, энергия манбалари билан таъминлаш, ижтимоий соҳа обьектларини барпо этиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиласди.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Инфраструктура нима ва у қайси тармоқларни ўз ичига олади?
2. Узлуксиз таълим нечта босқичдан иборат?
3. Мустақиллик йилларида темир йўл тизимидағи ислоҳотлар ва ундаги энг катта ўзгаришлар?
4. Ўзбекистон қувур транспорти орқали қайси давлатлар билан боғланган?
5. Навоий Халқаро логистика маркази тўғрисида нималар биласиз?
6. Тиббиёт, таълим соҳасидаги ютуқлар ва унинг ривожланиши?
7. Ўзбекистонда қайси давлатларнинг таълим масканлари фаолият юритади?
8. Аҳолининг, ичимлик суви, газ ва электр энергия билан таъминланиши қандай даражада ва унинг регионал фарқлари?
9. Навоий шаҳри аэропортидан дунёнинг қайси мамлакатларига рейслар ташкил этилган?
10. Мустақиллик йилларида ишга туширилган янги темир йўл линиялари ҳақида нималар биласиз?

3. Ташқи иқтисодий алоқалари географияси

Дунё хўжалигининг замонавий кўринишида ташқи иқтисодий алоқаларнинг тезлик билан ривожланиши, ЯИМда ўсиш юқори бўлган давлатларнинг ташқи савдода фаол иштироки кузатилмоқда. Охирги йилларда халқаро савдода товарлар 10 бараварга кўпайди, ҳолбуки дунё ЯИМда ўсиш 4 мартани ташкил этди. Халқаро меҳнат тақсимотига барча давлатлар жалб этилган, кўпгина давлатлар товар маҳсулотининг экспорти ҳисобига ўзининг даромадларини ошириб бормоқда. Буларни “иқтисодиёти очик” мамлакатлар, деб номлашмоқда. Мазкур давлатлар асосан Ғарбий

Европа, Хорижий Осиё, Шимолий Америка миңтақаси давлатларири. Лотин Америкаси, Африка, Австралия ва Океания давлатларига дунё савдо ҳажмининг 10 фоизи ҳам тўғри келмайди. МДҲ давлатларида бу қўрсаткич 2 фоиздан ошмайди.

Ташқи савдо айланмасида АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия ва Франция етакчилик қилаётган бир вақтда, охирги йилларда ўтиш иқтисодиётини бошидан ўтказаётган давлатларинг жаҳон савдосида улуши кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Бу эса, ушбу гурӯҳ давлатларининг жаҳон хўжалигида тобора интеграциялашуви, давлатлараро иқтисодий-ижтимоий алоқалар, савдо, ишлаб чиқариш, фан-техника ва бошқа соҳаларда алоқаларнинг ўрнатилиши билан чамбарчас боғлиқ. Охирги 20 йилда иқтисодиёти ривожланаётган, ўтиш босқичини бошидан ўтаётган давлатларнинг дунё бозорида экспорт ҳажми 10 баробарга кўпайди ва жаҳон экспорт ҳажмининг 6 фоизини ташкил этди. Ўзбекистон бу борада муваффақиятли иштирок этиш, сифатли товарлар ишлаб чиқариш ва уни бозорга тақдим этиш ҳамда жиддий ўринлардан бирини эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Дунёда сўнгги 10 йилда халқаро савдода маҳсулотларнинг таркибида кескин ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало хом-ашё маҳсулотларига бўлган талабнинг камайиши ва тайёр буюмларга бўлган талабнинг ортишида намоён бўляпти. Жумладан, ўтган асрнинг 60 йиларида халқаро савдонинг ярмидан кўпини хом ашё, ёқилғи, ва ярим фабрикатлар эгаллаган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг салмоғи $\frac{1}{4}$ га teng бўлган ҳолда тушиб боряпти. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар миқдори ва унга талаб ўсмоқда.

Саноат жиҳатдан ривожланган давлатлар экспортида машина ва жиҳозлар асосий ўриннни эгаллайди. Жумладан, АҚШ экспортининг ярмидан кўпи, Буюк Британия $\frac{1}{2}$, Япония $\frac{2}{3}$, Канада, Франция ва Италия экспортининг $\frac{2}{5}$ қисми айнан шу маҳсулот турларига тўғри келади. Ўзбекистон экспорти ҳажмида машина ва жиҳозлар 5,5 фоизни ташкил этади.

Дунё маҳсулотларига бўлаётган талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир вақтда, айниқса, унинг илм талаб ва лицензияланган маҳсулотларга эҳтиёжи тобора юқори бўлмоқда. Ҳолбуки, бугунги қунда лицензияланган маҳсулотлар жаҳон савдо айланмасида энг тез алмашинаётган маҳсулотлар сирасига киради. Илм талаб маҳсулотларни экспорт қилаётган давлатларга АҚШ, Германия ва Япония мисол бўлади. Шу билан бирга, ривожланаётган давлатлар халқаро савдода бу маҳсулот тури бўйича энг фаол иштирокчи сифатида қатнашишмоқда. Улар жаҳон бозорида нафақат истеъмолчи, балки янги технологияларни етказиб берувчи сифатида ҳам намоён бўлишмоқда. Ўзбекистон экспортида ҳозирча бундай маҳсулотларнинг улуши жуда кичик. Халқаро савдода илм талаб маҳсулотларнинг экспортида Россиянинг ҳиссаси 0,3 фоиз, Хитойники 6 фоиз, деб баҳоланмоқда.

Дунё экспорти хизматлар ҳажмининг ярмидан қўпини халқаро туризм (1/3) ва транспорт хизматлари (1/5) ташкил этади. Халқаро савдода хизматлар бўйича АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония ва Франция етакчилик қилишади. Жаҳон савдосини бошқариш ва либераллаштиришда Бутунжаҳон савдо ташкилоти муҳим роль ўйнайди. Бутунжаҳон савдо ташкилоти умум тамойил ва қоидалар асосида халқаро савдони амалга оширувчи кўп тамонлама халқаро, давлатлараро келишувлар асосида иш олиб борадиган тизим. 2006 йилда бу ташкилотга 149 та давлат аъзо бўлиб кирди, 20 дан ортиқ давлатлар шу жумладан, Ўзбекистон ҳам унга аъзо бўлиб киришнинг турли босқичларида турибди.


Жаҳон хўжалигининг интернационализациялашуви ташқи иқтисодий алоқаларнинг регионлаштиришга олиб келмоқда. Охирги 10 йилликдаги интеграция жараёнлари регионлар даражасида давлатларнинг турли иқтисодий бирлашмалари шаклланишига сабаб бўлди. Буларнинг пайдо бўлиши хилма-хил иқтисодий, сиёсий ва тарихий характерга эга шартшароитлар билан белгиланади. Ҳозирги пайтда мазкур регионал гурӯхлар миқёсида жаҳон савдо ва хизматларнинг 60 фоиздан кўпи амалга оширилмоқда. Мазкур ташкилотларга мисол қилиб Осиё-Тинч океан

иқтисодий ҳамкорлиги, Европа иттифоқи, Шимолий Америка савдо зонаси ва МДҲ давлатларини келтириш мумкин. Булардан МДҲ давлатлари билан Ўзбекистоннинг интеграция алоқалари нисбатан кучли десак, муболага бўлмайди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг янги жиҳатлари. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви турли давлатлар билан интеграциялашувига жаҳон хамжамиятига танилишига сабаб бўлди. Ҳозирда Ўзбекистон 120 га яқин давлат билан дипломатик муносабатларга эга, бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол иш олиб боради. 4000 га яқин хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар республикамиз худудида фаолият юритмоқда. Республиkaning халқаро меҳнат тақсимотида иштироки аввало унинг табиий географик хусусиятлари, маданий, тарихий шарт-шароити, қатор имконият ва салоҳияти билан чамбарчас боғланган.

Бугунги кунда халқаро меҳнат тақсимотида ташқи алоқаларни кенгайтириш учун мамлакатимизда барча имконият ва шароитлар мавжуд. Шу боисдан, Ўзбекистон яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада яратилаётган турли-туман маҳсулотлар жаҳон бозорига чиқариляпти. Импорт ҳажми экспорт ҳажмидан кам бўлмоқда, ташқи савдо айланмаси ижобий фойда билан якунланмоқда. Жумладан, 1990 йилда республика ташқи савдо айланмаси 805,6 млн долларни, шундан экспорт 442,7 млн доллар, импорт эса 362,9 млн долларга teng, ташқи савдодан қолган қолдиқ ижобий 80 млн доллар бўлган бўлса, 2010 йилда ёки ўтган 20 йил давомида ташқи савдо айланмасида 27,1 марта, шундан экспорт ҳажми 29,5; импорт эса 24,2 баробарга ўсиш кузатилди. 2010 йилга келиб ташқи савдо айланмасининг ҳажми 21842,2 млн АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги мураккаб шароитда, дунё давлатлари билан жаҳон бозорида алоқалар ўрнатиш, экспорт ҳажмини ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ислоҳ қилиш энг муҳим вазифалардандир. Ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш республика иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ўстириш

кафолатларидан биридир. Шу боисдан, бугунги кунда Ўзбекистон 65 дан ортиқ йирик халқаро ташкилотлар, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Европа тараққиёт ва тикланиш банк (ЕТТБ) лари билан алоқа ўрнатган. Ташқи савдода ҳамкорлик олиб бораётган давлатлар рўйхати йилдан-йилга



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси

кенгайиб боряпти. Улар орасида АҚШ, Корея Республикаси, Буюк Британия, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Белгия, Италия, Таиланд, Франция, Германия, Россия каби дунёнинг ривожланган давлатлари муносиб ўрин олган.

Ташқи савдо айланмасининг 56,9 фоизи Узок шарқ давлатларига, 43,1 фоизи (2010 й) МДҲ давлатларига тўғри келади. Булардан, хусусан, 24,3 фоизи Россияга, 10,4 фоизи Қозогистонга, 8,7 фоизи Хитойга, 4,8 фоизи Туркияга, 2,5 фоизи Украинага, 2,3 фоизи Германияга ва қолгани бошқа давлатларга тегишлидир. Охирги йилларда МДҲ давлатларидан Озарбайжон ва Туркманистон билан бўладиган савдо алоқалари кучайди. Европа мамлакатларидан Франция, Италия давлатлари билан бўлган савдо алоқасида ўсиш кузатилди. Умуман олганда, республика ташқи савдосининг 59,6 фоизи Европага, 37,3 фоизи Осиёга, атига, 3,1 фоизи Америка, Африка, Австралия ва Океания давлатларига мансуб.

Ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт таркиби ўзгарди, яъни илгарилари ташқарига кўпроқ хом ашё олиб чиқилган ва тайёр буюмлар, хусусан истеъмол маҳсулотлари олиб келтирилган бўлса, ҳозирда тайёр буюмлар экспорт қилувчи давлатга айланди. Дунёдаги машхур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистоннинг йирик ҳамкорларига айланди.

31-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо тузилиши (млн. АҚШ долл.)

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ташқи савдо айланмаси	805,6	6212,1	21842,2
Экспорт	442,7	3264,7	13044,5
Импорт	362,9	2947,4	8799,7
Сальдо (+,-)	79,8	317,3	4244,8

Манба: Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. С.58.

Ташқи савдо айланмаси: экспорт-импорт. Ўзбекистон мустақилликка эришуви билан унинг жаҳон хамжамиятида интеграциялашуви учун барча шароитлар яратилиб, қўшма корхоналар фаолиятидаги ижобий натижалар иқтисодий ўсишни таъминлай бошлади. Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми ортди. Экспортда кўп йиллар давомида пахта асосий ўринни эгаллаб келган бўлса, ҳозирда пахтадан ташқари қатор маҳсулотлар, яъни машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, рангли метал ва қора металлар, минерал хом-ашё, ўғит, пилла, ўсимлик мойи, энергия манбалари, нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар улуши ортиб боряпти. Жумладан, 1990-2010 йилларда пахтанинг мамлакат экспортидаги улуши 59,7 фоиздан 11,3 фоизга тушди. Экспорт таркибида хом ашё бўлмаган


маҳсулотлар салмоғи мазкур давр оралиғида 30 фоиздан 70 фоизга күтарилди. Енгил автомобилларни экспорт қилиш охирги 10 йилда 7,6; ип-газлама 4,7; трикотаж маҳсулотлари 156,0; цемент 6,3; сабзавот ва мевалар 14,1 мартаға орди.

Экспорт маҳсулотида хизматларнинг салмоғи 1990-2010 йилларда 1,3 фоиздан 9,1 фоизга етган ҳолда ўз ичига ҳар-хил транспорт турлари, хизматларни олади. Бундан ташқари, машина – жиҳозларни қайта ишлаш, монтаж қилиш, таъмирдан чиқариш, фойдаланиш ва ижарага бериш, суғурта, реклама, архитектура ва муҳандислик хизматлари ҳамда туризм ҳам хизматлар сирасига киради.

Экспортда энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг асосий қисми яқин хориж мамлакатларига экспорт қилинади. Мазкур маҳсулот турларининг жами экспортдаги улуши 24,8 фоизни ташкил этади ва 1990 йилга нисбатан 1,4 баробарга кўпайди. Худди шундай ўсиш жараёни қора ва рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлардан ҳам кузатилади. Жумладан, мазкур маҳсулот турларининг экспорти 1990-2010 йилларда 4,6 фоиздан 6,8 фоизга күтарилди. Машина ва жиҳозларнинг ушбу кўрилаётган йилларда умум экспортдаги улуши 1,7 фоиздан 5,5 фоизга, хизматларники 1,3 фоиздан 9,1 фоизга ва бошқа маҳсулот турлари экспорт ҳажмида 9,4 фоиздан 27,7 фоизга ўсди (3-расмга қаранг). Экспортда бошқа маҳсулот турлари қаторида кўнчилик маҳсулотлари, керамика, шиша буюмлар, мебель, қурилиш моллари асосий ўринда туради. Ташқи савдода турли корхоналар, бирлашмалар, фирмаларнинг жаҳон бозорига мустақил чиқиши экспорт маҳсулотлари ҳажмида ўсишига олиб келмоқда. Ташқи савдода экспорт маҳсулотларидан фарқли равишда импорт маҳсулотларининг айримлари йилдан-йилга камайиб борди. Республиқада импорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида ишлаб чиқариш техник аҳамиятидаги маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, материаллар кўчиликни ташкил этади. Чунки, мазкур маҳсулотлар

республикада ишлаб чиқарилмайди ва улар товар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, технологик жараёнларда фойдаланиладиган товарлар ҳисобланади.


ЭКСПОРТ



3-расм. Ўзбекистон Республикаси экспорт маҳсулотлари таркибидаги ўзгаришлар (1990-2010 йй.; %)

Импорт маҳсулотлари таркибида машина ва жиҳозларнинг жами импортдаги улуши 12,1 фоиздан 44,1 фоизга кўтарилди, аксинча, озиқ овқат маҳсулотлари импорти кескин камайди, яъни уларнинг салмоғи 48,9 фоиздан 10,9 фоизга кисқарди (4-расм). Шунингдек, импортда энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари 3,1 фоиздан 6,0 фоизга кўпайди (3-расмга қаранг). Аксинча, қора ва рангли металлар ва бошқа маҳсулот турларида ҳам камайиш кузатилди. Худди экспортдаги сингари импортда ҳам хизматларнинг салмоғи ортиб бормоқда, 2010 йилда умум импорт маҳсулотида хизматларнинг ҳиссаси 4,7 фоизни ташкил этди. Умуман олганда республика импорт маҳсулотларининг ярмига яқинини машина ва жиҳозлар ташкил этаётганлиги аҳоли ва хўжаликнинг айнан мана шу маҳсулот турларига бўлган талаби юқори эканлигини ва ўз навбатида келгусида ўзимизда мазкур маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тобора янада кенгроқ йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатади.

ИМПОРТ



4-расм. Ўзбекистон Республикаси импорт маҳсулотлари таркибидаги ўзгаришлар (1990-2010 йй.; %)

Ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи савдода чет мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш энг самарали йўллардан биридир. Ўзбекистондаги ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташқи савдо айланмасида четдан машина ва жиҳозлар, бутловчи қисмлар кўплаб олиб келиши натижасида, импорт маҳсулотларининг улуши ортиб боради.

Ташқи савдо айланмасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг салмоғи юқори. Биргина Тошкент шаҳри мамлакат умумташқи савдо айланмасининг 42,1 фоизини, Тошкент вилояти эса 13,2 фоизини ўзига камраб олган. Шунингдек, Андижон (9,6 %), Фарғона (4,2 %) ва Навоий (4,2 %) вилоятлари ҳам бу борада етакчи ҳисобланади. Аксинча, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари ташқи савдода кам иштирок этишмоқда. Республика вилоятлари ташқи савдосида Узок хориж давлатлари, МДҲ давлатлари алоҳида ўрин тутади. Охирги йилларда МДҲ давлатлари билан бўлаётган алоқалар янада кучайиб бормоқда. Бу савдо алоқалари товар етказиб бериш, сув – энергетика ресурсларидан биргаликда

фойдаланиш, транспорт, коммуникация ва бошқа турли соҳалардаги ҳамкорликка таянилмоқда.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ташқи иқтисодий алоқалар географияси ва унинг иқтисодиётга таъсири қандай баҳоланади.
2. Глобализация нима ва унинг география фани ривожланишидаги рольи?
3. Ташқи савдо ва унинг турлари?
4. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг минтақавий таркиби?
5. Республика ташқи иқтисодий айланмаси ва унинг динамикасидаги ўзгаришлар?
6. Иқтисодий интеграция жарабёнлари ва унинг географияси?
7. Ташқи савдода вилоятларнинг тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?
8. Импорт маҳсулотлар таркибини асосан қандай маҳсулотлар ташкил этади?
9. Экспортга чиқарилётган маҳсулотлар ва уларнинг турлари?
10. Мустақиллик йилларида ташкил этилган қўшма корхоналар ва уларнинг фаолияти нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 бет.
2. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
3. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
4. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди.-Т.: Ўзбекистон, 2011. 48 б.
5. Ахмедов Э. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома.-Т.: Ўзбекистон, 2006.-384 б.
6. Голубчик М.М., Файбусович Э.Л., Носонов А.М., Макар С.В. Экономическая и социальная география: Основы науки: Учеб.для студ. Высш.учеб.заведений.-М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. -400с.
7. Максаковский В. П. Географическая карта мира. Ч. Т. Общая характеристика мира. Ярославль, 1993.
8. Максаковский В. П. Общая экономическая и социальная география. Курс лекций. В двух частях. Часть.- Гуманитар. Изд. Цент ВЛАДОС, 2009.-367
9. Солиев А.С., Ахмедов Э.А, ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт.-Тошкент:Университет,-2003й.
10. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – 280 б.
11. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
12. www.uza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
13. www.ceer.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий марказий расмий сайти.
14. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 2011. 229 с.

4.4. Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлари ва йирик табиий-иқтисодий минтақалари

Режа:

1. Иқтисодий районлаштириш минтақалар ривожланишини бошқаришнинг муҳим шакли сифатида
2. Республикани иқтисодий районлаштириш
3. Ўзбекистон иқтисодий районларининг ўзига хос хусусиятлари

1. Иқтисодий районлаштириш минтақалар ривожланишини бошқаришнинг муҳим шакли сифатида

Иқтисодий район (**латинчада «гејіо» регион-мамлакат, ўлка, вилоят**)-бу мамлакатнинг бир қисми бўлиб, унинг ичидағи барча иқтисодий обьектлар бевосита ёки билвосита ихтисослашувнинг бирон бир функциясини бажаради.

А.С.Солиев район ҳам ҳудуд, аммо ҳудуднинг маълум бир ўхшашликларга эга бўлган муайян бир қисмидир. Табиий географияда район турли компонентларнинг мажмуаси шаклида вужудга келган ландшафт типи, иқтисодий ва ижтимоий географияда эса у ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида шаклланган, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳа ёки ўйналишларига ихтисослашган аниқ ҳудуддир, деб таърифлайди (Солиев А.С., 2007).

Н.Н.Колосовскийнинг фикрича, районлаштириш назариясини ривожлантириб, унинг фундаментал аҳамияти, ҳар бир фаннинг энг мураккаб томони унинг маъзмун моҳиятини ифодалайдиган тушунчасини очиб беришдир. Математикада масалан, сонлар хақидаги таълимот. Физикада материя ва энергия хақидаги таълимот, биологияда хужайра, географияда эса район хақидаги таълимотдир (Плисецкого Е.Л., 2008).

Районлаштириш жамиятни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва миллий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида ажратилади ва унда албатта ички бир бутунлилик тамойили мухим ўрин тутади. Иқтисодий районлаштириш-мамлакат ҳудудларини иқтисодий районларга ажратишдир. Бу ўз навбатида, минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда бошқаришнинг мухим бир воситаси ва асоси ҳисобланади.

Районларни ажратиш мураккаб, районлаштиришнинг оддий ва мураккаб шакллари мавжуд. Масалан, мамлакат ҳудудини турли географик томонлар билан номлаш (Марказий, Гарбий, Шарқий, Жанубий, Шимолий ва уларнинг оралиқлари Шимолий-шарқий, Жануби-шарқий, Шимоли-гарбий, Жануби-гарбий) ёки алоҳида ороллар, ярим ороллар, анклав ва эксклав ҳудудларни тўғридан-тўғри иқтисодий район мақомида кўриш районлаштиришда унча қийин эмас. Ҳақиқий районлаштириш алоҳида, районлар чегарасини аниқлаш эса иқтисодий маконни унинг ички тузилиш (таркиб) хусусияти, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва мужассамлашуви, комбинацияси, район ҳосил қилувчи марказларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ажратилади (Солиев А.С., 2007).

Районлаштириш минтақавий, мақсадли дастурларни амалга оширишда, минтақавий сиёsat масалаларида, моддий ишлаб чиқариш, ёқилғи-энергетика ва бошқа соҳаларда муаммоларни ҳал этишда мухим ўрин тутади. Шунингдек, районлаштиришда қуйидаги район ҳосил қилувчи омилларга, яъни район таркибига кирган ҳудудлар мамлакат миллий иқтисодиётининг бир қисми сифатида уни тараққиётида фаол иштирок этиши, улкан меҳнат ва демографик салоҳиятга эга бўлиши, бир бутунлилик тамойилига амал қилиши, район ҳосил қилувчи тармоқларнинг мавжудлиги, иқтисодиётнинг баъзавий тармоқларининг ривожланганлиги, транспорт ва бошқа инфраструктура тизимининг шаклланганлиги ва ҳакозоларга алоҳида эътибор қаратилади.

Қайсики, меҳнат тақсимотидаги жиддий ўзгаришлар, йирик масштабдаги янги фойдали қазилма конларининг топилиши ва ишга

солиниши ҳамда бошқа худудий силжишлар районлар чегарасининг ўзгаришига ёки уни қайта кўриб чиқишга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, Ғузор – Бойсун - Қумкўрғон темир йўлининг қурилиши билан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари Жанубий иқтисодий район таркиби сифатида кўрила бошланди. Аммо, мустақиллик йилларида ички худудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий ва минтақавий интеграция жараёнлари, янгидан янги конларнинг ишга тушиши ва унинг негизида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, транспорт тизимидағи ислоҳотлар республикани иқтисодий районлаштиришда яна ўзгаришлар рўй беришидан далолат беради.

2. Республикани иқтисодий районлаштириш

Ўзбекистонни районлаштириш тарихи 1926 йилга бориб тақалади. Ўша вақтда республика маъмурий-иктисодий районлаштирилиб 10 та округларга ажратилган. Кейинчалик, ушбу маъмурий-худудий бўлинишда яна ўзгаришлар рўй берган. “1930 йилда Ўзбекистон пойтахти Самарқанд шаҳридан Тошкентга кўчирилган, 1936 йилда Қорақалпоғистон МССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилган, 1938 йилда республика таркибида 5 та вилоят - Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ташкил этилган; 1941 йилда Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, 1943 йилда Қашқадарё вилояти, 1963 йилда Сирдарё вилояти, 1973 йилда Жizzах вилояти ва 1982 йилда Навоий вилояти ташкил этилди”(Асанов Г ва бошқалар., 1994).

Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш масалалари билан кўп йилларда З.А.Акрамов, К.Н.Бедринцев, В.М.Четиркин, Н.Г.Цапенко, А.С.Солиев, Н.Тўхлиев каби қатор географ, иқтисодчи олимлар шуғулланишган. Жумладан, республика даставвал 5 та иқтисодий районга бўлинган: Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Қуи Амударё ва Жанубий. Кейинчалик, З.А. Акрамов мамлакатни 8 та иқтисодий районга ажратишни таклиф этганлар, унда Тошкент иқтисодий райони (Тошкент вилояти), Мирзачўл райони (Сирдарё ва Жizzах вилоятлари), Фарғона райони

(Андижон, Наманган, Фарғона), Самарқанд (Самарқанд вилояти), Бухоро-Қизилқум райони (Бухоро ва Навоий вилоятлари), Қашқадарё райони (Қашқадарё вилояти), Сурхондарё райони (Сурхондарё вилояти) ҳамда Қўйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) районидан иборат бўлган.

32-жадвал

Ўзбекистон Республикаси маъмурий –худудий бўлиниши, 2012 йил

Маъмурий – худудий бирликлар	Худуд майдони, минг кв.км.	Аҳолиси, минг киши	Туманлар	Шахар посёлкалари	Қишлоқ фуқаролик йигинлари	Қишлоқ аҳоли пунктлари
Ўзбекистон Республикаси	448,9	29 559,1	158	985	1844	11154,0
Қорақалпоғистон Республикаси	166,6	1 693,6	14	26	138	1130,0
Андижон	4,3	2 714,2	14	78	90	456,0
Бухоро	40,3	1 707,6	11	62	120	1470,0
Жizzах	21,2	1 186,1	12	42	100	519,0
Навоий	111,0	881,7	8	38	54	594,0
Наманган	7,4	2 420,4	11	120	91	403,0
Самарқанд	16,8	3 327,2	14	88	125	1865,0
Сирдарё	4,2	739,3	8	21	71	264,0
Сурхондарё	20,1	2 219,6	13	114	112	865,0
Тошкент	15,3	2 670,7	14	18	167	963,0
Фарғона	6,8	3 281,3	15	197	164	1020,0
Хоразм	6,1	1 629,2	10	58	98	559,0
Қашқадарё	28,6	2 777,8	13	123	148	1046,0
Тошкент шаҳри	-	2 310,4	1	-	-	-

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
асосида тузилган*

Бундан фарқли равишда, А.С.Солиев “мамлакатни 6 та иқтисодий районларга ажратишни таклиф қилган (Солиев А.С., 1998). Унда келтиришича, иқтисодий районларнинг бундай тўри ва таркиби, уларнинг ҳақиқий шаклланганлик даражаси, хуқуқий мақоми ҳақида баҳс ва мунозаралар, эътиrozлар бўлиши мумкин. Масалан, белгиланган районлар давлатнинг тегишли вазирликлари (Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси) томонидан расмий равишда тан олинмаган. Боз устига, бу

районлар ҳозирча яхлит ва мукаммал бозор муҳити, иқтисодиёт макон хусусиятга эга эмас. Уларда ички иқтисодий алоқалар, интеграцион жараёнлар ривожланмаган, ҳар бир вилоят (маъмурий иқтисодий район), уларга берилган кенг имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, ўзларининг маълум даражада «мустақил» иқтисодий салоҳиятини вужудга келтирмоқда” (Солиев А.С., 2007).

Н.Тўхлиев иқтисодчи олимларнинг фикрларининг умумлаштирган ҳолда республикани 6 та иқтисодий районга бўлишни таклиф этади (Тўхлиев Н., 2006). Ҳозиргacha ҳам, республикани иқтисодий районларга ажратиш бўйича олимлар ўртасида ягона ёндошув мавжуд эмас. Чунки, иқтисодчи олимлар Ўзбекистонни иқтисодий районлаштиришда юқоридаги 6 та районлаштириш тизимидан ташқари, яна қуйидаги таснифни маъқул, деб ҳисоблашмоқда. Бунга кўра, республика 7 та иқтисодий районга бўлиб ўрганилади, яъни:

1. Тошкент иқтисодий райони;
2. Жиззах-Сирдарё иқтисодий райони;
3. Фарғона иқтисодий райони;
4. Самарқанд-Қашқадарё иқтисодий райони;
5. Бухоро-Навоий иқтисодий райони;
6. Қўйи Амударё иқтисодий райони;
7. Сурхондарё иқтисодий райони.

Ушбу районлаштиришдан фарқли равиша, географ олим А.С.Солиев Ўзбекистонни қуйидагicha 6 та иқтисодий районга ажратади. Улар қуйидагicha:

1. Тошкент (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти);
2. Фарғона (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари);
3. Зарафшон (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари);
4. Мирзачўл (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари);
5. Жанубий (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари);
6. Қўйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

Биз республикани иқтисодий районлаштиришни айнан шу тахлитда беришни лозим кўрдик.

3. Ўзбекистон иқтисодий районларининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси маъмурий – худудий жиҳатдан ҳозирда 6 та иқтисодий район, 12 та вилоят, битта республика ва 158 та туман, 985 та шаҳар посёлкалари, 11154,0 та кишлоқлардан иборат (32-жадвал). Иқтисодий районлар ичida **Тошкент иқтисодий райони**-республикада энг ривожланган худудларни ўз ичига олган бўлиб, унинг таркибига Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри киради. Умумий майдони 15,6 минг км., кв., аҳолиси 4981,1 минг киши, зичлиги 1 км., кв жойга 319,3 кишидан (2012 й) иборат. Бу жиҳатдан, яъни аҳолисининг кўплиги, зич жойлашганлиги, қулай иқтисодий географик ўринни эгаллаши, пойтахт минтақаси эканлиги билан иқтисодий район бошқа районларга нисбатан яққол ажралиб туради.

Тошкент иқтисодий райони Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий қисмida, Фарбий Тяншань тоғлари билан Сирдарёning ўрта оқими оралиғида жойлашган. Шунингдек, унинг майдони Фарғона водийси, Мирзачўл ва Жанубий Қозогистон (Чимкент вилояти) текисликлари оралиғидаги худудларни эгаллайди. Иқтисодий районни шимолий ва шимоли-шарқий томондан Пском, Угом, Чотқол, Қурама тизмалари ўраб туради. Бу тоғларнинг энг баланд жойи Пском тизмасидаги Бештор тоғидир (4299 м). Табиий ресурсларга бой, табиий шароитига кўра икки қисмдан иборат, яъни текислик ва тоғ қисми. Текислик қисми тоғ олди районларидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилган, Чирчик-Оҳангарон дарёларининг водийсини эгаллаган ҳолда, дengiz сатҳидан 250-450 метр баландликка тўғри келади. Бу ерда совуқсиз кунлар 200 ва ундан хам қўпроқ давом этади, вегетация даврида қуёшдан келадиган иссиқлик микдори 4100-4500 градусга етади. Ёғин микдори тоғ олдида 350-400 мм, тоғларда 500 мм гача тушади.

Иқтисодий районнинг сув ресурслари Чирчик дарёсига қурилган Чорвок сув омбори, майдони 40 км.кв. умумий сув ҳажми 1,5 млрд метр куб ҳамда

Оҳангарон дарёсига қурилган Туюбўғиз сув омборида 250 млн метр куб сув тўпланади. Чирчик дарёси ва унинг ирмоқлари минтақа аҳолиси ва хўжалигининг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Табиий ресурсларлардан кўмир, қора ва рангли металлар, қурилиш материаллари, қимматбаҳо металларга бойлиги ҳам минтақани республикада ривожланган саноат районига айланишига сабаб бўлган.

Тошкент иқтисодий райони ташкил этилишида унинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари муҳим ўрин тутади. Иқтисодий район республикада саноат тармоқлари таркибининг хилма-хиллиги ва унинг тараққий этганлиги ҳамда йирик хом-ашё базасига эга эканлиги билан кўзга ташланади. Жумладан, Тошкент иқтисодий районида машинасозлик, қора ва рангли металлургия, химия, ёқилғи энергетика, қурилиш, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари ривожланган бўлиб, минтақага республика саноат маҳсулоти ҳажмининг 27,6 фоизи, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 13,1 фоизи, асосий қурилиш ишларининг 27,8 фоизи тўғри келади.

Иқтисодий районда Ўзбекистонинг йирик саноат корхоналари, жойлашган бўлиб, булардан “BEKTEMIR SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI XJ” этил спирти, озиқ-овқат спирти ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, “COCA-COLA ICHIMLIGI UZBEKISTON, LTD KK” алкогольсиз ичимликлар, “QUYUV-MEXANIKA ZAVODI SHK” темир йўл вагонларига эҳтиёт қисмлар, темир йўл юқ вагонларини таъмирлаш, “ДОЙЧЕ КАБЕЛЬ АГ ТАШКЕНТ KK” электр асбобларига комплект учун провод ва шнурлар, шаҳар телефон алоқа кабели, уланган изоляциясиз ўтказгичлар, “TTZ-Metall KK” тракторларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, трактор прицеплари, трактор прицеплари учун деталлар, “UZ CLAAS AGRO XH” тракторлар, дон йиғадиган машиналар, йиғиб пресслагич, “TOSHKENT TRAKTOR ZAVODI XJ” автомобил ташиш учун ярим прицеплар, тракторларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, тракторлар контейнерлар ташиш учун ярим прицеплар, экскаваторлар, трактор прицеплари, “UZKABEL KK” лак-бўёқ маҳсулотлари, ўрама проводлар ва эмальпроводлар, мебель, картон қутилар ишлаб

чиқаради. Бундан ташқари, "Олмалиқ ТМК" ОАЖ (мис маҳсулоти цинк маҳсулоти), "Трансформатор", "Чирчиқшишмаш", "Оҳангаронцемент", "Бекободцемент", "Ангрен кўмир кони" ва "Ўзметкомбинат" бирлашмалари иқтисодий район саноати ривожланишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Иқтисодий район машинасозлигига қишлоқ хўжалиги машиналари, хусусан, пахтачилик мажмуи билан боғлиқ тракторлар ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, кўплаб электротехника, кимё маҳсулотлари тайёрланишида юқорида номлари келтирилган корхоналарнинг муносиб ҳиссаси бор. Иқтисодий район хўжалигига саноат билан бирга қишлоқ хўжалиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотига кўра иқтисодий район республикада етакчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига донли экинлар, пахта, картошка, мева, сабзавот ва полиз экинларининг кўплаб экилиши боис ҳам ҳудуд ялпи маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 25 фоизни ташкил этади. Иқтисодий районнинг шимолий-шарқий қисмлари чорвачилик учун қулай бўлса, тоғ олди ерлари лалмикор дехқончилик қилиш учун Оҳангарон ва Чирчик дарёларининг водийлари суформа дехқончилик учун етарли шартшароитга эга.

Транспорт тармоқларининг барча тури яхши ривожланган, минтақа республикада муҳим транспорт тугуни вазифасини ҳам ўтайди. Чунки, у яқин ва узоқ хориж мамлакатларини ўзаро боғловчи темир ва автомобил йўллари марказида жойлашган. Иқтисодий район тараққиётида республика пойтахти Тошкент шаҳрининг алоҳида ўрни бор.

Тошкент шаҳри иқтисодий районнинг шимоли-шарқий қисмida, Чирчик дарёси водийсида, дengiz satxidan 440-480 metr balanlikda joylashgan bўlib, aholisi 2012 yil 1 yanvar maъlumotiga kўra, 2 310,4 ming kishiga etdi. Тошкент шаҳrida иқтисодий район aholisinинг 46,4 foizi, respublika aholisin Ning 7,8 foizi istiqomat қiladi. Maʼmurij-hududiy jihatdan 11 ta tumaniga bўlinadi. Шаҳар иқтисодий районда саноат, fан va madaniyat markazi, yirik қuriliش basasi, zich tansport tuguни va tarmoqi

шаклланган ҳамда тараққий этганилиги билан муносиб ўрин эгаллаға келмоқда.

Фарғона иқтисодий райони-маъмурий жиҳатдан ўз таркибиға Фарғона, Андижон ва Намангандарини олади. Майдони 18,5 минг кв. км ёки республика худудининг 4,1 фоизини эгаллайди, аҳолиси 8415,9 минг (2012 й) кишини ташкил этади. Умуммамлакат аҳолисининг 28,5 фоизини қамраб олган иқтисодий район аҳолисининг зич жойлашуви, жуда катта демографик салоҳиятга эгалиги, ер-сув ресурсларининг чекланганлиги билан республикада алоҳида ажралиб туради.

Иқтисодий географик ўрнига кўра иқтисодий район ҳамма томондан тоғ тизмалари, яъни Тяньшан ва Хисор-Олой тоғ тизимиға киравчи шимоли-ғарбдан Қурама ва Чотқол тизмалари, шимоли-шарқдан Фарғона тизмаси, жанубдан Туркистон ва Олой тизмалари билан ўралган. Иқтисодий район фойдали қазилмаларга унчалик бой эмас, бу ерда асосан нефть, рангдор метал рудалари учрайди холос. Сув ресурслари билан жуда яхши таъминланган, иқлими дехқончилик қилиш учун қулай, баланд тоғ минтақалари яйлов чорвачилигини ривожлантириш имконини берган. Аммо адир минтақасининг айрим ерлари дехқончилик қилишга имкон бермайди. Дехқончилик баҳорикор ва суғорма дехқончиликка таянади.

Иқтисодий район жуда катта демографик саоҳиятга эга худуд ҳисобланади. Бу ерда аҳолининг зичлиги 1 км кв жойга ўртача 454,9 (2012 й) кишидан тўғри келади. Унинг энг юқори даражаси Андижон вилоятида кузатилади, Фарғона ва Намангандан нисбатан зичлик даражаси камроқ. Аҳоли сони ва зичлиги асосан табиий кўпайиш ҳисобига йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса районда меҳнат ресурсларининг миқдори кўпайишига, иш билан таъминлашда муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Иқтисодий районнинг қулай табиий шароити, инсон ресурсларининг етарлилиги, ҳозирда иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлларини топиш лозимлигидан далолат беради. Иқтисодиётида саноат муҳим тармоқлардан бири бўлиб, республика ялпи саноат маҳсулотининг

22,1 фоизини беради. Саноатда айниқса, ёғилғи-энергетика, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат саноат корхоналари ҳамда мустақиллик даврида шаклланган автомобил саноати минтақа иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ёқилғи-энергетика саноатида “Фарғона нефтьни қайта ишлаш заводи” муҳим ўрин тутади. Бу завод фаолияти нефтьни бирламчи қайта ишлашга (йилига 7517 минг тн) йўналтирилгандир.

Машинасозликнинг кўплаб корхоналари ташкил этилди ва бугунги кунда уларда турли хил автомобилларга қисмлар, жиҳозлар тайёрланмоқда. Жумладан, Андижонда жойлашган "Уз Донг Вонг Компани" қўшма корхонаси ҳамда “УзДЭУ авто” – ҳозирги “GM Uzbekiston” қўшма корхонаси автомобиллар ва автомобил ички жиҳозлари, ўриндик ғилоплари ишлаб чиқаришга, Намангандаги Ўзбекистон-Корея "ЎЗ ЧАСИС" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида автомобил қисмлари, Фарғонада "Евразия Тапо-Диск" корхонаси автомобил дисклари, "Автоойна" акционерлик жамияти автомобил ойналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бундан ташқари, иқтисодий район саноатида енгил саноатнинг кўпгина корхоналари турли туман маҳсулотлар яратиб саноат тармоғи ривожланишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Фарғона иқтисодий районининг Ўзбекистон ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида улуши 25,6 фоизга teng (2010 й.). Қишлоқ хўжалигининг асосини дехқончилик, хусусан пахтачилик, пиллачилик, дончилик, боғдорчилик, мева, сабзавот, картошка етиштириш ташкил этади. Республика ялпи дехқончилик маҳсулотининг 28,8 фоизи, чорвачилик маҳсулотининг 20,8 фоизи, умумий ер майдонининг 7,1 фоизи (2010 й.) ушбу иқтисодий район ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми Андижонда (91,6 %), Наманган (81,9%) ва Фарғонада ҳам (95,1 %) сугорилиб дехқончилик қилинади.

Транспортида темир йўл, автомобил йўли ва ҳаво транспорти яхши йўлга қўйилган. Мустақиллик йилларида таъмирланиб, кенгайтирилиб ишга

тушган Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобил йўли иқтисодий районни республиканинг бошқа ҳудудлари билан боғлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зарафшон иқтисодий райони-Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларини ўз ичига олади. Иқтисодий район Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуий қисмини, қадимда унинг таъсирида вужудга келган хўжаликнинг ҳудудий тизимини ўз ичига олади. Районнинг умумий майдони 168,1 минг km^2 бўлиб, у мамлакат ҳудудининг 37,4 фоизини ташкил қиласи. Бу жиҳатдан у, фақат Қуий Амударё районидан бироз кичикроқ, холос. Аҳолиси 5916,5 минг киши (2012 й.) бўлиб, умумреспублика аҳолисининг 20,0 фоизи истиқомат қиласи. Бундан Самарқанд вилояти аҳолиси 3327,2 минг киши, Навоий вилоятини 881,7; Бухоро вилоятини эса 1707,6 минг кишидан иборат.

Аҳолисининг зичлиги иқтисодий район бўйича кв.км жойга ўртача, 35,2 кишидан тўғри келади. Ҳудуди шимолда Қозоғистон Республикаси, Нурота тизмалари, шимоли – шарқда Туркистон, шарқда ва жануби-шарқда Зарафшон тизмалари билан, давлатлардан яна жануби-ғарбда Туркманистон давлати билан чегарадош.

Иқтисодий район ер сирти хилма-хил катта қисми текисликлардан (Қизилкум, Қарноб чўли), водий ва адир ерлардан иборат. Табиий ресурслардан минерал ресурсларга бой, табиий газ заҳиралари, олтин, нодир металлар, тузлар, қурилиш материаллари, мармар, вольфрам конлари минтақа саноатини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Сув ресурсларига Зарафшон дарёси, Аму Бухоро, Аму Қоракўл каналлари, Қуйимозор, Каттакўрғон сув омборларини киритиш мумкин. Бухоро воҳаси кўпроқ Амударё сувлари билан суғорилади. Бироқ, бу ҳудуднинг ривожланишида Зарафшон дарёсининг аҳамияти катта бўлган; Бухоро дарёning қуий, Самарқанд эса дарёning юқори қисмида жойлашгандир.

Зарафшон иқтисодий райони Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 18-20, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 22-23 фоизини беради.

Мамлакат ички меҳнат тақсимотида район ҳосил қилувчи тармоқлар сифатида пахтачилик, қоракўлчилик, рангдор металлургия, халқаро туризм ва бошқалар хизмат қиласи. Шунингдек, бу ҳудудда пилла етиштириш, узумчилик, кимё ва нефть кимёси, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатлари ҳам ривожланиб бормоқда. Районни ғарбдан шарққа томон кесиб ўтувчи халқаро темир ва автомобиль йўллар, суғориш иншоотлари унинг иқтисодиётини шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Минтақа иқтисодиёти аграр - индустрисал йўналишга эга. Мустақиллик йилларида минтақа саноати, хусусан, ёқилғи, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш анча тез ривожланди, қулай инвестиция муҳити яратилди. Мамлакат нефть мустақиллигини таъминлашда Бухоро (Коровулбозор) нефтьни қайта ишлаш заводи муҳим ўрин тутмоқда. Бу корхона Франциянинг Текнеп фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилди ва бунинг учун 500 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфланди. Завод Қашқадарё нефть-газ конлари асосида ишлайди. Ёқилғини асосан Коровулбозор нефтьни қайта ишлаш заводи ва қисман “Газлинефтьгаз қазиб чиқариш” ширкат корхонаси беради. Саноатда машинасозлик ва металлни қайта ишлашда таъмирлаш механика заводи “Трубодеталь”; “Бухоросозтаъмир-сервис”, “НЭМ” таъмир механика заводи, "Самарқандлифтсозлик заводи; енгил ва озиқ-овқат саноатида “Бухоро бриллиант шилк”; “Ўзкарпет”, “Рамстар”, “Коракўлтекс”, «Самтекс», "Уз БАТ""Сино", "Сигаретная кўшма корхоналари, Когон, Каттақўргон ёғ - экстракция заводлари, шунингдек, Бухоро ёғ - экстракция заводи, “Евроснар” кўшма корхонаси, химияда "Самарқандкимё", “Навоийазот”, “Электрохимсаноат”, ёқилғи-энергетикада Хишров ГЭС, Навоий ИЭС, қурилишда “Қизилқумцемент”, “Қизилқум – Рус - Нур”, рангли металлургияда “Зарафшон-Ньюмонт” кўшма корхоналари ҳам етакчилик қиласи. Мамлакатимиз хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган суперфасфат заводи хом ашёси-фосфоритлар Навоий вилояти ҳудудида ишлаб чиқарилади.

Зарафшон иқтисодий райони Ўзбекистон умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26,7 фоизини етиширади. Иқтисодий район таркибида бу жиҳатдан Самарқанд вилояти етакчилик қиласди. Қишлоқ хўжалиги пахтачилик, қоракўлчилик, қўйчилик, мева-сабзавотчилик ва донли экинлар етиширишга ихтисослашган. Иқтисодий районда республика ялпи дон экини ҳосилининг 22,8 фоизи, гўштнинг 29,2 фоизи етиширилади. Шунингдек, картошканинг ялпи ҳосили бўйича ҳамда гўшт ишлаб чиқариш ҳажмига кўра Самарқанд вилояти мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди (371,7 минг тонна картошка, 111,9 минг тонна гўшт, 2011 й.).

Транспорт тизимининг барча турлари ривожланган, айниқса, Бухоро-Ташкент, Бухоро-Карши темир йўлларининг борлиги, “Навоий-Учқудук-Султон Увайстоф-Нукус” темир йўл линияси ишга туширилганлиги, Навоий логистика марказининг қурилиб топширилганлиги минтаقا иқтисодиёти ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Айнан мана шу логистика маркази туфайли иқтисодий район дунёning турли мамлакатлари билан ҳаво алоқалари ўрнатишга эришди. Қолаверса, минтақадан жуда катта халқаро аҳамиятга эга газ қувурларининг олиб ўтилганлиги ҳам транспортнинг ривожланганлигидан далолат беради.

Мирзачўл иқтисодий райони - ўз таркибига Жиззах ва Сирдарё вилоятларини олади. Унинг майдони 25,5 минг км^2 бўлиб, Республика худудининг 5,6 фоизини ташкил қиласди. Майдонининг катталиги жиҳатидан Жанубий минтақадан кейин тўртинчи ўринда туради.

Янги ерларни ўзлаштириш, минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида вужудга келган иқтисодий район Республика марказида жойлашган бўлиб, ғарбий қисми Самарқанд, Навоий вилоятлари, жануби қўшни Тожикистон Республикаси, шарқ томондан Тошкент вилояти, шимолда Қозогистон Республикаси билан қўшнилиги иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама қулайдир. Мирзачўл иқтисодий минтақасининг ривожланган иқтисодий районлар оралиғида жойлашуви мамлакат худудий меҳнат тақсимотида турли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга имкон беради.

Иқтисодий районда текислик, тоғ ёнбағри ва тоғли ерларнинг қўшилиб кетганлиги, табиий шароитнинг хилма-хиллиги турли хил хўжалик тармоқларини ривожлантиришга шароит яратган. Жумладан, Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол туманлари Туркистон, Молгузар, Губдин, Қўйтош ва Қароқчи тоғлари ботифида жойлашган бўлса, Сирдарё вилоятининг аксарият худуди текислик минтақасига тўғри келади. Минтақанинг тараққий этган Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ўртасида ўрнашганлиги унинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳар томонлама қўмак бериб келмоқда. Айни вақтда, жануби-шарқда Тожикистон, шимолдан Қозоғистон Республикаси билан қўшничилиги унинг геосиёсий мавқенини ҳам белгилаб беради. Районнинг иқтисодий географик ўрни турли иқтисодий алоқалар қилиш учун ҳам қулай. Бу борада, республиканинг тараққий этган вилоят ва шаҳарларини, қолаверса, қўшни республикалар билан боғловчи темир йўл, автомобиль, қувур йўлларининг ўтганлиги ҳамда шу йўллар орқали хом ашё, турли хил маҳсулотлар айирбошлашдаги хизматини қўрсатиб ўтиш лозим.

Мамлакат меҳнат тақсимотида иқтисодий район кўп иссиқ ва узок вегетация даврини талаб этувчи экинларни (пахта, пилла, ғалла, полиз) етиштиришга ҳамда боғдорчилик, чорвачилик, узумчилик, саноатда электроэнергетика, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат тармоқларига ихтисослашган лиги билан қўзга ташланади. Охирги йилларда бу ерда тоғ-кон, кимё, тўқимачилик саноатлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Жиззах вилояти қўшни Сирдарёдан фарқ қилиб турли фойдали қазилмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Бахмал, Зомин, Ғаллаорол, Жиззах, Фориш, Зарбдор туманларида минерал-хом ашё заҳиралари: олтин, кумуш, вольфрам, қўрғошин, рух, мармар, молибден, мармар, волостанит, оҳак, гранит, корунд мавжуд. қўйтошнинг вольфрам, Маржонбулоқнинг олтин, Учқулочнинг қўрғошин-рух конлари иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлидир. Аммо аниқланган қазилма конлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ҳозирча суст даражада. Бинобарин, ушбу

бойликларни ўзлаштириш юқори технологияга асосланган турли шаклли корхоналарни қуришни зарур қилиб қўяди.

Аҳолиси 2012 йил 1 январ маълумотига кўра, 1925,1 минг кишига етди, шундан Жиззах вилоятиниги 1186,1 минг киши, Сирдарёники эса 739,3 минг кишини ташкил этади. Аҳолисининг зичлиги иқтисодий район бўйича кв.км жойга ўртacha 75,5 кишидан тўғри келмоқда. Аҳолиси жойлашувида асосан Сирдарё вилояти аҳолиси тифиз жойлашуви билан тавсифланади, ўртacha 171 кишидан, Жиззахда зичлик қўрсаткичи 53,6 кишига teng. Тоғли ва тоғ олди худудларидан иборат туманлар аҳолиси сийрак, аксинча, текислик қисмида унинг зич жойлашганини қўриш мумкин.

Саноати турли тармоқларга ихтисослашганлиги билан республикада кўзга ташланади. Айниқса, иқтисодий районда аккумуляторлар, мебел, пластмасса буюмлар, ипак газлама, трикотаж кийим-кечаклар, темир-бетон буюмлар, турли хил қурилиш материаллари, пахта мойи, ун, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор корхоналар фаолият қўрсатмоқда.

Ёқилғи-энергетика мажмууда ёқилғи ресурслари бошқа иқтисодий районлардан, аникроғи Шўртан газ конидан келтирилади. Республикаиздаги энг йирик Сирдарё ИЭСининг қурилиши муносабати билан бу ерда Ширин шаҳри барпо бўлди. ИЭСнинг қурилиши қишлоқ хўжалиги билан бир вақтда саноатнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир этди. Асосий саноат маҳсулот ҳажмида электр энергетика тармоғининг улуши 66,6 фоизга tengdir. Саноатнинг бу тармоғи Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятидан фарқ қилган ҳолда, умуман ривожланмаган, керакли маҳсулот ва хом ашё асосан бошқа минтақалардан келтирилади.

Тоғ-кон саноатида рангли металлар, шу жумладан қўйтошдан 1937 йилдан бери вольфрам-молибден рудаларни, Маржонбулоқ конларидан олтин (1980 йил) ва қўйтошда волостанит, мармар, гранит, оҳак, Фориш районидаги қўрғошин, рух қазиб олинадиган Учқулоч, Баноз конлари мавжуд. Кимё ва машинасозлик соҳасида ирригация ва мелиорация

мақсадларида ишлатиладиган (Жиззах пластмасса қувурлар заводи) полиэтилен плёнкалар, қувур ва термопластдан ишланган қувур қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. "Жиззах аккумулятор заводи" очик турдаги акционерлик жамияти аккумулятор ишкори чиқаради.

Сирдарё вилоятида асосий саноат ишлаб чиқариш сўнгги 40-50 йил давомида шаклланган. 50-йилларда Мирзачўлни мажмуали ўзлаштириш мақсадида унинг қурилиш базаси яратилди ва пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат ҳамда электр энергетика ривожланиб борди. Вилоят саноатининг ҳозирги кундаги аҳволи бирмунча паст бўлиб, у бу жиҳатдан фақатгина Жиззах вилоятидан олдинда туради, холос. Енгил саноат асосан вилоят пахта хом ашёсига таянган ҳолда ривожланиб келмоқда. Дехқонобод, Боёвут, Дашибод, Учтепа, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Мирзаобод, Фарғона ва Гулистон пахта тозалаш заводлари шулар жумласига киради. Мазкур заводлар иқтисодий райондаги етиштирилган пахтани тўла қайта ишлаш қувватига эгадир. Озиқ-овқат саноатининг корхоналари деярли барча шаҳар ва туманларда мавжуд бўлиб, бунга Сирдарё, Гулистон сут заводлари, "Жиззахдомхасулотлари" ун, омухта ем, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва қатор ёғ-пишлок заводи, ёғ-экстракция, қандолат фабрикаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Юқоридаги тармоқлардан ташқари машинасозлик ва метални қайта ишлаш тармоғи ҳам шаклланмоқда. Асосан Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг Сирдарё филиали, Гулистон таъмирлаш-техника заводлари, рефрижератор-вагонларни таъмирлаш заводлари шулар жумласидандир. Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати таркибида темир-бетон маҳсулотлари, темир- бетон қувурлари заводлари ва цехлари мавжуд. Сирдарёда ҳам темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, бу ерда уйсозлик комбинати барпо этилган.

Сирдарё вилоятида қазилма бойликлар, етарлича ишчи кучи бўлмаганлиги боис оғир саноат тармоқлари суст ривожланган, аммо

келажакда тўқимачилик, машинасозлик, фармацевтика ва қурилиш саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар бор.

Қишлоқ хўжалигида тоғ, тоғ олди ва адир зоналарида лалмикор дехқончилик (буғдой, нўхат, полиз экинлари, боғдорчилик) ва обикор дехқончилик қилинади. Қишлоқ хўжалиги тармоқларидан чорвачилик, яъни қўйчилик ва паррандачилик йўлга қўйилган. Иқтисодий районнинг Бахмал, Зомин, Фориш ва Ғаллаорол туманларидағи чорвачилик тармоғи сут-гўшт ва гўшт етиштиришга ихтисослашган бўлса, Жиззах, Ғаллаорол ҳамда Зафаробод туманлари саноатлашган паррандачиликка, парранда гўшти ва тухум етиштиришга мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, бозор инфраструктурасини барпо этиш, аҳолининг ишсиз қолган қатламини иш билан таъминлаш, озиқ-овқат, қурилиш, енгил саноат тармоқларида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Дехқончиликнинг етакчи тармоғи–пахтачилик бўлсада, кейинги йилларда унинг экин майдонлари анчага қисқарди. Ҳозирги вақтда Сирдарё вилояти барча экин майдонларининг 53,1 фоизига пахта экилмоқда.

Полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳам муҳим қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўлиб, вилоят бу жиҳатдан минтақалар ичида етакчилардан ҳисобланади.

Иқтисодий районда транспортнинг баъзи турлари, яъни темир йўл, автомобил, ҳаво транспорти мавжуд. Аммо асосий транспорт тури автомобил бўлиб, у барча районларни бир-бири билан боғлайди. Республиkaning бошқа вилоятлари билан алоқа қилишда ушбу район ҳудудини кесиб ўтган Катта Ўзбек трактининг аҳамияти катта. Минтақа ҳудудидан Тошкент-Самарқанд шаҳарларини боғлайдиган темир йўллар (217 км) ўтган. Ушбу транспорт тури мазкур район ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, мамлакат аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари, электр узатиш шахобчалари (Сирдарё ИЭСдан) нинг ўтганлиги ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий

районнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида, инфраструктура алоқаларини яхшилашда транспортнинг барча турларини имконият даражасида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Минтақадан Тошкентни, мамлакатимиз жанубий ва марказий районларини Фаргона водийси билан боғлайдиган Тошкент-Сирдарё-Гулистон-Ховос-Фаргона водийси, Тошкент-Сирдарё-Жиззах-Самарқанд-Қарши-Термиз темир йўллари ўтади. Бундан ташқари, минтақада ички алоқаларини таъминлашга хизмат қилувчи транспорт тизими ҳам ривожланмоқда. Бу ўринда Сирдарё-Гагарин-Дўстлик-Пахтакор-Жиззах темир йўли ҳамда вилоятларни Тошкент билан боғловчи темир йўлнинг электрлаштирилганлиги катта аҳамиятга эга.

Жанубий-иктисодий район-ўз таркибига Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини бирлаштиради. Иктисодий район (минтақа) умумий майдони 48,7 минг км² бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 10,9 фоизини ташкил қиласди. Иктисодий географик ўрни қулай, республиканинг энг жанубий ҳудудларида жойлашган ушбу иктисодий район қўшни Тожикистон, Туркманистон давлатлари билан, республиканинг Самарқанд, Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Табиий шароитига кўра иқлими бошқа вилоятларга қараганда иссиқ бўладиган кунлар кўпроқ, ёзи иссиқ ва қуруқ, субтропик. Ҳудуди уч томондан тоғлар билан ўралган: шимолда Ҳисор, шимоли ғарбда Бойсун ва Кўҳитанг, шарқда Боботоғ тизмалари (энг баланд нуқтаси Ҳисор 4643 м). Рельефи шарқдан ғарбга томон пасайиб боради, катта майдонларни тоғлардан ташқари чўллар (Қарши, Нишон, Сандиқли, Сурхон-Шеробод), текисликлар, адирлар эгаллайди.

Жанубий иктисодий районда хилма –хил минерал ресурслар, нефть, газ, тошқўмир, минерал тузлар, мармар, олtingугурт, рангли металлургия, энергетика, кимё, қурилиш материаллари ҳамда шифобахш минерал сувлар топилган. Асосий нефть ва газ конлари Ҳавотоғ, Учқизил, Кўкайди Кўкдумалоқ, Муборак, Помук, Шўртан, Зеварди ва Лалмикордадир. Тошқўмир Бойсун ва Шарғунда, Дехқонобод, Хўжаиконда эса турли хил туз

конлари жойлашган. Тубагатан калий тузи кони калий ўғитларини ишлаб чиқариш саноати ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Сув ресурслари билан Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё ва уларнинг ирмоқлари (Жондирдарё, Оқсув, Танхоздарё, Оёқчидарё, Қизилдарё), Учқизил, Қумқўргон, Жанубий Сурхон, Ҳисорак, Қалқамин, Чимқўргон, Қамаши, Пачкамар сув омборлари, Катта Ҳисор, Аму-Занг, Ҳазорбог, Қарши магистрал, Миришкор, Эски анҳор ва бошқа каналлари минтақани таъминлайди. Ушбу сув манбалари иқтисодий район суғорма дехқончилигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий район рекреация ва туризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Жумладан, Сурхондарёдаги Омонхона, Учқизил, Хўжаикон, Қашқадарёдаги Мироқи дам олиш сиҳатгоҳлари, тарихий ёдгорликлар (Оқсарой ва б.), эски Насаф қолдиқлари, ғорлар ва бошқ.

Жанубий минтақада 4997,4 минг киши ёки мамлакатнинг 16,9 фоиз аҳолиси яшайди, аҳоли ҳудуд бўйлаб нотекис жойлашган, зичлиги кв.км жойга ўртacha 102,6 кишидан иборат (2012 й.), шундан Сурхондарёда 110,4 кишидан, Қашқадарё вилоятида эса ўртacha кв.км жойга 97,1 кишидан тўғри келади. Аҳолисининг 55,6 фоизи Қашқадарё вилоятида, қолган қисми Сурхондарёда истиқомат қиласи. Ҳар иккала вилоят республикада аҳолининг табиий кўпайиши энг юқорилиги билан ажралиб туради. Бу эса вилоятларда аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш заруратини қўяди.

Иқтисодий район хўжалиги республикада аграр–индустрисал йўналишда бўлиб, минтақанинг географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари, тарихий ривожланиш хусусиятларига таянган ҳолда иқтисодиёти тараққий этмоқда. Саноатида нефть-газ, енгил саноат, асосан, пахта тозалаш саноати, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноатлари яхши ривожланган. Айниқса, Ходиза, Шарғун-Сариосиё, Бойсун, Шўртгангаз мажмуасидаги конлар саноат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Шу боисдан, ҳам иқтисодий район республикада кўмир ва нефть саноати бўйича етакчи ҳисобланди.

Тошғузор – Бойсун - Қумқұрғон темир йўлининг қурилиши, кўпгина ёқилғи ресурсларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар минтақа саноатининг келгусида янада тараққий этишидан далолат беради. Электр энергияси билан билан Тўпаланг ГЭС, Толлимаржон ИЭС, Муборак иссиқлик энергетика марказлари таъминлайди.

Курилиш материаллари саноатида Шерободда маҳаллий хом ашё асосида йирик ва умуман Жанубий Ўзбекистонда ягона цемент заводи қурилиши катта аҳамиятга эга. Қашқадарё ҳиссасига Ўзбекистондаги нефтьнинг (газ конденсати билан бирга) 95 фоизи, табиий газнинг 95,8 ва олtingугуртнинг деярли 100 фоизи тўғри келади. Саноат тармоғида тўқимачилик корхоналари, Шахрисабзда ип-газлама ("Оқсарой - тўқимачи" ҚҚ, ипак-чилик), пахта тозалаш заводлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, "Шўртан нефть-газ" шўъба корхонаси, "Сурхондарёноммаҳсулотлари" ҳамда "Ҳисор нефть-газ", "Сурхонтекс", "Жарқўрғон нефтьни қайта ишлаш" каби қатор қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Жанубий иқтисодий район республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 16,3 фоизини беради. Минтақанинг Сурхондарё вилояти ўзининг агроиктисодиёти ривожланишига кўра Қашқадарёдан олдинги ўринларда туради. Сурхондарёдаги Сурхон-Шеробод чўлида янги ерларни ўзлаштириш натижасида, ингичка толали пахтачилик, экспорт йўналишида субтропик мевачилик ва эртаги сабзавот маҳсулотларини етиштириш, Қашқадарёда пахтачилик, боғдорчилик ва ғаллачилик, Қуйи зонада, яъни Қарши даштида пахтачилик йўлга қўйилган. Хусусан, тоғ ва тоғолди ҳудудларда боғдорчилик ва узумчилик яхши ривожланган. Тоғ ёнбағирларида лалмикор дехқончилик, боғдорчилик ва узумчилик учун шароит қулай. Чўл минтақасида эса ғалла ва чорвачилик йўлга қўйилган. Ғаллачилик қисман тоғ этакларида обикор ерларда лалмикор дехқончилик асосида ҳам ташкил этилган.

Умуман иқтисодий районда турли хил мевалар, айниқса олма, хурмо, узум, анжир, анор, бодом, писта, ёнғоқ, цитрус мевалари қўплаб

етиштирилади. Сурхондарё вилоятининг Денов тумани субтропик боғдорчилик ва цитрус меваларини етиштиришга ихтисослашган бўлса, вилоят марказлари, шаҳар атрофларида сабзавот ва картошка, кўкатлар етиштирилади. Айниқса, Сурхондарёда йил бўйи сабзавот ҳосилини олиш имкони бор. Пиллачилик пахтачилик тармоғи билан биргаликда олиб борилади. Иқтисодий район бўйича пахта умуммамлакат ер майдонининг 21,4 фоизига, донли экинлар 21,9 фоизига экилади.

Чорвачилигига чўлларда қоракўл қўйлари, адир-тоғ этакларида машҳур ҳисори қўйлари, адир-тоғ минтақасида жайдари қўй эчки, қорамоллар боқиласди. Иқтисодий районда жами республикадаги йирик шохли қорамолларнинг 19,0 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 32,2 фоизи тўпланган. Айнан қўй ва эчкилар сони бўйича Қашқадарё (3233,5 минг бош, 2010 й.) вилояти республикада (15340,9 минг бош, 2010 й.) биринчи ўринни эгаллайди. Шу боисдан бўлса, керак ушбу вилоят мамлакатда гўшт ишлаб чиқаришда Самарқанд ва Тошкент вилоятидан кейин учинчи ўринда, сут, жун ишлаб чиқаришда эса биринчи ўринда туради.

Транспорт. иқтисодий районда темир йўл транспорти катта аҳамиятга эгадир. Бунда Тошкент-Термиз темир йўли алоҳида аҳамиятга эга. 1995 йил 17 августда Вазирлар Мажхамаси қарори билан Қашқадарё ва Сурхондарё оралиғида Ғузор-Бойсун-Қумқўргон темир йўли қурилиши бошланиб, 2007 йилда қуриб ишга туширилган Тошғузор – Бойсун - Қумқўргон темир йўли иқтисодий район ижтимоий-иктисодий ривожланишида, темир йўл атрофидаги турли хил қазилма бойликлар, рекреация ва туристик имкониятлардан кенг фойдаланишда муҳим имкониятлардан бирига айланди. Бу темир йўл Сурхондарё билан Тошкент орасидаги масофасини 120-130 км га қисқартиришига сабаб бўлди.

Жанубий район ички алоқаларида Термиз-Қарши, Термиз-Ҳайратон (Афғонистон), Термиз-Душанбе, Термиз-Тошкент, Қарши-Тошкент каби автомобил йўлларининг роли юкори. Қувур транспорти, ҳаво транспортининг вилоят ички ва ташқи алоқаларида аҳамияти ошиб бормоқда.

Термиз, Қарши шаҳарларида йирик халқаро аэропорт бор. У иқтисодий район ташқи алоқаларини амалга оширишда хизмат қилади.

Қуи Амударё райони- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан таркиб топган республиканинг энг шимолий минтақаси ҳисобланади. Унинг майдони $172,7$ минг км² ёки мамлакат ҳудудининг $38,4$ фоизини ташкил этади. Қорақалпоғисон Республикаси майдони жиҳатдан республикада энг олдинги ўринда туради ($166,6$ минг км.кв.), Хоразм вилоятиники эса $6,1$ минг км.квни ташкил этади. Шу боисдан ҳам бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг энг катта иқтисодий райони ҳисобланади. Район, Амударёнинг қуи оқимида, Орол дengизининг жанубий қисмида Қизилқум чўлининг ғарбида ва Устюрт платосининг шарқий қисмида ва Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган. Табиий шароитига кўра хилма-хил, асосан текисликлардан иборат, фақатгина Султон Увайс тоғи ва айрим қирлар қад кўтариб туради.

Бунда Туямўйиндан Орол дengизигача чўзилган Амударё мансабидан иборат пасттекислик, Амударёдан ўнг томонда жойлашган Қизиқумнинг шимоли-шарқий қисми, Устюрт платоси ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий район шимолда жуда катта майдонни эгаллаган ҳолда иқлими кескин континентал, иссиқ кунлар нисбатан камроқ, вегетация даври қисқа, баҳори кеч, кузи эрта бошланиши билан тавсифланади. Қолаверса, район дунёдаги энг шимолда пахта этиштирадиган ҳудудлардан ҳисобланади.

Табиий ресурслардан табиий газ, тузлар, курилиш материаллари, Султон Увайс тоғида фосфорит, темир рудаси, Оқтоғда плавик шпати ва тальк, Қушхонтовда мирабилит, Қўнғирот атрофидаги Борса - келмас ҳамда Қораумбет каби конларда сульфат - магний, тош ва ош тузлари ва ҳакозолар учрайди. Қорақалпоғистоннинг Устюрт қисмида табиий газ ва айниқса, нефть конларининг йирик заҳиралари борлиги аниқланган. Бу ердаги, Оқшолоқ, Шоҳпахта, Қувониш конларидан табиий газ қазиб олинади. Хоразм вилояти ҳудуди фойдали қазилмаларга унчалик бой эмас.

Сув ресурслари етишмаслиги, Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар айнан ушбу ҳудудларга хос. Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудида жойлашган Орол денгизи сўнгги 40-45 йилда мунтазам равишда қуриб бормоқда ва унинг қуриган қисмида Оролқум пайдо бўлган. Агар 1964 йилда Орол денгизининг майдони 66,0 минг кв.км.ни ташкил этган бўлса (Қозогистон қисми билан бирга), 2009 йилда денгизнинг майдони атиги 8,9 минг кв. км.га ёки денгизнинг сув ҳажми ҳам 1083 куб км дан 87 куб км гача қисқарган.

Аҳолиси 2012 йил 1 январ маълумотига кўра, 3322,8 минг киши бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг 11,3 фоизига teng. Аҳолининг ўртacha зичлиги 1 км^2 майдонга 19,2 киши, шундан Хоразм вилоятида 267,1 кишидан, Қорақалпоғистон Республикасида бунга номутаносиб равишда 10,2 кишидан тўғри келади. Хоразм вилоятининг ер майдони кичиклиги, ҳудудининг асосий қисмини ўзлаштирилганлиги, ижтимоий-иктисодий ва демографик салоҳиятининг юқорилиги аҳоли жойлашуvida ўз аксини топган.

Иктисодий район таркибидаги вилоятлар ўзларининг табиий шароити ва қазилма бойликлари, демографик, табиий географик ва ресурс салоҳиятининг бир хил эмаслиги уларда иктисодиётнинг ўзига хос тармоқлари шаклланишига олиб келган. Мамлакат меҳнат тақсимотида район иктисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга пахтачилик, дончилик, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат, тоғ-кон кимёси, қурилиш материаллари ва тўқимачилик, енгил саноатнинг айрим тармоқлари ривожланганлиги билан кўзга ташланади. Шунга биноан, районда пахта, шоли, жун, ўсимлик ёғи, гилам, трикотаж, нон ва нон маҳсулотлари, омухта ем, алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, районда халқаро туризмни ривожлантириш учун шарт-шароит мавжуд.

Минтақада оғир саноат, хусусан, ёқилғи-энергетика, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қора ва рангли металлургия суст ривожланган. Шунингдек, кимё, нефть - кимё, қурилиш материаллари саноат тармоқлари охирги йилларда тобора ривожланиб бормоқда. Кўнғирот туманида сода

ишлаб чиқарувчи замонавий корхонанинг қурилганлиги ва шунинг асосида кимёгарлар шаҳарчаси – Элободнинг барпо этилганлиги иқтисодий район иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Минтақадаги Тахиятош ИЭС, Тумбайин ГЭС ягона электр энергия ишлаб чиқарувчи манбалардан биридир. Енгил саноати таркибида тўқимачилик ва пахта тозалаш корхоналарининг ўрни катта. Кўшма корхоналардан Урганчдаги "Хоразм Нуртоп" қўшма корхонаси, Буюк Британия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, "Боғот текстиль" қўшма корхонаси, "Кока-кола" ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонаси Урганч филиали, Гурлан пахта тозалаш заводлари, "Беруний толаси", Кегайли туманидаги "Халқобод момифи", Кўнғирот туманидаги "Кўнғирот ун заводи", Тўрткўлдаги "Тўрткўл оқ олтин", "Tortkol asaka tekstil", Нукус шаҳридаги "Нукус винозаводи", "Кўнғирот сода заводи", "ККиккикарамет" корхоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари, Хива гилам комбинати, Ҳазораспдаги ягона шакар заводи-Хоразмшакар" ининг нафакат минтақада, балки республика саноатида ўрни бор.

Иқтисодий районнинг экологик – географик ўрни, яъни унинг Оролденгизига яқинлиги, ушбу минтақада вужудга келган экологик вазият қишлоқ хўжалиги ривожланишга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Аммо шунга қарамасдан, минтақа агроиқлимий шарт-шароитларга боғлик ҳолда, пахта, шоли, гўшт, жун маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Экологик ҳолатининг ёмонлиги боис, иқтисодий район республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг атиги, 9,3 фоизини беради (2010 й.). Донли экинлар ялпи ҳосили камлигига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси (289,4 минг тонна) Навоий вилоятидан (247,2 минг тонна) кейин иккинчи, Хоразм (333,9 минг тонна) эса учинчи ўринларни эгаллайди. Бундан буғдойнинг ялпи ҳосили камлиги жиҳатдан эса, Қорақалпоғистон Республикаси (196,3 минг тонна) ҳатто республикада биринчи ўринда туради. Бинобарин, буғдой ҳосилдорлиги ҳам ушбу республикада энг паст, гектарига 29,5 центнер (ўртacha кўрсаткич-45,9).

Чорвачиликда мамлакатдаги йирик шохли қорамоллардан 16,0 фоизи ушбу иқтисодий районда боқилади. Шундан, сигирлар Қорақалпоғистон Республикасида 254,1 минг бош, Хоразм вилоятида эса 280,7 минг бошга етган (2010 й). Қўй ва эчкиларнинг энг кам сони ва салмоғи айнан ушбу районга тўғри келади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида жами республикадаги қўйларнинг 4,9 фоизи, Хоразм вилоятида эса 2,3 фоизи тўплланган. Бу ерда Хоразм вилоятининг ер майдони, яйловлар камлигини тушуниш мумкин, бироқ Қорақалпоғистон Республикасидаги катта ер майдонлари, ушбу тармоқни ривожлантиришга имкон беради.

Мазкур чорва молларининг минтақада кам сонлилиги табиийки, гўшт, сут ишлаб чиқаришда яққол сезилмоқда. Айниқса, бу Қорақалпоғистон Республикасида кузатилади, чунки, бу ҳудуд гўшт (33,6 минг тонна), сут (183,6 минг тонна), тухум (46 млн дона) ишлаб чиқариш бўйича республикада (855,0; 6169,0 минг тонна, 3061,2 млн дона, 2010 й.) энг охирги ўринларда туради. Иқтисодий район қишлоқ хўжалиги тармоқлари туманлар миқёсида турлича тақсимланган бўлиб, уларда бу тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигининг ўсишига эришиш минтақа ахолисини, хўжалигини зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир.

Транспорт тармоғи иқтисодий район алоқаларини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг барча турлари яхши ривожланган. Жумладан, Хоразм ҳудуди орқали ўтган Туркманобод – Тошховуз-Бейнау темир йўли, Қорақалпоғистон ҳудудидан Ўзбекистонни Россия билан боғловчи Тахиатош – Бейнов темир йўлининг ўтганлиги вилоят, минтақа ижтимоий-иктисодий ривожланишига, Туркманистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар билан алоқа қилишида қулай шарт-шароитлардан биридир. Шу билан бирга кейинги йилларда қурилиб ишга туширилган Нукус – Чимбой темир йўлидан Кўнғирот – Нукус – Чимбой йўналиши бўйича йўловчилар ташишда фойдаланилмоқда. Айни вақтда, Учқудуқ – Мискин – Нукус темир

йўлининг қуриб ишга туширилиши мамлакатимиз транспорт мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Автомобил йўлларидан маҳсус Давлат дастури асосида қурилган Нукус - Бейнов магистрал автомобил йўли минтақа ҳаётида катта мазмун касб этмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий районда сув транспорти (Амударё, Орол денгизи), қувур, ҳаво транспорти маҳаллий ва халқаро алоқаларни амалга оширишга катта ҳисса қўшишмоқда.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбекистон маъмурий-худудий бўлинишига кўра, нечта вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқлардан иборат?
2. Нима сабабдан республика иқтисодий районларга ажратилади?
3. Иқтисодий районлаштиришнинг қандай турларини биласиз?
4. Фарғона иқтисодий районинг табиий шароити ва бойликлари, демографик вазиятига иқтисодий жиҳатдан баҳо беринг.
5. Қуйи Амударё иқтисодий райони мамлакатимизда қандай соҳаларга ихтисослашган ва унинг истиқболдаги ривожланиш омиллари қайслар?
6. Тошкент иқтисодий райони иқтисодиётининг худудий таркиби қандай?
7. Нима учун Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида оғир, машинасозлик саноат яхши ривожланмаган?
8. Жанубий иқтисодий районининг асосий муаммолари ва истиқболда ривожланишининг устувор йўналишларини таърифлаб беринг.
9. Қуйи Амударё ҳаво транспорти қандай ривожланган?
10. Иқтисодий районлаштиришнинг халқ ҳўжалигида аҳамиятини нималарда кўрасиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Каримов И. Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
3. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 48 б.
4. Алисов Н. В., Хорее Б. С. Экономическая и социальная география мира {общий обзор). М., 2001.
5. Асанов Г.А., Набиҳанов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси.-Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Ахмедов Э. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома.-Т.: Ўзбекистон, 2006.-384 б.
7. Бутов В. И. Экономическая и социальная география мира и России. Ростов н/Д, 2003.-200с.
8. Винокуров А.А. и др. Введение в экономическую географию и региональную экономику России: учеб. Пособие для студентов, обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, «Бухгалтерский учёт, анализ и аудит».-М.: Гуманитар.изд.центр ВЛАДОС, 2008.-550 с.
9. Максаковский В. П. Общая экономическая и социальная география. Курс лекций. В двух частях. Часть:- Гуманитар. Изд. Цент ВЛАДОС, 2009.
10. Солиев А.С. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари.-Т., 2007.
11. Солиев А.С., Аҳмедов Э.А, ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт.-Тошкент: Университет,-2003й.

12. Солиев, А.Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.
13. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев К., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – 280 б.
14. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

ГЛОССАРИЙ - таянч сўзлар

Автаркия – бошқа мамлакатлар иқтисодиётига асосланиб миллий иқтисодиётни таъминлашга йўналтирилган сиёсат.

Агломерация – аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади

Аграр ислоҳотлар – ерлардан фойдаланиш тизимида давлат тадбирлари. Мамлакатлар ва уларнинг туманларининг иқтисодий географик шароити ва тарихий хусусиятлари ислоҳатларга катта таъсир кўрсатади.

Агробизнес – фойдани қўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида бошқаришни замонавий усусларидан фойдаланишга асосланган қоидаларни қўллаш. Йирик қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам агробизнесда қатнашишлари мумкин, бунда икки томон ўртасида қатъий келишув ҳосил бўлади.

Агросаноат мажмуи (ACM) – мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хом-ашёси билан таъминловчи тармоқлараро хўжалик мажмуи:

Агрофирма-муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхона.

Антрапология (грек тилидан – antropos – “инсон”) инсон организмининг эволюцияси ва ундаги жисмоний ўзгаришларнинг келиб чиқиши қонуниятлари, шунингдек ирқларнинг вужудга келиши ва географик тарқалишини ўрганиб, у аҳоли географияси билан биргаликда аҳоли меҳнат фаолияти турмуш шароити ва маданиятидаги ҳудудий хусусиятларни ўрганади.

Асосий фондлар – ишлаб чиқариш воситалари, улар жойлашган бинолар.

Аҳоли деганда – маълум ҳудудда яшайдиган кишилар гурухи тушунилади. Шу боисдан илмий – географик тадқиқотларда аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини атроф муҳит ва хўжалик билан бевосита боғлиқ ҳолда тадқиқ этишади.

Аҳоли зичлиги – майдон бирлигига . одатда 1 км.кв. га тўғри келувчи аҳоли сони тушунилади.

Бизнес-кишиларнинг фойда олиш мақсадидаги иқтисодий фаолияти.

Венчур корхоналари – йирик компаниялар буюртмалари ва давлат битимлари бўйича илмий текшириш соҳаларида муҳандисликда, инновацияда фаолият кўрсатувчи фирмалар.

Глобаллашиш – умумжаҳон деган маънони англатиб, дунё ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги замонавий жараёнларнинг умумлашувидир.

Дехқон хўжалиги - ўз қарамоғида бўлган мулк, ер ва бошқа табиий ресурсларда фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, саклаш ва сотишни амалга оширувчи мустакил хўжалик юритувчи субъект.

Ер рентаси – Ер эгасига вақти-вақти билан ижарачи томонидан ердан фойдаланганлиги учун тұланиб туриладиган сүм мікдори.

Жамғарма бойлик-асосий ва айланма фондлар, ахолининг шахсий мулки кабилар инсон меҳнати туфайли яратилған бойлик.

Жаҳон бозори – ер юзасидаги барча давлатлар миллий бозорларининг йиғиндиси, давлатлараро савдо.

Жаҳон хўжалиги – жаҳондаги барча давлатларнинг миллий хўжалиги йиғиндиси.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туриш – бозор иқтисодиётида давлат ва жамият ташкилотлари томонидан ҳаракатдаги социал-иктисодий тизимни ўзгариб турған шароитга мослаштириш мақсадида амалга ошириладиган қонуний, ижро ва назорат қилиш хусусиятига эга бўлган тадбирлар тизими.

Иқтисодий ўсиш – муайян давр ёки бир йил давомида яратилған ЯИМ ёки унинг киши бошига ишлаб чиқарилған ҳажми.

Инвестиция – узоқ мудатли капитал қўйилма, сармоя.

Инновация – техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликлар ва бу янгиликларнинг иқтисодий фаолиятнингтурли соҳаларда қўлланилиши.

Интенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқариш кўлами, чратилған маҳсулотлар ва хизматлар хадмининг ресурсларни тежамли ишлатиш хисобидан ошиб бориши, улар сифатини яхшиланиши. Сифат ўсиш.

Ишчи кучи – иш қидираётганлардан ташқари барча ишловчилар ва ишламоқчи бўлганлар.

Макроиктисодий барқарорлик-иктисодий инқирозга бархам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражада сақлаб итуриш, иқтисодиётни соғломлаштириш.

Меҳнат ресурслари – меҳнатга яроқли аҳоли. Меҳнат ресурсларини аниқлашда ахолининг ёш ва жинс таркиби ҳисобга олинади. Уларга 16-59 ёшдаги эркаклар, 16-55 ёшдаги аёллар киради.

Меҳнат ресурслари – ахолиниг меҳнатга лаёқатли қисми. Эркакларнинг 16 ёшдан-59 ёшгача, аёлларнинг 16-54 ёшгача бўлган қисми.

Меҳнат унумдорлиги – маълум вақт (соат, сутка, ой, йил) ичидан ишлаб чиқарилған маҳсулотнинг мікдори билан ўлчанади.

Миллий бойлик-мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим интеграл кўрсаткич. У ўз ичига табиий, қайта тикланмайдиган ресурсларни ҳамда яратилған, амалга ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида фойдаланилаётган барча моддий ва маънавий бойликларни қамраб олади.

Миллий даромад- янгидан вужудга келтирилған қиймат бўлиб, СММдан эгри солиқларни чиқаруб ташлаш йўли билан аниқланади.

Монархия – давлат бошқаруви авлоддан авлодга ўтувчи якка хокимлик.

Никоҳ- бу эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг, уларнинг бирбирига ва ўз болаларига нисбатан хуқуқлари ва мажбуриятларининг жамият томонидан қайд этиладиган ва бошқариладиган шаклидир.

Никоҳ ёши-бу қонун ёки одат никоҳга киришга рухсат берадиган энг кичик ёшидир.

Никоҳ структураси –**бу аҳолининг никоҳ ҳолатлари (статуслари) бўйича тақсимланишидир.** Никоҳ структураси аҳолини рўйхатга олиш ёки микро рўйхатга олиш маълумотлари бўйича белгиланади.

Оила – инсонларнинг табиий, биологик, никоҳ-қон қариндошлиқ, иқтисодий, хуқуқий, иаънавий муносабатларда асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳидир.

ОПЕК – нефтьни экспорт қилувчи, унга қўйидаги давлатлар аъзо: Саудия Арабистони, Ирек, Қувайт, БАА, Жазоир, Ливия, Нигерия, Габон, Индонезия, Венесуэла, Мексика, Штаб-квартираси Австриянинг пойтахти Венс шахрида жойлашган.

Репродуктив ёш - тикланиш ёши, яъни балоғатга (оила қуриш ёшига) етган аҳоли қатлами.

Соф миллий даромад(СМД)- янгидан яратилган маҳсулот (хизмат)ларнинг хақиқий ҳажмини белгилайди.

Соф миллий маҳсулот (СММ)- амортизатсия ажратмалари суммасига камайтирилган ЯММ(ИММ) сифатида чиқиб, таркибан миллий даромад ва эгри солиқлардан иборат бўлади.

Структуравий ишсизлик - ишсизлик бозорининг маълум маҳсулот тури билан тўлдирилиши натижасида шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг сўниши билан юзага келадиган ишсизлик.

Табиий бойлик-ер, сув, ер ости ва устидаги бойликларни инсон яратган эмас. Улар табиат инъоми. Аммо уларни бойлик сифатида инсон манфаати йўлида ишлатилиши меҳнатсиз бўлмайди. Чунки, табиат инъомлари ўз-ўзидан қайта ишланмай туриб итеъмолга ярамайди. Масалан, ер қаъридаги нефть, агар у қазиб олиниб, қайта ишланмаса, ўз-ўзидан ёқилғи бўла олмайди.

Табиий ресурс – кишилик жамияти фаолияти учун зарур бўлган ва хўжаликда бевосита фойдаланиладиган табиий элементлар. Уларга тупроқлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, минерал хом ашё, сув ва б лар киради.

Табиий шароит – маълум бир пайтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ғамда жамиятнинг ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун муҳим бўлган, аммо моддий ва номоддий ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган табиат кучлари, нарса ва ҳодисалардир.

Тикланадиган табиий ресурслар-ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ер ости айрим қатламидаги чўкинди жинслар киради. Булар инсон меҳнати туфайли қайтадан ҳосил бўлади. Бунинг учун қўриқхоналар очилади, ўсимликлар генофонди ташкил этилади, ноёб ўсимликлар давлат ҳимоясига олинади.

Тикланмайдиган табиий ресурслар- ер қаъридаги нефть, тошкўмир, газ ва бошқа фойдали қазилмалар. Уларни қазиб олиш ва ишлатиш мавжуд ресурсларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади.

Урбанизация – (лотинча urbanus – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади

Фрикцион ишсизлик – иш қидираётган ёки яқин вақт ичидан иш билан таъминланишини кутаётган ишчи кучи.

Халқаро иқтисодий интеграция – айрим мамлакатлар хўжалик иқтисодий ва сиёсий тизимининг ўзаро бирлашишини билдирувчи жараён.

Халқаро меҳнат тақсимоти – алоҳида олинган мамлакатнинг маҳсулот ва хизматлар турларини ишлаб чиқариш бўйича ихтинослашишини билдиради.

Циклик ишсизлик – ишлаб чиқариш даражасининг пасайишига боғлиқ ҳолда ишчи кучига бўлган талабни камайиши оқибатида юзага келадиган ишсизлик

Экстенсив иқтисодий ўсиш - қўшимча иш кучи ишлаб чиқариш воситаси ва ресурсларини жалб қилиш хисобига, яъни меҳнат ва моддий ресурсларни кўпроқ қўллаша хисобига ўсиш. Бунда оддий меҳнат сарфлари қисқармайди, меҳнат унумдорлиги ошмайди.

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот. Бир йил давомида мамлакат ёки бирор худудда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг қийматда ифодаланиши.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – мамлакатнинг ички хўжалик фаолиятини умумлашган иқтисодий кўрсаткичи.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – ички ва ташқи фаолиятда бир йилда моддий ва номоддий соҳаларида қандай миллат томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий қиймати бўлиб, мамлакатнинг яхлит социал-иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади.

ЯММ – бир йил давомида мамлакат корхоналари ёки миллий капитал томонидан ишлаб чиварилган товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги ифодаси .

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 бет.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
4. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 79 б.
5. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.
6. Абирқулов Қ.Н. иқтисодий география. Дарслик. - Т.: Ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2008. -272 б.
7. Абирқулов Қ.Н., Ҳожиматов А.Н., Ражабов Н. Экология. Ўқув қўлланма.- Т.: Ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2006. -185 б.
8. Алисов Н. В., Хорее Б. С. Экономическая и социальная география мира (общий обзор). - М., 2001.
9. Асанов Г.А., Набиҳанов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси ва Демография асослари. - Тошкент, 2011.
11. Бутов В. И. Экономическая и социальная география мира и России. Ростов н/Д, 2003. -200 с.
12. Вавилова э.В. Экономическая география и регионалистика. - М.: Гардарики, 2005й. -160 с.
13. Гладкий Ю. И., Соколов О. В., Файбусовин Э. Л. Экономическая и социальная география. - М., 1999.
14. Гладкий Ю.Н., Добросок В.А. Семенов С.П. Экономическая география России. Учебник. -М.: Гардарики, 2000. -752 с.
15. Голубчик М.М., Файбусович Э.Л., Носонов А.М., Макар С.В. Экономическая и социальная география: Основы науки: Учеб.для студ. Высш.учеб.заведений. -М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. - 400с.
16. Копылов В.А. География населения. - М., 1999.
17. Максаковский В. П. Географическая картина мира. Ч. Т. Общая характеристика мира. - Ярославль, 1993.
18. Максаковский В. П. Общая экономическая и социальная география. Курс лекций. В двух частях. Часть. – М.: Гуманитар. Изд. Цент ВЛАДОС, 2009.-367
19. Медков В.М. Демография. - М., 2004.
20. Солиев А.С. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари. -Т., 2007.

21. Солиев А.С., Аҳмедов Э.А, ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. -Тошкент: Университет, 2003.
22. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.
23. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. – 280 б.

Кўшимча:

1. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
2. Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана. - Т.: Госкомземгеодезкадстр, 2008.
3. Ата–Мирзаев О, Тухлиев Н. Узбекистан: природа, население, хозяйство. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2009.
4. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.
5. Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
6. Бугаев В. К. Социально – экономическая регионалистика – Спб Издательство “ВВМ”, 2007.
7. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Тошкент, 2001.
8. География России. Энциклопедический словарь / Гл. ред. А.Р.Горкин. -М.: Бол.Рос.ентс., 1998 й. - 800 с.: ил., карти.
9. Фуломов П. Жўғрофия атмалари ва тушунчалари изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. Фуломов П., Ҳасанов И. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2007.
11. Фуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. -Т., 1999.
12. Демографический ежегодник Узбекистана – 2003. – Ташкент, 2004.
13. Доклад о человеческом развитии Узбекистана-2003 г. - Т.: Ўзбекистон, 2004.
14. Доманьский Р. Экономическая география: динамический аспект. Перевод с польского. – М.: Новый хронограф, 2010.
15. Қаюмов А. ва бошқалар. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. - Т.: Университет, 2005.
16. Қаюмов А., Назарова Ҳ., Эгамбердиев Ф. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўкув қўлланма. – Т., 2004.
17. Қишлоқ жойлар демографияси. Проф А.С.Солиев таҳрири остида. – Т., 2005.
18. Ломакин В.А. Мировая экономика. - М.: Финансы, 1998.
19. Ломакин В.А. Мировая экономика. - М.: Финансы, 1998.
20. Максаковский В.П. Географическая картина мира. - Ярославл, 1996.
21. Мировое хозяйство и международное экономическое отношение на современном этапе. - М.: Новый юрист, 1998.

22. Набиев Е., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. -Т.: Академия-Университет, 2004.
23. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.
24. Населения и общества (РАН 1998 – 2011 гг.).
25. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статист. сборник. -Т.: Узбекистан, 2011. -229 с.
26. Региональная экономика // Под ред. М.В.Степанова. - М., 2000.
27. Региональная экономика // Под ред. Т.Г.Морозовой. - М., 1998.
28. Регионоведение. Учебное пособие // Под ред. проф. Т.Г.Морозовой. -М., 1998.
29. Родоман Б.Б. Территориальные ареалы и сети. - М., 1999.
30. Розин М.С., Вольф М.Б. Василевские Л.И. Современное география мирового хозяйства. - М.: Просвещение, 1998.
31. Россия регионов : в каком социальном пространстве мы живем ? – М., 2005.
32. Рўзиев. Сурхондарё вилояти. - Термиз, 1996.
33. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. - М.: Мисл, 1998.
34. Солиев А.С., Маҳамадалиев Р.Й. Иқтисодий география асослари. -Т., 1996.
35. Солиев А.С., Назаров М.И. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). - Т.: Фан ва технология, 2009.
36. Спиридонова И.А. Мировая экономика. Учебное пособие. - М., 2001.
37. Тожиева З. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (монография) . – Т.: Фан ва технология, 2010.
38. Тошкентбоев А., Насиров У. Жиззах вилояти. -Т., Ўзбекистон, 1996.
39. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. -Т., 1998.
40. Сергеев П.В. Узбекистан за годы независимости. Экономический обзор за 1991-1996 гг. -Т., 1996.
41. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997-2001.
42. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. -Т., 1996.
43. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент, 1998.
44. Ульджабаев К.У. Экономическая реформа на железнодорожном транспорте. -Т., 1999.
45. Хаггет П. Пространственный анализ в экономической географии. Перевод с английского. - М.: Прогресс, 1998.
46. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны // Под ред. проф И. А. Родионовой. – М.: Элиц – Информ, 2008.
47. www.Ziyo.net
48. www.bearingpoint.uz
49. www.ceep.uz - ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий маркази расмий сайти.
50. www.aza.uz- ЎзР Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.